

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

Низомиддин Маҳмудов

Ўқитувчи нутқи маданияти

*Бакалавриятнинг “Ўқитувчилар тайёрлаш ва
педагогика фани” билим соҳаси талабалари учун дарслик*

2-нашри

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2009

Дарсликда нутқ маданиятининг назарий асослари, амалий масалалари ёрилган, бунда бевосита ўқитувчининг нутқий фаолиятига алоҳида урғу берилган. Нутқ маданиятининг бошқа фанлар билан алоқаси кўрсатилган. Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, софлиги, бойлиги, жўялилиги, инфодалилиги каби асосий коммуникатив сифатлари батафсил таърифланган, жуда кўплаб фактик мисоллар таҳлили асосида тегишли тавсиялар умумлаштирилган. Ўқитувчининг нутқ техникасидаги норасолик оқибатида юзага келадиган нуқсонларга ҳам эътибор қаратилган, уларни бартараф этиш бўйича амалий маслаҳатлар берилган.

В учебнике освещены теоретические основы и практические вопросы культуры узбекской речи, особое внимание уделено при этом речевой деятельности педагога. Показана связь культуры речи с другими науками. Определены и обстоятельно рассмотрены такие основные коммуникативные качества речи, как правильность, точность, логичность, чистота, богатство, уместность и выразительность, и на основе анализа большого количества фактических материалов обобщены соответствующие рекомендации. Установлены частые погрешности в речи учителя, связанные с недостаточным развитием техники речи, и даны практические советы по предотвращению их.

In the text – book were enlightened theoretical grounds & practical questions of Uzbek Speech Culture, it was attracted an especially attention to the Teachers Speech activity. It was considered the Connection of Speech Culture with other Sciences Also were determined & detailed considered such main communicative Speech Qualities, as Preciousness, Clearness, Richness, Value & importance & Expressiveness on the Ground of Analyse A great deal of Fact materials were general concluded with necessary Recommendations. Frequently mistakes were determined in the Teacher's Speech, connected with insufficient Development of Speech Technique & were given practical advices on Abolishing them.

Масъул муҳаррир: **Абдусалом Умаров**, социология фанлари доктори
Тақризчилар: **Боқижон Тўхлევ**, филология фанлари доктори, профессор
Неъмат Маҳкамов, филология фанлари номзоди

Китоб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2007 йил 28 майдаги 113-буйруғига асосан бакалавриятнинг “Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани” билим соҳаси талабалари учун дарслик сифатида маъқулланган ва нашрга рухсат берилган.

ISBN-978-9943-06-070-8

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009 й.

*Ушбу китобни менинг фан йўлини
танлаганимдан фахрланиб яшаган
захматкаш онам Бибисора Мирзааҳмад
қизининг нурли хотирасига бағишлай-
ман*

Кириш

Инсоннинг маънавий камолотга эришувида, жамиятнинг маданий-маърифий ривожига она тилининг ўрни фавқулодда муҳимдир. Тил миллий маънавият, маърифат ва маданиятнинг энг холис ва хира тортмас кўзгусидир. Ҳадиси шарифларда "Кишининг зебу зийнати, гўзаллиги унинг тилидир" дейилади. Қадим-қадим замонлардан бери ҳар бир миллат, ҳар бир қавм ўз тилига буюк ҳурмат билан қарайди. Бу тилнинг соҳир оҳанглари оғушида эримоқдан адоқсиз ҳузур туяди. Бу тилга тимсол топмасликдан таскин топади. Бу нодир бойликни дунёларга бермасликка ҳозир туради. Чунки тил миллат деган бирликнинг тамал тоши, у бой берилса, миллат ҳам бой берилади. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг қуйидаги сўзларида улкан маъно бор: "Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетақрор жозибаси билан сингади... Она тили - бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар." Демакки, миллатнинг борлиги ва бирлигининг бош белгиси тилдир.

Бош мақсади Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги бўлмиш миллий ғоямизнинг курашчанлигини таъминлашда мукамал маънавият ва маърифат ҳал қилувчи омил бўлиб, она тилига мунтазам муҳаббат, давлат тилига барқарор эҳтиром ана шу омилни шакллантиради, унга куч беради, кўлам бахш этади. Шунинг учун ҳам миллий ғоя тарғибида "миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат"¹ тарбияси муҳим ўрин тутади

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: Ўзбекистон, 2000, 49-бет.

Мамлакатимизда маънавият жабҳасида олиб борилаётган бениҳоя кенг қамровли ислоҳотларда тил муаммолари, хусусан, она тилига, давлат тилига эътибор масалаларига алоҳида диққат қилинаётганлиги бежиз эмас. Республикаимизнинг "Давлат тили ҳақида"ги, "Таълим тўғрисида"ги Қонунлари, "Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур" ва бошқа жуда кўплаб ҳужжатларда бу йўналишдаги ишларнинг асосий жиҳатлари кўрсатиб берилган. Давлатимиз раҳбари 1997 йилнинг июнида Тошкентда бўлиб ўтган "Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш" комиссиясининг йиғилишида ҳар бир фуқаро учун "ўз давлат тилини билиш, уни ўрганиш юксак маънавият, Ватани ва халқига садоқат белгиси" эканлигини асосли равишда таъкидлаганлар.

Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, ҳар қандай мутахассис, замон билан ҳамқадам ҳар қандай кадр, энг аввало, ўз она тилининг садоқатли соҳиби бўлмоғи лозим. Она тилига чинакам соҳиб бўлмоқнинг бош шарти эса унинг туганмас имкониятларини тугал эгалламоқ, яъни фикрни мустақил, равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмақдан иборат нутқий маданият малакаларини шакллантирмоқдир. Зотан, нутқ маданияти тилдан бемалол ва мақсадга ўта мувофиқ тарзда фойдалана олишни таъминлайдиган кўникма, малака ва билимларнинг жами демақдир.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушунуш ҳам, оқлаш ҳам қийин"¹ деган сўзларини ҳаммаша ёдда тутмоқ керак.

XI аср Шарқининг улкан пандномачиси Кайковус "Қобуснома"да шундай бир ибратли ҳикоятни келтиради: Бир кеча халифа Хорун ар-Рашид туш кўради, тушида унинг барча тишлари тўкилиб кетган эмиш. Халифа тонгда муаббир (тушни таъбир қилувчи)дан тушининг маъносини сўрайди. Муаббир шундай дейди: "Эй амиралмўъминин, сенинг оддингда барча яқинларинг, қариндош-уруғларинг ўлади. Сендан бошқа ҳеч ким қолмайди". Бу сўзни эшитган Хорун ар-Рашид: "Ме-

¹ Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарқ, 1997, 9-бет.

нинг юзимга бундай қайғули сўзни айтдинг. Менинг барча қариндошларим ўлса, сўнгра мен қандай ишга ярайману қандай яшайман?" – дейди дарғазаб бўлиб ва уни юз таёқ билан жазолашни буюради. Кейин бошқа муаббирни чақириб, ундан тушининг таъбирини сўрайди. Муаббир бундай дейди: "Эй амиралмўъминин, сенинг умринг барча қариндошларинг умридан узоқ бўлади". Шунда Хорун ар-Рашид дейди: "Барча ақлнинг йўли бирдир ва икковининг таъбирининг негизи бир ерга бориб тақалади, аммо бу ибора билан у иборанинг орасида фарқ бағоят кўпдир". Сўнг муаббирга юз тилло беришни буюради¹. Демакки, тилда бир фикрни бир қанча шаклу шамойилларда ифодалаш имкониятлари мавжуд, айнан қайси шаклни танлаш, муайян фикр ва мулоқот вазияти учун энг уйғун ифодани топа билиш нутқ эгасининг тилга соҳиблик даражаси, маҳорату малакаси, маърифату маънавиятига боғлиқ. Мулоқот вазиятини етарлича баҳоламасдан туриб, фикр ифодаси учун танланган лисоний либос, ҳар қанча тўғри ва гўзал бўлмасин, мақсад нишонига етиб бора олмайди. Бундай ифода ҳатто бошга бало келтириши ҳам мумкин.

Гўзал ва нафис нутқ сезгиси ҳамда унга азалий ихлосу эътиқод анъанасининг ибтидоси, айниқса, кўҳна Шарқда жуда қадим замонларга бориб тақалади. Донишманд Шарқ бағрида (Фрот ва Дажла дарёлари оралиғида яшаган қадимги шумерларда) бундан беш минг йиллар бурун барпо бўлган энг "кекса" муассасалардан бўлмиш илк мактабларнинг² бош вазифаларидан бири ҳам болани тўғри, аниқ гапириш ва ёзишга ўргатишдан иборат бўлганлиги³, айни вазифанинг бизнинг кунларимизга қадар ҳам ўша моҳиятини йўқотмай келаётганлиги ҳар қандай жамият ҳаётида тил ва нутқ нуфузининг нечоғли муҳташам ўрин тутишининг шаҳодатидир.

Шуни ҳам таъкидламоқ лозимки, "цивилизация дунёнинг турли минтақаларида турлича юз бериб, муайян ҳудудлар аҳолиси дунёқараши ва турмуш тарзига чуқур ўрнашган.

¹ Қобуснома. Тошкент: Мерос, 1992, 33 - 34-бетлар.

² Крамер С.Н. История начинается в Шумере. Москва: Наука, 1991.

³ Кьера Э. Они писали на глине. Москва: Наука, 1984. С. 87-93.

Цивилизация, жумладан, Юнонистонда нафосат, Хиндистонда дин, Оврупода моддий-техника тараққиёти, Туронда эса ахлоқ шаклида вужудга келган... Қадимий Туронда ахлоққа катта эътибор билан қарашган. Юксак инсоний фазилат, инсонни миллатидан қатъи назар, барча мавжудотларнинг сарвари сифатида қадрлаш, маънавий камолот ва етуқлик, адолат, инсоф, диёнат ва имон каби хусусиятлар тирикликнинг бош мазмуни сифатида тушунилган"¹.

Бизнинг юртимизда ахлоқ серқамров, маъзи тўқ ва қиёси йўқ тушунча сифатида азалдан жамиятдаги мувозанат ва осойишталикнинг асосий омили бўлиб келган. Маънили ва бежирим гапира билиш, нутқ занжиридаги мақбул ва но-мақбул ҳалқаларни илғай олиш, сўзнинг орқа-ўнгини, ўз муносиб ўрнини фарқлай билиш, нутқий фаҳму фаросат, нозик нутқ одоби каби фазилатлар Туронда инсон умумий ахлоқининг, маънавий расолигининг таянч устунларидан саналган. Ҳатто айтиш мумкинки, чин сўз сезгиси инсон комиллигини тайин этувчи фазилатларнинг бошида турган. Азизиддин Насафий "Комил инсон" номли китобида ёзади: "Билгилки, комил инсон қуйидаги тўрт нарсага мукамал шаклда эга бўлган инсондир. Уларнинг биринчиси — яхши сўз, иккинчиси — эзгу фаолият, учинчиси — гўзал ахлоқ, тўртинчиси — илм"².

"Қобуснома"да Кайковус фарзандига шундай ўғит беради: "Эй фарзанд, сўзнинг юзин ва орқасин билгил ва уларга риоя қилгил, ҳар на сўз десанг, юзи била дегил, то сухангўй бўлғайсан. Агар сўз айтиб, сўзнинг пецук эканин билмасанг, қушга ўхшарсанки, унга тўти дерлар, ул доим сўзлар, аммо сўзнинг маъносин билмас. Сухангўй шул киши бўлғайки, ул ҳар сўзни деса, халққа маъқул бўлғай ва халқ ҳам ҳар сўз деса, унга маъқул бўлғай. Бундай кишилар оқиллар қаторига кирғай, йўқ эрса, ул инсон суратида мавжуд бўлғон бир ҳайвондур"³.

¹ Жўраев Н. Агар огоҳ сен... Тошкент: Ёзувчи, 1998, 106 - 107-бетлар.

² Ҳаққул И. Навоийни англаш машаққати // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, №1, 5-бет.

³ Қобуснома, 34-бет.

Олам аҳлини ҳайрат бармоғини тишлашга мажбур қилган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий каби улуғ алломаларимиз нутқнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида кўплаб фикрларни баён қилганлар. Масалан, "Абу Наср Форобий "Фозил одамлар шаҳри" асарида инсон фозиллигининг муҳим белгиларидан бири сифатида қувваи нотика (нутқ қуввати)ни ажратади. Унинг фикрича, инсон дунёга келиши билан ўзини боқадиган қувватта эга бўлади. Бу физолантирувчи қувват саналади. Ундан сўнг инсон ўз такомили йўлида турли қувватларни қўлга киритади. Масалан, мутоҳаййила қуввати (хаёл қилиш, умумлашган образлар яратиш), ақл қуввати ва бошқалар. Инсоннинг оламни билиш жараёнида нотика қувватининг хизмати катта эканлигини таъкидлайди".¹

Нафақат Шарқ, балки бутун дунё тиб илмида ўзига муносиб тахт яратган улуғ бобомиз Ибн Сино инсон ҳайвондан ақли ва тили билан фарқ қилишини, шунинг учун инсоннинг энг баркамоли – оқил ва сўзга чечани эканлигини айтади.²

Туркий сўз хазинасига тилло сандиқ ясаган бобомиз Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида "Одобнинг боши тилдир" деган мақол бор. Улуғ аллома Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадуғ билиг" достонида "тил ардами" (тил одоби) ҳақида бир қанча гўзал ҳикматлар мавжуд:

*"Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин."*

*"Билиб сўзласа, сўз донолик саналади,
Ногоннинг сўзи ўз бошини ейди."*

*"Ақл кўрки сўздир ва тил кўрки сўз,
Киши кўрки юздир, бу юз кўрки кўз."*

*"Туғилган ўлади, кўр, ном-нишонсиз қолади,
Сўзингни эзгу сўзла, ўзинг абад ўлмайсан."³*

¹ Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. 1-қисм. Тошкент: Камолот-Қатортол, 2000, 8-бет.

² Рустамий Алийбег. Адиблар одобидан адаблар. Тошкент: Маънавият, 2003, 12-бет.

³ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадуғ билиг. Тошкент: Фан, 1972, 86-89-бетлар.

Улуф бобокалонимиз Амир Темур нутқий ифоданинг аниқлиги ва ростлигини юксак қадрлаган, бошқалардан ҳам шуни талаб қилган. "Тарихчи Низомиддин Шомийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур уни милодий 1401 йилнинг 11 августда ҳузурига чақиртиради. Ўз ҳаёти ва фаолияти ҳақида ёзилган нарсаларни саралаб, бобма-боб тартиб бериб, китоб қилишни буюради. "Лекин шу шарт биланки, - дейди Амир Темур, - такаллуфу безак бериш, лоф уриш, муболаға қилиш бўлмасин, мақсад нималигини ўқиган одам яхши тушунсин". Банда (Низомиддин) ер ўпиб, арз қилдим: "...Олимлар мақбул сўз ҳақида шундай деганлар: "Яхши сўз улдирким, авом халқ унинг маъносини англагай, хос кишилар эса унга айб қўймагай... Байт:

*Гар истеъдог бўлмаса, ҳеч ким айтолмас
Хосга мақбулу омма тушунгудек сўзни.*

Амир Соҳибқирон "Мен ана ўшандоқ сўзни хоҳлайман" дедилар.

Амир Темур араб олими Ибн Халдунга Ўрта Ер денгизининг жанубий қирғоғидаги ерлар ҳақида ёзиб беришни топширганда ҳам "Шундай ёзгинки, мен ўқиганда ўша жойларни ўз кўзим билан кўргандай бўлай" деб тайинлаган..."¹

Чинакам маънодаги сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг сўз ва ўткир нутқ, тил ва жамият борасидаги фикрлари алоҳида диққатга моликдир. Сўз даҳосига даҳо сўзчи сифатида адоқсиз эҳтиром ва инжа сезги билан муносабатда бўлган адиб ўз асарларининг аксариятида, хусусан, муҳташам "Хамса"сининг барча дostonлари (алоҳида-алоҳида боблар)да, "Маҳбуб ул-қулуб", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Назм ул-жавоҳир" ва бошқа кўплаб асарларида сўзнинг буюк қудрати ва нутқ маҳоратининг хосиятига оид бетакрор фикрларни баён қилган.

"Муҳокамат ул-луғатайн"да айтилишича, сўз гўёки бир дурдир, дурнинг доимий макони денгиз туби бўлса, сўзнинг мунтазам макони кўнгиладир. Дур ғаввос тарафидан денгиз

¹ Қар.: Қодиров П. Тил ва эл. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2005, 73-74-бетлар.

тубидан чиқарилиб, жилвалантирилса ва унинг қиймати жавҳарига кўра баҳоланса, сўз соҳиби ихтисос томонидан кўнгиладан ташқарига олиб чиқилади ва нотикнинг қиймати сўз қўллаш маҳоратига, уни жилвалантириш қобилиятига қараб белгиланади. Бошқача айтганда, денгиз тубида ҳаракатсиз имконият тарзида турган қимматбаҳо дурлар ғаввос томонидан ҳаракатга келтирилади, кўнгиладан тубида имконият тарзида турган сеҳрли сўзлар эса сўзловчи томонидан нутқий жараёнга олиб кирилади ва ўз жилвасини намоён этади. Алишер Навоий бу фикрларини давом эттириб ёзади: "Сўз дуррининг тафовути мундин доғи беғоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятроқдур. Андоққи, шарафидин ўлган баданға руҳи пок етар, касифидин ҳаётлиқ танға заҳри ҳалок хосияти зуҳур етар.

Қ и т ъ а: *Сўз гавҳаредурки, рутбасининг
Шарҳидагур аҳли нутқ ожиз.
Андинки эрур хасис муҳлик,
Кўргузгуча гурур Масиҳ мўъжиз.*

(Мазмуни: "Сўз шундай гавҳардирки, мартабасини аниқлашдан нутқ эгалари ожиздир: мартабаси — ёмон сўзнинг ҳалок қилувчилигидан тортиб, яхши сўз билан Исонинг мўъжиза кўрсатишига (одам тирилитиришига) қадар боради")"¹

"Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин" деган ғоясининг далолати сифатида Алишер Навоий нутқ одоби, сўзга соҳиблик, сўзнинг орқа-ўнгини ва унинг нутқдаги ҳамда мулоқотдаги ўз ўрнини билиш каби фазилатларни инсон ахлоқининг тамалларидан бири деб ҳисоблаган, буни жамиятга англатиш борасида ҳам амалий, ҳам назарий фикрларни илгари сурган. Маълумки, тил тилсимининг қудратини теран тасаввур этиш ва бу қудратни тугал ишга солиш учун мунтазам маҳорат ва малака талаб қиладиган нарса тилнинг ўз моҳиятида мавжуд. Тил моҳиятан битмас-туганмас, чексиз-чегарасиз ифода имкониятларининг жамидир. Алишер На-

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 14-том. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967, 105-106-бетлар.

войй бетакрор истеъдоди қуввати билан бу қудратни зан-жирбанд қила олган аллома сифатида айни имкониятларни ичдан кўра ва кўрсата билган. Шунинг учун ҳам у тилдаги мавжуд ифода имкониятларидан нутқ вазияти ва мақсадига энг мувофиғини танлаш осон эмаслигини, сўзловчи бу бо-радаги маҳоратини оширишга ҳар вақт эътибор билан қара-моғи шартлигини таъкидлаган.

Арабларда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) замонидан бошлабоқ тилга эътибор, нутқ маҳоратини эгаллашга даъват кучайган. Халифа Абдумалик нотиклик санъатини етарли даражада билмаган, араб тили гўзаллигини намойиш эта ол-маган киши ҳокимиятни бошқариши мумкин эмаслигини таъкидлаган. Шунинг учун ўғли Валидни ҳам бир неча марта классик араб тилида тўғри гапира олмаганлиги туфайли койиган. Шундай қилиб, жамиятда ва фанда катта нуфузга эга бўлиш учун ҳар бир шахс ўз тилининг бой имкониятла-рини тўла эгаллаши ва уни амалий қўллай олиши шарт қилиб кўйилган¹.

Шоҳ ва шоир бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур нутқ-нинг содда, раvon ва аниқ бўлишига, нутқий малаканинг юқори бўлиши лозимлигига алоҳида эътибор берган. Унинг хоҳ назмий бўлсин, хоҳ насрий бўлсин, барча асарларида нафис нутқнинг нодир намуналарини кўриб, ҳузурланиш мумкин. Сўз ва саркардалиқ илмининг беназир билимдони бўлган Бобур ўз фарзандларининг ҳам адиб ва арбоб сифа-тидаги камолини кўзлаб, уларнинг нутқ санъатини эгалла-шини, ўта саводли иншога эга бўлишини энг жиддий вазифа деб ҳисоблаган. Бобур ўғли Ҳумоюнга ёзган мактубида айни шу вазифани яна бир бор эслатади: "Хатингни худ ташвиш била ўқуса бўладур, вале асру муғлақтур (жуда чалкашдир). Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хейли рост эмас, *илтифоти* "то"(ҳарфи) била битибсен, қулунжни "ё"(ҳарфи) била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин (чалкаш сўзларингдан) мақсуд тамом мафҳум бўлмайду (ту-шунилмайди). Фолибо хат битирда қоҳилингни (бўшлигинг)

¹ Нурмонов А., Маҳмудов Н. Кўрсатилган асар, 29-бет.

ҳам ушбу жиҳаттиндир. Такаллуф (ҳашамат, безак) қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити: ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғувчиға."¹

Маълумки, ўзбек тилидаги "нутқ" ва "нотиқ" сўзларининг асоси келиб чиқиши нуқтаи назаридан бирдир. Нутқ устасининг, нутқий маданиятни мукамал эгаллаган шахсининг номи "нотиқ" бўлиб, Шарқда нутққа усталик анъанаси санъат даражасига кўтарилган, "нотиқлик санъати" деб юритилган.

Албатта, нотиқлик санъати энг қадимги санъат турларидан бири сифатида дунёнинг турли ўлкаларида турли даражада ривож топди. "Кўплаб илмларнинг бешиги бўлган қадимги Юнонистон (Греция) нотиқлик санъати соҳасида ҳам жаҳон маданияти тарихининг энг ёрқин саҳифаларини яратди. Шуни айтиш кифояки, жаҳон ижтимоий тараққиётининг ҳеч бир даврида, ҳеч бир босқичида нотиқлик санъати қадимги Юнонистондаги каби катта мавқе ва профессионал баркамолликка эришганича йўқ."² Қадимги юнон ва Рим нотиқлик санъати мактаби Перикл (э.о. 500 — 429 йиллар), Демосфен (тахминан э.о. 384 — 322 йиллар), Цицерон (э.о. 106 — 43 йиллар) (унинг "Тарихда ё яхши ҳарбий саркарда, ё яхши нотиқ бўлиш керак" деган гапи машҳур) каби нотиқлик санъатининг кўплаб назарий ва амалиётчиларини етказиб берган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Юнонистонда цивилизация Турондагидан фарқли ўлароқ, юқорида айтиб ўтилганидай, нафосат шаклида юзага келганлиги, айти пайтда ўша давр юнон демократик тартиботида нутққа айрича эътибор берилганлиги боис юнон ва Рим нотиқлик санъати Турон нотиқлик санъати (ахлоққа асосланган)дан муайян жиҳатлари билан фарқ қилиши табиий. Масалан, шарқ нотиқлик санъатида комил нутқ сифатларининг бошида жамиятдаги мавжуд одобга уйғунлик бош ўринни эгаллайди.

"...Профессионал нотиқлик санъати Афинада ва Римда,

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент: Юлдузча, 1989, 321-бет.

² Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1982, 55-бет.

Ўрта Осиёда ва Ҳиндистонда ҳам ўзининг узоқ тарихига эга. Бу санъатни махсус ўқитиш анъаналари нотиқлик санъатининг сарчашмалари билан туташ бўлмаса-да, ҳар ҳолда жуда қадимийдир. Шуниси аниқки, Юнон, Ўрта Осиё ва Ҳинд тупроғида нотиқлик санъати асосларини ўргатувчи мустақил мактаблар, профессионал устодлар мавжуд бўлган."¹

Ўзбек — сўзнинг бебаҳо ва муқаддаслигига ҳамма замонларда имон келтирган, ҳеч қачон ўз сўздан тонмаган, лафзига мункир келмаган, сўзни ўз фарзанди каби оқ ювиб, оқ тараган халқ. Шунинг учун ҳам ўзбек аждодлар ҳикматига амал қилиб, ўйнаб гапирса ҳам, ўйлаб гапиради. Ҳамиша қолиб эмас, топиб гапиришнинг пайдан бўлади. Сўзга ошуфталик, нутқнинг латифлигидан, ундаги сўзларнинг фавқулодда уйғунлигидан завқланиш, гўзал ва таъсирли нутқ тузишга айрича ҳавас, бундай санъат соҳибига ҳайрат билан қараш ўзбекларнинг азалий урфларидандир. Айтилмоқчи бўлган фикрга мутлақо мос либос кийдира билиш, сўз билан тингловчининг фақат қулоғини эмас, балки қалбини ҳам забт эта олиш Шарқда, хусусан, ўзбекларда тарбияланганликнинг, маърифатлиликнинг, зиёиликнинг қабариқ белгиларидан бири ҳисобланган. Шунинг учун ҳам бизнинг минг йиллик маданиятимиз ва маънавиятимиз тарихида нотиқлик санъати, воизлик санъати, нутқ одоби ўзининг теран идизларига эга. Айниқса, нотиқлик санъатининг энг оммавий турларидан бири бўлмиш воизлик, яъни ваъз айтиш санъати ислом маданиятида жуда катта ижтимоий-сиёсий ва маърифий нуфузга эга бўлган. Ваъз, асосан, диний, панд-насиҳат, ҳаётий мазмундаги нутқ бўлиб, маърифий-тарғибий мақсадларни кўзда тутган. Шарқнинг жуда кўп атоқли алломалари ваъз ва воиз тушунчаларини изоҳлаб берганлар, воизнинг ботиний ва зоҳирий дунёси қандай бўлиши кераклигига алоҳида тўхталганлар. Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарининг "Насиҳат аҳли ва воизлар зикрида" деган фаслида мана бундай фикрларни билдирган: "Воиз ҳақ сўзни тарғиб қилиши, пайғамбар сўздан четга чиқмаслиги керак, энг аввал унинг ўзи Ҳақ ва пайғамбар йўлига кириши, сўнгра эса насихат билан элни ҳам шу йўлга солиши лозим. Ўзи юрмаган йўлга

¹ Иномхўжаев С. Кўрсатилган асар, 122-123-бетлар.

элни бошламоқ - мусофирни йўлдан адаштириб, биёбонга ташламоқ ва саҳрода уни йўқотмоқдир. Ўзи мастнинг элни ҳушёрликка чақирishi — уйқучи кишининг одамларни бедорликка даъват этганига ўхшаш бир нарсадир."¹

XII асрда Баҳовуддин Валад, XIII асрда Жалолоддин Румий, XV асрда Ҳусайн Воиз Кошифий, Муъиниддин Воиз, Воиз Хоравий, Зайниддин Восифий, кейинроқ Воиз Муҳаммад Рафий, Воиз Қазвиний, Мулло Калон Воиз Самарқандий, Қози Ўший каби воизлик санъатини пухта эгаллаган сўз усталари етишиб чиқдилар.²

Маҳоратли воиз ва воизлик санъатининг улкан билимдонни Ҳусайн Воиз Кошифий турли фан соҳаларига оид асарлар билан бир қаторда "Футувватномаи Султоний", "Ахлоқи Муҳсиний" каби бир қанча китоблар ҳам яратганки, уларда ахлоқ, нутқ одоби ва воизлик санъатининг ўзига хос сиру синоатлари батафсил баён қилинган. Унинг бу асарлари ўз давридаёқ мадрасаларда дегрлик сифатида қўлланилган. Воизликнинг бир қанча кўринишлари ҳам мавжуд бўлган: дабирлик, хотиблик, музаккирлик каби. Давлат аҳамиятига молик ёзишмаларни ўқиб берадиган воизнинг фаолияти "дабирлик", жума намозлари, байрам ва тантана кунларида одоб-ахлоқ, ислом қоидаларига оид масалаларни шарҳлайдиган воизнинг фаолияти "хатиблик", тарихий воқеа-ҳодисаларни оммага сўзлаб бериш билан машғул воизнинг амали эса "музаккирлик" деб номланган.

Кошифий нутқда сўзнинг ўрни, уни танлашда воизнинг диди, назокати, тингловчининг умумий савиясини ҳисобга олиш зарурияти, рост нутқнинг хосияти, воизнинг сурати ва сийрати каби масалаларга алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлаган. Жуда катта истъдоди ва қамровли билими билан шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг эътибори, Алишер Навоийнинг эътирофига сазовор бўлиб, давлат воизи сифатида ном қозонган Кошифий ваъз, уни тайёрлаш ва айтишда зарур бўладиган сифатларнинг ҳеч бирини, каттасини ҳам,

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб (И.Махсумов насрий баёни). Тошкент: Ф.Ғулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 31-бет.

² Маҳмудов Р. "Дегонимини улусқа марғуб эт..." Тошкент: Ўзбекистон, 1992, 81-84-бетлар.

кичигини ҳам назардан соқит қилмаган. У нутқни таъсирчан ва жозибадор, аниқ ва равон, мақсадли ва жўяли бўлишида овознинг баланд-пастлиги, товланишларининг аҳамияти ҳақида гапирган. Ваъзхоннинг ўзини тутиши, ташқи қиёфаси, сўзлаш тарзи, мимикаси, бош, юз, қўл, умуман, тана ҳаракатларининг нечоғлик муҳимлигига диққат қилган.

Шарқда воизлик санъати кўзланган мақсадга кўра хилма-хил кўринишларда ривож топган, ваъзлар мавзусига кўра ҳам, тингловчи омманинг мақоми ва савиясига кўра ҳам ўзига хосликларга эга бўлган. Айтайлик, амалдор ва зодагонларга айтилган ваъз билан аскарларга ёки авомга қаратилган ваъзлар, табиийки, бир-биридан фарқ қилган. Албатта, Шарқ алломалари воизнинг шахсиятига ҳам фавқулодда жиддий муносабатда бўлганларки, бу ҳолат ҳам бизда цивилизациянинг, айтиб ўтилганидай, ахлоқ шаклида юзага келганлиги билан боғлиқдир. Воизлик санъати "катта нотиклик истеъдодини ва маҳоратини талаб этган. Ҳар кимга ҳам воизлик мартабаси ишонилмаган, ҳар ким ҳам халқ минбарида воизлик мақомига муяссар бўлолмаган. Воизлар бўлганки, ваъзхонликни касб даражасига кўтарганлар, умрбод шуғулланиб, бу санъат соҳасида китоблар ёзганлар, ўз нутқлари билан халққа руҳий мададкор бўлганлар, йўлбошчилик қилганлар, подшолар ҳузурида маънавий ҳомийлик мақомини тутганлар, уларни тўғри йўлга бошқарганлар. Бундай воизлар пири комил бўлганлар. Воизлар бўлганки, маънавий комил бўлмаганликларидан, халқнинг дилидаги гапни топиб гапиролмаганлар, минбарни тепиб, мушглаб, пирлик ва нутқ одобига нолойиқ ҳаракатлар қилиб, омманинг назаридан қолганлар, минбарни тез тарк этганлар"¹. Бу ўринда Алишер Навоийнинг сохта, одобсиз, билимсиз, ҳийлагар, ўзини ўзгача кўрсатишга интилган воизларга нисбатан қаҳру ғазаби ифодаланган "Эй воиз" ғазалини эслаш ўринлидир. Навоий ғазалда сохта воизнинг башарасини шундай кўрсатади:

*"Кеча ичмак маю кундуз демак: "Ичманг ани",
Кўз тут ўз ҳолинг тафзиҳини бот, эй воиз.*

¹ Жумахўжа Н. А. Истиқдол ва она тилимиз. Тошкент: Шарқ, 1998, 53-54-бетлар.

*Ўзгача бўлмоқу ўзгача ўзин кўрсатмоқ,
Кўз тут ўз ҳолинга тафзиҳини бот, эй воиз."*

Алломаларимиз воизлик санъати, нутқ одоби, нутқ зарофати ҳақида ёзарканлар, воизнинг, нотикнинг шахсияти ва маънавияти, эл-улус ўртасидаги обрў-эътибори борасида ҳам, албатта, фикр айтадилар. Чунки Шарқда ваъзнинг вазни ва нуфузи фақат нутқнинг расолиги билангина эмас, балки ваъзхоннинг маънавий қиёфаси, шахс сифатидаги комиллигига кўра ҳам баҳоланган.

Ҳар қандай ваъзнинг, нутқнинг бош мақсади муайян бир фикрни бошқаларга етказиш, шу фикрни "юқтириш", унга ишонтиришдан иборатлиги табиий. Шундай экан, ўзи ишонмаган нарсага ўзгаларни ишонтиришга уриниш, энг ками, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам вақтини исроф қилиш ёки масхарабозликдан, ўзини шарманда қилишдан бошқа бир иш эмас. Масалан, неча минг йиллардирки, ўқитувчининг олий вазифаси ёш авлод шуурига икки йўналишдаги билимларни, яъни ўзи ўқитадиган фандаги илмий ҳақиқатларни ва айни пайтда жамиятда қарор топган маънавий қадриятларни олиб киришдир. Табиийки, ўқитувчи учун маданий ва расо нутқ малакасига монанд тузилган нутқ энг бирламчи қурол, бу қуролни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Аммо шуни ҳам унутмаслик лозимки, ўқитувчи нечоғлик сўзга чечан, нутқий маҳорати юксак бўлмасин, агар ўқувчига англантиши лозим бўлган муайян фикрни, айтайлик, Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги муҳташам ўрни ёки Отабек характеридаги гўзал фазилатларни теран идрок этиб, унга ишонмаса ва бу ишонч ҳам сўзида, ҳам бутун қиёфатида намоён бўлмаса, ўқитувчининг гапига бола, ўлақолса, ишонмайди. Қайси фан бўлишидан қатъи назар, физика, математика ёки химия бўладими, тарих, она тили ёки адабиёт бўладими, барибир, бу фанлардаги илмий ҳақиқатларни ўқитувчи нафақат чуқур билиши, балки уларга тамоман ишониши лозим, акс ҳолда бу ҳақиқатлар ўқувчи онгидан муқим жой ололмайди. Бу - масаланинг, албатта, бир томони. Жамиятдаги миллий ва умуминсоний қадриятларни ўқувчилар онгига сингдириш масаласига келганда эса ўқитувчининг маънавий дунёси, бу

қадриятларга садоқати ва ишончи мутлақо ҳал қилувчи роль ўйнади. Агар ўқитувчи қалбида ана шу ишонч тирик ва собит бўлмаса, дили билан тили тамоман бир бўлмаса, унинг ўқувчи билан мулоқоти бир пуллик қимматга эга эмас. Ишонмасдан ҳеч қачон ишонтириб бўлмаслиги эски ҳақиқат. Ўқитувчи ўзи қадрламаган қадриятни, ўзи эъзозламаган этиқодни, ўзи қилмаган эзгу амаллар истагини ўқувчи шуурида барқарор қила олмайди. Аксинча, бундай ўқитувчи сохтакорлиги туфайли ана шундай гўзал тушунчалардан ўқувчининг ихлосини қайтариши аниқ.

Қарийб уч минг йилдан бери яшаб келаётган муҳташам ёзма ёдгорлигимиз "Авесто"да қобилиятсиз, ёмон ўқитувчи ҳақида мана бундай дейилган: "Ростини айтсам, ёмон устод ҳаётни ғамгин қилади, жоҳилларни улуғ санаб, буюк аёлу эркакларни Яздон неъматларига етишишдан маҳрум этади. Улар ўз нодуруст таълими билан халқни энг яхши юмушлардан бездирадилар, нотўғри пандлар билан халқни тирикчилик йўлидан уриб, ёмон йўлга бошлайдилар... Ҳаёт чирогини сўндирадилар. Жоҳилларни буюк билиб, энг мўътабар аёлу эркакларни Тангри йўлидан қайтарадилар. Ўз нодонликлари билан халқни энг яхши хислатлардан юз ўгиртирадилар, жаҳон халқлари ҳаётини ёлғон сўзлар билан паришон қиладилар". Китобнинг бошқа бир ўрнида Зардуштнинг мана бу тарздаги илтижоси ҳам бор: "Ношуд, ёмон муаллим ўқувчи қалбида хирадмандликни йўқотар экан, эй Яздон, ёмон устоддан ўз паноҳингда асра!"¹

Шунинг учун ҳам қадимдан Шарқда нотиклик, воизликнинг бевосита асоси тил, нутқ бўлса, яна бир асоси нутқ эгасининг ахлоқи, маънавий-маърифий камолоти деб қаралган.

Тарихимизда гўзал нутқ, нутқ одоби, она тилининг қудрати каби масалалар ҳамиша алломаларимиз диққат марказида бўлиб келган. XX аср бошларига келиб, Маҳмудхўжа Бехбудий (1815-1919), Абдулла Авлоний (1878-1934), Абдурауф Фитрат (1886-1938), Ашурали Зоҳирий (1885-1937) каби бир қатор маърифат дарғалари она тилимиз муҳофазаси ва ривожини, софлигини ва нафосатини, нафис нутқ сезгисини ҳақида жиддий қарашларни илгари сурганлар.

¹ Ҳомидий Ҳ. "Авесто"дан "Шоҳнома"га. Тошкент: Шарқ, 2007, 72-бет.

Нутқ маданияти жамият маданий-маърифий тараққиётининг, миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир. Ҳақиқий маънодаги маданий нутқ шахс умуммаданий савиясининг фавқулодда муҳим унсурларидан биридир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эътироф этилган бутунги кунда нутқ маданияти масалалари, ўқитувчиларнинг нутқий маданият маҳорати, фарзандларимизнинг маданий нутқ кўникмалари ва малакаларини ошириш, таълим жараёнининг барча босқичларида маданий нутқ муаммоларини етарли даражада назарда тутиш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Миллий ҳамият, умуминсоний қадрият ва миллий ўзлик идрокининг барқарорлиги, миллий онг ва тафаккур, миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга теран муҳаббат ва истиқлолга адоқсиз садоқат каби маънавий камолотнинг ўзагини тайин этувчи тушунчаларни она тилидан айро ҳолда тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам аллома аждоқларимиз тилни ана шу мўътабар тушунчаларни инсон шуурига муҳрламоқнинг энг таъсирчан воситаси деб билганлар. Бу воситадан унумли ва ўринли фойдаланмоқ учун, аввало, инсонда тил туйғуси тарбияси тугал бўлиши, яъни она тилининг моҳиятини фақат ақл билангина эмас, балки ички ҳиссий сезги билан ҳам идрок этиш устуворлашиши лозим. Айни пайтда тилдай сеҳрли дунёнинг чексиз-чегарасиз ифода имкониятларини тасаввур этиш ва нутқда улардан мақсадга энг мувофиқларини саралаб фойдалана билиш малакаларини таркиб топтириш ва мунтазамлаштириш бениҳоя муҳим масаладир. Она тилини билиш, она тилида собитликнинг ўзиёқ таъкидланган мўътабар тушунчалар учун пойдор пойдевор эканлиги табиий. Она тилида гўзал ва равон нутқ туза билиш, бежирим ва бетакрор, рангин ва зангин нутқдан ҳузурланиш ва шундай маданий нутқ билан бошқаларга таъсир этиш, ёш авлод қалбининг қулфини очиб, мазкур тушунчаларни уларнинг ўзиники қилдириш, айниқса, ўқитувчи учун биринчи даражали талаблардандир.

“Ўқитувчи нутқи маданияти” курсининг мундарижаси, мақсади ва вазифалари

Дунёда турли-туман касблар, бири-биридан турфа ҳунарлар бор. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос иш қуролааридан фойдаланилади. Масалан, деҳқоннинг асосий қуроли кетмон, дурадгорники - теша (арра, раңда ва ш.к.), жарроҳники - тиф, тикувчиниқи — игна ва ҳ.к.о. Деҳқон кетмони билан тақир ерда бетакрор боғ барпо қилади, гўзаллик яратади ёки тажриба-маҳорати етарли бўлмаса, ернинг умрига зомин бўлади. Кетмон ўткир бўлмаса, деҳқоннинг ўзи кетмон уриш ҳадисини олмаган бўлса, олтин тупроқнинг ҳам, хомтама деҳқоннинг ҳам ҳолига маймунлар йиғлаши аниқ. Фаолиятининг асосий қуроли тил бўлган касблар ҳам борқи, уларнинг бошида ўқитувчилик туради. Қайси фан мутахассиси бўлишидан қатъи назар, ўқитувчи тилдан моҳирона фойдаланиш ҳадисини олмаган, демакки, чинакам маданий нутқ малакасини эгалламаган бўлса, дарсдаги нутқи ўтмас, ночор ва рангсиз бўлса, унинг билими қанчалик чуқур ва тугал бўлмасин, қирқ беш дақиқалик фурсат унинг ўзи учун ҳам, ўқувчи шўрлик учун ҳам бениҳоя оғир азоб. Она тилида пухта, лўнда ва ширадор нутқ туза олиш малакаси ва маҳорати математика ўқитувчиси учун ҳам, она тили ўқитувчиси учун ҳам бирдай зарурий фазилатдир. Ўқитувчи гўзал, ўзни ҳам, сўзни ҳам қийнамайдиган, равон ва оҳорли ифодаларга бой нутқи билан ўқувчиларни маҳдиё этиб, материални баён қилмоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда, ўқитувчининг расо маданий нутқи ўқувчида ҳавас ва ҳайрат уйғотиши, унга намуна бўлиши, айни пайтда бу нутқ мавзунинг ўқувчи томонидан осон ўзлаштирилиши учун энг қулай востита вазифасини бажариши керак.

Нутқий маданият тарбияси билан мактабдаги, ҳеч бир истисносиз, барча ўқув фанлари билвосита ёки бевосита шуғулланиши зарур. Математика бўладими, физика ёки тарих бўладими, ўқитувчи ўз нутқий маҳорати билан ибрат кўрсатиши, ҳатто тегишли фан соҳасининг тугал тилини намойиш этиши ва шу йўл билан ўқувчидаги сўз сезгисига куч бериши мақсадга мувофиқ.

Таълим амалиётида кўргазмалилик азалдан энг муҳим омил сифатида қўлланиб келинади, шунинг учун ўқитувчи жуда кўп вақтини турли кўргазмали қуроолар тайёрлашга сарфлайди. Аммо унутмаслик керакки, нутқий маданиятни ўргатиш, чиройли сўз завқини ўстириш, умуман, тил эстетикаси тарбиясида асосий, жонли кўргазмали қуроол ўқитувчининг ўзидир.

Нутқ маданияти ҳақида гап кетар экан, аввало, тил ва нутқ тушунчаларининг моҳиятини фарқлаб олиш лозим.

Тил ва нутқ бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, аммо айни пайтда бир-биридан фарқланиши керак бўлган ҳодисалардир. Тилсиз нутқнинг, нутқсиз тилнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас. Ўзбек адабий тилининг асосчиси улуғ Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида сўзнинг шарафли сифатлари ҳақида сўзлаш асносида тил ва нутқ муносабати хусусида қуйидаги назарий фикрни баён қилади: "Тил мунча шараф била нутқнинг олати (қуроли) дур ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур."¹ Демакки, тил нутқ учун қуроол, бу қуроолдан фойдаланиб нутқ тузилади, нописандлик, эътиборсизлик қилинса, нутқ мақбул бўлмайди ва бу тилнинг офати бўлади. Тил ва нутқнинг бир-бири билан боғлиқлиги, бири икинчисига ҳамиша таъсир этишини тил қонуниятларини теран билган бобомиз Навоий аниқ сезган.

Европа тилшунослигида тил ва нутқни фарқлаш заруриятини асослаш, тил ва нутқ тушунчаларининг моҳиятини белгилаш, бу икки ҳодисага хос хусусиятларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, аввало, машҳур швейцар тилшуноси Фердинанд де Соссюр номи билан боғлиқдир. Унингча, "тил тушунчаси нутқий фаолият тушунчаси билан тенг эмас; тил - нутқий фаолиятнинг муайян бир, албатта, энг муҳим қисми", тил сўзловчининг фаолияти эмас, у тайёр маҳсулот, ижтимоий ҳодиса, нутқ эса индивидуал фаолият, сўзловчининг ўз фикрини ифодалаш мақсадида тил белгиларидан фойдаланган ҳолда реаллаштирган комбинацияси маҳсулидир. Тил шу қадар мутлақо ўзига хос нарсаки, сўзлаш қоби-

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 13-том. Тошкент: Ф.Фулом номидаги баъдий адабиёт нашриёти, 1966, 60-бет.

лиятини йўқотган одам ҳам тилни сақлайди, яъни у эшитадиган тил белгиларини бемалол тушунаверади.¹ Унинг онгида тил яхлитлигича тураверади, шу тилда ўйлайверади, фақат нутқни реаллаштириш учун нутқ органларининг тегишли ҳаракати йўқолган бўлади, холос. Ф.Соссюрнинг қуйидаги фикрлари ҳам алоҳида диққатга сазовор: "...Нутқий фаолиятни ўрганиш икки қисмга бўлинади; улардан бирининг, асосийсининг ўрганиш предмети тилдир, яъни моҳиятан ижтимоий ва индивидга боғлиқ бўлмаган нарсадир; бу соф психик фан; бошқасининг, иккинчи даражалисининг ўрганиш предмети нутқий фаолиятнинг индивидуал томонлари, яъни нутқ (фонация — товуш чиқариш билан бирга); бу фан психофизикдир.

Шубҳасизки, бу икки предмет (объект) бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бири иккинчисини тақозо этади: тил нутқ тушунарли ва шу асосда фойдали бўлиши учун зарур; нутқ ўз навбатида тилнинг шаклланиши учун зарур; тарихан нутқ факти ҳамиша тилдан олдиндир. Агар тушунчанинг сўзли (фонетик) образ билан ассоциацияси олдиндан нутқ актида воқе бўлмаган бўлса, бундай ассоциация қандай қилиб мумкин бўла олади? Бошқа томондан қараганда, фақат бошқаларни эшитиб, биз ўз она тилимизни ўрганамиз; саноксиз тажрибалар натижасидагина тил бизнинг онгимизда сақланиб қолади. Ниҳоят, тилнинг тараққиёти айнан нутқ ҳодисалари билан боғлиқ; бизнинг тил кўникмаларимиз бошқаларни эшитганда олинган таассуротларга боғлиқ ҳолатда ўзгаради. Шундай қилиб, тил ва нутқ ўртасида бир-бирига боғлиқлик ўртага чиқади: тил бир пайтнинг ўзида нутқнинг ҳам қуроли, ҳам маҳсулидир. Аммо буларнинг барчаси тил ва нутқнинг мутлақо фарқли нарсалар бўлишига монелик қилмайди."² Кўринадикки, тил туганмас имконият, нутқ эса айни шу имкониятнинг реал воқеланишидир. "Ф. де Соссюр тил — нутқ дихотомиясини шахмат ўйини қоидалари мисолида тушунтириб беришга ҳаракат қилган эди. Ҳақиқатан ҳам, шахмат тахтасидаги 64 катак тенг ҳолатда икки хил рангда икки гуруҳга ўттиз иккитадан ажратилиб, қарама-қарши

¹ Соссюр де Ф. Труды по языкознанию. Москва: Прогресс, 1977. С.47, 52-53.

² Соссюр де Ф. Кўрсатилган асар, 57-бет.

қўйилади, ҳар икки гуруҳдаги доналар вазифа ва қиймат жиҳатидан бир-бирига тенг, доналарнинг ўзига хос жойлашиш тартиби ва юриш қоидалари бир хил. Шахмат ўйини қоидалари ўйинчилар учун мажбурий, аввалдан маълум бўлиб, улар доимо ўйинчилар хотирасида сақланади. Ҳар икки ўйинчи бир хил имкониятга эга бўлиб, шахмат ўйини қоидаларига бир хил бўйсунса ҳам, ўйинчиларнинг ўзлари имкониятлардан фойдаланиш маҳоратига кўра бири кучли, бири кучсиз мавқеда бўлади. Қайси шахматчи имкониятларни ўз мақсади йўлига изчилик билан бўйсундира олса, у шу имкониятлардан фойдалана олмаган рақибини енгади."¹ Уста шахматчи мавжуд имкониятларни қанчалик маҳорат билан ишга солса, зийрак нутқ тузувчи ҳам тилдаги беҳисоб ифода имкониятларидан ўз мақсадига энг мақбуларини танлайди. Қийёснинг моҳияти шуки, шахмат доналари ва бу доналарнинг ҳаракати қоидалари тил, бу доналар ва мавжуд қоидалардан фойдаланиб тузилган конкрет шахмат комбинацияси нутқдир.

Тилшунослиқда кўпинча "тил маданияти" ва "нутқ маданияти" тушунчалари фарқланади, аммо баъзан ҳар иккиси ўрнида биргина ё "тил маданияти", ё "нутқ маданияти" термини қўланади. Ҳамонки, тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш зарур экан, улар чиндан ҳам алоҳида-алоҳида ҳодисалар экан, албатта, тил маданияти ва нутқ маданиятини ҳам фарқлаш мақсадга мувофиқ. Тил ва нутқ тушунчаларининг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, тил маданияти тилнинг "маданийлашганлик", адабийлашганлик, нормалашганлик даражасини, луғат таркиби, грамматик, семантик, стилистик жиҳатлардан ривожланганлик, бойлик даражасини, потенциал ифода имкониятларининг кўламдорлигини ифода этади.² Нутқ маданияти эса тилдан бемалол, мақсадга ўта мувофиқ ва таъсирчан бир тарзда фойдалана олишни таъминлайдиган кўникма, малака ва билимларнинг жами демакдир. Бошқача айтганда, нутқ маданияти тилда потенциал мавжуд бўлган хилма-хил ифода шаклларида фикр учун энг

¹ Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. Тошкент: Ўқитувчи, 1993, 9-бет.

² Яна қар.: Бегматов Э. Нутқ маданияти тушунчаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975, №5, 50 - 58-бетлар.

уйғунларини танлай билиш ва шу асосда расо нутқ туза олиш маҳоратидир.

Тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги энг қадимги даврлардан бери маълум, у кишилар ўртасидаги ўзаро алоқа эҳтиёжига кўра юзага келган. Табиийки, тилнинг энг биринчи, балки бош вазифаси унинг кишилар ўртасидаги алоқа воситаси бўлишидир. Шунинг ҳам алоҳида айтмоқ жоизки, табиат ва жамиятда инсон тилидай мураккаб, серқирра, серқатлам, сервазифа, шакл ва мазмун таносиби таранг ҳодиса камданкам топилади.

Тилни маданият кўзгуси деб ҳисоблаган атоқли олмон олими Вильгельм фон Гумбольдтнинг ушбу гаплари тил ҳодисасининг моҳиятини янада теранроқ англашга имкон беради: "Тилларнинг хилма-хиллиги асло муайян бир нарсани турлича товушлар билан ифодалаш эмас, балки бу нарсани кўришнинг фарқлилиги натижасидир."¹ Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир миллатнинг ўзига хос кўриш тарзи бор, ўзига хос идрок интизоми бор, умуман, ўзига хос тафаккур тамойили бор. Ана шунга кўра "миллий онг", "миллий тафаккур", "миллий туйғу" деган тушунчалар миллат боқийлигининг бетакрор устунлари сифатида яшаб келади. Америка этнолингвистикасининг асосчиларидан бири Бенжамин Ли Уорфнинг "Агар Ньютон инглизча гапирмаганида, инглизча ўйламаганида эди, унинг коинот ҳақидаги буюк кашфиёти бир қадар бошқачароқ бўларди" деган сўзларида улкан ҳақиқат мавжуд.

Миллий сезги ва миллий руҳнинг шаклланишида она тили ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Инглиз журналисти Говард Брабиннинг "Она тили ва мия. Япон олимининг фаройиб кашфиёти" номли мақоласида² баён қилинишича, Токио университетининг тиббиёт профессори Таданобу Цунода 1981 йилда ЮНЕСКОнинг Афинада ўтган симпозиумида ўзининг 15 йиллик тажриба-тадқиқотлари ҳақида ахборот берган. Профессор Цунода ўз экспериментига япониялик ва фарблик (француз, инглиз, немис ва ҳ.к.) кишиларни жалб қилади. Олим уларга инсон овози, ҳайвонлар, ҳашаротлар товуши, турли физик товушлар, япон ва фарб мусиқа асбоблари

¹ Гумбольдт В. Язык и философия культуры. Москва: Прогресс, 1985, С. 349.

² Брабин Г. Родной язык и мозг // Курьер ЮНЕСКО. 1982, N3, С. 10-13.

товушларини эшиттиради ва тегишли аппаратлардан фойдаланган ҳолда уларнинг мияларидаги марказларнинг реакциясини қайд этиб боради. Маълум бўладикки, япон ва ғарблик кишиларнинг бош мия ярим шарларидаги марказлар вазифаларининг тақсимланишида фарқ мавжуд экан. Япон киши миясидаги муайян бир марказ билан қабул қиладиган товушни ғарб кишиси бошқа бир марказ орқали қабул қилар экан. Тадқиқотчи бу фарқ этногенетика билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини аниқлаш мақсадида 20 та япон эмигрантининг болалари иштирокида экспериментини яна давом эттиради. Натижа шуни кўрсатадигани, бу фарқ генетик эмас, балки она тили муҳити билан алоқадор экан. Ана шуларга асосланиб, профессор Цунода қуйидагича хулоса чиқаради: "Мен инсоннинг ўз атрофидаги товушларни қабул қилиши, сезиши, ўзлаштириши ва тушунишини она тили дифференциация қилади деб ҳисоблайман. Она тили миядаги эмоционал механизмнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Болаликдан эгалланган она тили ҳар бир этник гуруҳнинг ўзига хос, бетакрор маданияти ва руҳий оламининг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқдир деб ўйлайман."

Тил фикр ифодалаш, дунёни билиш, билим-тажрибаларни тўплаш, сақлаш ва кейинги авлодларга етказиш, миллий-руҳий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш каби бир қанча вазифаларни бажаради. Тилни фақат ва фақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатида талқин этиш инсоннинг табиий тилини, бу бениҳоя мураккаб ва муҳташам ҳодисани, энг ками, жўнлаштиришдан, аниқ бир миллий қиёфа ёки миллий-руҳий заминдан мосуво бўлган сунъий тилга (масалан, эсперанто каби) тенглаштиришдан, йўл ҳаракатини тартибга солиш мақсадида яратилган шартли "тил"га бараварлаштиришдан бошқа нарса эмас.

1887 йилда польшалик шифокор Людвиг Заменгоф томонидан яратилган эсперанто тили бошқа сунъий тиллар орасида энг кенг тарқалганидир. Бундай сунъий тиллар муайян амалий ва экспериментал мақсадлар учун бирор даражада аҳамиятли бўлса-да, у ёки бу халқнинг маданияти ва тарихи заминида бунёд бўлмаганлиги учун ҳар бир халқнинг бутун

руҳий дунёси, маданияти ва тарихи билан бевосита боғланган табиий тилларнинг ўрнини асло боса олмайди. Сунъий тилларда бир тушунча фақат бир сўз билан ифодаланади, грамматик қоидалар қатъий, ифодалар бир маъноли, вариантдорлик йўқ, бир маъноли моделлар ҳукмрон, демакки, ифода танлаш имконияти мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам сунъий тилларда тил (нутқ) маданияти муаммосига ҳеч бир эҳтиёж йўқ. Табиий тилларда (айниқса, ривожланган тилларда) эса ана шундай ифода танлаш имкониятларининг чексиз-чегарасизлиги тилнинг ўзига хос тамалидаги ҳақиқатдир.

Агар табиий тил ҳам сунъий тиллар каби фақат алоқа воситасигина бўлганда эди, у жуда жўн, содда ва шунчаки бир нарсага айланган бўларди. Ҳолбуки, одамлар тил воситасида туйғу ва кечинмалари, қувонч ва қайғулари, ҳайрат ва ҳайронликлари, қалбдаги ҳузурлари каби хилма-хил сезгиларини ҳам ифодалайдиларки, булар ҳамиша ҳам соф коммуникатив мақсадларни кўзда тутмайди. Демакки, тил бемисл бой, сеҳру синоатта, руҳу руҳониятта, кўрку комилликка лиммо-лим бир хилқатдир. Албатта, тилнинг санаб ўтилган вазифалари унинг бош вазифаси (алоқа воситаси бўлиши) билан бир қаторда, унинг асосида воқе бўлади.

Атоқли тилшунос А. Рустамий тилнинг вазифалари ҳақида гапирар экан, шундай хусусларга алоҳида урғу беради: Тил туфайли жамият аъзоларининг ҳар бирида ҳосил бўлган тажриба-билимлар оммалашади ва улар кўпчилик томонидан ривожлантирилади. Тил туфайли билим авлоддан авлодга оғзаки ёки ёзма тарзда қолдирилади, натижада янги авлод ўтган авлоднинг изланишларини янгидан бошлаб ўтирмайди, уни давом эттиради. Тил туфайли биз сезги узвлари билан билиб бўлмайдиган нарсаларни ҳам ўрганамиз...¹

Тилнинг муҳим вазифаларидан яна бири унинг гўзаллигини ифодалашини, яъни эстетик вазифасидир. Тилдаги бадиий имкониятларнинг чексизлиги, бу имкониятлар ҳам моддий ва ҳам маънавий оламларни қамраб олишини таъкидлаб, А. Рустамий шундай ёзади: "...Тилнинг ўзидан ҳам гўзаллик

¹ Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. Тошкент: Маънавият, 2003, 16-бет.

моддаси сифатида, хусусан, қаламу сўз аҳли ва умуман халқ фойдаланади. Чунки тил етук ҳодисалардан бўлиб, унда гўзаллик учун зарур бўлган ҳамма сифатлар мавжуддир. Биринчидан, тил табиат ва инсондаги мавжуд гўзалликни акс эттириш воситаси бўлса, иккинчидан, тилнинг ўзи гўзалликни вужудга келтиради. Шоир ва ёзувчилар ҳамда оддий халқ орасидаги минглаб чечанлар тилнинг мазкур ҳар икки жиҳатининг биридан ёки ҳар иккисидан бирдек фойдаланадилар ва шу билан ўқувчи ёки тингловчига роҳат бағишлайдилар... Биз тилга гўзаллик жавҳари сифатида назар соладиган бўлсак, унинг кишини ҳайратга соладиган даражада етуклиги бор. Қайси бир тилни олманг, ундаги товушлар юзга етмайди. Масалан, ҳозирги ўзбек адабий тилида ўттиз битта товуш бор... Мана шу қадар озгина товушдан ўзбек тили тарихида миллиондан ортиқ сўз ясалган ва бу сўз ясалиши керак бўлган тақдирда чексиз давом этиши мумкин. Бу чексиз имконият дунёдаги ҳамма тилларга хос. Тилнинг мана шу етуклиги унинг ўзининг гўзаллигини ва ундан фойдаланувчининг, яъни сўзловчининг ёки ёзувчининг маҳоратини таъминлайди".¹

Минг йиллик маданиятимиз тарихида халқимиз бадиий даҳосининг маҳсули бўлмиш нафис сўз санъати дурдоналари беҳисоб. Уларнинг алақанчаси туркий тафаккур теранлиги ва тахайюл бепоёнлигининг муҳташам обидалари ўлароқ жаҳон бадиияти ганжинасининг тўрида қўр тўкиб турибди.

Тилимиз инжа ифода имкониятларига бениҳоя бой ва шунга қўра беқиёс даражада бетакрордир. Мумтоз ва бугунги адабий асарларни ўқирканмиз, халқ оғзаки ижоди намуналари билан танишарканмиз ёки турли сўз ўйинларини, ўткир ва нозик аскияларни тингларканмиз, оддий одам нутқида топиб айтилган сўз ёки иборанинг гувоҳи бўларканмиз, тилимизнинг турфа товланишларидан, нафосатидан астойдил лаззатланамиз, беҳад завқланамиз. Бу ўринда яна шуни ҳам айтиш жоизки, у ёки бу тилни гўзал ёки "хунук" (гўзал эмас) дейиш мантиқан тўғри бўлмайди. Алоҳида олинган тил чиройли ҳам, хунук ҳам бўлолмаслиги табиий. Бу муносабат билан таниқли рус тилшуноси Р.А.Будаговнинг қуйидаги

¹ Рустамий А. Кўрсатилган асар, 17, 20-бетлар.

фикрлари диққатга сазовор: "Аслида тиллар, аввало, кўп ривожланган ва кам ривожланган, жуда бой ва бироз бой, қадим ёзув анъанасига суянган ва бундай анъанага мутлақо эга эмас бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси у ёки бу тилнинг потенциал эстетик имкониятларида турлича акс этади. Иккинчидан, тиллар, айниқса, адабий тиллар ўзича чиройли ҳам, хунук ҳам бўлмаса-да, алоқа (коммуникация) жараёнида, хусусан, агар бу тиллардан фақат нимани гапираётганига эмас, балки қандай гапираётганига ҳам бефарқ бўлмаган одамлар фойдаланаётган бўлса, қўшимча эстетик вазифани олиш қобилиятига эга."¹ Табиийки, ўзбек адабий тили ана шундай асрлар оша ривожу сайқал топган, беҳад қадим ёзув анъанасига соҳиб, минг йиллик ёзма ёдгорликларида яшаб келаётган жуда бой тилдир. Шунинг учун ҳам тилимиз гўзал нутқ тузиш учун потенциал имкониятлари туганмас тенгсиз хазинадир.

Тилнинг эстетик вазифаси, албатта, нутқнинг таъсирчанлиги, ифодалилиги, гўзаллигини таъминлашда фавқулодда муҳим аҳамиятга моликдир. Аммо, айтиб ўтилганидай, бу вазифа коммуникатив вазифа билан бирга воқе бўлади.

Тил эстетикасини ўрганишга бўлган қизиқиш ўтган асрнинг бошларида бир қатор чет эл филологлари, файласуфлари, ёзувчиларида пайдо бўлган. Тил эстетикаси муаммосини биринчилардан бўлиб ўрганган олим сифатида кўпинча итальян файласуфи ва сиёсий арбоби Бенедетто Кроче (1886-1952) тилга олинади ва унинг 1902 йилда эълон қилинган "Эстетика ифодалаш ҳақидаги фан сифатида ва умумий тилшунослик сифатида" номли китобидаги² асосий фикрга эътибор қаратилади. У назарий жиҳатдан тилшуносликни эстетика билан айнан тенглаштиради, яъни гўёки тилнинг асосий вазифаси кишиларнинг мулоқотини таъминлаш эмас, балки эстетик омил асосидаги ўзликни ифодалашдан иборат.

Б.Кроченинг ғояларини немис филологи Карл Фосслер (1872-1949) давом эттиради. Унингча, тил — алоҳида индивидуумларнинг ижоди, шунинг учун одам ҳар бир сўз ва ҳар

¹ Будагов Р.А. Писатели о языке и язык писателя. Москва: МГУ, 1984, С.260.

² Кроче Б. Эстетика как наука о выражении и как общая лингвистика. Москва, 1920.

бир гапга бетакрор мазмун юклайди. Дантенинг "Илоҳий комедияси"даги қаҳрамон муҳаббат (*amore*) сўзини бир неча марта кетма-кет такрорларкан, унингча, бу сўзни китобхон ҳар сафар янги маъноли янги сўз сифатида қабул қилади. Фосслернинг қаноатича, "сўз ва гапнинг эстетик бўёғи бетакрордир ва ана шу эстетик бўёқ тилда етакчи вазифани бажаради".¹ Албатта, ана шу эстетик бўёқ, демакки, тилнинг эстетик вазифаси реаллашар экан, нутқ ёки матн тузишдан кўзланган мақсадга осонлик билан эришиш имконияти ортади. Зотан, ўқувчи ёки тингловчи ёзувчи ёки сўзловчининг гапига ишониши, бу гап эса ишонтириши, таъсир кучига эга бўлиши лозим.

Дунё филология илмида тилнинг эстетик вазифасига қандай мақом, мавқе берилишидан, унинг бирламчими, иккиламчими эканлигидан қатъи назар, бу вазифа бор ва у тилнинг энг зарурий жиҳатларидан бир сифатида яшайди. Табиийки, буни инкор этиб бўлмайди.

Кўпинча тилнинг эстетик вазифаси фақат бадиий адабиёт тилигагина нисбат берган ҳолда талқин этилади. Эстетика фақат бадиий асар тилигагина хос, ундан ташқарида тил эстетикаси ҳақида гапириш мумкин эмас деб қараш унчалик тўғри эмас. Айни масалаларни чуқур тадқиқ этган Р.А.Будаговнинг фикрича, "эстетиклик" тушунчаси "чиройлилик", "гўзаллик", "нафосат" тушунчаларига қараганда жуда анча кенг ва ранг-баранг, шундай экан, тилга ва нутққа нисбатан "эстетиклик"ни сўзловчи ёки ёзувчининг фақат нимани гапираётгани ва нима ҳақида ёзаётганигагина эмас, балки қандай гапираётгани ва қандай ёзаётганига ҳам онгли муносабат сифатида тушунмоқ мақсадга мувофиқдир. Таниқли тилшунос яна шуни ҳам таъкидлайдики, бу муносабатнинг даражаси турлича бўлиши мумкин. Ривожланган адабий тил ўзида гўёки биринчи даражали потенциал эстетик вазифаларни мужассам этса, бадиий адабиёт тили иккинчи, олий даражадаги эстетик вазифаларни намоён этади. Шунинг учун адабий тилда эстетика йўқ деган нуқтаи назар мутлақо асоссиздир. Таъкидлаш мумкинки, "эстетик вазифасидан айрил-

¹ Қар.: Будагов Р.А. Кўрсатилган асар, 254-бет.

ган адабий тил ўзининг улкан ифода имкониятларидан тенг ярмига айрилади. У қашшоқ, туссиз ва ғариб бўлиб қолади".¹ Бошқача қилиб айтганда, нутқнинг том маънодаги сифати, таъсир этиш, "юқиш ёки юқтириш" салоҳияти худди шу эстетик вазифа билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам қайси услубдаги нутқ бўлишидан қатъи назар, албатта, унда тилнинг эстетик вазифаси иштирок этади. XX асрнинг улкан назариятчи физиги, Нобель мукофоти соҳиби Луи де Бройль ҳақли равишда таъкидлаганидек, "математик формулалар услуби" билан эгалланган билимларни мустаҳкамлаш мумкин, лекин адабий тилнинг барча воситалари ёрдамсиз бу билимларни ривожлантириб бўлмайди. Бу қанчалик ғайритабиий кўринмасин, "одадаги адабий тил қатъий формулалар тилига нисбатан ўзининг бир қарашдаги ноаниқлиги билан аниқроқдир".² Бадиий адабиёт услубини ҳам, илмий ёки бошқа услубларни ҳам тил эстетикасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Фикрни қандай ифодалашга эътибор бор жойда, албатта, тил эстетикаси ўртага чиқади, лекин, айтайлик, бадиий адабиётда у бор бўйи билан намоён бўлса, бошқа бир услубда иккинчи планда бўлиши мумкин.

Тил ва нутқни фарқлар эканмиз, албатта, тил эстетикаси ва нутқ эстетикасининг моҳиятини ҳам тўғри тушунишимиз керак. Тил имконият бўлганлиги учун ҳам тил эстетикаси деганда, тилдаги воситалар ва ифода имкониятлари назарда тутилади. Нутқ эстетикаси деганда эса ана шу воситалар ва ифода имкониятларидан фойдаланиш, уларнинг муайян нутқий матндаги реализацияси англанади. Масалан, тилимиздаги кўпдан-кўп хилма-хил турдаги синонимлар ёки бошқа танлаш мумкин бўлган воситалар (тил эстетикаси)дан унумли ва ўринли фойдаланган ҳолда нутқ тузамизки, унда нутқий эстетик вазифа ишга тушади.

Эстетик вазифа тилнинг асосий коммуникатив вазифасини қулайлаштиради, унинг имкониятларини бойитади. Тил ва нутқ айна шу эстетик вазифаси билан ифодалилик, таъсир қувватини намоён этади.

¹ Будагов Р.А. Кўрсатилган асар, 259-бет.

² Будагов Р.А. Как мы говорим и пишем. Москва: МГУ, 1988, С. 32

Айтиш лозимки, нутқ маданиятини коммуникатив вази-фа билан бир қаторда эстетик вазифасиз тасаввур этиб бўлмайди. Кўринадики, маданий нутқ тузиш мақсади ўртага қўйилар экан, ҳамиша тил ва нутқ эстетикаси эътиборда бўлиши шарт. Тил (нутқ) эстетикасини нутқ маданиятидан асло ажратиб бўлмайди.

Нутқнинг маданийлигини, демакки, таъсир қувватини таъмин этадиган тўғрилиқ, аниқлик, мантиқийлик, ифодалиқ, бойлик, софлик, жўялиқ каби бир қатор коммуникатив сифатлар мавжуд (улар ҳақида кейинроқ батафсил тўхталинади). Ана шу коммуникатив сифатларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирган нутқ маданий ҳисобланади. Тилшунос-ликда "нутқ маданияти" термини, асосан, икки хил маънода қўланади, яъни: 1) тилдан бемалол, мақсадга ва нутқий ва-зиятга мувофиқ тарзда фойдалана олиш, нутқда коммуни-катив сифатларнинг барчасини мужассамлаштира билишни таъминлайдиган кўникма, малака ва билимларнинг жами; 2) тилшуносликнинг тилдан мақсадга ва нутқ вазиятига муво-фиқ тарзда фойдаланиш, нутқда коммуникатив сифатларни мужассамлаштириш қоидаларини илмий асосда ўрганиш ва белгилаш билан шуғуланувчи бўлими.

Нутқнинг коммуникатив сифатлари нафақат алоқани таъминлаш, балки тингловчи ёки ўқувчига нутқий таъсирни кучайтиришга хизмат килади. Шунинг учун ҳам коммуни-катив ва эстетик таъсир мақсадида тузилган нутқ(матн)ни "Нутқ маданияти" курсининг предмети дейиш мумкин.

Нутқнинг тўғрилиги, яъни унинг адабий тил меъёрлари (талаффуз, сўз ясалиши, лексик, морфологик, синтактик, услубий меъёрлар)га қатъий мослиги маданий нутқнинг асо-сий, марказий сифатидир. Аммо ҳар қандай тўғри нутқ ма-даний бўлавермайди, у мазкур бошқа коммуникатив сифат-ларга ҳам эга бўлгандагина чин маънодаги маданий нутқ ма-қомини олиши мумкин. Бу ўринда йирик рус тилшуноси С.И.Ожеговнинг қуйидаги фикри диққатга сазовор: "Юксак нутқ маданияти — бу ўз фикрларини тил воситалари орқали тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб ифодалай олишдир. Тўғри нутқ деб ҳозирги адабий тил меъёрларига риоя қилиб тузил-ган нутққа айтилади. Тил меъёрлари — бу ижтимоий-нутқий

амалиёт (бадий адабиёт, ўқимишли кишилар нутқи, сахна нутқи, радио ва ш.к.)да умум томонидан қабул қилинган талаффуз, грамматика ва сўз қўллаш қоидаларидир. Аммо юксак нутқ маданияти фақатгина тил меъёрларига амал қилишдангина иборат эмас. У айна пайтда ўз фикрини ифодалашнинг нафақат аниқ воситасини, балки энг оммабоп (яъни энг таъсирчан) ва жўяли (яъни айна вазият учун энг мувофиқ ва, демакки, услуб нуқтаи назаридан ўрнига тушган) воситаларини ҳам топа олиш маҳоратини ҳам ўз ичига олади.¹ Нутқнинг тўғрилиги унинг марказий сифати бўлса-да, нутқий маданиятни мазкур сифатнинг бир ўзи билан таъминлаш асло мумкин эмас. Шубҳасизки, ҳар қандай тўғри нутқ ҳам аниқ ёки жўяли, соф ёки бой бўлмайди, умуман, етарли таъсирчанлик қувватига соҳиб бўла олмайди. Шунинг учун ҳам нутқ маданияти муаммоларини тадқиқ этиш билан шуғулланган бир қатор тилшунослар нутқ маданиятининг икки босқичини фарқлаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайдилар. Масалан, Л.И.Скворцов умумий "нутқ маданияти" тушунчасини адабий тилни эгаллаш ва ундан фойдаланишнинг икки босқичини ифодаловчи "нутқнинг тўғрилиги" ва "нутқ маданияти" тарзида икки қисмга ажратиш лозимлигини таъкидларкан, уларга шундай изоҳ беради: "Биринчи, қуйи босқич нутқнинг тўғрилигидир. Тўғрилик ҳақида биз адабий нутқ ва унинг меъёрларини эгаллаш жараёнида гапирамиз. Вариантларни нутқнинг тўғрилиги сатҳидаги баҳолаш: тўғри — нотўғри, русча ифода — русча ифода эмас ва ш.к... Нутқнинг тўғрилиги моҳиятан мактаб таълимининг предметиدير. Ўрта мактаб дастури умумий тарзда тўғри нутқ (кўпроқ грамматика соҳасида) малакасини шакллантиришни кўзда тутуди.

Адабий тилни эгаллашнинг иккинчи, юқори босқичи ҳақиқий маънодаги нутқ маданиятидир. Нутқ маданияти ҳақида адабий тилга соҳиблик шароитида, тўғрилик (яъни адабий меъёрларни билиш) шароитида гапириш мумкин. Вариантларни нутқ маданияти сатҳидаги баҳолаш бошқача:

¹ Ожегов С.И. Лексикология. Лексикография. Культура речи. Москва: Высшая школа, 1974. С. 287-288.

яхшироқ - ёмонроқ, аниқроқ, жўялироқ..."¹ Табиийки, нутқ маданиятининг биринчи босқичисиз иккинчи босқичи ҳам мавжуд бўла олмайди, тўғрилиқ сифатига эга бўлмаган нутқ, яъни нотўғри нутқда бошқа бирон коммуникатив сифат бўлиши мантиқдан ташқаридир.

Нутқнинг тўғрилиги унинг адабий тил меъёрларига тўла мослиги сифатида талқин этилар экан, бу меъёрларнинг икки хилини фарқлаш ўринлидир. Тилшуносликда адабий тил меъёрларининг кучли ва кучсиз типлари ажратиб кўрсатилади.² Нутқ маданиятининг биринчи босқичида, яъни тўғри нутқ тузиш малакасини шакллантиришда асосий диққат-этибор адабий тилнинг кучсиз меъёрларига қаратилиши мақсадга мувофиқ, чунки нутқ амалиётида кучли меъёрлар деярли бузилмайди, кучсиз меъёрлар эса нутқ тузувчининг иккиланишига ва демак, нутқ тўғрилигининг бузилишига кўпроқ йўл очади. Масалан, эга ва кесимнинг шахс ва сонда мослашуви кучли синтактик меъёр бўлиб, у болалиқданоқ киши онгидан мустақкам ўрин олган. Шунинг учун бу меъёрни қўллашда бирон киши адашиб, *Мен келдинг* шаклида жумла тузмайди. Қаратқич ва тушум келишикларининг қўлланиши билан боғлиқ меъёрлар эса кучсиз меъёрларга мисол бўла олади. Шунинг учун бу меъёрлар чуқур ўргатилмаса, одам адашиб, *-нинг* ўрнида *-ни* қўшимчасини ишлатиб, *мени дўстим* тарзида нотўғри бирикма тузиши мумкин.

Адабий тил меъёрлари, нутқнинг сифатлари, нутқ маданияти масалалари ўзбек, рус ва умуман, дунё тилшунослигида ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан кўп вақтлардан бери фаол ўрганиб келинади.³ Ўзбек тилшунослигида С.Иброҳимов, Ш.Шоабдурахмонов, Ғ.Абдурахмонов, Р.Қўнғуров, Э.Бегматов, М.Содиқова, Ё.Тожиев, Б.Ўринбоев, А.Маматов, М.Асомиддинова, Т.Қудратов, С.Каримов, Т.Қурбонов, А.Бобоева, Б.Умурқулов, А.Аҳмедов, Қ.Самадов, С.Иномхўжаев, Л.Хўжаева ва бошқа кўплаб олимлар нутқ маданияти маса-

¹ Скворцов Л.И. Теоретические основы культуры речи. Москва: Наука, 1980. С.95-96.

² Головин Б.Н. Основы культуры речи. Москва: Высшая школа, 1988. С.12.

³ Батафсил маълумот учун Қар.: Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. Тошкент: Наврўз, 1997.

лаларини тадқиқ этишга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Улар яратган асарларда ўзбек нутқи маданиятининг назарий масалалари билан бир қаторда бевосита амалиётта даҳлдор, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга доир таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган.

Айтиб ўтилганидай, ўқитувчининг бирламчи ва асосий қуроли нутқдир. Аммо ҳеч кимга сир эмаски, кўпгина ўқитувчиларнинг, айниқса, ёш ўқитувчиларнинг нутқида маданийлик жиҳатидан анча-мунча нуқсонлар кўзга ташланади. Ҳар қандай таълимнинг асосий ва етакчи шакли дарсдир, шунинг учун ҳам педагогика фани унинг самарадорлигини оширишнинг йўлларини тинимсиз излайди, хилма-хил методлар, усуллар, воситалар ишлаб чиқади. Кунимизда ҳам таълимга янгидан-янги педагогик технологиялар, замонавий техник воситалар мунтазам ва жадал жорий этилмоқда. Аммо дарс дейиладиган мураккаб жараённинг мукамаллиги ҳамда натижадорлигини таъминлашда ўқитувчининг педагогик маҳорати ва шахсий фазилатлари кўзгуси бўлмиш унинг сўзи фавқулудда муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчининг маҳорати фақат ўқитишнинг хилма-хил методларини ўринли ва тўғри қўллай олишидангина иборат эмас, балки ўқувчи билан мулоқотидаги асосий қуроли — тилдан усталик билан фойдалана билиши билан ҳам белгиланади. Таъсирчан нутқи билан ўқувчи диққатини бутун дарс давомида тутиб тура олмаса, ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Дарснинг мазмуни ва самарадорлиги ўқитувчи нутқининг таъсирчанлиги, умуман, маданий бўлиши билан бевосита алоқадордир. Агар ўқувчи ўқитувчи нутқида ноизчиллик, туссизлик, қашшоқлик, мантиқсизлик, ноаниқлик, услубий ғализлик, грамматик янглишлик каби нуқсонлардан лоақал бирортасини сезса, унинг диққати бўлинади, баён қилинаётган материалга бўлган қизиқиши сусаяди. Қолаверса, материал бундай нўноқ нутқ билан баён қилинганда, табиийки, ўқувчи уни қабул қилишда зўрланади, дарсдан кўзланган самарага эришиш мушкуллашади. Нутқ техникаси билан боғлиқ камчиликлар (айрим товушларни талаффуз қилолмаслик ёки янглиш талаффуз қилиш, овознинг ортиқча баландлиги ёки пастлиги, овоз тембридаги сифат-

сизлик, "шанғиллаган" ёки "ҳирқираган" бўлиши, жумлада сўзлараро пауза бера олмаслик, нутқ жараёнида тўғри нафас ола билмаслик ва ш.к.) ҳам дарс самарадорлигига олдинги кўрсатилган нуқсонлардан кам салбий таъсир қилмайди. Ўқитувчи нутқ маданиятини нафақат ўзи пухта эгаллаган бўлмоғи, балки ўқувчиларини ҳам унга одатлантирмоғи керак.

"Ўқитувчи нутқи маданияти" курсининг асосий вазифалари талабаларни нутқ маданиятининг ўзак тушунчалари билан таништириш, бўлажак ўқитувчиларда тил воситалари ва ифода имкониятларидан коммуникатив ва эстетик мақсад ҳамда нутқ вазиятига ўта мувофиқ тарзда фойдалана олиш малакаларини, нутқнинг барча коммуникатив сифатлари моҳияти билан ошно этган ҳолда бундай сифатларга эга нутқ тузиш маҳоратини шакллантириш, оғзаки маданий нутқнинг муҳим узви бўлмиш нутқ техникасини яхшилаш билан боғлиқ кўникмаларни юзага келтиришдан иборат.

Нозик тил сезгиси, тилимизнинг бениҳоя бой анъаналари ва ифода имкониятларидан хабардорлиги, тамоман тўқ ва таъсирчан нутқи билан ўқувчи қулоғини эмас, балки қалбу шуурини забт этиб, унинг ақлий ва маънавий дунёсини кенгайтиришга бел боғлаган ўқитувчи бугуннинг ўқитувчисидир.

Нутқ маданияти ва бошқа фанлар

Тил ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқ шаклида реаллашади, яшайди, нутқ маданияти бу ҳар икки шаклни ҳам назарда тутаяди. Тилнинг бу икки шакли барча тасвирий тилшунослик фанларида ўрганилади, шундай экан, нутқ маданияти бу фанлар билан бевосита муносабатдадир. Тўғрироғи, нутқ маданияти фонетика, орфоэпия, орфография, лексикология, лексикография, морфология, синтаксис, семантика, услубият каби барча тасвирий тилшунослик фанларига асосланган ҳолда иш кўради. Нутқдаги коммуникатив сифатларнинг юзага келиш механизмларини ўрганиш ва баҳолашда айна шу фанларда аниқланган маълумотларга суянилади.

Нутқ маданиятининг биринчи босқичи ҳисобланмиш нутқнинг тўғрилиги коммуникатив сифати унинг адабий тил меъёрларига мувофиқлиги билан белгиланади. Адабий тил меъёрларининг тавсифий тилшунослик фанларига оидлигини инобатга олсак, ҳозирги ўзбек адабий тилининг, айтайлик, норматив грамматикаси нутқ маданиятининг асосий замини эканлиги аён бўлади. Тилшунос Б.Н.Головин таъкидлаганидек, "нутқ маданияти фан ва ўқув предмети сифатида тил ҳақида норматив грамматикада баён қилинган маълумотларга суянса-да, тил материалига ёндашув нуқтаи назаридан ундан фарқ қилади: тилнинг грамматик фактлари нутқ маданиятини, энг аввало, меъёрларга тобелиги — амал қилинганлиги, иккиланганлиги ва бузилганлиги билан қизиқтиради. Грамматик шакл ва категорияларнинг грамматик табиати эмас, балки айнан меъёрлашиш жиҳати нутқ маданияти учун аҳамиятлидир."¹ Ўзбек тилидаги мавжуд грамматик шакл ва категорияларнинг адабий меъёрлашганларини нутқ мақсадига мувофиқ танлаш асосида тўғри нутқ тузиш нутқ маданияти учун асосий жиҳатдир.

Нутқ маданияти фонетика ва орфоэпия билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Орфоэпия товушларнинг талаффуз хусусиятларини ўрганади, адабий талаффуз меъёрларини белгилаб

¹ Головин Б.Н. Кўрсатилган асар, 307-бет.

беради. Нутқнинг тўғрилигини баҳолашда бу меъёрлар ҳам асос экан, ўз-ўзидан нутқ маданиятининг орфоэпия билан боғлиқлиги англашилади. Фонетика тилнинг бутун товуш системаси, унинг қонуниятлари, урғу, интонация, оҳанг, нутқнинг товуш қурилишига дахлдор бошқа кўлаб масалаларни ўрганади. Нутқ оғзаки ва ёзма шаклда мавжуд бўлсада, аслида ёзма шакл ҳам "ички" оғзаки нутқ шаклида тузилади ва идрок этилади. Табиийки, ёзма нутқда оғзаки нутқдаги жуда кўлаб фонетик-интонацион хусусиятлар акс этмайди (албатта, пунктуация уларнинг барини асло ифодалай олмайди). Машҳур инглиз ёзувчиси Бернард Шоунинг "Нутқда ҳа дейишнинг элик усули ва йўқ дейишнинг беш юз усули бор, аммо буни ёзишнинг эса фақат битта усули мавжуд, холос" деган гапини тилшунослар кўп эшлашади. Атоқли ўзбек адиби Асқад Мухтор ҳам "қалам сўзнинг соясини чизади"¹ деганида ёзма нутқ имкониятининг анчайин чегараланганлигини таъкидлаган. Оғзаки нутқ қурилишидаги овознинг тембр сифатлари, тон, урғу, пауза, умуман, просодик воситалар, нутқ мелодикаси (оҳанги) кабилар ҳам коммуникатив, ҳам эстетик ифода учун керакли унсурлардир. Олмон тилшуноси Карл Фосслер томошабинларни ғайриоддий тарзда бениҳоя мутаассир эта олган бир актёр ҳақида ҳикоя қилган, бу санъаткор сахнада бирдан юзгача бўлган сонларни итальян тилида бирин-кетин шундай просодия билан талаффуз қилар эканки, унинг чиқиши тазарру қилаётган қотилнинг нутқидай қабул қилинаркан: "Ҳеч ким сонлар ҳақида ўйламас, фақат шўрлик жинойтчига титраб-қақшаб ҳамдардлик билдирардилар. Урғу итальянча сонларга айрича маъно берган эди" деб таъкидлаган К.Фосслер.²

Албатта, мазкур унсурларнинг ҳар бирини ёзувда тўла кўрсатишнинг иложи йўқ. Оҳанг жумлада синтактик (грамматик) вазифа бажариши, коммуникатив ифода учун хизмат қилиши (масалан, *Баҳор келди. Баҳор келди? Баҳор келди!* каби), эстетик-эмоционал вазифа бажариши, ифодага эмо-

¹ Мухтор А. Уйку қочганда... (Тундалиқлар). Тошкент: Маънавият, 1997, 7-бет.

² Қар.: Комлев Н.Г. Компоненты содержательной структуры слова. Москва: МГУ, 1969. С. 113.

ционаллик, таъсирчанлик бахш этиши мумкин (масалан, жумла *Бор-май-ман!* тарзида бўғинлаб айтилганда, қатъийлик, ғазаб ифодаланади). Бу каби ҳолатлар нутқ маданияти учун бениҳоя аҳамиятли, уларнинг моҳияти, табиати ва қонуниятларини фонетика ўрганади; бундай фонетик-интонацион воситалардан нутқнинг тўғрилиги ва таъсирчанлигини таъминлашни кўзлаб фойдаланиш эса нутқ маданиятининг ваколатига киради, бу ўринда нутқ маданиятининг фонетика билан алоқадорлиги намоён бўлади.

Тилнинг луғат бойлигини етарли даражада билмасдан туриб маданий нутқ тузиш мумкин эмас. Сўзларнинг семантик структураси, ундаги тараққиёт, лексик системадаги сўзларнинг бир-бирига муносабати каби масалалардан бохабар бўлмасдан туриб, тилнинг беҳад бой сўз хазинасидан конкрет нутқ учун энг кераклисини танлаш мушкул. Бу хазинанинг ҳаётини эса лексикология ўрганади. Нутқ маданияти сўзларни нутқ учун танлашда айни шу лексикологиянинг маълумотларига таянади.

Лексикографиянинг нутқ маданияти билан боғлиқлиги ҳам исбот талаб этмайди. Зотан, сўзлар ва уларнинг маъно тавсифи луғатларда жамланган бўлиб, керакли сўзни танлаш, маъносини тўғри тасаввур этиш, ўрнини адаштирмаслик, демаски, маданий нутқ тузишда энг яхши ва яқин ёрдамчи айнан хилма-хил луғатлардир.

Нутқ маданияти ва услубият ўртасидаги муносабат ҳақида гап кетганда, бу икки соҳанинг ўрганиш объектини бир деб қараб, уларнинг бирини иккинчиси ичига киритиб юбориш мумкин деган фикрдаги тадқиқотчилар ҳам бор. Ҳақиқатан ҳам, нутқ маданияти ва услубият бир-бири билан жуда зич боғлиқ, бири иккинчисига суянади, аммо ўз ўрганиш объектига эга бўлган алоҳида-алоҳида соҳалардир. Ўзбек тилшунослигида бу масалалар тадқиқи билан жиддий шуғулланган олимлар қуйидагича таъкидлайдилар: "Нутқ маданияти соҳасининг текшириш объекти нутқнинг алоқавий сифатлари йиғиндиси ва тизимини, уларни таъминловчи шарт-шароитлар, шу сифатларнинг такомиллашуви, ривожини ёки қолақлашиши, пасайиши кабиларни ўз ичига олса, услубият соҳасининг объекти тил ва нутқ услубларини ўрганишдир. Мо-

домики, услубият нутқ услубларини ҳам ўрганар экан, худди шу ҳолатда нутқ маданияти билан унинг муносабати вужудга келади. Чунки нутқ маданияти ҳақидаги таълимот ўз-ўзидан тил услубларини батафсил акс эттириш, ҳар бир услубнинг ўзига хос томонларга эга эканлиги, имкониятларининг ёритилишига эҳтиёж сезади. Чунки нутқнинг алоқавий сифатлари, одатда, ҳар бир услуб доирасида ўзгариши, бири бир услубда яхшироқ намоён бўлгани ҳолда, иккинчиси бошқа бир услубда сустроқ намоён бўлади... Услубият билан нутқ маданияти бир-бирини тамомила инкор этмайди, аксинча, бир-бирини тўлдиради, алоҳида-алоҳида соҳа бўлишларига қарамай, бир-бири учун хизмат қилади."¹

Нутқ маданияти мантиқ фани билан ҳам мустаҳкам алоқага эга. Табиийки, мантиқий бўлмаган нутқ ҳеч бир ҳолатда маданий бўла олмайди. Тилимиздаги нутқ ва мантиқ сўзларининг ўзаги айнан бир эканлиги бежиз эмас. Айрим сўзлар ва яхлит жумлаларнинг ўзаро алоқасидаги аниқлик ва мантиқчиликни таъминлашда мантиқ қоидаларига суяниб иш кўрилади. Бобомиз Форобий мантиқ илмининг аҳамиятини мана бундай тарзда таъриф этган: "Грамматика одамлар нутқини тўғрилагани каби — у шунинг учун ҳам вужудга келгандир - мантиқ илми ҳам хато келиб чиқиши мумкин бўлган жойда тафаккурни тўғри йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб туради. Грамматиканинг тилга ва тил ифодаларига бўлган муносабати мантиқ илмининг ақл ва ақлий тушунчаларга бўлган муносабати каbidир. Грамматика ҳар доим тил ифодаларида хатолар келиб чиқиши мумкин бўлганда тилнинг ўлчови бўлганидек, мантиқ ҳам ҳар доим ақлий тушунчаларда хато келиб чиқиши мумкин бўлганда ақл ўлчовидир." Мантиқ илмисиз ҳақиқий ижодий тафаккур, гўзал ва аниқ нутқ тузиш маҳол. Икки маълум фикрдан учинчи бир янги фикрни мустақил ҳолатда келтириб чиқариш ва уни маромига етказиб нутқда ифодалай олиш учун мантиқ қоидаларидан бохабарлик зарур.

Нутқ маданиятини педагогикадан ҳам айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Зотан, нутқ маданиятига соҳиблик мала-

¹ Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1992, 136-137-бетлар.

калари таълим ва тарбия жараёнларида шакллантирилади. Дунё тилшунослигида тилдан тўғри ва маҳорат билан фойдаланиш қоидаларини ўргатиш, яъни маданий нутқ тузиш йўлларини кўрсатиш билан шуғулланадиган соҳа тил дидактикаси ёки лингводидактика номи билан ҳам юритиладики, бунда нутқ маданияти ва педагогиканинг бир қисми бўлган дидактика ўртасидаги зич алоқа яққол намоён бўлади. Ю.В.Рожественский рус ва бошқа тилшуносликларда “умумий лингводидактика нутқ маданияти номини олган” лигини таъкидлайди¹.

Нутқ маданияти айни пайтда ўз моҳиятига кўра психология, эстетика, этика, социология, маданиятшунослик, адабиётшунослик ва бошқа бир қатор ижтимоий-гуманитар фанлар билан ҳам узвий боғлиқдир.

Инсон жамиятнинг ичида яшайди, фаолият кўрсатади, бошқалар билан мулоқот қилади. Бу мулоқот, албатта, нутқ орқали амалга ошади ва жамият аъзосининг нутқи айни жамият томонидан баҳоланади. Жамият аъзосининг нутқи шу жамиятда қарор топган миллий руҳият, нафосат, ахлоқ, ижтимоий муносабат, маданият, тарбия, урф-одат, идрок тамаллари ва қоидаларига асло зид келмаслиги лозим. Бу тамаллар ва қоидалар эса мазкур нолингвистик ижтимоий фанлар томонидан турли нуқтаи назарлардан ўрганилади. Тўғри ва таъсирчан нутқ тузишда айни қоидалар ҳисобга олинмас экан, уларга амал қилинмас экан, мақсадга эришиб бўлмайди.

Нутқ маданиятидаги бош масала, айтиб ўтилганидай, тилдан мақсадга мувофиқ фойдаланишдир, демак, тилни қўллашнинг реал ижтимоий жараёнларини таҳлил қилиш бу соҳанинг муҳим йўналишларидан биридир. Бу ўринда нутқ маданиятининг социология билан тўғридан-тўғри алоқадорлиги аниқ кўринади. Р.А.Будагов шундай ёзади: “Тил маданияти — бу нафақат филологик, балки социологик муаммо ҳамдир: у бугунги дунёдаги коммуникациянинг бениҳоя хилма-

¹ Рожественский Ю.В. Лекции по общему языкознанию. Москва: Высшая школа, 1990. С.319.

хил кўринишлари билан бевосита ёки билвосита боғлиқдир.¹ Тилнинг ижтимоий моҳияти, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, инсон нутқий фаолиятининг ўзига хосликларини ўрганган баъзи тадқиқотчилар бу муаммолар социологияга дахлдор деган фикрга ҳам келганлар. Масалан, инглиз олими Б.Малиновский ўзининг "Замонавий лингвистика дилеммаси" номли дастурий мақоласида "тил инсон ахлоқининг шакллари-дан бири, эҳтимолки, энг муҳимидир" деган тезисни илгари суради ва унингча, нутқий фаолият бўйича барча тадқиқотлар социологияни кўзда тутиши лозим, лингвистика эса умумий маданият назариясининг қисми бўлиб қолиши керак.²

Тил ва жамият ўртасидаги беҳад мустаҳкам алоқадорликни бутун кўлами билан англаш, тилшунослик ва социологиянинг кесишадиган кўплаб нуқталарини идрок этиш натижасида дунё тилшунослигида социолингвистика йўналиши, тўғрироғи, фани юзага келди. Тил структуралари билан социал структуралар ўртасидаги доимий мутаносибликлар, лисоний шакллар билан социал вазифалар орасидаги ўзаро алоқадорликларни аниқлашни асосий мақсад қилиб олган социолингвистика ривожланиб бормоқда. АҚШдаги Ланкастер университети тилшунослик кафедраси ўқитувчиси Роджер Т.Белл социолингвистиканинг мақсадлари, методлари ва муаммоларининг таҳлилига бағишланган китобида бу соҳанинг бош вазифаси тилни қўллаш назариясини яратишдан иборат бўлиши лозимлигини айтади. У шундай ёзади: "...Тилни қўллаш нафақат грамматик тўғри, балки коммуникатив кўникмаларнинг кенг диапозони томонидан қўллаб-қувватланадиган, ижтимоий мақбул бўлган жумлалар ва ёзувлардан иборат..."³ Унинг таъкидлашича, тил воситаларини танлаш ва бундаги моҳирлик асосида тингловчи ва ўқувчига кўрсатилган таъсирнинг сабабларига бўлган қизиқиш риторика, но-тиқлик санъатини социолингвистика билан яқинлаштиради,

¹ Будагов Р.А. Как мы говорим и пишем. Москва: МГУ, 1988. С.78.

² Швейцер А.Д. Современная социолингвистика. Теория, проблемы, методы. Москва: Наука, 1976. С.22-23.

³ Белл Роджер Т. Социолингвистика. Цели, методы и проблемы. Москва: Международные отношения, 1980. С. 97.

аммо ...бу икки фан ўртасида муаммога ёндашув борасида кескин фарқ кузатилади.¹

Социолингвистикада коммуникация мазмуни ва бу мазмунни узатиш каналларига алоҳида эътибор берилади. Одатда коммуникатив вазиятнинг уч асосий унсури мавжуд бўлади, яъни сўзловчи, тингловчи ва мавзу ёки ахборот. Сўзловчи муайян ахборотни тингловчига етказиш учун, албатта, восита — тегишли канални танлайди. Табиийки, асосий канал тилнинг ўзидир. Аммо ахборотни тўла етказишда умумий вазият ва мақсадга мувофиқ бошқа каналлар ҳам ишга туширилади. Бу ўринда паралингвистик ва экстралингвистик воситалар назарда тутилади. Чиндан ҳам, турли жестлар, юз ифодаси, бошни қимирлатиш, гавда ҳаракатлари, макон яқинлиги, овоз табиати, кийимлар, сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий ёки бошқа мақоми каби хилма-хил омиллар коммуникация жараёнида алоҳида қимматга эга. Узатилмоқчи бўлган ахборотнинг мазмуни, мақсади ва табиатига уйғун тарзда коммуникация канали танланади. Умуман, "асосий тадқиқот методи лисоний ва ижтимоий ҳодисаларни коррекциялаш (ўзаро алоқалантириш)дан иборат бўлган социолингвистика"²даги бу муаммолар бўйича қўлга киритилган хулосалар нутқ маданияти учун ҳам фойдалидир.

Тил, хусусан, ўзбек тили ифода вариацияларига жуда ҳам бой, яъни муайян бир тушунча ёки фикрни хилма-хил шаклларда ифодалаш имкониятлари мавжуд. Уларни соф лисоний вариациялар (масалан, *юз, бет, чехра, афт, башара, турқ* каби ёки *чой ичмоқ, чойдан ичмоқ, чойни ичмоқ* каби ёки *Биз истибдогдан қутулдик, Биз мустақилликка эришдик, Бошимизга эрк қуши қўнди* каби) ва ижтимоий вариациялар (масалан, *Кел, Келинг* (ёш ёки мақомдаги фарққа кўра) каби) тарзида фарқлаш мумкин. Маданий нутқ тузишда вариациялар ва улардан керагини танлаш диққат марказида бўлиши лозим. Маданий нутқ учун фақат грамматик тўғрилиқ эмас, балки танланган ифода вариантининг ижтимоий мақбуллиги, ўринлилиги ҳам муҳимдир. Айтиш жоизки, нутқ маданий бўлиши учун грамматик ва, умуман, лисоний қоидалар-

¹ Белл Роджер Т. Кўрсатилган асар, 43-бет. /

² Абдуллаев Ю., Бушуй А. Язык и общество. Ташкент: Фан, 2002. С. 153.

нинг ўзигина етарли эмас, бу борада тилнинг қўлланиши билан боғлиқ ижтимоий қоидалар ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Кўринадики, нутқ маданияти барча тавсифий тилшунослик фанлари билан бир қаторда кўплаб ижтимоий-гуманитар фанлар билан ҳам алоқадордир. Нутқ маданияти муаммолари ўрганилар экан, бу фанларда қўлга киритилган асосий илмий хулосалардан ҳам умумий тарзда бўлса-да, хабардорлик лозим бўлади. Зотан, инсон ва унинг тили, хусусан, нутқий фаолият, яъни нутқни тузиш ва уни тўғри тушуниш бениҳоя мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, мазкур фанлар бу жараён сирларини ўрганишга турли нуқтаи назарлардан туриб ёндашган.

Маданий нутқнинг асосий коммуникатив сифатлари

Нутқнинг маданийлигини таъмин этадиган тўғрилиқ, аниқлик, мантиқийлик, ифодалилик, бойлик, софлик, жўялилик каби бир қатор коммуникатив сифатлар мавжуд. Ана шу коммуникатив сифатларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирган нутқ маданий ҳисобланади. Ҳар қандай нутқнинг асосий мақсади муайян ахборотни тингловчи (ўқувчи)га етказиш, шу йўл билан унга таъсир қилишдан иборат бўлиб, мазкур сифатларнинг жами нутқнинг таъсирчанлигини юзага келтиради.

Нутқнинг тўғрилиги

Нутқнинг тўғрилиги нутқ маданияти ҳақидаги таълимотнинг марказий масаласидир. Маданий нутқнинг бошқа барча коммуникатив сифатлари айна шу тўғрилиқ мавжуд бўлгандагина юзага кела олади. Зотан, тўғри бўлмаган нутқнинг аниқлиги ёки мантиқийлиги, ифодалилиги ёки бойлиги ҳақида гапириш мумкин эмас. Айтиш жоизки, нутқнинг тўғрилиги бошқа барча коммуникатив сифатларнинг пойдевори вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам нутқнинг тўғрилиги нутқ маданиятининг биринчи босқичи бўлиб, мактаб она тили таълимининг асосий мақсади ҳам ўқувчиларда айнан тўғри нутқ тузиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган.

Тўғрилиқ сифати нутқ таркиби ва қурилишининг амалдаги адабий тил меъёрларига тўла мослиги асосида юзага келади. Адабий тил меъёрларига амал қилинмасдан тузилган нутқ тўғри нутқ бўла олмайди.

Ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққиёти жуда қадим замонларга бориб тақалади¹. Бизнинг минг йиллик

¹ Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилининг юзага келиши ва тақомили. Тошкент, 2006, 34-88-бетлар.

умумхалқ тилимиз бор, адабий тилимиз ана шу умумхалқ тилимиз бағрида ривож топган. Табиийки, умумхалқ тили — табиий ва тарихий тараққиёт жараёнлари ичидаги, аммо "андаваланмаган", "рандаланмаган" тил. У ўз гўзаллигини қандай бўлса, шундайлигича асрлар оша асраган, атайлаб пардозланмаган, меъёр деган қатъий қоидалар занжиридан озод, муайян ҳудудга мансуб гоҳ беҳад нозик, гоҳида мундайроқ ўзига хосликларни, яъни шу тил доирасидаги барча шева-ларни ҳам қамраган тилдир. Адабий тил эса ана шу халқ тилининг, таъбир жоиз бўлса, тарбияли, кўркли ва комил ягона "фарзанди"дир. Ўзбек адабий тили ўзбек халқ тили заминиде таркиб топган, у халқ тилининг тегишли қонуниятлар асосида меъёрлаштирилган, сайқалланган, оро берилган шаклидир. Ўзбек адабий тилининг шаклланиш асоси ҳам, бойиш ва озикланиш манбаси ҳам айна шу халқ тилидир. Бугунги ўзбек адабий тилимизнинг бойлиги ва фавқулуддаифода имконларига эгаллиги аслида халқ тилимизнинг расолиги ва равонлиги билан изоҳланади.

Адабий тилнинг тирик тиргаги адабий меъёрлардир, чунки уларсиз адабий тил тушунчаси моҳиятини йўқотади. Бу меъёрлар кишилар нутқий ахлоқининг бошқарувчиси, созловчиси сифатида хизмат қилади. Айна меъёрлар бу тилдан фойдаланувчиларнинг барчаси учун мажбурий бўлганлигидан сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ахборот алмашув жараёнида тил белгиларининг тўғри, адекват, бир хил англанишини таъминлайди (албатта, бунда бошқа воситалар ҳам иштирок этади). Шундай экан, адабий тил меъёрлари масаласи нутқ маданияти ҳақидаги таълимотда алоҳида аҳамиятга моликдир.

Адабий меъёр тил унсурларидан тил системаси қонуниятларига уйғун, жамият тараққиётининг муайян даврида барқарорлашган ижтимоий-нутқий амалиёт ва анъанага мувофиқ ҳолда фойдаланиш қоидаларидир. Адабий меъёрнинг шаклланиши ва ривожланишида жамиятдаги нутқий амалиёт ва, айниқса, атоқли ёзувчилар — сўз усталари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Худди шу амалиётда барқарорлашган сўз (ёки бошқа лисоний бирлик)ни қўллаш доимий қоида шак-

лини олади. Қизиги шундаки, адабий тил меъёри нутқий амалиётдан олинади ва яна шу амалиётни бошқаришга хизмат қилади. Тил меъёрлари миллий тил бирлиги, бутунлигининг бош омилларидан ҳисобланади. Айни шу меъёрлар кўп шевага ўзбек миллий тили эгаларининг нутқий мулоқотини бирлаштиради.

Адабий меъёрлар анчайин барқарор ҳодисадир, акс ҳолда нутқий алоқа қийинлашиши табиий. Айтайлик, бугун бу шакл меъёр, эртага бошқа шакл меъёр бўлса, кишиларнинг бир-бирларини англашлари мушкуллашади. Масалан, муайян сўз мавжуд бир нарсага нисбат бериб ясалган ва бу сўз адабий меъёрга кирган, аммо вақтлар ўтиши билан бу нарса ўрнини бошқа нарса эгаллайди. Буни *опланмоқ* сўзи мисолида кўриш мумкин. Истеъдодли ёзувчи Ориф Фармонов "Тадқиқотлар ва кашфиётлар" ҳажвиясида айни ҳолатни жуда чиройли тавсифлаб кулги чиқарган: "...Тараққиёт шунчалик тезлашиб кетдики, сал бўшашсанг, ё модадан орқада қоласан, ё автобусдан. Ҳатто сўз туғилиш суръати ҳам бу тараққиёт олдида жуда имиллаяпти. Масалан, қадимда *Йўлга отланги* деган гап бор эди. Ҳозир отлар ўрнини техника эгаллаб олди. Лекин *Йўлга отланги* гапи ҳамон тилимизда. *Йўлга отланган* одам эса ялпайиб машинада ўтирган бўлади. Демак, *Йўлга машиналанги* деган гап туғилиши керак эди-да."¹ *Опланмоқ* тилимизда барқарор лексик меъёр сифатида яшамокда, унинг дастлабки маъноси, яъни "отга минмоқ" бугун хиралашган.

Айни пайтда таъкидлаш жоизки, адабий меъёрларни мутлақо ўзгармас, даврлар ўтиши билан ҳеч бир ўзгаришга учрамайди деб бўлмайди. Меъёрларни тамоман қотиб қолган нарса деб тушуниш тўғри эмас. Адабий тил меъёрлари айни пайтда динамик ҳодиса ҳамдир. Тил ўзининг ижтимоий табиатига мувофиқ жамият ривожига билан баб-баравар такомиллашиб борар экан, тилнинг меъёрлари ҳам ўзгариб, янада мукаммаллашиб боради. Масалан, ўтган асрнинг 30-йилларида буйруқ майлининг иккинчи шахс кўплик шакли сифатида *-(u)нгиз* шаклини қўллаш адабий тил меъёри эди,

¹ Фармонов О. Учар тарелка. Тошкент, 1987, 59-бет.

лекин аср охирига келиб, унинг ўрнида *-(u)нг* шакли меъёрга айланди. Киёсланг: *Қўйидаги мақолни ўқингиз. Уни гапларга ажратингиз. Сўнгра кўчириб ёзиб, гапларнинг охирига нукта қўйингиз* (А.Йўлдошев. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент, 1934, 5-бет). *Мақолларни кўчиринг. Келаси замон феълларини топиб, тагига чизинг. Тўртинчи мақолнинг мазмунини тушунтириб беринг* (А.Фуломов ва бошқ. Ўзбек тили дарслиги. 5-6-синфлар учун. Тошкент: Ўқитувчи, 1982, 158-бет). Ёки адабий тил меъёри ҳисобланган *келади, ишлайди* феъл шакллари ўрнини бугун *келади, ишлайди* шакллари эгаллаган.

Ўзбек адабий тили меъёрларининг халқ шеваларига кўра асосларини ҳам тўғри тасаввур этмоқ лозим. "Ўзбек тилининг лаҳжалари орасида, одатда, қорлуқ-чигил лаҳжаси ҳамда унга қарашли бўлган айрим шева ва диалектлар ўзбек адабий тилининг таянч шева ва диалектлари деб ҳисобланади. Бунда уларнинг талаффуз норма (меъёр)ларини белгилашдаги роли, кўпгина терминларнинг уларда илгаридан шаклланганлиги, бу шева вакиллари кўп жиҳатдан миллий маданият ва лексик анъаналаримизни бошқаришда ўзларига хос хизматлари борлиги асосга олинган... Баъзи олимлар ўзбек адабий тилининг нормаларини белгилашда Тошкент шеvasини фонетик жиҳатдан, Андижон, Фарғона шеваларини эса морфологик жиҳатдан таянч шева деб ҳисоблайдилар.

Тошкент шеvasи пойтахт шаҳар шеvasи сифатида лексик томондан ҳам ўзининг кўпгина элементларини адабий тилга киритган ва киритмоқда. Лекин аслида А.К.Боровков қайд қилиб ўтганидек, ўзбек тилининг бирорта шеvasини ҳам адабий тилга ҳамма жиҳатдан асос бўлган деб айтиб бўлмайди. Чунки ўзбек тилининг ҳамма диалект ва шевалари адабий тил тараққиётига маълум бир ҳисса қўшган, иккинчи томондан, уларнинг ҳар бирида жуда кўп ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Масалан, Андижон, Фарғона шевалари ўзбек адабий тилига энг кўп тарқалган грамматик формалардан бирини — ҳозирги замон феълнинг *-ял* аффикси билан ясалувчи формасини берган. Бундан ташқари, Андижон ва

Фарғона шевалари ўзбек адабий тилининг асосий талаффуз базаси сифатида ҳам хизмат қилади. Бу шеваларнинг адабий тилимизга ўзларининг фонетик хусусиятлари билан ҳам максимал даражада яқинлашуви шу билан изоҳланади. Бу шевалар ўзбек адабий тилига ўзларининг лексик бойлиги, стилистик имкониятлари ҳамда бошқа тил воситалари билан ҳам ҳисса қўшган.

Шуниси характерлики, бир қарашда ўзбек адабий тилидан бирмунча узоқроқ тургандек кўринган қипчоқ шевалари ҳам ўзбек адабий тилига жуда кўп лексик бойлиги, стилистик имкониятлари ҳамда бошқа грамматик воситалари билан ҳисса қўшган. Масалан, ўзбек адабий тилидаги қаратқич келишигининг тўлиқ формаси қипчоқ шеваларидан қабул қилинган. Адабий тилимиздаги ҳозирги замон феълининг *-ётир* аффикси воситасида ясалувчи формаси ҳам қипчоқ ва ўғуз диалектларига хос формадир ва ҳ.к...

Демак, ўзбек адабий тилининг ривожланишида барча диалект ва шевалар манба бўлиб хизмат қилган. Лекин бунда қорлуқ-чигил лаҳжасига оид диалект ва шевалар етакчи манба ролини ўйнаган.¹

Алоҳида таъкидлаш керакки, адабий талаффуз меъёри тарбияси қанча эрта бошланса, шунча яхши, чунки шевага хос талаффуз кўникмаси жуда мустаҳкам бўлади. Айтайлик, бола ёруғ дунёга келган сониядан бошлабоқ унинг қулоғи одатда у ёки бу шевадаги нутқ таъсири остида қолади. Истаймизми-йўқми, тили ҳам шу шевада чиқади. Таассуфки, оилада то боланинг тили қотгунча уни адабий талаффуз томон тортишга уриниб ҳам кўрилмайди. Кейинчалик уни адабий талаффузга ўргатиш учун кўп куч сарфланади, аммо натижа ҳамиша ҳам кўнгилдагидек бўлавермайди. Ҳатто тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб етишган, айтайлик, хоразмликнинг "о" товушини ("а" ёки унга яқин тарзда талаффуз қилади), бухороликнинг "ў" товушини (асосан, тил олди "ў" тарзида талаффуз қилади) соф адабийча талаффуз қилиши мушқу-

¹ Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 21-22-бетлар.

лотта айланади. Ана шу туфайли "Боланинг тили роса чиқиб олаверсин, унинг нутқий маданияти ҳақида қайғуриш қочмас, мактаб ҳаммасини ўргатади" қабилада мулоҳаза қилиш ақлнинг иши эмас. Ўз фарзандининг рўшно дили, бурро тили ва расо сўзи билан илонни инидан чиқарадиган бўлиб камолга етишини астойдил истайдиган ҳар бир киши буни унутмаслиги керак.

Адабий тил меъёрларини тартибга солиш, мустаҳкамлаш, ўзгариш ва тараққиёт тамойилларини белгилаш мақсадида давлат, илмий-адабий жамоатчилик, умуман, жамият тил меъёрларига оқилона таъсир этиб боради. Зеро, адабий меъёрнинг моҳияти тилдаги у ёки бу қўлланишнинг шу тил жамоаси томонидан мақбул кўрилиши, нуфузли адиблар асарларида кенг ёйилиши, жамият ҳаётининг айни даврида нутқий урфга киришидан иборат. Жамиятдаги муайян катта-кичик ўзгаришлар тилда акс этар экан, адабий меъёрларда ҳам ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолатларда мақбул вариант — адабий меъёр юзасидан тегишли давлат идоралари, жамоатчилик комиссиялари, тилшунослар, ёзувчилар ва бошқа кишилар томонидан тавсиялар ишлаб чиқилади. Масалан, ўтган асрнинг 90-йилларида бир муддат истеъмолга кирган *илмгоҳ*, *билимгоҳ*, *таҳсилгоҳ* каби сўзлар ана шундай тавсиялар асосида адабий меъёрдан чиқарилиб, унинг ўрнига *институт* сўзи меъёрлаштирилди.

Адабий тил меъёрларининг мустаҳкамланишида, жамият аъзоларининг унга доимий амал қилишларини тарғиб этишда мактаб, лицей-коллежлар, олий мактаб, бадиий адабиёт, телевидение, радио, газета ва журналларнинг алоҳида ўрни бор.

Адабий тил меъёрларини англаш ва англатишда уларга систем ёндашув фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Тилшунос Л.И.Скворцов шундай ёзади: "Адабий меъёрларни тавсифлашга систем ёндашув, бизнингча, синтагматика ва парадигматика тушунчаларини киритиш орқали юзага чиқади... Меъёрлар парадигматикаси сўз (сўз бирикмаси, конструкция)ни мавжуд маъноси ёки маъно нозиклигига, услубий, ситуатив ва ш.к. вазифага мувофиқ танлаш, синонимик ёки яқин маъ-

ноли, шунингдек, замон, ижтимоий-қасбий ёки бошқа жиҳатдан боғланган (архаик, ҳудудий, жаргон ва бошқа воситалар) вариантни тўғри қўллашни ўз ичига олади. Адабий меъёрлар синтагматикаси кенг маънодаги "бирикувчанлик" имкониятлари(мослашув, предлоғли ёки предлогсиз бошқарув, грамматик вариантни танлаш ва ш.к.)ни белгилайди."¹ Кўринадикки, меъёрлар синтагматикаси деганда кўпроқ грамматик меъёрлар системаси назарда тутилади.

Ўзбек адабий тилида, асосан, қуйидаги меъёрлар фарқланади: 1)лексик (сўз қўллаш) меъёрлар; 2)талаффуз (орфоэпик) меъёрлари; 3)сўз ясалиши меъёрлари; 4)морфологик меъёрлар; 5)синтактик меъёрлар; 6)услубий меъёрлар. Табиийки, адабий тилнинг ёзма шаклида имло (орфографик) ва тиниш белгилари (пунктуацион) меъёрлари ҳам мавжуд бўлади. Бу меъёрлар мутахассислар томонидан тил қонуниятлари, шунингдек, тарихий аъналарга суянган ҳолда аниқ қоидалар шаклида тайёрланади ва тегишли давлат органи тарафидан тасдиқланади. Бу қоидалар айна пайтда имло луғатларида ўз аксини топади.

Маданий нутқ малакасини пухта эгалламоқ, муайян нутқнинг тўғрилиқ сифатини холис баҳолай билмоқ учун адабий меъёрларнинг мазкур типлари, уларнинг асосий қоидалари ва бу қоидаларнинг бузилиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган нутқий хатоларни етарли даражада тасаввур қилмоқ мақсадга мувофиқдир. Айниқса, адабий тил меъёрларининг кучсиз типлари, агар етарли даражада эгалланмаган бўлса, нутқда бузилишга мойил бўлади.

Ўзбек тили дунёдаги қадимий ва ривожланган тиллардан бири сифатида бениҳоя бой лексик хазинага эга. Бу хазинадаги сўзларнинг баъзилари энг қадимги даврлардан бери яшаб келаётган бўлса, баъзилари нисбатан кейинроқ пайдо бўлган, яна айримларининг маъно миқдори ортган, бошқаларида эса бу миқдор камайган. Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётида юз берган тарихий ўзгаришлар тилнинг, энг аввало, луғат

¹ Скворцов Л.И. Теоретические основы культуры речи. Москва: Наука, 1980. С. 88.

бойлигида ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам лексик меъёрлар бошқа меъёрларга қараганда анчайин ҳаракатчан бўлади. Бунинг устига, лексик меъёрларни белгилаш ҳам сезиларли даражада мураккаб ва қийин жараён, чунки, масалан, фонетик ёки морфологик бирликлар санокли бўлгани ҳолда, лексик системани ташкил этадиган бирликлар — сўзлар жуда кўп, бир неча ўн минглар, юз минглар билан ўлчанади. Шунга кўра ҳам лексик системани осонликча унификация қилиш мумкин эмас. Бунинг устига тилда янги-янги сўзлар пайдо бўлади, айрим сўзлар истеъмолдан чиқиб кетади, турли тиллардан сўзлар кириб келади. Сўзнинг мақбуллиги, унинг у ёки бу маънода қўлланиши тўғрилигининг баҳоланишида кўпроқ тил эгаларининг дунёқараши, мафкураси, маданий-маърифий савияси, адабий анъаналардан бохабарлиги асосий роль ўйнайди. Шунинг учун баъзан муайян сўзнинг адабий тилда қўлланишининг мақбуллиги ёки номақбуллиги устида узоқ ва жиддий баҳслашилади. Ана шу баҳс-мунозаралар, илмий-ижтимоий изланишлар натижасида тегишли тўхтамга келинади.

Айтиш лозимки, лексик меъёр луғатларда, хусусан, изоҳли луғатларда ўз аксини топади, зотан, изоҳли луғатларга биринчи навбатда адабий тил лексикаси киради. Тўғри, адабий меъёрдан ташқаридаги сўзларнинг маълум қисми ҳам изоҳли луғатдан ўрин олади, аммо улар "эск." (эскирган), "с.т." (сўзлашув тили), "диал." (диалектал), "фольк." (фольклор), "тар." (тарихий) каби изоҳлар билан берилади. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" (2 томли. Москва, 1981)да "Мазкур луғат ҳозирги ўзбек адабий тилининг норматив луғатидир. Шунга кўра луғатга, хусусан, ҳозирги замон ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлган сўз ва фразеологик иборалар киритилган" деб таъкидланган. Айтиш жоизки, бугун мазкур луғатдаги анчагина сўзлар ҳозирги адабий тилимиз меъёрларидан чиқди, бир қанча сўзлар меъёрга кирди. Шунинг учун янги 5 жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" тайёрланди ва нашр этилди (Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006-2008).

Тилнинг лексик меъёрларини белгилашда ўз ва бошқа тиллардан ўзлашган сўзларга муносабат масаласи ўртага чиқади. Дунё мамлакатларининг кўпчилигида вақти-вақти билан бу борада тилга пуристик ёндашув кўзга ташланади. Аслида пуризм (лотинча — *puris* "тоза, соф") тилнинг тозалигини сақлашга уриниш маъносида ижобий ҳодиса. Аммо тилдаги ҳар қандай ўзлашмаларга кескин қарши, ўта консерватив бир ҳаракат ўлароқ, салбий ҳаракат деб баҳоланади. Тилга ноўрин кириши мумкин бўлган чет сўздан сақланиш керак, аммо ҳар қандай ўзлашмага қарши туриш, уни алмаштиришга киришиш мақбул иш эмас. Тилшунос Л.И.Скворцов пуризм одатда фавқулодда ижтимоий воқеалар ва улар билан боғлиқ тилда воқе бўладиган сезиларли силжишлар даврида бўй кўрсатишини айтади.¹ Чиндан ҳам, ўтган асрнинг 20-йилларида ўзбек тилига Европа тилларидан кирган жуда кўплаб сўзларни араб-форс сўзлари ёки янги ясалмалар билан алмаштиришга зўр берилган. Масалан: *партия* — *фирқа*, *математика* — *риёзиёт*, *астрономия* — *фалакиёт*, *водород* — *мувалидулалмаъ* — *сувтуғдирғич*, *кислород* — *мувалидулҳамуза* — *аччил*, *углерод* — *ҳомзи корбун* — *кўмирчил* ва ҳ.к. Лекин бу ҳаракатлар моҳиятан сунъий бўлганлиги, ўзбек тили табиатига мувофиқ бўлмаганлиги учун натижа бермади, мазкур алмаштирилган сўзлар лексик меъёр сифатида тилда муқимлаша олмади.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам ўзбек тилидаги европача ўзлашмаларни тилдан чиқаришга қаратилган хилма-хил фикрлар, тавсиялар ўртага ташланди. Бу тавсияларнинг аксарияти илмий-ижтимоий асосга эга эмасди, чунки бу фикрларнинг муаллифлари тилнинг моҳияти ва қонуниятларидан беҳабар эдилар. Масалан, бир ёзувчи ҳатто *товар* сўзи ўзбек тилига ёт, уни истеъмождан чиқариш керак деган даъво билан чиқди. Ҳолбуки, *товар* сўзи соф туркий бўлиб, у рус тилига туркий тиллардан ўтган. Аслида *туғ+ар* — *туғар* (туғадиган) — *тувар* — *тўвар* — *товар* шаклида пайдо бўлган. Мол сўзи-

¹ Скворцов Л.И. Кўрсатилган асар, 52-бет.

нинг маъно тараққиёти қандай бўлса, *товар* сўзиники ҳам айнан шундай. Фақат бу сўзларнинг бири шарқий туркий тилларга, иккинчиси эса ғарбий туркий тилларга хосдир. Демак, *товар* сўзи ўзбек тилининг минг йиллик асл ўз сўзи сифатида яшашга ҳақли.

Айни шу даврда *аэропорт* сўзини *тайёрагоҳ*, *газета* сўзини *рўзнома*, *журнални мажалла*, *факультетни куллиёт*, *филологияни суханшунослик*, *районни ноҳия* тарзида алмаштиришга ҳаракат қилинди, матбуотда шундай қўллана бошлади. Аммо барибир, бу сўзлар ўзбек тилининг лексик меъёрига айлана олмади. Бир хорижий тилдан кирган сўзни бошқа хорижий тил — араб ёки форс тили сўзи билан алмаштириш, табиийки, тил лексикаси тараққиёти учун ҳеч нарса бермайди, аксинча, халқни ўзи одатланган сўздан ажратади, тушунишини қийинлаштиради. Европа тилларидан кирган сўзларни араб-форс сўзлари билан алмаштиришга зўр берилган ўша ўтган асрнинг бошларида буюк ўзбек тилшуноси ва адиби Абдурауф Фитрат ўзининг "Тилимиз" номи мақоласида ўзбек зиёлиларининг форс ва араб сўзларини ишлатишга ўчлигидан нолиб, шундай ёзган эди: "Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча (ўзбекча)!.. Минг йилдан бери эзила келмишдир. Лекин битмамишдир. Битмас, яшамишдир, яшар. Негаким бойдир. Туркча яшамишдир. Яшар, лекин ўзини араб, форс тиллариндан қутқара олурми, йўқми? Сўзни бу ерга етиргач, бармоғимни яранинг ўзагига босмиш бўлдим."¹

Ер юзида мутлақо соф бирорта тил йўқ, албатта, биридан бошқасига сўз ўтади. Биз истаймизми, йўқми, барибир, бу табиий жараён. Муҳими — бунда меъёр ва ўзбек тили қонуниятларига, ижтимоий-нутқий одатларга уйғунликни инобатга олиш. Ана шу асосда тилимиз луғат хазинасидан ўрин олган жуда кўп араб, форс, рус ва бошқа тилларнинг сўзлари борки, уларнинг бегона тилга оидлигини мутахассис бўлмаган одам сезмайди ҳам. "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул

¹ Фитрат А. Чин севиш. Тошкент: Ф.Фулом номидаги Адабий ва санъат нашриёти, 1996, 237, 240-бетлар.

қилингандан кейин *автор, гонорар, группа, министр, область, программа, план, редактор, секретарь, текст, тема* каби рус тилидан ёки у орқали бошқа тиллардан кирган бир қанча сўзлар ўрнига тавсия этилган *муаллиф, қалам ҳақи, гуруҳ, вазир, вилоят, гастур, режа, муҳаррир, котиб, матн, мавзу* каби арабча, форсча сўзлар бугун ўзбек тилининг лексик меъёрига айланиб бўлди.

Шуни ҳам айтиш керакки, бошқа тилдан сўз олинганда, бу сўз талаффуз жиҳатидан оловчи тилнинг товуш қонуниятларига муайян бир даражада мослаштирилмоғи мақсадга мувофиқ. Араб, форс, япон, турк ва кўплаб бошқа тилларда бу тамойил анъанага айланган. Ана шундай йўл тугилганда, ўзга тилнинг сўзи бу тилга тамоман ўз бўлиши ва бу тил ростмана бойиши мумкин. Айтайлик, *иқлим* сўзини бугун ҳеч қайси ўзбек бошқа сўз билан алмаштириш керак демайди. Тилимиздаги бениҳоя кўп арабча сўзлар қаторида бу сўз ҳам ўзлашиб кетган. Аммо бу сўз аслида арабларнинг ҳам бевосита ўз "мол"и эмас. Уни араблар юнон тилидан олганлар. Юнонларда *климатос* сўзи бор, у "қуёш нурининг ерга тушишидаги қиялик даражаси" деган маънони ифодалайди. Бу сўзни араблар талаффузини ҳам арабчалаштирган ҳолда (*иқлим*) ўзлаштирганлар. Ёки япон тилида *сисутему* (система), *акусенто* (акцент), *пурусу* (пульс; япон тилида л товуши йўқ), *идзороги* (идеология) каби бир қанча талаффузи ҳам мослаштирилган ўзлашмалар мавжуд. Ўзбек тилида илгари рус тилидан ўзлаштирилган ва айнан талаффуз қилинадиган *комитет* (французча *comite* сўзидан олинган) сўзи бор эди. Мустақилликдан кейин айна шу французча сўзни ўзбекча талаффузга мослаштириб, *қўмита* шаклида олинди ва у адабий лексик меъёрга айланди.

Тилимизнинг луғат хазинасини бойитиш ва тозалигини таъминлаш, лексик меъёрларининг мунтазамлигига эришишда энг маъқул йўл ўзбек тилининг ўз ички имкониятларига таянишдир. Ўзбек тилининг ўз қонуниятлари асосида янги сўзлар яшаш, у ёки бу сабабга кўра истеъмолдан чиққан қадимги ва эски туркий сўзларни тиклаш, тилимизнинг теран

томирлари бўлмиш шевалардан сўз олиш мақсадга мувофиқ. Масалан, *рапорт* сўзининг ўзбекча муқобили сифатида билдирги сўзи ясалди ва адабий тилдан жой олди. Ёки *район* сўзи аввал *ноҳия* сўзи билан алмаштирилди, аммо лексик меъёр мақомини олмади. Кейинроқ эски ўзбек тилидаги *туман* сўзи истеъмолга киритилди, у фаол луғатимизда ўз ўрнини топди.

Адабий тилда ҳозирча мавжуд бўлмаган, турли соҳаларга оид сўзларни излаб топишда шевалар тенгсиз манбадир. Ўзбекистоннинг бир ҳудудда деҳқончилик, бошқасида чорвачилик, яна бошқасида балиқчилик ривожланган, демакки, бу соҳаларга оид хилма-хил сўзлар ўша ерларда бор. Таомшунос олим Карим Маҳмудов хотираларидан бирида шундай воқеани ҳикоя қилган эди: Олим бир таомнинг тайёрланиш тартибини ёзиб, зукко сўз синчиси Абдулла Қаҳҳорга кўрсатади. Ундаги *укра* сўзини кўрган ёзувчи: "Бунинг ўзбекчаси йўқми?" деб сўрайди. Олим: "Балиқнинг уруғи" деса бўлади", дейди. Сўзнинг ичу ташини нақд кўра биладиган адиб: "Нима, сизга балиқ ўсимликми?" дейди аччиқланиб. "Бўлмаса, "балиқнинг тухуми" бўлсин", деб жавоб беради олим изланган бўлиб. Ёзувчи: "Балиқ товуқ эмас", дейди ва халқда уни ифодалайдиган алоҳида сўз бўлиши кераклигини айтади... Олим сафарларидан бирида Хоразмда Қаҳҳор қасд этган сўзни эшитади, у ерда *увулдуруқ* дейиларкан. Шундай тарзда бу сўз адабий тилдан жой олади.

Лексик меъёрларга ҳуда-беҳуда аралашавериш, ҳар бир чет сўзга ғашлик билан қарайвериш, ўринли-ўринсиз чет сўзни алмаштириш пайдан бўлавериш тил лексик меъёрларининг барқарорлигини бузади. Бу, албатта, нутқий мулоқот жараёни учун ҳам, нутқ маданияти учун фойдали эмас. Инглиз диншуноси ва тарихчиси Жеймс Жорж Фрээр бир китобида шундай бир антиқа одатни тасвирлайди.¹ Австралидаги ҳинду қабилаларидан биридаги урфга кўра, бирор киши вафот этса, унинг исмини тилга олиш тақиқланар экан. Маълумки, ҳар қандай киши исми айни замонда турдош от ҳамдир, яъни у муайян маънога эга бўлиб, ҳаётдаги бирон-

¹ Фрээр Д.Д. Золотая ветвь. Москва, 1986. С. 243-245.

бир нарса ёки тушунчани ифода этади. Масалан, *Пўлат*, *Темир*, *Лола*, *Арслон* каби киши исмлари турдош от сифатида тегишли нарсаларнинг номларидир. Айтайлик, *Пўлат* исми киши дунёдан кўз юмди, шу кундан бошлаб, бу сўз таққққа учрайди, яъни тилдан чиқиб кетади. Унинг ўрнига шу маъно ифодаси учун янги сўз тилга олиб кирилади. Демак, мазкур қабила тилининг луғат бойлиги тинимсиз ўзгариб туради. Табиийки, бир-икки йилда мазкур қабилада 100 — 200 одам вафот этса, ўз-ўзидан шунча сўз тамоман янгиланади. "Бу фаройиб одат тилнинг барқарорлигигагина путур етказиб қолмасдан, жамият ҳаётининг узлуксизлигини ҳам издан чиқаради ва ўтмиш воқеалари солномасини ҳам хира ва ишончсиз бир нарсага айлантиради", — деб таъкидланади мазкур китобда. Тилнинг сўз бойлигига ниҳоятда эҳтиёткорлик, ҳушёрлик, зийраклик билан муносабатда бўлиш лозим.

Бугун адабий тилнинг лексик меъёрларидан ташқаридаги *мундиал* (футбол мусобақаси), *олийгоҳ* (институт), *илмгоҳ* (университет), *ўйингоҳ* (стадион) каби сўзларни қўллаш нутқнинг тўғрилигига путур етказилади: *Германияда давом этаётган 18-жаҳон чемпионати ишқибозларни ўзига жалб этиши билан ўтган мундиал (?) лардан фарқ қилади* ("Халқ сўзи", 2006, 8 июль). *Яхши актриса ҳисобланмасам-да, ўзини севганлардан бири сифатида ушбу олийгоҳ (?) ни битирдим* ("Бекажон", 2006 йил 24 август). *У Ҳарвард университетига кириш учун тайёр эди. 1972 йили ана шу илмгоҳ (?) нинг иқтисодиёт факультетига ўқишга кирди* ("Даракчи", 2006 йил 24 август). *Муборак тумани марказигаги Баҳром Вафоев номли ўйингоҳ (?) да уюштирилган кураш турнири ана шундай шиор остда ўтди* ("Ўзбекистон овози", 2006, 15 апрель).

Айниқса, ўқитувчи нутқида ҳатто мактаб билан борлик тушунчалар ифодаси учун адабий тилнинг луғат бойлигидан ўрин олиб улгурмаган сўзларнинг қўлланиши мутлақо ножоиздир. Масалан, "Кичкинтойлар нутқини ўстириш" номи бир китобда шундай жумла бор: *Тарбиячи хаттахта (?) олдиға икки нафар болани чақиради*.¹ Албатта, бу сўз русча-

¹ Жўраев С., Қодиров Х. Кичкинтойлар нутқини ўстириш. Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 67-бет.

дан олинган *доска* сўзининг муқобили сифатида ясалган, лекин лексик меъёр мақомини олмаган. Аслида бундай янги сўз ясашга эҳтиёж йўқ, чунки тилимиз тарихида айни маънода қўлланган *тахта* сўзи мавжуд: *Хонага ўнпача эски чанг босган парта, кираверишдаги деворга каттакон қора тахта қоқилган эди* (Парда Турсун, "Ўқитувчи" романи). Тилнинг лексик меъёрларини яхши англаш, уни авайлаш ва унга амал қилиш тўғри нутқ тузишнинг муҳим омилларидандир.

Шу нарсани тан олиш лозимки, ҳар қандай истақдан қатъи назар, пешқадам давлатнинг тилидан бошқа тилларга у ёки бу зарурият боис сўз кириб келаверади. Фан ва технологиядаги катта-кичик кашфиётлар, ютуқлар, энг ками, шу кашфиётчининг исми шаклида ёки яна бошқа бирор шаклда ўзга тилларга кириш учун осонликча йўл топаверади. Тарихда ҳам шундай бўлган, бу табиий жараён. Айни фикрни исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Биргина дунё тилларининг деярли барчасидаги *алгоритм* сўзининг *Ал-Хоразмий* эканлигини эслашнинг ўзи кифоя. Бугун ҳам шундай: *Mercedes*, *Сони*, *Самсунг* каби юзлаб муайян бир тилнинг сўзлари бутун дунё тилларига кириб бўлган. Мамлакатимиздаги жадал иқтисодий ислохотлар туфайли *маркетинг*, *менежмент*, *менежер*, *брокер*, *лизинг*, *биржа* каби алақанча хорижий сўз ўзбек адабий тилининг луғат хазинасидан жой олиб улгурди. Албатта, бу сўзлар янги, илғор иқтисодий ғоялар билан бирга кириб келмоқда.

Ўзбек адабий тилининг талаффуз (орфоэпик) меъёрлари деганда, нутқда айрим товушлар, уларнинг қўшилмаси, сўзлар, жумла(гап)ларнинг оҳанги (интонацияси) ва шу кабиларни тўғри талаффуз қилиш қоидалари назарда тутилади. Атоқли ўзбек тилшуноси С.Иброҳимов бундан 40 йил илгари шундай таъкидлаган эди: "Адабий талаффуз нутқ товушларини, сўз ва морфемаларни ҳамда ибораларни тегишли қоидаларга мувофиқ талаффуз этиш, сўз ва гапларда урғу, интонация ва паузага тўғри риоя қилиш билан юзага келади. Гарчи турлича шевада, айниқса, бир неча лаҳжа ва жуда кўп шевага бўлинган ўзбек тилида сўзловчи жамият аъзоларининг талаффузларини тамоман бир хилга келтириб бўлмаса-да, адабий тил-

нинг узоқ тарихий жараёнида ва бирлашган адабий тилининг кейинги тараққиётида белгили умумий талаффуз нормалари вужудга келган, қарор топган. Нутқ маданияти уларга оғишмай амал қилишни талаб этади. Бу нормалар нутқ товушлари талаффузи, урғу, интонация, паузага оиддир."¹

Ўзбек адабий тилининг талаффуз меъёрлари "Ҳозирги ўзбек адабий тили" курсининг "Орфоэпия" бўлимида анчайин ихчам бир тарзда баён қилинган. Бу меъёрлар ўзбек тилшунослари томонидан яратилган иккита орфоэпик лугатда баҳоли қудрат акс эттирилган.² Аммо бу лугатларнинг нашр этилганига йигирма-ўттиз йил бўлди, бунинг устига ҳар иккала лугатда ҳам такомиллаштирилиши лозим бўлган ўринлар анча-мунча бор.

Адабий талаффуз меъёрлари сўзнинг товуш жиҳатидан ҳамма томонидан бир хил ва тўғри акс этирилишини, нутқ оқимидаги оҳангнинг аниқ тайин этилишини тартибга солади. Бу сўзнинг ва, умуман, нутқнинг тўғри тузилиши ва англиниши учун бениҳоя муҳимдир.

Бу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқ жоиз. Нутқ маданияти ҳақида гап борар экан, сўз урғуси эркин бўлган тилларда, масалан, рус тилида урғу меъёрлари масаласига жуда катта эътибор берилади.³ Рус тилида урғу қоидалари беҳад кўп бўлиб, уларда хилма-хил хусусий ва истисно ҳолатлар устундир, бу қоидалар умумий характерга эга эмас.⁴ Бошқача қилиб айтганда, урғу билан боғлиқ меъёрлар турлича ва катта миқдорни ташкил этади. Ўзбек тилидаги урғу эса турғун бўлиб, саноқли истисно ҳолатлар ҳисобга олинмаса, у, асосан, сўзнинг охириги бўғинига тушади, қўшимча қўшилгани сайин, сўнги

¹ Иброҳимов С.И. Ўзбек тилининг нутқ маданиятига оид масалалар. – Нутқ маданиятига оид масалалар (I Республика конференцияси материаллари. 1969 йил 27-29 май). Тошкент: Фан, 1973, 20-бет.

² Содиқова М., Усмонова Ў. Ўзбек тилининг орфоэпик лугати. Тошкент: Ўқитувчи, 1977; Асомиддинова М. ва бошқ. Ўзбек адабий талаффузи лугати. Тошкент: Фан, 1984.

³ Масалан: Горбачевич К.С. Нормы современного русского литературного языка. Москва: Просвещение, 1978. С. 85-133; Головин Б.Н. Кўрсатилган асар, 41-83-бетлар.

⁴ Современный русский язык. Ленинград: Просвещение, 1988. С. 157.

бўғинга кўчиб бораверади: *кутубхона* — *кутубхонамиз* — *кутубхонамизда* — *кутубхонамиздаги* — *кутубхонамиздагилар* — *кутубхонамиздагилардан* каби. Ўзбек тилида урғунинг кўллинишидаги бу қоида кучли меъёр бўлиб, ҳеч қайси ўзбек унга амал қилишда янглишмайди, демак, уни алоҳида ўрганиш учун эҳтиёж йўқ. Сўзнинг охириги қисмида бўлса ҳам, *-та(ўнта)*, *-ча(қаҳрамонларча)*, *-ма(борма)*, *-гина(сенгина)*, *-дек(гулдек)*, *-ми(билдими)*, *-га(билди-га)*, *-ман(ишлаганман)* каби кўшимча ва юкламаларнинг урғу олмаслиги ёки *янги'* — *я'нги*, *ҳози'р* — *ҳозир* каби урғунинг кўчиши истисно ҳолатлар, улар кўп эмас. Бунинг устига, айтилган меъёрлар ўзбек халқ шеваларидагидан деярли фарқ қилмайди. Бу ҳол ўзбек адабий тилидаги урғу меъёрларини осонлик билан ўзлаштирилишига имкон беради. Шунинг учун урғу меъёрларини ўзбек адабий талаффузи меъёрларининг ичида қараш мақсадга мувофиқдир.

Адабий талаффуз меъёрларини белгилашда сўзлардаги товуш ва товуш қўшилмаларини тўғри айтиш алоҳида ўрин тутади. Бунда мавжуд товушларнинг ўзига хос қонуниятлари, шакланган аънава ва шевалардаги умумий ҳолатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Масалан, *китоб*, *ҳисоб*, *мактаб*, *юзлаб*, *обод*, *савод*, *марварид* каби сўзларнинг охиридаги жарангли ундошларнинг нутқда *китоп*, *ҳисоп*, *мактап*, *юзлап*, *обот*, *савот*, *марварит* тарзида жарангсиз айтилиши ўзбек тилининг деярли барча шеваларида учрайди, шунга кўра бу ҳолат адабий талаффуз меъёри ҳисобланади.

Шеваларда кенг тарқалгани, тилимизнинг товуш табиати ва аънавага киргани туфайли *баланд*, *поезд*, *Самарқанд*, *хурсанд*, *дўст*, *артист*, *ғишт*, *гўшт*, *Тошкент* каби сўзларда сўз охиридаги ундошларнинг айтилмаслиги (ёки жаранглининг жарангсизлашиши) ҳам талаффуз меъёри сифатида қаралади. Шунингдек, сўз шаклларидаги қуйидагича айтилиши ҳам меъёрга айланиб бўлган: *ушта* (учта), *бессўм* (беш сўм), *ушти* (учди), *кетти* (кетди), *иссиз* (изсиз), *туссиз* (тузсиз) каби.

Дарсликларда таъкидланганидек, “оғзаки нутқда бўлса, келса, бўлган, келган сингари сўзлар талаффузида л товушини кўпинча тушириб қолдириш ҳам адабий орфоэпия нормаси-

га айланиб қолган. *Опти, бўпти, қопти, бораркан, келаркан, овор, қўйвор* каби сўзларнинг оғзаки нутқдаги талаффузи ҳам шу ҳодисага киради."¹ Айтиш мумкинки, бу ҳолатларнинг ўзбек адабий талаффузи меъёрларига айланиб улгурганига анча бўлган. Улкан адиб Абдулла Қаҳҳор "Санъаткор" номли ҳикояси (1936 йил) да бўлса феълнинг адабий талаффуздаги бўса шакли билан бўса (ўпич) оти ўртасидаги шаклдошлиқдан фойдаланиб, мазкур феълнинг фақат бўлса шаклини адабий талаффуз деб тушунадиган, ҳатто бўса (ўпич)ни ҳам бўлса тарзида айтадиган "маданиятли" артистнинг бениҳоя кулгили қиёфасини чизган: *...Санъаткор тажанг эди: танаффуз вақтида залга чиққан эди, бир тракторист уни саводсизликда айблади... Санъаткор уйига кетгани извошга ўтирганни яна тутақиб кетди: "Ҳеч бўлмаса, айтганидан ашулангни ўрган, сўзларини тўғри айт" эмиш!.. – Хизматчиси савод мактабига ўқиётган бир кишини тракторист саводсиз деса, алам қилмайдими? – деди санъаткор ўзича бўғилиб, – "лабингдан бўлса олсам, э шакарлаб" деганим у кишига ёқмапти, "бўлса" эмас, "бўса" эмиш! Ўзи билмайдигу-ю, менга ўргатганига қуяман! Сенга ўхшаган саводсизлар "бўса, бўлмаса" дейди. Артист культурний одам – гапни адабий қилиб айтади – "бўлса, бўлмаса" дейди.*

Умуман, ўзбек тилининг талаффуз меъёрлари шакланган ва дарсликлар, тегишли луғатлар, турли қўлланмаларда берилган.

Ўқитувчи нутқи адабий талаффуз меъёрларига амал қилишда ўқувчига намуна бўлиши лозим. Адабий талаффуз меъёрларининг бузилиши, энг аввало, шеванинг таъсири натижасида юзага келади. Шунинг учун ўқитувчи ўз ва ўқувчилари нутқини шевага хос талаффуз таъсиридан асрашни доимо ёдида тутиши керак. Болалиқдан шакланган шевага оид артикуляцион база ва шеванинг фонетик қонуниятларидан батамом қутулиш осон кечмайди. Бунинг оқибатида, айтайлик, бухоролик ў товушини фақат тил олди тарзида, хоразм-

¹ Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А. ва бошқ. Кўрсатилган асар, 100-бет.

лик о товушини, асосан, а тарзида ёки унга яқин тарзда талаффуз қилиши, тошкентлик *ошни* сўз шаклини *ошиши*, қорни сўз шаклини *қорри*, юзни сўз шаклини *юззи* тарзида айтиши каби кўплаб хатолар келиб чиқаверади.

Ёзма матндаги сўзларни ҳарфларга кўра айнан ўқиш ҳам адабий талаффуз меъёрларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Масалан, *ўқидингиз* сўз шаклини ёзилганидай 9 та эмас, 8 та товуш тарзида талаффуз қилиш меъёр, яъни $n+r$ икки товуш эмас, балки nr тарзидаги бир товуш. Шунга қарамай, аксарият ўқитувчилар ҳам *Уй вазифасини бажардингизми? Ўртоғин-гизга ёрдам бердингизми? Ўрнин-гиздан туринг!* тарзида адабий талаффуз меъёрларини бузадилар. Ёки баъзилар *тонна*, *нота*, *ток*, *талон*, *торт*, *футбол*, *бокс* каби ўзлашма сўзлардаги *о* ҳарфини адабий талаффузга мувофиқ ў эмас, балки *о* товуши тарзида ногўғри талаффуз қиладилар.

Баъзан ёшлар ёки бирон-бир хорижий тилни мукаммал биладиганлар нутқида муайян сўзни бошқа тил талаффуз таомилига мослаб айтиш каби нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, *январь* сўзини *йинварь*, *Япония* сўзини *Йипония*, *декан* сўзини *дэ'кан*, *факультет* сўзини *фикультет* тарзида бегона акцент билан талаффуз қилиш ўзбекча талаффуз меъёрига зиддир. Товуш ва сўз талаффузи билан боғлиқ бундай хатолар анча-мунча бор.

Нутқнинг тўғри англанишида мантиқий урғу, пауза, оҳанг (интонация) ҳам алоҳида аҳамиятта эга. Айтиб ўтилганидек, улар билан боғлиқ қонуниятлар ҳам ўзбек адабий талаффузи меъёрларини белгилайди.

Бошқа тилларда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам гап таркибида алоҳида таъкидланадиган, мантиқан муҳим деб қаралган бўлак гапда фарқли, кучлироқ талаффуз қилинади. Гапнинг актуал бўлакраниши назарияси нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, мантиқий урғу гапдаги янги информацияни — ремани ажратиб кўрсатади. Бу, албатта, гапда айтилмоқчи бўлган фикрни бутун икир-чикири билан англашга имкон беради. Масалан, *Мен бутун кутубхонага бораман* ("бошқа

одам эмас" маъносида), *Мен бутун кутубхонага бораман* ("эр-тага эмас" маъносида), *Мен бутун кутубхонага бораман* ("театрга ёки стадионга эмас" маъносида) каби ҳолатларда ажратиб кўрсатилган сўзлар мантиқий урғулдир.

Атоқли ўзбек тилшуноси А.Ғуломовнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: "Интонация сўзлашда оҳангнинг ўзгариши — тоннинг баланд-паст бўлиб ўзгариши — нутқ мелодикасининг ўзгаришидир. Бунга ритмика — урғу ва паузалар ҳақидаги таълимот ҳам киради. Интонация тушунчаси ўз ичига нутқнинг темпини ҳам олади. Нутқни фонетик жиҳатдан шакллантирадиган, бир бутун қиладиган интонацион воситалар — мелодика, урғу ва паузалар, асосан, синтактик функцияни бажаради, яъни синтактик ҳолатларни ифодалайди: гапдаги туталликни билдириш, гапнинг ичидаги логик-грамматик бўлинишларни, қисмларнинг ўзаро муносабатини кўрсатиш ва б."¹

Зукко тилшунос аини пайтда интонациянинг логик-грамматик ва эмоционал вазифалари ҳақида ҳам тўхталади ва ҳар бир гап типи (дарак, сўроқ, буйруқ, ундов каби) ўзига хос интонацион моделга эга эканлигини таъкидлайди.

Туркий ва бошқа тилларда ҳам интонациянинг бирламчи — логик-грамматик ва иккиламчи — эмоционал-экспрессив вазифалари мавжудлиги эътироф этилган.²

Масалан, *баҳор* сўзи гап интонацияси билан айтилмаса, у сўзлигича тураверади. Аммо тегишли интонацион моделга мувофиқ айтилса, дарак (*Баҳор.*), сўроқ (*Баҳор?*) ва ундов (*Баҳор!*) гапларга айланиши мумкин. Интонациянинг ўзгариши билан гапнинг мантиқий мазмуни ҳам тамоман ўзгариши, коммуникатив мақсад бошқа йўналишга ўтиши ҳам қонуниятлардан биридир. Айтайлик, ўқитувчи ўқувчига мурожаат қиларкан, *Жим ўтирасизми?* гапини бир интонация билан, яъни *Жи-им ўтирасизми?* тарзида айтса, "Жим ўтир-

¹ Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 44-бет.

² Баскаков Н.А. Историко-типологическая фонология тюркских языков. Москва: Наука, 1988. С. 191-196; Матусевич М.И. Современный русский язык. Фонетика. Москва: Просвещение, 1976. С.243-277.

манг, жавоб беринг" мазмуни англашилади, яна бошқа интонация билан, яъни *Жим ўтирасизми?! тарзида* айтганда эса, "Жим ўтиринг, бўлмаса, жазолайман" мазмуни ифодаланади. *Ҳа/Йўқ* жавобини талаб қиладиган мазкур сўроқ гапнинг ўқитувчи нутқидаги иккала интонацион шаклига ҳам ўқувчи *Йўқ* жавобини беролмайди (чунки мазмун бошқача, ўқитувчининг коммуникатив мақсади сўраш эмас, балки буюриш). Бу гаплардаги интонациялар фақат логик-грамматик эмас, балки эмоционал-экспрессив вазифаларни ҳам бажарган. *Концертга олиб борсам, жим ўтирасанми?* гапидаги *Жим ўтирасанми?* жумласининг интонацияси соф сўроқ интонацияси бўлгани учун, масалан, бола *Ҳа* жавобини бера олади. Аини шу *Жим ўтирасанми?* гапи ҳеч бир эмоциясиз, нейтраль сўроқ интонацияси билан ҳам айтилиши мумкин, шунингдек, коммуникация эҳтиёжига кўра эркалаш, суюш ёки аксинча, огоҳлантириш, дўқ қилиш каби эмоционаллик ифодаловчи интонация билан ҳам айтилиши мумкин.

Интонация, хусусан, пауза гапдаги синтактик ва мазмуний структурани ҳам сезиларли даражада ўзгартириб юбориши мумкин. Айтайлик, *Чиройли рақсга тушган қиз ҳаммага ёқди* гапида пауза аниқ бўлмаса, гапнинг мазмуни тўғри англашилмайди, яъни *чиройли рақсга тушган қиз* деганда, рақснинг чиройлилиги, *чиройли / рақсга тушган қиз* тарзида, биринчи икки сўз пауза билан ажратилиб талаффуз қилинганда эса, қизнинг чиройлилиги мазмуни ифодаланадики, бу икки мазмун ўртасидаги фарқ каттагинадир. Нутқ жараёнида интонацион воситаларнинг хилма-хил имкониятларини намоён этадиган қоидалар анча-мунча бор. Кириш сўз ва кириш гаплар, ундалмалар, ажратилган бўлақлар, уюшиқ бўлақлар иштирокидаги гаплар, қўшма гаплар ва бошқа синтактик бирликлар интонацияси билан боғлиқ меъёрларга ҳам алоҳида диққат қилмоқ керак. Айтиш лозимки, бу қоидаларнинг аксарият қисми кучли талаффуз меъёрлари сирасига киради.

Интонация, оҳангнинг мазкур икки вазифасидан келиб чиқилладиган бўлса, унинг, биринчидан, нутқнинг тўғрили-

гини, иккинчидан эса, таъсирчанлигини таъминлайдиган зарурий омиллардан бири эканлигини яққол тасаввур этиш қийин эмас. Умуман, интонациясиз, муайян оҳангсиз нутқнинг ўзи йўқ, таъбир жоиз бўлса, оҳанг тирик нутқнинг жонидир. Фақат бу "жон"нинг қатъий қонуниятлари, асрлар давомида мунтазамлашган меъёрларини чуқур идрок этиб, нутқда яшатиш яхлит нутқ интизомининг ажралмас қисмидир.

Ўзбек тилининг ўзига хос сўз ясалиши меъёрлари мавжуд. Ҳар қандай ясаладиган сўз шу меъёрлар доирасида бўлмоғи шарт. Бу меъёрларга амал қилинмасдан ясалган сўз тилнинг лугат таркибидан ўрин ололмайди. Масалан, -гич (-ғич, -қич, -кич) қўшимчаси фаол ясовчи қўшимчалардан бўлиб, тилимиздаги мавжуд сўз ясалиш меъёрларига кўра феълга қўшилади ва нарса-қурол, яъни феълдан англашилган ҳаракатни бажарувчи қурол отини ясайди: *сузгич, текислагич, чизғич, қирғич, қисқич, кўрсаткич* каби. Бу қўшимча от туркумидаги сўзга мутлақо қўшила олмайди. Лекин баъзилар бу қонидани бузиб, *томиргич* сўзини ясайдилар ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1990 йил 16 ноябрь). Пульсографни *томиргич* деб айтиш, ўзбек тилида бундай сўз ясаш тилимиз табиатига тамоман зиддир. Чунки *томир* сўзи от туркумига оид бўлиб, мазкур қўшимчанинг маъноси билан уйғунлаша олмайди, демакки, янги сўз юзага келмайди. Шунинг учун ҳам бу "сўз" тилимиз лугатига кирмади.

Худди шунингдек, бир муддат матбуот институт сўзи ўрнида *олийгоҳни* қўлаб кўрди. Бу сўзнинг ясалиши ҳам ўзбек тилининг сўз ясалиши меъёрларига зид эди. Мустақил сўз сифатида тилимизда *гоҳ* йўқ. Бунинг устига, форс-тожик тилида ҳам *гоҳ* унсури фақат от туркумидаги сўзга қўшилади, яъни *гонишгоҳ* (*гониш* – билим), *оромгоҳ*, *хобгоҳ* каби. *Олий* сўзи эса сифат, демак, *олийгоҳ* сўзи ўзбек тили ясалиш қонуниятларига ҳам, тожик тили қонуниятларига ҳам бегонадир.

Ўзбек тилининг ўз табиати, аънаналари, умуман, сўз ясалиши меъёрларига уйғун бўлмаганлиги учун "газета" маъ-

носида ясалган куннома, "журнал" маъносида ясалган ойнома, ойбитик, "архив" маъносида ясалган хужжатаасровхона каби бир қанча сунъий ясалмалар луғатимиздан жой ололмади. Тилнинг сўз ясалиши меъёрлари жуда ҳам мустаҳкам бўлиб, уни субъектив ҳолатда бузиш маҳол. Бу ўринда ҳеч қандай зўрлик иш бермайди.

Нутқнинг грамматик жиҳатдан тўғрилиги нутқ маданиятида айрича ўрин тутади. Тўғрилик деган коммуникатив сифат учун грамматик тўғрилик асосларнинг асосидир. Грамматик тўғрилик эса нутқда грамматик меъёрларга қатъий амал қилиш орқали намоён бўлади.

Ўзбек адабий тилининг грамматикаси, яъни морфология ва синтаксиси тилшунослиқда назарий жиҳатдан анчайин батафсил тадқиқ этилган, тилнинг морфологик ва синтактик қурилишига хос қонуниятлар умумлаштирилган, деярли барча ҳолатлар қоидалаштирилган. Улар тилшунослигимиздаги кўплаб илмий тадқиқотлар, норматив грамматикалар, ўзбек тили бўйича умумтаълим ва олий мактаблар учун яратилган дарсликлар, ўқув қўлланмаларида ўз аксини топган. Ана шу асосда ўзбек тилида сўз шакллари, қўшимчаларнинг қўлланиши, сўзларнинг қўшилиши, сўз бирикмалари ва гап тузилиши билан боғлиқ қоидаларнинг жами грамматик меъёрлар сифатида эътироф этилган.

Табиийки, грамматик меъёрлар морфологик ва синтактик меъёрлардан таркиб топади. Сўзларнинг морфологик шакли ва уларнинг нутқда қўлланишини тартибга солувчи қоидалар морфологик меъёрлар, сўзларнинг бирикиш йўллари, сўз бирикмаси ва гап тузилиши билан боғлиқ қоидалар эса синтактик меъёрлар деб юритилади.

Таассуфки, адабий морфологик меъёрларнинг нутқда бузилиши тез-тез учраб туради. Бу меъёрларнинг бузилишидаги энг кенг тарқалган ҳолатлардан бири қаратқич ва тушум келишларини қориштиришдир. Аслида бу келишларни қўллаш билан боғлиқ қоида кучли меъёр бўлиши керак эди, чунки тилимиз табиатига кўра қаратқич келишиги кенг маънода от туркумидаги сўзларни бир-бири билан боғ-

лашга (*гарахтнинг барги, Ўзбекистоннинг пойтахти* каби), тушум келишиги эса кенг маънода от билан феълни боғлашга (*кишобни ўқимоқ, Ватанни севмоқ* каби) хизмат қилади. Аммо бу меъёр шевалар ва оғзаки нутқ таъсирида кучсизланган. Айтиш мумкинки, ҳозирги кунда ўзбек тилининг етакчи шеваларида қаратқич келишиги тушум келишиги билан айнан бир хил шаклда қўлланади (*гарахтни барги, кишобни ўқимоқ* каби). Таниқли тилшунос А.Ҳожиёв ўтган аср бошларидаги босма манбалар тилини ўрганар экан, *-нинг* ўрнида *-ни* қўшимчасини қўллаш анча кенг тарқалганини айтади. Ҳатто ўтган асрнинг 50-йилларида шеваларга суянган ҳолда *-ни* қўшимчаси билан ифодаланадиган қаратқич-тушум келишигини меъёрлаштириш таклифи ҳам ўртага ташланган. Заҳматқаш тилшунос А.Маъруфов "Бу икки шаклни бирлаштириш синтаксисга ортиқча юк бўлади, фикрни тўғри англашга халақит беради, стиль равонлигини бузади" деган ҳақли фикрни билдирган.¹ А.Ҳожиёвнинг кўрсатишича, ўша аср бошларида оғзаки нутқ одатидан қочиш адабий тилга олиб келади қабилда фикр қилувчи баъзилар ҳатто тушум келишиги ўрнида қаратқич келишиги шаклини қўллашга ҳам уринганлар ва буни зиёлилик белгиси тарзида тақдим этмоқчи бўлганлар. Ўша давр воқелигини чуқур ўрганган маҳоратли адиб Асқад Мухтор "Опа-сингиллар" романида салбий образлардан бири Наимийнинг ана шундай чиранчоқлигини унинг қуйидаги нутқи (*-ни* ўрнига ўринсиз равишда *-нинг* қўшимчасини ишлатади) билан кўрсатади: *Муштинпар волидаий муҳтарамалар! ...Тобакай оила дерсиз, тобакай болачақа дерсиз! Ёппасига паранжининг ташлаб, артелга ишга боришнинг талаб қиламан... Бола-чақангизнинг боқиб олишга иқтидори етади, ногон эрларингизнинг жиловлаб қўйишга кучи етади!.. Ундай ярамас оиланинг ташлаб кетмоғингиз лозим... Болаларингизнинг етимхоналарга олади.* Бу каби мунозара-мулоҳазалар ўзбек тили табиатига зид бўлгани учун, табиий, у даврларда қолиб кетди. Аммо ҳар ҳолда, шева

¹ Маъруфов А. Ўзбек адабий тилидаги икки келишик формаси ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1958, N1, 45-бет.

ва оғзаки нутқдаги қаратқич ўрнида тушум келишиги шаклини қўллаш одати мазкур морфологик меъёрни кучсиз ҳолатга туширган. Шунинг учун бу меъёрни сўзловчи онгида барқарорлаштириш бўйича доимий машқ лозим.

Қаратқич ва тушум келишиклари нутқда белгили (қўшимча билан) ва белгисиз (қўшимчасиз) қўллана олади, аммо бунда ҳам тегишли меъёрлар мавжуд. Зотан, бу келишиклар белгили қўлланганда, конкретлик, таъкидлаш маънолари (*китобнинг саҳифаси, китобни ўқимоқ; гап аниқ, конкрет китоб ҳақида*), белгисиз қўлланганда эса умумийлик маънолари (*китоб саҳифаси, китоб ўқимоқ; гап умуман китоб ҳақида*) реаллашади. Масалан, қаратқич келишигидаги сўз билан қаралмиш ўртасида бошқа сўз бўлса, қаратқич келишигининг, албатта, белгили қўлланиши меъёрлашган. Шунинг учун *китоб саҳифаси, мактаб ўқувчиси* дейиш мумкин, аммо улар орасига, айтайлик, *сарғайган, аълочи* сўзлари киритилса, *китоб сарғайган саҳифаси, мактаб аълочи ўқувчиси* дейиш меъёрнинг бузилишига олиб келади. Бирикма грамматик тўғри бўлиши учун, албатта, *китобнинг сарғайган саҳифаси, мактабнинг аълочи ўқувчиси* дейиш шарт. Шунга қарамасдан, айрим кишилар нутқда баъзан бу меъёрнинг бузилиши кузатилади.

Кўпинча шунга яқин яна бир хатолик кўзга ташланади. Мана бу жумлани кўрайлик: *Унда (мулоқотда) вилоятдаги касб-хунар коллежларининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича директор ўринбосарлари иштирок этиши* ("Ўзбекистон овози", 2006 йил 29 июнь). Умуман, *директор ўринбосари* ёки *директорнинг ўринбосари* дейиш мумкин. Аммо коллежнинг *директор ўринбосари* дейиш тўғри эмас, чунки *ўринбосари* сўз шаклидаги -и эгалик қўшимчаси *директорга* қарашлилиқни ифодалайди, бу қўшимча коллежнинг сўзи билан алоқаланмайди. Шунинг учун *коллеж директори ўринбосари* ёки *коллеж директорининг ўринбосари* дейилса, грамматик ва мантиқ жиҳатидан тўғри бўлади. Агар *ўринбосари* сўзидан олдин яна бошқа сифатловчи қўйиладиган бўлса, юқоридаги меъёрга мувофиқ, қаратқич келишиги

белгили қўланади, яъни *коллеж директорининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосари, коллеж директорининг молия масалалари бўйича ўринбосари* каби. Келтирилган гап грамматик тўғри бўлиши учун қуйидагича таърир этилиши лозим: *Унда (мулоқотда) вилоятдаги касб-хунар коллежлари директорларининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосарлари иштирок этишди.*

Ҳар бир келишикнинг қўлланиши билан боғлиқ аниқ адабий меъёрлар бор, ҳар бир келишик алоҳида-алоҳида маъно ва вазифа учун хизмат қилади, лекин бу меъёрларга зид ўлароқ нутқда бир келишикнинг ўрнида бошқасини қўллаш ҳолатлари учрайди. Масалан, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби шевалар вакиллари нутқда ўрин-пайт келишиги ўрнида жўналиш келишигини ишлатиш адабий нутқнинг тўғрилигига жиддий халақит беради. *Тошкенга ўқимоқ, далага ишламоқ, поездга келмоқ* каби ҳолатлар меъёрнинг бузилишидир. *Сенга битта гапим бор, ҳали поездга айтаман* дейилса, бошқа шева вакиллари томонидан *Сенга битта гапим бор, ҳали поездга айтаман* тарзида эмас, балки "Сенга айтадиган гапимни сенга эмас, поездга айтаман" тарзида кулгили бир мазмунда англаниши мумкин.

Тушум ва чиқиш келишикларининг маъноси билан боғлиқ ушбу икки ҳолатни қиёсланг: *узумни емоқ – узумдан емоқ*. Тушум келишиги қўлланганда, "узумнинг ҳаммасини емоқ", чиқиш келишиги қўлланганда эса "узумнинг бир қисмини емоқ" маъноси ифодаланади. Буни билмаслик, шубҳасизки, грамматик ва мазмуний жиҳатдан мана бундай хато жумла тузишга олиб келади: *Тилни ёрай дейди-я, тилни, - деб мулла узумдан паққос туширди* (С.Равшанов). Бу ўринда чиқиш келишигини эмас, тушум келишигини қўллаш шарт эди, чунки *паққос туширмоқ* "битта ҳам қолдирмай, охиригача емоқ" дегани ва шунинг учун ҳам у тушум келишигидаги сўзни талаб қилади.

Феъл нисбатларининг қўлланишида ҳам кўпинча морфологик меъёрларнинг бузилишини кўриш мумкин. Бу, айниқса, феълнинг аналитик шакллари (етақчи феъл + кўмак-

чи феъл)да кўзга ташланади. Йирик филолог А.Рустамов бундай ҳолатларга қуйидагича аниқлик киритади: "Бу —н қўшимчасини ишлатишдаги айб уни кераксиз ўринларда ҳам истеъмол қилишдан иборат. *Бошламоқ, келмоқ* каби феъллар кўмакчи бўлиб келганда мажҳул ҳаракатни билдириш учун мажҳуллик қўшимчаси асосий феълга қўшилиб, кўмакчи феълга, жумладан, *бошламоқ* ёки *келмоқ* феълга қўшилмайди. Бинобарин, мен эшитган ва бошқалар ҳам яна эшитиши ёки ўқиб қолиши мумкин бўлган қуйидаги гаплардаги —н қўшимчаси тил нуқтаи назаридан ортиқчадир. 1. *Ҳаёт илғизи экила бошланди*. 2. *Чўллар ўзлаштира бошланди*. 3. *Қовоқ уруғи қадимдан қўлланиб келинган*. 4. *Пахта терила бошланди*. Тўғриси *Ҳаёт илғизи экила бошланди* эмас, *экила бошлади* бўлади. *Чўллар ўзлаштира бошланди* эмас, *ўзлаштирила бошлади* дейилади. *Қовоқ уруғи қадимдан қўлланиб келинган* эмас, *қўлланиб келган* дейилиши керак. *Пахта терила бошланди* эмас, *терила бошлади* дейиш лозим."¹

Сўз туркумларининг барчасидаги грамматик категорияларнинг адабий тилда қўлланишини тартибга соладиган жуда кўплаб морфологик меъёрлар мавжуд.

Сўзларнинг бирикиши, сўз бирикмаси ва гап тузишда морфологик шакланган сўзлар, табиийки, материал вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам синтактик меъёрлар ана шу морфологик меъёрларга ҳам суянади.

Синтактик меъёрларнинг ҳам нутқда бузилиши ҳолатлари кузатилади. Айтиб ўтилганидек, эга билан кесимнинг шахс-сонда мослашиши, асосан, кучли меъёр, аммо бунда ҳам баъзи хусусий ўринлар борки, улар нутқ тузувчининг иккиланишига сабаб бўлади. Масалан, эга ва кесимнинг 3-шахс кўплик сонда мослашишини олиб кўрайлик. Эга кесим билан 3-шахсда кўплиқда ҳаминиша мослашиши шарт эмас, яъни эга шахсни билдирадиган сўз бўлганда, кесим кўплиқда ҳам, бирликда ҳам келавериши мумкин: *Ўқувчилар мактабга келдилар //Ўқувчилар мактабга келди* каби. Лекин эга вазифасида жониворлар ёки жонсиз нарсаларни билдирувчи

¹ Рустамов А. Сўз хусусида сўз. Тошкент, 1987, 149-150-бетлар.

сўз келганда, кесим, асосан, бирликда қўлланади: *Итлар вовулладилар эмас, Итлар вовуллади; Гуллар очилдилар эмас, гуллар очилди* каби (бадий нутқдаги алоҳида қўллашлар бундан мустасно, улар ҳақида кейинроқ айтилади). Шунга қарамасдан, эга жонсиз предмет ёки тушунчани билдирадиган сўз бўлганда ҳам, айтайлик, *Барча таълим муассасалари қишга яхши тайёргарлик кўрдилар* қабилдаги (русчадаги тўлиқ мослашувга тақлидан) синтактик нотўғри тузилган жумлаларни кўриш мумкин.

Мантиқий кўплик билан грамматик кўпликнинг фарқига бормаслик ҳам синтактик меъёрларнинг бузилишига олиб келади. Масалан, *Исроил армияси ушбу ҳудудга ҳарбий техникаларни кўпайтирганлар* ("Халқ сўзи", 2006 йил 30 июнь) гапида эга бирлик сонда (*Исроил армияси*), кесим кўликда (*кўпайтирганлар*). Бунинг сабаби нутқ тузувчи армияни кўликда деб тасаввур қилган. Аслида бу сўз мантиқан кўликни билдиради, яъни жамловчи от, лекин грамматик бирлик сонда. Шунинг учун бундай гап грамматик жиҳатдан нотўғридир, тўғриси *Исроил армияси ... кўпайтирган бўлиши* лозим.

Тилимизнинг грамматик меъёрига кўра аниқловчи предметнинг аниқ миқдорини билдирса, предметни билдирган сўз фақат бирлик сонда қўланади: *ўнта китоб, йигирма нафар ўқувчи, беш гона гул* каби; бундай ҳолатларда аниқланмишларга —лар кўлик қўшимчасини қўшиш грамматик хатодир. Лекин матбуотда, радио-телевидениеда, оғзаки нутқда ана шундай нотўғри қўллашлар кўп учрамоқда. Масалан: *Ҳозир вилоятимиздаги 80 та касб-ҳунар коллежларида 55 мингдан зиёд ўқувчи таълим оляпти* ("Ўзбекистон овози", 2006 йил 29 июнь).

Миқдор ифодаловчи сўзларни қўлашда кенг тарқалган яна бир нуқсон шуки, тахминий миқдорни умумлаштирувчи "*...дан ортиқ*", "*...га яқин*" шаклидаги конструкциялар таркибидаги сонлар кўпинча нотўғри танланади. *Ўнган, йигирмадан..., юзган..., мингдан ортиқ* ёки *ўнга, йигирмага..., юзга..., мингга яқин* каби ҳолатларда грамматика ҳам, мантиқ ҳам

соғлом, чунки яхлитлаш, умумлаштириш аниқ кўриниб турибди. Лекин ўн учдан ортиқ, ўн тўққизга яқин, еттидан ортиқ, ўлтиз олтига яқин каби ифодалар мантиқ у ёқда турсин, ҳатто грамматиканинг ҳам кулгисини қистатиши табиий. Ахир, "...дан ортиқ", "...га яқин" бўлгандан кейин, ордиган ёки яқинлашадиган эталон - меъёр муайян яхлит бир миқдор бўлиши шарт-ку! Етти, тўққиз, ўн уч, ўн тўққиз ва ҳ.к.гача санаган одам давомини ҳам санаб қўя қолмайдими? Бу каби нуқсонлар нутқ тузувчининг ақлий танбаллиги билан боғлиққа ўхшайди.

Синтактик меъёрларнинг бузилиши тилдаги гап моделлари — структур схемаларини яхши тасаввур қилмаслик сабабли ҳам воқе бўлади. А.Фуломов шундай ёзади: "Гапнинг умумлашган намунаси, макети унинг структура схемасини ташкил этади. Бу схема гапнинг формал-грамматик томони бўлиб, у гап ҳосил қилиш учун зарур бўлган минимум компонентлардан ташкил топади: эга + кесим: *Бола югурди*; эга + кесим + боғлама: *Карим укам бўлади*. Гап синтактик тугалланган конструкция бўлиб, бундай синтактик конструкциялар тил бирликларининг бирикиш қонунлари асосида шаклланади."¹

Айтиш лозимки, гапнинг бундай намунавий моделлари ҳар бир тилнинг ўзига хос ва миқдори ҳам чегараланган, 40 — 50 танинг нари-берисида бўлади. Нутқ тузувчи тилдаги бу моделлардан ўз коммуникатив мақсадига уйғунини танлайди ва уни турли вариантларда кенгайтиради, тилдаги модель асосида керакли жумлани тузади. Тил деган сирли дунёнинг синоатларидан бири ҳам шунда. Француз профессори Муртазо Маҳмудян шундай бир фактни келтиради. Кўпгина тилшунослар нутқдаги жумлалар (20 дан ортиқ бўлмаган сўздан таркиб топган) миқдори 10^{30} дан 10^{86} гача бўлган сон билан ўлчанади деб ҳисоблайдилар. Бир аср 3×10^9 сониядан иборат. Бир одам бир аср яшайди ва у ҳар сонияда биттадан жумлани ўрганади деб тахмин қилинса, у бутун умри давомида мазкур миқдордаги жумлаларнинг жуда ҳам оз қисми-

¹ Фуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган асар, 36-бет.

ни ўзлаштира олади деган хулоса чиқади. М.Маҳмудян тилни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш жараёнлари моҳиятан бениҳоя тежамкор тамойилда воқе бўлишини, бу тежамкорлик тил структурасининг бўлаканиши билан таъминланишини таъкидлайди.¹ Бошқача қилиб айтганда, нутқий жумлалар яхлит ўрганилмайди ва ўзлаштирилмайди, тил бўлакланади, бу бўлақлар ўзаро муносабатга киритилади. Тилда ана шундай бўлақлар ва уларнинг грамматик муносабати ҳосиласи сифатидаги гап моделлари мавжуд. Тил ўрганувчи ана шу бўлақлар ва санокли гап моделларини ўзлаштиради, уларга суянган ҳолда саноксиз индивидуал жумлалар тузади. Тилдаги гап моделларининг ранг-баранглиги нутқнинг тўғрилиги ва таъсирчанлигини таъминлашда нутқ тузувчи учун битмас-туганмас имкониятдир.

Таъкидлаш лозимки, ўзбек тилининг ҳам мутлақо ўзига хос гап моделлари бор. Уларда ўзбек адабий тилининг синтактик, умуман, грамматик меъёрлари намоён бўлади.

Масалан, рус тилида *Мне десять лет* тарзида жумла қуриш учун асос бўладиган гап модели мавжуд, шунинг учун мазкур жумла грамматик тўғри. Аммо ўзбек тилида айнан бундай гап модели йўқ, шунинг учун мазкур русча жумла *Менга ўн ёш* деб таржима қилинса, у асло ўзбекча бўлмайди. Айни фикр ифодаси учун ўзбек тилида бошқа моделлар борки, унга мувофиқ *Менинг ёшим ўнда ёки Мен ўн ёшга кирдим* тарзидаги жумла тузилади. Рус тили ёки бошқа тил гап моделларига кўра тузилган *Менга ўн ёш* каби жумлалар нутқнинг тўғрилиги сифатини мутлақо йўққа чиқаради.

Маълумки, сўз бирикмаси, гап каби синтактик бирликлар сўзларнинг қўшилиши натижасида ҳосил бўлади. Сўзларнинг бир-бири билан қўшилиб, сўз бирикмаси ва гапларни юзага келтириши учун муайян шартлар бажарилиши зарур. Сўзларнинг ўзаро бирикишида қатъий қоидалар, қонуниятлар бор, албатта. Тўғри келган ҳар қандай икки сўз бир-бири билан боғланавермайди. Ўзаро бирикадиган сўзлар, аввало, грамматик ва семантик жиҳатдан мос бўлиши керак.

¹ Мамудян М. Лингвистика. Москва: Прогресс, 1985, С.56.

Тилшуносликда валентлик номи билан юритиладиган бу зарурийат, айниқса, синтаксисда, синтактик меъёрларнинг шаклланишида фавқулодда аҳамиятга моликдир. Масалан, *бажармоқ* ва *режа* сўзларини олиб кўрайлик. Бу сўзлар *режани бажармоқ* ёки *режа бажарилмоқ* тарзида боғланиб, сўз бирикмасини ҳосил қилиши мумкин. Чунки, биринчидан, уларда умумий маъно узви – умумий сема бор, яъни *режа* сўзининг маъноси "бирор ишни амалга ошириш учун аввалдан белгиланган мўлжал", *бажармоқ* сўзининг маъноси "бирор ишни амалга оширмоқ" бўлиб, "амалга ошириш" умумий маъно узви уларни бирикиши учун имкон беради. Иккинчидан, грамматик жиҳатдан феъл талабига мувофиқ *режа* сўзи тушум ёки бош келишиқда келган. Демак, грамматик-семантик шароит мавжуд, бирикма грамматик тўғри тузилган. Аммо мана бу гапга эътибор берайлик: ...*Республика аҳолисининг қонга бўлган эҳтиёжи 32 фоизга бажарилляпти, холос* ("Ўзбекистон овози", 2006 йил 15 июнь). Бу гап грамматик тўғри эмас. Чунки *эҳтиёж* сўзининг маъносида "амалга ошириш" деган маъно узви йўқ, унинг маъноси "бирор нарсага бўлган талаб, муҳтожлик"дир. Мазмунан боғлана олмаган сўзларнинг грамматик боғланиши ҳақида гапириб бўлмайди. Бу сўз, масалан, *қондирмоқ* сўзи билан боғланиши мумкин. Мазкур жумланинг грамматик тўғри шакли мана бундай бўлади: ...*Республика аҳолисининг қонга бўлган эҳтиёжи 32 фоизга қондириляпти, холос*.

Баъзан қуйидагича грамматик хато жумла тузиш ҳам учрайди: *Қисқаси, ушбу анжуман ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида батафсил танишишингиз мумкин* ("Маърифат", 1998 йил 28 март). Жумладаги *анжуман ҳақида танишишингиз мумкин* қўшилмаси сўз бирикмаси бўла олмаган, яъни сўзлар ўзаро грамматик бирика олмаган. Бунинг сабаби тобеланиш муносабати ифодаси учун кўмакчининг нотўғри танланганлигидадир. *Танишмоқ* феълининг кучли синтактик валентлигига кўра бундай ҳолатларда *ҳақида* кўмакчиси эмас, балки билан кўмакчиси қўлланиши шарт. Мазкур гап *Қисқаси, ушбу анжуман тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларида батафсил танишишингиз мумкин* тарзида

тахрир қилинса, грамматик тўғри бўлади. Ёки *Тарбиячи расм устига сўзлаб беради* (С.Жўраев, Ҳ.Қодиров) гапидаги *устига* кўмакчиси ҳам грамматик хато қўлланган, бу ўринда *ҳақида* кўмакчиси жоиз. Синтактик валентликларни етарли даражада билмаслик оқибатида кўмакчиларнинг гапдаги ўрни билан боғлиқ ана шундай грамматик хатолар юзага чиқади.

Бундай хатолар келишиклар билан боғлиқ ҳолда ҳам учрайди. Масалан: *Шундан кейин болалардан аввал якка-якка ҳолда сўзлаб бериш таклиф этилади* (С.Жўраев, Ҳ.Қодиров). Бу жумладаги *болалардан таклиф этилади* қўшилмаси грамматик хато, чунки бу ҳол *таклиф этилмоқ* феълнинг синтактик валентлигига зид. Бу синтактик бирикма мазкур феълнинг валентлигига мувофиқ *болаларга таклиф этилади* шаклида бўлса, ўзбек адабий тилининг синтактик меъёрига мос ҳисобланади.

Услубий меъёрлар нутқ маданиятининг чўққиси ҳисобланади, бу меъёрларни мукамал билиш ва улардан эркин фойдалана олиш маданий нутқ тарбиясининг пировард мақсадларидандир.

Тил қанчалик ривожланган бўлса, унинг услубий меъёрлари ҳам шунчалик барқарорлашган, рангинлашган, бойиган бўлади. Ўзбек тили дунёдаги энг қадимий ва тараққий этган тиллардан бири сифатида ўзининг таранг услубий меъёрларига эга.

Кишиларнинг ижтимоий фаолиятини нутқсиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Бу фаолиятнинг турли соҳаларида турли шароитларда, турли мақсадлар билан нутқ ўзига хос тарзда иштирок этади. Масалан, тажрибали ўқитувчининг дарсдаги нутқи ва танаффус пайтида икки-уч ўқувчи билан суҳбатидаги нутқи фарқли бўлиши табиий. Дарсда илмий-таълимий мақсад асосий бўлса, шунчаки суҳбатда бу мақсад асосий бўлмайди. Ёки расмий ёзишмаларда қўлланадиган нутқ билан илмий баёнда ишлатиладиган нутқ ҳам айнан бир хил бўлмайди. Ижтимоий фаолиятнинг ана шундай турли соҳаларида қўлланадиган хилма-хил нутқ кўринишлари нутқ услублари деб юритилади.

Ўзбек тилида қуйидаги нутқ услублари фарқланади: 1) сўзлашув услуби, 2) расмий услуб, 3) илмий услуб, 4) публицистик услуб, 5) бадиий услуб. Бу услубларнинг ҳар бирига хосланган грамматик шакллар, сўз, сўз бирикмаси, гап ва интонацион воситалар мавжуд. Ана шу хосланиш ўзбек адабий тили услубий меъёрларининг асосидир. Аниқроқ айтиладиган бўлса, услубий меъёрлар муайян соҳадаги алоқани таъминлайдиган нутқнинг мазмуни, мақсади ва вазифаси учун мос келадиган тил бирликларини танлаш қоидаларидир.

Ҳар бир услубнинг ўзига хос тил хусусиятларини, демакки, услубий меъёрларини билмасдан туриб тузилган ҳар қандай нутқ том маънодаги маданий нутқ бўла олмайди.

Расмий иш қоғозларидаги нутқнинг услубий ўзига хосликларини олиб кўрайлик. Бу услубда бошқа услублардагидан фарқли равишда, масалан, от ёки отлашган сўзлар кўп қўланади, ҳатто феъл билан ифодаланувчи ҳаракат ва ҳолатлар учун ҳам отга яқин сўз шакллари, яъни ҳаракат номи шакллари танланади: *...тайёргарликнинг бориши ҳақида, ...қарорнинг бажарилиши тўғрисида, ...ёрдан бериш мақсадида, қабул қилишингизни сўрайман* каби. Феълларнинг қўлланишида ҳам ўзига хосликлар бор. Хусусан, мажҳул нисбатдаги 3-шахс буйруқ-истак майлидаги ёки ўтган замондаги феъл шакллари фаол ишлатилади: *топширилсин, тасдиқлансин, бажарилсин, бўшатилинсин, тайинлансин; эшитилди, қарор қилинди, кўриб чиқилди, кўрсатиб ўтилди, огоҳлантирилди* каби. Бу услубдаги муҳим жиҳатлардан яна бири шуки, уларда қолиплашган, турғунлашган сўз бирикмалари кенг қўлланади. Муҳандислик психологияси фани маълумотларига кўра, қолиплашган, доимий ягона шаклга эга бўлган сўз тизимлари, иборалар бошқа сўз бирикмаларига нисбатан 8-10 марта тез идрок этилар экан. Бунинг устига, қолиплашган сўз бирикмалари ҳужжатларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш жараёнларини ҳам анчагина тезлаштириш имконини беради. Шунинг учун ҳам бошқа услубларда салбий ҳодиса сифатида баҳоланувчи қолиплашган синтактик тузилмалар,

"штамп"лар бу услубнинг зарурий унсури деб қаралади. Масалан, буйруқ матнида қуйидагича қолиплашган тузилмалар қўлланади: ..,сўм маош билан ...лавозимига тайинлансин; ...ўз хоҳишига кўра ...лавозимидан озод қилинсин; ...бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ...лавозимидан озод қилинсин. Ёки хизмат ёзишмаларида: Сизга ...ни маълум қиламиз; Сизга ...ни билдирамыз; Сизга ...ни эслатамыз ва тегишли қарор қабул қилишни мақсадга мувофиқ деб биламиз; ...муносабати билан...; ...қарорига мувофиқ равишда; ...га мактаб маъмурияти қарши эмас; ...га мактаб маъмурияти кафолат беради каби¹.

Албатта, тилда бирон-бир услубга хосланмаган, услуб жиҳатидан нейтраль бирликлар, яъни барча услубларда қўлланилган бирликлар катта миқдорни ташкил этади. Табиийки, ана шундай бирликлар услубларни ягона бир адабий тилга бирлаштиради. Бир услубга хосланган тил бирлигининг бошқа услубда қўлланиши, табиийки, услубий меъёрнинг бузилиши ҳисобланади. Масалан, *ташриф буюрмоқ* сўзидаги *ташрифнинг* луғавий маъноси "шарафлаш" бўлиб, яхлит сўз сифатида, асосан, расмий-публицистик услубга хосланган, унда кўтаринкилик, тантанаворлик таъкиди бор. Ана шунинг учун ҳам қуйидаги жумлада услубий меъёр бузилган: *Фожа юз берган жойга (самолёт ҳалокатга учраган) мамлакат президенти Илҳом Алиев ташриф буюрди* ("Ўзбекистон овози", 2005 йил 27 декабрь). Бу услуб хабар мазмунидаги нейтраль услуб бўлганлиги учун ҳам *ташриф буюрмоқ* сўзи учун тамомила ётдир.

Услубий меъёрларни пухта эгаллаш, уларга зийраклик билан мунтазам амал қилиш малакаларига эга бўлмоқ учун кўп ўқиш, ўрганиш, қисқаси кўп тер тўкишга тўғри келади. Айниқса, ўқитувчи ва асосий қуроли сўз бўлган бошқа касб эгалари бу меъёрлар бўйича малакаларини ошириш борасида муттасил шуғулланишлари лозим.

Шуни ҳам айтмоқ жоизки, адабий тил меъёрларининг тараққий этиб боришида тил бирликларининг вариантчилиги

¹ Аминов М., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Маҳмудов Н. Иш юритиш. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000, 15-17-бетлар.

алоҳида аҳамиятта молик. Грамматикада ҳам, лексикада ҳам муайян бир маъно ифодаси учун мўлжалланган бирдан ортиқ бирлик борлиги маълум. Масалан: *-гай// -гек// -гак* каби вариантли ўхшатиш қўшимчалари. Луғат бойлигимизда ҳам бундай вариантлилиқ анча-мунча бор: *ангаза – андоза, арава – ароба, баравар – баробар, каптар – кабутар, шойи – шоҳи* каби. Бу вариантлар жуфтликларидаги биринчи сўзлар нейтраль, иккинчилари эса юқори-китобий услубга деярли хосланиб бўлган. Бунинг ҳисобига ўзбек тилининг адабий меъёрлари бойиган. Ана шундай вариантли сўзлардан фойдаланганда, улардаги услубий-фарқловчилик хусусиятини, албатта, ҳисобга олиш зарур.

Нутқда адабий тил меъёрларининг бузилиши, асосан, икки сабабга қўра содир бўлади. Аввало, сўзловчи мансуб бўлган ҳудуддаги шева, шунингдек, ўша ҳудудда муомалада бўлган бошқа системадаги тилнинг кучли таъсири адабий меъёрларнинг у ёки бу даражада бузилишига олиб келиши мумкин, бу омилни объектив сабаб деб қараш мақсадга мувофиқ. Масалан, бухоролик сўзловчи ўз шеваси ва тожик тилининг таъсирида талаффуз меъёрларини ғайририхтиёрий бузиши ёки тожикча сўз ва грамматик шакллارни нутққа олиб кириши мумкин. Адабий тил меъёрлари бузилишининг субъектив сабаби эса бевосита нутқ тузувчининг ўзи билан алоқадордир, яъни тилни етарли даражада билмаслик, тил қоидаларини яхши эгалламаганлик, нутқ тузишга эътиборсизлик, нутқий кўникмаларнинг заифлашганлиги кабилар. Тўғри нутқ тузиш малакаларини шакллантириш бўйича иш олиб борилар экан, энг аввало, ана шу субъектив сабабларни бартараф этишга асосий эътибор қаратилмоғи керак.

Адабий тил меъёрлари бузилишининг икки турини фарқлаш лозим. Биринчиси шуки, сўзловчи ёки ёзувчи адабий тил меъёрларини билмаганлиги учун бундай нуқсонга йўл қўяди ва у тузган нутқ нотўғри деб қаралади. Иккинчи ҳолатда эса сўзловчи ёки ёзувчи адабий тил меъёрларини мукамал билади, лекин турли, масалан, эстетик мақсад билан муайян қонуниятлар асосида бу меъёрларини бузади ва унинг нутқи

нотўғри деб ҳисобланмайди. Айни пайтда бундай ҳолатлар бузилиш деб эмас, балки адабий меъёрдан чекиниш тарзида баҳоланади. Бу ўринда, табиийки, бадий нутқ назарда тутилмоқда.

Адабий тил меъёрларига амал қилиш бадий нутқда ўзига хос тарзда намоён бўлади. ХХ аср француз адабиётининг йирик вакилларида бири Поль Валери бадий прозани пиёда юришга (қадимги юнонлар "пиёда сўз" дейдилар), поэзияни эса рақсга ўхшатган, тадқиқотчи Н.И.Балашов бу ўхшатишни эса олиб, эстетик маънода бадий прозада ҳам сўзлар поэзиядаги каби қимматга эгалигини таъкидлайди.¹ Айтиш мумкинки, ҳақиқатан ҳам, бадий нутқда сўзлар кутилмаган ва кўрилмаган, одатий ва райриодатий ҳаракатлар, турфа оҳанглар ва овозлар билан рақсга тушади. Сўзлар, қўшимчалар, ҳатто гаплар меъёрлар деган қатъий қоидаларнинг чизган чизигидан осонлик ва усталик билан чиқиб кетади. Шу тарзда нутқ бадий деган сифатга сазовор бўлади.

Ўзбек адабий тилининг сўз ясалиши меъёрларига кўра -зор қўшимчаси ўсимлик, дарахт каби нарсаларни билдирадиган сўзларга қўшилиб, шу нарсалар кўп бўладиган жойни ифодаловчи отларни ясайди: *лола+зор, олма+зор, бега+зор* каби. Сўз усталари бу меъёрдан эстетик мақсад билан чекиниб, ўсмайдиган нарсени билдирдиган сўзлардан ҳам бу қўшимча воситасида янги сўз ясайдилар. Масалан, улкан сўз санъаткори Абдулла Қодирий "Ўтган кунлар" романида қоронғузор шаклида сўз ясаган: *Унинг (Отабекнинг) кўнгул меваси бу кўнгу қора воқеа билан қандай ўралиб, йўқолиб кетган бўлса, бундаги дарахтлар ҳам ўз меваларини кеча ранги билан бўяб, яшил япроқлари ила кўмган эдилар, яъни бунда ўсган дарахтлар қандай мева берадир — ажратиш қийин эди. У шу қоронғузор билан қўшилишиб кетгандек ва қоронғуликнинг кучоғига кира боргандек мевазорнинг ичкарасига юра борди.* Бу гўзал ва нафис тасвирдаги кўнгул меваси, қора воқеа, кеча ранги, бундаги дарахтлар, ўз мевалари, қоронғуликнинг кучоғи, мевазорнинг ичкараси каби бирикмалар билан қоронғузор сўзи

¹ Балашов Н.И. Структурно-реляционная дифференциация знака языкового и знака поэтического. — Известия АН. Серия литературы и языка. 1982, том 41, N 2. С. 125.

фавқулдада бир уйғунлик ҳосил қилган ва Отабек қалбида "Ўсган, ўсаётган" қоронғиликнинг пластик тасвири жонланган. Бадий адабиётда ёзувчи бундай янги сўзларни адабий тилга киритиш учун эмас, балки аниқ бадий-эстетик мақсад билан яратади. Шунинг учун ҳам бундай сўзлар айна мақсадга қай даражада хизмат қилганлиги нуқтаи назаридан баҳоланади

Грамматик меъёрларни олиб кўрайлик. Ўзбек тилида, ай-тиб ўтилганидай, эга шахс бўлмаса, кесим билан 3-шахс кўликда мослашмайди, яъни кесим —лар қўшимчасини олмайди. Аммо бадий нутқда бу меъёрдан ҳам чекиниш мумкин. А.Қодирий "Ўтган кунлар"да бундай ҳолатларда ҳам —ларни қўллайди, у шундай тасвир тарзини танлайдики, оддийгина —лар ўзгача нозик маъно ишваларини ифода этади. Айниқса, Отабек ва Кумуш билан алоқали тасвирларда бу ҳолат жуда яққол кўринади. Самимиятта тўла бу тасвирларда жонсиз ва жўн нарсаларнинг эрка ва ҳузунли жонланиши китобхон кўнглига ҳузур бахш этади: *Бу хабарни эшитувчи — Кумушбибининг қора кўзлари жиқ ёшга тўлиб, киприклари ёш билан беландилар... Гўё бу сўзлар Кумушбибининг ўчган чироғини қайтадан ёқарлар, умид осмонининг йўқолиб, яшириниб кетган юлдузлари яна қайтадан ўз ўринларига келиб қўнгандек бўлурлар, унинг кўз ўнгига жой олган қораликлар шу ёқила бошлаган нажот шамлари партави билан ўз-ўзларидан йўқолгандек кўринарлар эди.*

Бундай эрка ва гўзал тасвирни соҳир сўзчи Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романида ҳам кўриш мумкин. Айрим мисоллар: Унинг *(Зебининг) оёқлари алақандай ёмон бир кучнинг афсунига илашганлар, ўша кучнинг суграган томонига борардилар... Шундай қилиб, икки аламзада кўнгул жуда қисқа бўлган қувончларга берилдилар... Фақат бу тўрт девол орасига кирадиган қувончлар ўткинчининг назаридай бир нафасга кириб чиқардилар.*

Грамматик меъёрлар сўзларнинг ўзаро бирикиши учун тегишли шароитларни тақозо этади. Аввало, маъноларда муштарақлик бўлмаса, сўзлар боғлана олмайди. Айтайлик, *яшил ўтлоқ бирикмаси манتيқан тўғри, аммо яшил наво бирик-*

маси мантиқан нотўғри ёки *бақирган одам* — мантиқан тўғри бирикма, *бақирган сукунат* эса мантиқан тўғри эмас. Табиий, уларнинг грамматик табиатида ҳам уйғунлик йўқ. Ниҳоят, сўзларнинг ўзаро боғланишига уларнинг ҳар бирига хос лексик-услубий хусусиятлари ҳам монелик қилиши мумкин. Масалан, *ютукқа эришмоқ, муваффақиятга эришмоқ* деб ишлатиш мумкин, бироқ *камчиликка эришмоқ, муваффақиятсизликка эришмоқ* деб бўлмайди.

Бадиий нутқда сўзларнинг ўзаро боғланиш қонуниятлари адабий тилдагига қараганда бирмунча ўзига хос тарзда кечади. Сўзларнинг ўзаро қўшилиш чегаралари кенгайди. Чунки бадиий нутқда сўзларни кўчма маънода қўллаш тенденцияси жуда кучли. Сўзларни кўчма маънода қўллаганда эса уларнинг боғланишидаги чекланишлар деярли йўқолади. Масалан, *қора куч, тотли йил, оҳанг оқмоқда* ва шу каби бирикмалардаги сўзлар айнан ўз маъносида тушунилса, бу бирикмалар мутлақо бемантиқ бўлиб туюлади. Аммо улар бадиий нутқ нуқтаи назаридан жуда мантиқли ва образлидир. Шунинг учун бадиий асар тилини объектив борлиқ ҳодисалари билан конкрет мутаносиблигига кўра баҳолаш асоссиз ва нотўғридир. Эстетик бутунлик бўлган бадиий асар ижодкори учун нарсаларнинг конкрет моҳияти эмас, балки уларнинг юксак бадиий ифодаси, яхлит образи аҳамиятлироқдир. Ижодкор ана шу мақсад билан тилдан янги-янги имкониятлар излайди. Бундай имкониятлардан бири бадиий бўлмаган нутқда ўзаро боғланиши чегараланган сўзларни боғлаш орқали турли маъно нозикликлари, экспрессивлик, эмоционаллик ва шу кабиларни юзага келтиришдир. Бадиий нутқдаги бундай бирикмаларни ғайриодатий бирикмалар дейиш мумкин. Бундай бирикмалар ўзининг "янгилиги", индивидуаллиги ва айна ғайриодатийлиги билан тезда диққатни тортади. Ўқувчи беихтиёр бундай бирикмалар устида ўйлай бошлайди, натижада ёзувчининг ниятини чуқурроқ тушунади. Шунинг учун ҳам одатий бирикмаларга қараганда ғайриодатий бирикмалар бадиийлик нуқтаи назаридан кўпроқ аҳамиятлидир.

Забардаст шоир Мақсуд Шайхзоданинг "Шоир қалби дунёни тинглар" шеърідан олинган қуйидаги парчада ғайриодатий бирикмаларнинг бадиий ва эстетик салмоғини тўла ҳис қилиш мумкин:

*Товушларнинг кичик, улуғи,
Товушларнинг ҳиди — бўйи бор.
Товушларнинг совуқ, илиғи,
Товушларнинг ранги-рўйи бор.
Товушларнинг ширин-аччиғи,
Бордир ҳатто юмшоқ, қаттиғи.
Шоир рассом бўлсайди агар,
чизар эди шундан лавҳалар.*

Парчадаги сўнги икки мисрадан бошқа мисралардаги барча бирикмаларнинг ғайриодатийлиги, "янгилиги" аниқ сезилиб турибди, чунки бадиий бўлмаган нутқда бу бирикмалар шакллана олмайди. Аммо бадиий бўлмаган нутқда ҳам шундай бирикмалар учрайдики, уларни ташкил этган сўзларнинг маънолари ўзаро сиғишмайди. Бироқ шунга қарамасдан, бизга улар одатий бирикмалардай туюлади, сўзларнинг умумий боғланиш қонуниятларига тўла мосдай кўринади. Лекин яхшироқ диққат қилинса, уларда ҳам боғланиш қоидаларидан маълум маънода чекинишлар борлигини кўриш қийин эмас. Масалан, *ширин сўз* бирикмаси кўп учрайди, ундаги *ширин* сўзи таъм билиш аъзоси орқали сезиладиган белгини билдирса, *сўз сўзи* эшитиш аъзоси воситасида сезиладиган тунгунчани ифодалайди. Бу эса икки сўзнинг ўзаро боғланиши учун монелик қиладигандек кўринади. Лекин уларнинг ҳар иккисидagi ёқимлилиқ белгиси уларни туташтиради ва *ширин* сўзи "ёқимли" маъноси билан мазкур бирикмага кириш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳосил бўлган бирикма дастлаб ғайриодатий бўлади, ўзида "янгилик" бўёғини сақлайди. Аммо бу ва шунга ўхшаш *совуқ хабар, совуқ гап, ширин туш, ширин хотира, аччиқ ғам, аччиқ пушаймон, қизил гап* каби бир қанча бирикмалар ўзидаги "янгилик" бўёғини йўқотган, ҳозирда

улар бизга одатий бирикмалардай туюлади. Бундай бирик-малар вақтлар ўтиши билан доимий қўлланишга кирган ва "клишеллашиб" қолган. Мисолларга эътибор беринг: *Бу уй ичига Отабекнинг саодатли кунларининг ширин хотиралари сақланар...* (А.Қодирий, "Ўтган кунлар" романи). *Мурдор экан юрак нақадар, Баъзан танҳо аччиқ йиллайман* (Миртемир, "Сурат" достони). *Бир ширин ҳид таралар ерган Ва юракка кетар қўшилиб...* (Рауф Парфи, "Осмон-фалақда" шеъри). Парчалардаги ажратиб кўрсатилган бирикмалар муаллифларнинг индивидуал бирикмалари эмас, шунинг учун улар янгилиги билан эмас, балки алоҳида экспрессивлиги билан ажралиб туради.

Бир сезиш аъзоси билан билинадиган белгини англатадиган сўзни бошқа сезиш аъзоси билан билинадиган тушунчага нисбатан қўллаш йўли билан юзага келадиган кўчма маънолар (улар тилшуносликда синестетик метафоралар деб юритилади) деярли ҳамиша кучли экспрессивликка эга бўлади. Бу экспрессивлик, образлилик янгилиги, ғайриодатийлиги аниқ сезилиб турган ва ана шу синестетик метафора асосидаги индивидуал-муаллиф бирикмаларида янада кучаяди. Бадиий нутқда ўткир таъсир ва тасвир воситаси сифатида эстетик вазифа бажаради.

Маҳоратли сўз усталари бу воситадан унумли фойдаланадилар. Масалан, *топли* ва *чексизлик* сўзларини нобадиий нутқда боғлаш мумкин эмас, чунки уларнинг маъноларида мутаносиб қирралар йўқ. Аммо ҳассос сўз санъаткори Ойбек бу сўзларни ўзаро боғлаб, бетакрор бир образ яратган. Бунда *топли* сўзи конкретликдан "чексизлик" қадар кенгайган, абстрактулашган ва чексизлик сўзи билан муносабатда нозик бир ҳиссий ҳолатнинг умумлашган бадиий тасвирини юзага келтирган. Албатта, бу бирикма ҳам синестетик метафорага асосланган ва ўзининг ғайриодатийлиги билан тезда диққатни тортади: *Оқшом, узоқларга қараб толамен, Топли бир чексизлик уфқда ёнар* ("Қалбимда сезамен..." шеъри).

Баъзан эса маънолари бир-бирига мутлақо зид бўлган сўзларни ўзаро боғлаш орқали ғайриодатий бирикма ҳосил

қилинади. Бунда бирикма бетакрор образнинг расмига айланади, кучли эмфатик интонация билан боғлиқ ҳолатда жуда юқори экспрессивлик ва эмоционаллик юзага келади. Адабиётшунослиқда бундай бирикмалар оксюморон номи билан ўрганилади.

Ушбу парчага эътибор берайлик:

*Лов-лов ёнаётир қуёш — ул нажот,
Осмон чорлаётир, чорлар юксак тоғ.
Шундай юрагимда товушсиз фарёғ,
Мен сенга шонмоқ истаيمان, эвоҳ...*

(Рауф Парфи, "Муҳаббат" шеъри).

Товушсиз фарёғ бирикмасидаги сўзларнинг маънолари бир-бирига зид, яъни *фарёғ* сўзи меъеридан ортиқ овоз билан нола (қилиш) ни билдиргани ҳолда, *товушсиз* сўзи унга аниқловчи қилиб қўлланган. Ана шунинг ҳисобига лирик қаҳрамоннинг мураккаб ҳиссий ҳолатига эмфатик интонация берилган, бирикма кучли эмоционаллик касб этган.

Айрим ҳолларда гайриодатий бирикмалардаги оксюморон нутққа ҳазил, енгил юмор руҳини бериши мумкин. Масалан, *қари ўсмир* гайриодатий бирикмаси қуйидаги мисраларда енгил юмористик фонни юзага келтирган: *Етмишинчи йилларга қари бир ўсмир бўлиб, Қўлтиқда "Данте" билан унинг ортидан чонгим* (А.Орипов).

Бундай гайриодатий бирикмалар, айниқса, ҳажвий ва юмористик асарларда жуда кенг қўлланади. Уларда бундай бирикмалар нозик кулги чиқарувчи воситалардан бири сифатида эстетик вазифа бажаради. Ўзбек ҳажвининг таниқли усталаридан бири Неъмат Аминов ўзининг "Елвизак" номли ҳажвий қиссасида ана шундай бирикмаларнинг ўхшашсиз намуналарини яратган. Улардан баъзи мисоллар: - *Оббо соқолли чақалов-ей!* — дегу Шамси Тўраевич, *Ушаровнинг елкасига қўл ташлаб...*

...Бозордан чиқиб, ўзи ёш-ёш эркак товуқчалардан олиб келиб, "чехомбил" ва "табака" деган овқатларни пиширади...

— Бу эркак товукча деганингиз хўрози?..

Бу ўқиш жуда яхши ўқиш — бепул овқат беради, бепул ётоқхона беради, бепул стипендия беради, деб тушунтирдим.

Ижодкорлар томонидан муайян эстетик мақсад билан тузилган ғайриодатий бирикмалардаги узвлардан бирининг ранг билдирувчи сўз бўлиши кўпроқ кузатилади. Бунда ана шу ранг билдирувчи сўзлардаги конкрет маъно абстрактлик томон силжийди. Албатта, бу абстракт мазмун тамоман моҳиятдан ажралган, муаллақ ҳолатда бўлмайди, балки сўзнинг конкрет мазмунидаги имконият сифатида мавжуд бўлган маъно қирралари, унинг ранг-баранг кўчим заҳиралари асосида юзага келади. Масалан, *яшил барг* бирикмасида *яшил* сўзи конкрет бир мазмунга эга, *барг* сўзини, айтайлик, *шаббода* сўзи билан алмаштирилганда, бу конкретлик абстрактлашади, умумлашади. Шеърий парчага эътибор берайлик:

Ер ёш, софлик жимирлатар этни,

Зориққан гунчалар очилди боғга.

Панжарадан ошиб чиқиб кетди

Майсазорда юрган яшил шаббода

(А.Мухтор. "Туғилиш" шеъри).

Айтиш керакки, *яшил* сўзининг конкрет маъносида унинг ана шундай абстрактулашуви учун имконият мавжуд, яъни у тиниқлик, тозалик, навқиронлик, кўркамлик ва шу каби ассоциацияларни ҳосил қилиш имкониятига эга. Бу эса унинг мазмунидаги мазкур абстрактулашув мутлақо муаллақ ҳолатда содир бўлмаганлигини кўрсатади. Фақат шоир унинг бу имкониятидан биринчи бўлиб фойдаланаётгани учун бундай бирикма бизга ғайриодатий туюлади. Қолаверса, шоир мазкур бирикмани жуда моҳирона қўллаган, айтиш ўрнига тушира олган, яъни шаббода кўм-кўк майсазорда кезиб юрибди, у шу қадар нозикки, ҳатто "панжарадан ошиб чиқиб кетади", айтиш пайтда ҳамма ёқ "этни жимирлатар" даражада соф, беғубор, шунинг учун бундай шаббода фақат яшил бўли-

ши мумкин, холос. *Яшил шаббога* бирикмаси жуда чиройли ва таъсирли яхлит эмоционал образнинг нозик ифодасига айланган.

Ғайриодатий бирикмалар баъзан яхлит бир тушунчанинг поэтик образи бўлиши ҳам мумкин. Масалан, *Илк тонг нури кипригингта кўнар, Кўкдан ювиб кетар қора уйқуни* (А.Мухтор, "Болалик" шеъри) парчасида *қора уйқу* тун тушунчаси ифодасидир. Лекин тун сўзига қараганда, *қора уйқу* бирикмаси мазмунан бой ва поэтик жарангта эга. Парчадаги *қора уйқу* — бу фақат тун эмас, балки шу тун билан, қоронғилик билан боғлиқ бўлган яна бошқа нарсалар ҳамдир. Шу маънода бу бирикманинг ўзи чиройли бир поэтик образдир.

Ғайриодатий бирикмалардаги сўзлар мазмунининг конкретликдан абстрактлик томон силжиши, ундаги моддий тушунчанинг йўқолиши, яъни номоддийлашуви натижасида юзага келадиган экспрессив-эмоционалликнинг, образлиликнинг идрок этилиши кўпинча индивидуал характерда бўлади. Чунки мазкур ғайриодатий бирикмалар таркибидаги сўзлар мазмунидаги абстракцияни турли ўқувчи турлича тасаввур қиладди. Қуйидаги парчага диққат қилайлик:

*Оғушимга зангори сезги,
Кипригимга суюқ ҳаяжон,
Кўзларимга юмалоқ севги,
Саломатман мен ҳам, онажон.*

(Рауф Парфи, "Яна қайтиб келдим..." шеъри)

Ажратиб кўрсатилган сўз бирикмалари, аввало, янгилиги билан тез диққатни тортади. Бизни лирик қаҳрамоннинг ҳиссий ҳолатига олиб киради. Айни пайтда уларнинг жуда гўзал образлар эканини сезамиз. Бу ҳиссий ҳолатлар бизга ҳам "юқади", лекин бирикмалардаги *зангори, суюқ, юмалоқ* сўзларининг абстракциясини ҳамма айнан бир хил тушунмайди. Масалан, *зангори сезги* ёш, тоза туйғу ва шунинг кабилар, *суюқ ҳаяжон* муайян ҳолатдаги кўз ёши ва шунинг кабилар, *юмалоқ севги* ҳузурли ва озорли, қутулиш имкони бўлмаган

севги, кўзда акс этган севги ва шунинг кабилар тарзида ид-рок этилиши мумкин.

Иқтидорли шоир Фахриёр "Сен кетган жойда" номли шеърида ана шундай ўта ғайриодатий бирикмаларнинг ҳар бирини бетақрор, оҳорли образлар ифодачиси ўлароқ яратиб, уларнинг сатрлардаги тифиз занжири воситасида сўлгин айрилик азоби ва армонининг тирик расмини мана бу шамойилда чизади:

*Узилиб ётар бир энлик умид,
қасамлардан бўшаган шиша,
сариққа чалинган виго мавсуми,
йиртиб ташланган андиша.*

*Муҳаббатнинг пўчоқларин бетиним
Фаррош шамол супурар.
Қизармаган кўкнинг бетига
Фавворалар тупурар.*

*Ўриндиқ, қобиргалари қатор
Гуллар панасига ўрмалаб қочар.
Йўлак беҳуш йиқилиб ётар,
Армон бола очар...*

Бу мисраларда ғайриодатий бирикмалар нақадар катта эстетик салмоқ билан юкунганлигидан завқланмасликнинг асло иложи йўқ.

Ғайриодатий бирикмалар айрим ҳолларда бир сўз билан аталадиган бирор тушунчанинг перифрастик ифодаси ҳам бўлади. Ойбек бир шеърида (сочнинг) бурамларни шундай таърифлайди: *Сочларингнинг, эй ёш қиз, Жингалак нози қаршисинда, оҳ, тилсиз Шоирлар сози.* Кўриниб турибдики, *жингалак ноз* перифразаси ёрқин ва нозик поэтик образдир. Бу ўринда шоирнинг тилни нақадар "ингичка" тушунганлигини сезиш қийин эмас. Ойбек бошқа бир "Радио тинглайдир..." номли шеърида айни *жингалак ноз* бирикмаси билан

куй сўзини боғлаш орқали яна янги ғайриодатий бирикма тузади: *Учишуркан шўх куйларнинг жингалак нози, Ҳар бир юзган йўқолади машаққат, ғамлар*. Бу ўринда иккиланган ғайриодатийлик бирикмада ифодаланган образнинг яна ҳам нозиклиги ва таъсирлилигини кучайтирган.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида ҳам иборалар таркибининг ғайриодатийлигини кўриш мумкин. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг гултожларидан бўлмиш "Алпомиш" достонидаги мана бу мисраларга диққат қилайлик: *Ҳар ерда душманнинг қўли бойлансин, ғанимнинг ичига ғамлар жойлансин*. Адабий тилимизда *ғам* емоқ ибораси бор, шунга кўра "ғамнинг одамнинг ичига кириши" ҳамиша ҳиссий бир тарзда идрок этилади. *Ғамлар* сўзи билан бевосита боғланган *жойланмоқ* фақат "кирмоқ"нинг ўзигина эмас, балки "батамом кириб, у ерни эгалаб, ўша ерда тамомила муқим бўлиб қолмоқ" ҳамдир. Шунинг учун ҳам "жойланадиган ғамлар" шунчаки бўлмайди, катта бўлади, қаттиқ бўлади, қаттол бўлади. *Ғамлар жойлансин* бирикмаси ана шундай маъзи тўқ ва экспрессияси ортиқ иборадир.

Ёки шу дostonдаги *Маҳрам келиб, менга берди хабарди, Закоат деган гапга кўнглим қабарди* мисраларини олиб кўрайлик. *Кўнглим қабарди* ибораси қаҳрамоннинг ранжли руҳий ҳолатини фавқулодда бир бадият билан акслантирган. Адабий тилимизда *кўнгли оғримоқ* ибораси бор. Аммо айни *кўнгли қабармоқ* ибораси маъно ифодасидаги образлилик жиҳатидан ундан анчайин кучли. *Кўнгли оғримоқда* руҳга етказилган ранж, озор ибора таркибидаги *оғримоқ* сўзига кўра очиқ, таъбир жоиз бўлса, жуда яланғоч ифодаланган. *Кўнгли қабармоқда* эса ички образ бор. Маълумки, *кўнгил* — мавҳум тушунча, *қабармоқ* эса аниқ тушунчага нисбат бериладиган ҳаракат, масалан, қўл, оёқ қабариши мумкин. Қўл қаварганда, кафтда пуфакчалар пайдо бўлади, сўнгра у қадоққа айланади, буни ҳамма билади. Шунинг учун ҳам *қабармоқ* сўзи эшитилиши билан киши кўз ўнгига дарҳол қўлнинг худди шу аниқ ва оғриқли кўриниши келади. *Қабармоқ* кўнгилга нисбат берилар экан, ўша қўл кўриниши *кўнгилга* ҳам

кўчадики, бу ҳолатда энди кўнгил асло мавҳум бўла олмайди. Шу тариқа мазкур иборада озурдалик ичида тўлғонган кўнгилнинг қабариқ образи юзага келган.

Достонда *гап етакламоқ* деган ғайриодатий ибора ҳам бор: *Юришимиз қирқин қизлар билмасин, У қурғурлар гап етаклаб юрмасин, Эл ичинда маломат сўз бўлмасин*. Мазкур иборанинг адабий тилдаги муқобили бўлмиш *гап(ни) кўтариб юрмоқ* иборасида гапнинг бевосита ҳаракати йўқ, у гўё оддий бир нарса, уни кўтариб юрадилар, холос. *Гап(ни) етаклаб юрмоқ* ибораси шунинг учун ҳам ўткирки, унда гапнинг ўзи ҳам бевосита юради, фаол ҳаракатга қодир, фақат уни чиркин мақсадларга хизмат қилдириш учун қаёққа хоҳлашса, ўша ёққа етаклаб юрадилар. *Гап* ва *етақламоқ* сўзларидан таркиб топган бу ғайриодатий ибора ана шундай маъно нозикликлари билан тўйиниб, бетакрор образли ифодага айланган.

Адабий грамматик меъёрлардан чекиниш, хусусан, ғайриодатий бирикмалар тузиш бадиий нутқ учун бениҳоя катта эстетик имкониятлар манбаидир.

Адабий тилнинг услубий меъёрларига кўра бир услубга хосланган бирликни бошқасида қўллаш мумкин эмас, аммо бадиий нутқда бу меъёрлардан ҳам муайян эстетик мақсад билан чекинилади. Бу ҳолат кўпроқ насрий асарларда кузатилади. Масалан, *жаноблари* сўзи тантанавор, кўтаринки услубга хос. Қуйидаги парчада унинг қўлланишига эътибор берайлик: - *Йўқ, қорин жаноблари тўқлар, эрталаб балиқ еган эдик, фақат чой бўлса кифоя, — деди у кулиб* (Н.Аминов, "Шўрлик" ҳикояси). Услубий меъёрга кўра, *жаноблари* сўзи оддий *қорин* сўзи билан бирга қўлланмаслиги керак. Аммо айни бадиий нутқда уларнинг қўшилиши баён қилинаётган фикрга юмористик руҳ бахш этган. Ёзувчи худди шу кулгини кўзватиш мақсади билан сўзни ўзига "ёт" услубда қўллаган. Бу бадиий адабиётда кенг тарқалган усуллардан бири бўлиб, ёзувчилар ундан турли даражада фойдаланадилар.

Бир услубга оид сўз ёки синтактик тузилмалар бошқа услубга кўчирилганда, бу бирликларнинг энг нозик услубий ва

эстетик имкониятлари намоён бўлади. Бу бирликлар юмор, киноя-кесатик, хуллас, комик руҳни ифодаловчи асосий воситалардан бирига айланади. Комик руҳнинг кучлилик даражаси эса кўчириладиган услубларнинг бир-биридан қанчалик узоқлиги, кескин фарқланиши билан боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, бошқа услубга кўчирилган бирликларнинг бу услубга "ёт"лиги қанчалик кучли сезилиб, фарқланиб турса, комик эффект шунчалик юқори ва сезиларли бўлади. Шунинг учун ҳам бадиий асар тилида кўпроқ расмий, илмий-тантанавор услубларга хос бирликларнинг кўчирилиши кузатилади.

Расмий-публицистик услубда бу услубнинг ўзига хосланган, уни характерловчи сўз ва синтактик тузилмалар жуда кўп. Улар ҳатто доимий бирикмаларга, ибораларга айланиб қолган. Уларни эшитишимиз (ёки ўқишимиз) билан ихтиёрсиз равишда расмий-публицистик услуб хаёлимизга келади. Айтиш мумкинки, бундай бирикмалар расмий-публицистик услубнинг ўзига хос тамгалари сифатида одатийлашиб қолган. Масалан, *ютуқларга эришмоқ, таъкиглаб ўтмоқ, кенг муҳокама қилмоқ, алоҳида эътиборни қаратмоқ, камчиликларни бартараф қилмоқ, мисли кўрилмаган даражада мустақамламоқ, тарихий воқеаларга гувоҳ бўлмоқ, қаїг қилмоқ, фактларга мурожаат қилмоқ* ва бошқа бир қатор шу каби сўз, сўз бирикмаларини эсга олиш мумкин. Бундай бирликларни ҳатто мазкур услубнинг ўзида ҳам кўплаб қўллаш у қадар ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Улар нутқнинг ҳаддан ортиқ қуруқ ва зерикарли бўлишига олиб келади. А.Қаҳҳор ўзининг "Нутқ" фельетонида бу усулдан жуда катта маҳорат билан фойдаланган. Фельетонда айрим нотиқларнинг ҳаддан ташқари қуруқ ва қолипли гапириши ўткир кулги остига олинган. Нотиқ ҳатто хотини билан (интим-маиший мавзу) ҳам расмий-публицистик услубда гаплашади. Бу китобхонда аччиқ ва истеҳзоли кулги кўзғатади:

— *Ўртоқ рафиқам! Ижозат берасиз, хушчақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намуналик бажариб келаётганимизга бир йил бўлган кунда сиз-*

ни бевосита табрик қилишга... Сиз билан биз бир йиллик оилавий фаолиятимиз натижасига қандай ютуқларга эришдик? Аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биз у ёки бу масалага юз берадиган принципиал келишмовчиликларни четдан куч жалб қилмасдан, ўз кучимиз билан, ўзаро кенг муҳокама қилиш йўли билан бевосита бартараф қиладиган бўлиб қолдик. Иккинчидан, ўртоқ рафиқам, оиламизни ташкилий хўжалик жиҳатдан мисли кўрилмаган даражага мустаҳкамладик. Мен бу бобда фактларга мурожаат қилиб ўтирмайман, чунки орденли онангиз ўзларининг ҳар бир тарихий келишларига бу нарсани айрим равишда қайд қилдилар.

Бадий сўз усталари сўзларни бошқа услубга кўчириб қўллар экан, турли хил эстетик имкониятларни юзага чиқарадилар. Бадий нутқда адабий тилнинг грамматик, услубий ёки бошқа меъёрларидан бадий-эстетик мақсад билан чекинилиши адабий тил меъёрларининг наинки бузилиши, балки бадий нутқнинг мутлақо ўзига хос меъёрларининг воқе бўлиши тарзида баҳоланади. Нутқнинг тўғрилиги сифати бадий услубда ана шундай ўзига хос бир тарзда намоён бўлади. Бадий нутқда кузатиладиган адабий тил меъёрларидан чекиниш ҳолатлари ва бунинг оқибатида юзага келадиган эстетик таъсирнинг қимматини идрок этмоқ учун, албатта, адабий тил меъёрларини пухта билмоқ лозим.

Нутқнинг аниқлиги

Кишилар ўртасидаги мулоқотни талаб даражасида таъминлай оладиган нутқ тўғри бўлиши билан бир қаторда аниқлик сифатига ҳам эга бўлиши шарт. Агар нутқ аниқ бўлмаса, сўзловчи етказдирмоқчи бўлган муайян фикр тингловчи томонидан тўласича ва айнан англаниши маҳол. У ҳолда фикр чала ёки янглиш тушунилиши мумкинки, бу аниқ бўлмаган нутқнинг кишилар ўртасидаги табиий ва нормал мулоқот учун яроқсизлигини кўрсатади.

Қадимги юнон донишманди Аристотель ўзининг "Риторика" китобида нутқнинг асосий фазилати унинг аниқлигида эканлигини айтиб, "агар нутқ аниқ бўлмаса, у ўз мақсадига эриша олмайди" деб таъкидлайди.¹ Шу нарса ҳам ҳақиқатки, нутқнинг мақсади, яъни айтилмоқчи бўлган фикрнинг ўзи аниқ ва равшан бўлмаса, уни ифодалаш учун тузиладиган нутқ ҳеч қачон аниқ бўлолмайди. Нутқий ифода аниқ бўлиши учун, аввало, нутқ тузувчининг ўзи айтмоқчи бўлган фикрини тиниқлаштириб олиши керак. Кўпинча тадқиқотчилар улуғ рус адиби Л.Н.Толстойнинг "Сўздаги ноаниқлик, шубҳасиз, фикр ноаниқлигининг аломатидир" деган гапини иқтибос қиладилар. XVI асрда яшаган француз файласуфи Мишель Монтеннинг куйидаги гапида ҳам катта маъно бор: "Мен Сукротнинг хулосаларига таянган ҳолда ўйлайманки, онгида бирор нарса ҳақида тирик ва аниқ тасаввур шакланган одам бу тасаввурларни ҳар қандай тилда, тарабар шеvasида (тушуниб бўлмайдиган) бўлсада-да, ифодалай олади."² Албатта, нарса-ҳодисалар ҳақида онгда аниқ тасаввурларнинг шаклланиши учун тафаккур қилиш лозим бўлади. Нарса-ҳодисаларни тўғри ва аниқ номлай олмаслик, табиийки, уларни яхши билимаслик оқибатидир. Тафаккур қила олмаслик ёки тафаккур танбаллиги аниқ нутқ тузишга имкон бермайди. Зотан, тил ва тафаккурнинг диалектик бирлиги ҳақида кўп

¹ Античные риторика. Москва: МГУ, 1978, С.129.

² Кўчирма шу китобдан олинди: Ивин А.А. Искусство правильно мыслить. Москва: Просвещение, 1986, С.128.

гапирилган, тилсиз тафаккур, тафаккурсиз тил йўқ, бизнинг барча билимларимиз тил ва тафаккурга кўра ҳосил бўлади, шаклланади ва ривожланади.

Реал воқелик, табиат ва жамиятдаги нарса-ҳодисаларнинг нутқда тўғри ва яққол ифодаланиши аниқ нутқнинг асосий моҳиятидир. Шунинг учун ҳам аниқлик коммуникатив сифати нутқ ва воқелик ўртасидаги мутаносиблик заминида белгиланади. Бунда, асосан, нутқдаги асосий бирлик саналмиш сўзнинг тўғри қўлланиши назарда тутилади. Демак, нутқнинг аниқлиги сўзнинг тилдаги маъносига тамомила мувофиқ тарзда қўлланиши, сўзнинг воқеликдаги ўзи ифодалаётган нарса-ҳодиса билан қатъий мослиги асосида юзага келадиган коммуникатив сифатдир. Аниқ нутқ малакасининг шаклланишида тавсифланаётган воқеликни билиш, тилдаги сўз маънолари системасини яхши англаш, нутқ мазмунига эътибор билан қараш ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир. Ана шунда ифода учун энг уйғун ва алмаштириб бўлмайдиган аниқ сўзни топиш мумкин. Асқад Мухторнинг "Сўзлар" номли шеъридан олинган қуйидаги парчада сўзнинг нутқдаги ўз ўрни нақадар муҳимлиги таъкидланган:

"Баъзан сўзлар "Бежоман" деб дод солади,
Гоҳ худди ёв устига от солади.

Гоҳ лоқайд бўладилар ҳар нарсага,
На ғафлатта соладилар, на ларзага.

Эсиз ҳусним дея ўксиб турадилар,
Ё азада гўё қаҳ-қаҳ урадилар...

Сўзни қайлиқ сайлагандек севиб сайла,
То қўл урса, муҳаррирга рашк айла.

Гомер каби мангуликка танла уни,
Мангу ёнар топсанг агар қаловини."

Француз адиби Анатолий Франсининг жуда чиройли бир ўжшатиши бор: "Луғат — бу алифбо тартибидаги бутун оламдир". Тилнинг луғат бойлигини — сўзларни ана шу бутун оламдаги нарсалар, воқеа-ҳодисалар, сифатлар, туйғулар, тасаввурлар, ҳаракатлар, ҳолатлар ва шу кабилар билан тўғри ва аниқ алоқалантириш, улар ўртасидаги ўзаро мутаносибликни равшан идрок этиш аниқ нутқ тузишининг асосий шартидир. Шунинг учун ҳам ўқитувчи бу алоқалантириш ва мутаносибликни, аввало, ўзи чуқур билиши, қолаверса, ўқувчилари онгига, руҳиятига олиб кириши зарур. Шунда ўқувчида нутқий маданият, тирик тил сезгиси шаклланади. Айтиқса, ўқитувчи учун (албатта, бошқалар учун ҳам!) нутқнинг аниқлиги сифати жуда ҳам муҳимки, буни исботлаб ўтиришининг ҳам ҳожати йўқ. Ўқитувчи дарс бериш учун синфхонага кираркан, ўз ўқув фани бўйича айтмоқчи бўлган гапини аниқ, равшан билмаса, ўз фанини етарли эгалламаган бўлса, ҳар қанча чиранмасин, ўқувчи унинг ноаниқ, тумтароқ нутқидан бир нарса чиқара олмайди, уни тингламайди.

Аниқ нутқда, аввало, воқелиқдаги нарса ва унинг номи бўлган сўз бир — бирига мос бўлиши шарт. Кўпинча *рўйхатга олиш китоби* тарзидаги бирикма қўлланади, бунда у ёки бу нарсани ёзиб, қайд этиб бориладиган дафтар қасд этилади. Ҳолбуки, китобга ёзилмайди, у ўқиш учун мўлжалланган. Демак, айти бирикмадаги *китоб* сўзи ифодаланмоқчи бўлган воқелиқдаги нарсанинг номи эмас, шунинг учун бирикма ҳам аниқликдан маҳрум. Аслида *рўйхатга олиш дафтари* бўлиши керак. Ёки мана бу жумлани кўрайлик: *Тарбиячи болаларга тушунарли бўлиши учун китобни олиб, хонтахта тортмасига қўяди* (С.Жўраев, Ҳ.Қодиров). Бу жумлада ҳам ноаниқлик бор, чунки ҳамма биладики, хонтахтанинг тортмаси бўлмайди.

Нутқни аниқ туза олиш учун, айтилганидай, энг аввало, сўзнинг лексик маъносини тўғри тасаввур қилиш лозим. Қуйидаги жумлага эътибор берайлик: *Авлоғлар меросини ўрганишимиз* ("Маърифат", 1998 йил 3 июнь). Бу жумлада ифодаланмоқчи бўлган мазмун *авлоғ* сўзининг лексик маъносига

тўғри келмайди. *Авлог* сўзи асли арабча бўлиб (унинг бирлик шакли *валаг*, яъни "бола" демақдир), ўзбек тилида "бир ота-бободан тарқалган насл", "бир даврда туғилиб ўсган кишилар" каби маъноларга эга. Ҳамонки, гап мерос ҳақида кетар экан, *аждог* сўзи қўлланиши лозим эди, чунки у ҳам асли арабча бўлиб, унинг маъноси "илгари ўтган насл-насаб, ота-боболар" демақдир. Шунга кўра мазкур жумла *Аждоглар меросини ўрганамиз* шаклида тузилиши керак эди. Кўринадики, *авлог* сўзи тилдаги лексик маъносига мувофиқ тарзда қўлланмаганлиги учун нутқнинг аниқлигига путур етган.

Ёки мана бу жумлани олиб кўрайлик: *Жиззах вилоятининг Бахмал, Зомин ҳудудларига кўлаб "Санта-генпруга" зотли ҳўкизлар келтирилди* ("Ўзбекистон овози", 2006 йил 17 июнь). Бу жумлада ҳам нутқнинг аниқлиги йўқ. *Ҳўкиз* сўзининг тилдаги лексик маъноси айни жумладаги мазмун учун мос эмас, чунки унинг маъноси "икки ёшдан ошиб, қўшга ярайдиган ҳолга келган бичилган эркак қорамол"дир. Насл олиш мақсадида бошқа юртдан бичилган қорамол келтиришнинг маъниси йўқ. Бу мақсадда *зотли буқа* (маъноси "бичилмаган ёш эркак қорамол") келтирилиши табиий. Демак, *ҳўкиз* сўзи тилдаги лексик маъносига мувофиқ қўлланмаганлиги учун мазкур жумла аниқлик сифатидан маҳрум бўлган.

Газеталардан бирида Элбек таваллудининг юз йиллигига бағишланган мақолага *Таваллуд санаси* — юз деб сарлавҳа кўйилган ("Тошкент ҳақиқати", 1998 йил 18 апрель). Жумла мутлақо аниқ эмас, чунки *сана* сўзи ўзининг маъносига мувофиқ қўлланмаган. *Сана* сўзининг маъноси "йил; бирор воқеа содир бўлган йил, ой, кун ва шу ҳақдаги ёзув" дегани эканлиги эсга олинса, мазкур сарлавҳадаги фикр "Элбекнинг туғилган йили — юзинчи йил" қабилида тамоман янглиш англашилади.

Нутқ тузувчи нутқ предмети ва тилдаги маънолар системасини яхши билса ҳамда конкрет нутқ жараёнида бу предмет ва маъноларни тўғри алоқалантира билиш кўникмасига эга бўлсагина, унинг нутқи аниқ бўлиши мумкин. Айтиш

мумкинки, аниқ нутқ учун нутқ тузувчининг сўз қўлаш маҳорати жиддий аҳамиятта молик.

Ўзбек тилида аниқ нутқ яратишга кўмаклашувчи воситалар жуда кўп. Нутқ предметини, ифодаланмоқчи бўлган нарса-ҳодисани бутун икир-чикирларигача, турфа нозикликларигача ажратиб ифодалаш имконини берувчи синонимлар қатори мавжудки, улар орасидан нутқ предмети ифодаси учун энг уйғунини танлаш орқали ҳам нутқнинг аниқлиги таъминланади.

Улуғ Алишер Навоий "Муҳокаматул-луғатайн" асарида тилимизнинг ана шундай бебаҳо бойлиги ҳақида гапирар экан, шундай ёзади: " ...Ва шеърнинг бино ва мадори ишққа эврилур ва ошиқликда йиғламоқдин куллийроқ (кўпроқ) ва доимийроқ амр йўқдур ва анда танаввуъ (хилма-хил бўлиш) бор: **йиғламосинмоқ** мазмунидаки, турк мундоқ дебдурки,

Байт: Зоҳид ишқин десаки, қилғай фош,
Йиғламосиниру кўзига келмас ёш.

Ва **инграмак** ва **синграмак**ким, дард била яшурун оҳиста йиғламоқдур ва ораларида тафовут оз топилур, туркчада бу матлаъ борким,

Байт: Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,
Кечалар гаҳ **инграмакдир** одатим, гаҳ **синграмак**.

Форсида бу мазмунки бўлмағай, шоир не чора қилғай?
Ва **сиқтамоқ**ким йиғламоқда муболағадур, турк бу навъ адо қилибдурки,

Байт: Ул ойки, кула-кула қироғлатти (четлатди) мени,
Йиғлатти мени демайки, **сиқтатти** мени.

Яна бийик ун (балаңд овоз) билаки, эътидолсиз (меъёр-сиз) ошуб (ҳаяжон) била йиғлағайлар, ани **ўқурмак** дерлар ва туркчада ул маънида бу матлаъ борким,

Байт: Ишим тоғ узра ҳар ён ашк селобини сурмақдур,
Фироқ ошубидин ҳар дам булут янглиф ўқурмақдур.

Чун ўқурмак муқобаласида форсий тилда лафз (сўз) йўқтур, форсигўй шоир мунунгдек ғариб (ажойиб) мазмун адоси (ифодаси)дин маҳрумдур. Яна йиғламоқнинг ўқурмаки муқобаласида *инчкирмак* дағи бор ва ул инчка ун (ингичка овоз) била йиғламоқдур ва ул турк лафзида бу навъ таркиб била адо топибдурким,

Байт: Чарх зулидаки, бўғзумни қириб йиғлармен,
Игирур чарх (киби) *инчкириб* йиғлармен.

Аммо йиғламоқта *ҳой-ҳой* лафзин [адода] ўзларин туркигўйларга шарик қилибдурлар ва бу лафз ҳам аслан туркий услубдур ва фақирнинг бу мақтаи машҳурдурким,

Байт: Навоий, ул гул учун *ҳой-ҳой йиғлама* кўп,
Ки ҳа дегунча не гулбун, не ғунча, не гул бор."¹

Кўриниб турганидек, Алишер Навоий биргина *йиғламақ* феълининг *йиғламсинмоқ*, *инграмак*, *синграмак*, *сиқтамоқ*, *ўқурмак*, *инчкирмак*, *ҳой-ҳой йиғламоқ* каби 7 та синонимини келтирганки, улар маъно нозикликларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Навоий келтирган байтларда бу синонимларнинг ҳар бири ўз ўрнини бениҳоя аниқ топган ва лирик қаҳрамон руҳий ҳолатининг матнда равшан ва таъсирли ифодаланиши учун хизмат қилган.

Синонимлар нарса-ҳодиса, ҳаракат-ҳолат, белгиларнинг энг кичик, ҳатто сезилар-сезилмас нозик қирраларини, уларга бўлган субъектив муносабат ва яна қанчадан-қанча ўзига хосликларни фарқлаб кўрсата олар экан, нутқ тузишда жуда катта танлаш имконияти мавжудлиги табиий. Шубҳасизки, тилнинг синонимларга бойлиги сўз танлашга бениҳоя эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни талаб этади. Хусусан,

¹ Навоий А. Асарлар. 15 томлик. 14-том. Тошкент: Ф.Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967, 109-111-бетлар.

тилимизнинг улкан хазинаси бўлмиш синонимик бойлигини чуқур ва мукамал эгалламасдан туриб, нутқнинг аниқлиги, равонлиги, ифодалилигига эришиш мумкин эмас. Кишидаги луғат захирасининг камбағаллиги фикр ифодасининг қашшоқлигига, сўз қўллашдаги қўпол ноқисликларга, сўзларнинг маъноларидаги товланишларни илғай олмасликка олиб келади.

Биз атрофимиздаги нарсалар, воқеа-ҳодисаларни, уларнинг хусусиятларини, белгиларини, табиатини, ҳолатларини бутун нозиклиги, ўзига хослиги билан кўрамиз, англаймиз. Уларни ифодалашда эса энг мос ва маъқул сўзлардан фойдаланамиз, бунда, албатта, синонимлар жуда қўл келади. Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, синонимлар бирининг ўрнида иккинчиси қўлланиши мумкин бўлган маънодош сўзлар эмас, улар қўлланиш ўрнига кўра ҳам фарқ қилади. Атоқли тилшунос А.Ҳожиёв томонидан тузилган "Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати" (Тошкент: Ўқитувчи, 1975) да, масалан, юз сўзининг синонимик қатори шундай тавсифланган: "*Юз, бет, афт, башара, чеҳра, жамол, дийдор, ораз, узор, рухсор*. Киши бошининг олд қисми, олд томони. *Бет* сўзи маъноси, қўлланиши билан юз сўзига жуда яқин бўлиб, юзга нисбатан сал салбий оттенкага эга. *Афт* сўзи *бет* сўзига нисбатан салбий оттенкага эга. *Башара* сўзида салбий оттенка *афт* сўзидагига нисбатан ҳам кучли. *Чеҳра* ижобий оттенкага эга. *Жамол* сўзида ижобий оттенка *чеҳра* сўзидагига нисбатан ҳам кучли бўлиб, бу сўз, асосан, поэтик стилга хос. *Жамол* сўзи "ҳусн", "чирой" маъносида ҳам қўлланади. *Дийдор* сўзи *кўришмоқ, тўймоқ* каби бир-икки сўз билангина қўлланади. *Узор, ораз, рухсор* эскирган, китобий". Келтирилган синонимик қатордаги ўнта сўздан ҳар бирининг ўзига хос маъно нозиклиги ва қўлланиш ўрни бор.

Тилимиздаги *гарс, машғулот, сабоқ* сўзларида маънодошлик бор, аммо уларнинг қўлланиши фарқли. Шунга қарамасдан, уларнинг бири ўрнида иккинчисини ёки аралаш ишлатиш натижасида нутқ аниқлигининг бузилиши ҳоллари кўзга ташланади. Масалан, "Кичкинтойлар нутқини ўсти-

риш" номли қўлланмада бу сўзларнинг учаласи ҳам аралаш ишлатилган: *19-машғулот. Мавзу: "Сабоқ"... Ҳозир қандай сабоқ? – деб сўрайди тарбиячи. – Ҳозир ўзбек тили сабоғи, – деб бир овоздан жавоб берадилар болалар... Ҳозир ўзбек тили гарси. Дарс синфда давом этипти* (61-63-бетлар). Бу нутқни асло аниқ деб бўлмайди. *Сабоқ* сўзи эскилик бўёғига эга бўлиб, у тарихий мавзудаги матнда қўлланиши мумкин, бу сўзнинг ҳозирги тилда иккинчи, кўчма маъноси ("ибрат, намуна") фаол ишлатилади: *турмуш сабоқлари, тарих сабоқлари* каби. *Машғулот* сўзининг маъноси умумий, умуман машғуллик, масалан, *амалий машғулот, спорт машғулот, тўғарак машғулот* дейиш мумкин, лекин *тўғарак гарси, спорт гарси* деб бўлмайди. Мазкур матнда нутқ предмети аниқ ифодаладиган сўз фақат *гарс* сўзидир, мактаб амалиётида ҳам айнан шу сўз кенг тарқалган.

Кейинги пайтларда баъзан *фамилия* сўзининг муқобили ёки синоними сифатида *шариф* сўзини мулақот нотўғри ва маъносига зид қўллаш учраб қолмоқда. Мазкур қўлланмада ўқиймиз: *Тарбиячи: Сенинг исминг нима? Бола: Менинг исми Носир. Тарбиячи: Сенинг шарифинг нима? Бола: Менинг шарифим Усмонов* (111-бет). Эски китобий услубда *Исми шарифингиз нима?* шаклидаги ибора бўлиб, унинг мазмуни "Шарафли, муборак исмингиз нима?" демақдир, бу иборани "Исмингиз ва фамилиянгиз нима?" тарзида беҳад думбул тушуниш оқибатида *фамилияга* синоним "ихтиро қилинган". Бу "ихтиро" нутқнинг аниқлиги билан бир қаторда тилнинг ва мантиқнинг моҳиятини ҳам ишдан чиқарган.

Ўзбек тилида *шкаф* ва *жавон* сўзлари айнан бир нарсани билдиради, бундай синонимларни тишуносликда дублетлар деб ҳам аташади. Камида, ғарб билан боғлиқ мавзудаги нутқ бўлганда, *шкаф* сўзини қўллаш маъқул бўлар, ҳар ҳолда, бу сўз рус тилидан кирган. Лекин улар ифодалаган предмет бевосита бир нарса, шунинг учун уларнинг иккаласини бирданга, бошқа-бошқа предметлар номи сифатида қўллаш нутқни мавҳумлаштиради, тингловчи ёки ўқувчи бу икки сўзга тегишли иккита предметни тополмайди. Қуйидаги нутқдаги

фикрни тингловчи аниқ тасаввур қила олмайди: *Тарбиячи шкаф ва жавон суратларини кўрсатиб, бир неча бор "Бу жавон", "У шкаф" дейди* (С.Жўраев, Х.Қодиров). Тўғри, қайсидир бир шевада бу сўзлар ифодалаган буюмларда фарқ бордир, аммо адабий тилда ундай эмас.

Ўзбек тилида *совға, ҳаद्या, тортиқ, туҳфа* сўзлари синонимлардир. Газеталардан бирида мана бундай ёзилган: *Мирмуҳсин ушбу асару билан адабиётимизга... муносиб қувончли туҳфа ҳаद्या қилди* ("Ўзбекистон маданияти", 1977 йил 14 октябрь). Бошқа бир газетада эса қуйидагича ёзилади: *...Фермер хўжалиги раҳбари... ўз ҳаद्याсини туҳфа этмоқда* ("Халқ сўзи", 2006 йил 4 июль). Сўзларнинг лексик маъноси тўғри англалмаганлиги, уларнинг синонимлиги назардан қочирилганлиги боис мазкур жумлаларда аниқлик сифати йўқолган. Ажратиб кўрсатилган *туҳфа ҳаद्या қилди, ҳаद्याсини туҳфа этмоқда* бирикмалари тавтологикдир, яъни айни бир мазмун икки марта таъкидланган, бу нормал нутқда аниқликка ҳалақит беради. Мана бу жумлаларда ҳам ана шу сабабга кўра нутқнинг аниқлигига путур етган: *Унинг (рақамли технологиянинг) афзалиги шундаки, иқтисодий сарф-харажатларни анча тежайди* ("Ўзбекистон овози", 2006 йил 17 июнь) (сарф-харажат, албатта, иқтисодий бўлади). *Мусахон ака... ўтган асрнинг 1913 йили... Қозон университети медицина факультетига таҳсил олгани боради* ("Хуррият", 2006 йил 5 июль) (*ўтган аср* бўлгандан кейин 1913 йили эмас, балки 13 йили бўлиши керак).

Синонимлардан бирининг ўрнида иккинчисини нотўғри қўллаш ҳам нутқнинг аниқлигига салбий таъсир кўрсатиши тайин. Масалан: *Тош суякнинг мужда беришига қараганда, китнинг узунлиги тўрт ярим метр бўлган* ("Ўзбекистон маданияти", 1974 йил 17 декабрь). Бу жумлада *мужда* сўзи нотўғри қўлланган. Ҳолбуки, бу ўринда *мужда* сўзининг синоними бўлган *хабар* сўзи ишлатилиши лозим эди. Чунки бу икки сўзнинг маъносида умумийлик мавжуд бўлса-да, улар маъно нозикликларига кўра фарқланади, яъни *хабар* сўзи ҳар қандай ахборотни ифодаласа, *мужда* сўзи фақат қувонч-

ли ахборотни, хушхабарни ифода этади. Шунинг учун ҳам келтирилган жумладаги фикр *мужда* сўзининг эмас, балки *хабар* сўзининг қўлланишини тақозо қилади, яъни қувончли хабар эмас, оддий бир хабарнинг ўзи.

Бадий нутқнинг аниқлигини таъминлаш учун сўз усталари тинимсиз изланадилар, ягона энг аниқ, тасвирга тамоман уйғун сўзни топиш устида мунтазам иш олиб борадилар. Масалан, улкан адиб Ойбек "Навоий" романининг кейинги нашрларида тасвир аниқлиги учун энг мақбул сўзни излаб, бир қанча сўзларни уларнинг синонимлари билан алмаштирган, биргина мисол: *энкаймоқ* сўзини *букчаймоқ* сўзи билан алмаштирган. Дастлабки нашрда: *Арслонқул... маграсанинг қуғратли, юсак пештоқи устида саллали, қалпоқли усталарнинг дорбоздай чаққонлигига ҳайрон бўлиб тикилди. Уларнинг ичига оппоқ соқоли, энкайган чоллар ҳам бор эди.* Кейинги нашрда: *Арслонқул... маграсанинг қуғратли, юсак пештоқи устида саллали, қалпоқли усталарнинг дорбоздай чаққонлигига ҳайрон бўлиб тикилди. Уларнинг ичига оппоқ соқолли, букчайган чоллар ҳам бор эди.*¹ *Энкаймоқ* сўзида ҳаракатнинг ихтиёрийлиги, *букчаймоқ* сўзида эса ҳаракатнинг ғайриихтиёрийлигидан иборат маъно нозиклиги борки, мазкур тасвирнинг аниқлиги учун *букчаймоқ* жоиз, чунки чолларнинг қадди ўз ихтиёрлари, хоҳишлари билан эгилмаган, балки офир меҳнат мажбуран эгган.

Аниқ нутқ тузишда сўзларнинг кўп маънолилиги, яъни полисемия ҳодисасига алоҳида эътибор берилиши лозим. Тилда бирдан ортиқ маънога эга бўлган сўзлар жуда катта миқдорни ташкил этади, бу ҳам аслида тилнинг ўзига хослиги ва бойлигини кўрсатади. Аммо айни шу ҳолат ҳам нутқ тузувчидан зийракликни талаб этади. Инглиз адиби Жонатан Свифт "Гулливернинг саёҳатлари" романида ўткир сатира тили билан хаёлий Лагадо академиясининг ҳаётдан ажралиб қолган олимлари устидан кулар экан, уларнинг сўз воситасида эмас, балки нарсалар воситасида ўзаро мулоқот

¹ Низамханов Х. Выбор слова как проблема литературно-стилистической обработки текста. АҚД. Ташкент, 1986, С. 11.

қилишларини тасвирлайди. Гўёки сўзлар нарсаларнинг номи бўлганлиги учун янглиш англаниши ҳам мумкин, шунинг учун нарсаларнинг ўзини кўрсатиш орқали фикр алмашиш маъқулроқдир. Асарда олимлар суҳбат учун бир ерга борадиган бўлса, фикрини билдиришга керак бўладиган нарсаларни ҳам қолда олиб борган, яъни ҳар бир олимнинг луғат заҳираси шу қопнинг ҳажмига боғлиқ бўлган. Бу кулгининг асоси - сўзнинг кўп маънолилигидан гўл ва думбул тасаввур билан қўрқиш. Ҳажв устаси Свифт тилнинг мўъжизавий табиатидан беҳабарлик устидан кулгандай бўлади.

Полисемантик сўзнинг маънолари, бу маънолар ўртасидаги муносабатлар, маъноларнинг ҳар бирини реаллаштирувчи контекст етарли даражада идрок этилса, полисемия аниқ нутқ тузишда ўзига хос кўмакчи. Акс ҳолда, аниқ ва равшан нутқни шакллантириш анчайин қийинлашади. Мана бу жумлаларга эътибор берайлик: *Гиппократ касал кўраётганда, ундан: "Сиз ким томондасиз? Мен томондами ёки касал томондами?" — деб сўраркан. Шунда касал: "Албатта, сиз томондामан-га", — деса, Гиппократ унга қараб: "Мен томон бўлсангиз, биз икковлон касални енгамиз. Агар касал томонда бўлсангиз, мен яккаланиб қоламан-га",- дер экан* ("Хуррият", 2006 йил 5 июль). Ўзбек тилида касал сўзи полисемантик бўлиб, унинг 7 та маъноси қайд этилган, яъни 1)"организм нормал фаолиятининг бузилганлик белгиси (сифат)", 2)"организмининг нормал фаолияти бузилган киши", 3)"организм нормал фаолиятининг бузилганлик ҳолати, касаллик" 4)"қутулиб бўлмайдиган одат", 5)"камчилик, иллат" ва ҳ.к. Парчада бу сўз иккинчи ва учинчи маънолари билан ишлатилган, лекин иккинчи, яъни касаллик маъносида қўллангандаги контекст айна маънони эмас, балки учинчи, яъни бемор маъносини реаллаштириш учун қулайдир. Шунинг учун нутқдаги фикрнинг бирданига аниқ англаниши бир қадар қийин, бу маъно ифодаси учун тўғридан-тўғри касаллик сўзини ишлатиб қўя қолган маъқул эди. Эҳтимол, сўз ўйини чиқаришга ҳаракат қилингандир, аммо бу мақсадга эришилмагандай. Ундан кўра касаллик сўзи қўлланган-

да, ҳам нутқ аниқ бўларди, ҳам муайян эстетик эффект юзага келарди.

Катта сўз усталари полисемиядан ҳам нутқ аниқлигини таъминлаш, ҳам таъсирчанликни ошириш, ҳам кулги чиқариш воситаси сифатида фойдаланадилар. Абдулла Қаҳҳор ҳайвон сўзининг бирданига икки маъносини қуйидагича реллаштиради: *Ўзининг айтишига кўра "нафис агабиёт муаллими" ўртоқ Боқижон Бақоев оғилга кириб таъби хира бўлди: сигирнинг кулоғига яна кана тушибди! Канадан ҳам кўра сигир унинг аччиғини келтирди: канани терай деса қўймайди — бошини силкийди, пишқиради.*

— *Ҳайвон! Сигир эмас, ҳайвон! — деди оғилнинг эшигини қаттиқ ёпиб. — Ҳайвон!*

Хотини Мукаррам ҳовлига самоварга сув қуяр эди.

— *Ҳайвон! Бу сигирни сотиб, пулига чўчқа олиш керак!* ("Адабиёт муаллими" ҳикояси). Ҳайвон сўзи, бир қарашда, фақат иккинчи, "тарбиясиз, фаросатсиз" маъносида қўллангандай кўринса-да, ёзувчи бу сўзни шундай контекстга олиб кирганки, унинг асосий, "жонивор" маъноси ҳам ўзини нақд кўрсатиб турибди.

Ҳассос сўз санъаткори Чўлпон тилдаги бу имкониятни янада ўзига хос тарзда намоён қилади. Масалан, *ой* сўзининг "самовий жисм" ва кўчма "гўзал қиз" маънолари билан алоҳида-алоҳида шундай қулай контекстга олиб кирадики, ҳам ифода аниқлиги, ҳам тасвир тиниқлиги таъминланади: *Аравакаш... миясида, умрида биринчи мартаба ўлароқ, ажиб ва ширин хаёллар айланарди. Кўкдаги ойга қараб ергаги ойни ўйлар ва бояғидай ширин-ширин кулимсирарди* ("Кеча ва кундуз романи"). Ёки ёзувчи юк сўзининг "ортиқча ташвиш, даҳмаза" ва "инончга кўра азиз-авлиёларни ранжитиш туфайли юз берадиган касалик" маъноларини шундай фарқлаган ҳолда қўллайдики, ҳам ҳолатнинг аниқ тасвири таъминланади, ҳам енгил кулги пайдо қилади: *Елкамга ўн пугдан ўттиз пуг юким бор...- деди мингбоши... Учала хотин бу юкнинг нималигини англаб етолмадилар... (Ҳагичахон:) — Фанимлар қасд қилганга ўхшайди. Қайтарма қилдириб бер-*

самми? — *дегу*. — Аёлларнинг билгани ирим, билгани қайтарма, билгани азайимхон... — *дегу* мингбоши... *Хадичахон* яна эътироз қилди: — Ўзингиз ўз оғзингиз билан "юк босди" гемадингизми? Мингбоши кулиб юборди: "Юк босди" деган бўлсам, "қандай юк?" деб сўрагин-га, баччафар! — *дегу* у... — Учаланг кам юкмисан менга? — Нима оғиримиз тушди сизга? — *дегу* *Хадичахон* ("Кеча ва кундуз" романи).

Шаклдош сўзлар, яъни омонимларни ҳам фарқлай билиш сўзларни тўғри қўллаш ва демак, нутқнинг аниқлигини таъминлашга ёрдам беради. Омонимларни қориштириш натижасида юзага келадиган нутқий ноаниқликлар кўпроқ ўқувчилар нутқида кузатилади, бу, албатта, уларда нутқий кўникмаларнинг етарли даражада мунтазамлашмаганлиги билан изоҳланади. Бу борадаги нуқсонларни, табиий, мактаб она тили таълими тадрижий равишда бартараф этиб боради. Айни пайтда бу масалада йирик тилшунос Ш.Раҳматуллаев томонидан тузилган "Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати" (Тошкент: Ўқитувчи, 1984) ҳам яхши амалий қўлланма вазифасини ўташи мумкин.

Кўпинча асоси бир эканлиги сезилиб турган ва маъносида ҳам яқинлик мавжуд бўлган сўзлар фарқланмайди, қориштирилади, оқибатда нутқнинг аниқлигига путур етади. Масалан, *техника* ва *технология* сўзларини олиб кўрайлик. Табиийки, бу сўзларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин эмас, чунки улар алоҳида-алоҳида икки хил маънога эга. Бирор иш бажарадиган машина, механизм, аппарат, мослама кабилар (масалан, юк ташиш техникаси, пахта териш техникаси), шунингдек, бирор иш ёки ҳаракатни бажариш усуллари (масалан, кураш техникаси, рақс техникаси) *техника* сўзи орқали ифодаланади. *Технология* сўзининг маъноси эса "ишлаб чиқариш жараёнлари, усуллари ва воситалари ҳақидаги билимларнинг жами (масалан, металлар технологияси), шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш, ижтимоий эҳтиёжларни тўлароқ қондириш учун муайян усул ва тартиб билан қўлланадиган операциялар мажмуи (масалан, дори ишлаб чиқариш техно-

логияси, илғор педагогик технологиялар)" демакдир. Шундай экан, тез-тез кўзга ташланаётган *Корхонага янги замонавий технология ўрнатилди* қабилдаги жумлалар ноаниқ ва нотўғридир. Табиийки, "билимлар жами" ва "операциялар мажмуи" моддий нарса эмас, уларни қўлда ушлаб бўлмайди, бинобарин, моддий бўлмаган нарса ўрнатилмайди, балки жорий этилади. Мазкур жумла тўғри ва демак, аниқлик сифатига эга бўлиши учун *Корхонага замонавий янги технология жорий этилди* тарзида тузилиши керак. *Техникада моддийлик таъкиди борлиги учун у жорий этилмайди*, балки *ўрнатилди: Корхонага янги замонавий техника ўрнатилди*.

Ўзбек тилида талаффузи жиҳатидан ўхшаш (бир хил эмас), аммо бошқа-бошқа маънога эга бўлган бир қанча сўзлар бор, улар фонетик жиҳатдан бир-икки товушга кўрагина фарқланади. Бундай сўзлар тилшуносликда паронимлар деб юритилади. Масалан: *асл – асил, садо – сазо, ўқишли – ўқимишли, тансиқ – танқис, ёнилғи – ёқилғи, нуфуз – нуфус, оро – аро (ора), қайда – қайдам, бола – боло, хаёл – хиёл, афзал – абзал, маъқул – мақол, тип – тиф, шох – шоҳ, тахлит – тақлит, тахрир – таҳлил, ногирон – нигорон, мурожаат – муножот, маънавий – маъновий* каби. Бундай сўзларни нутққа олиб киришда жуда ҳам ҳушёр бўлиш, сўзнинг маъносига алоҳида эътибор бериш зарур. Уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш баён қилинаётган фикрнинг бузилишига, жуда бўлмаганда, янглиш англанишига олиб келади. Аниқ нутқ юзага келмайди, фикрнинг аниқлиги ва равшанлиги тамоман йўқолади.

Тилимиздаги ўқишли сўзининг маъноси "ҳузур қилиб ўқиладиган" демакдир, ушбу жумлада бу сўз айни маъносини намоён қилган: *Рус классик ёзувчиларидан қайси бири ўқиб бўлмайдиган китоб ёзган? Буларни жаҳонга танишган китоблари энг ўқишли китоблар эмасми?* (А.Қаҳҳор, "Китоб шавқ билан ўқилиши керак" мақоласи). Баъзан бу сўз ўрнида унга пароним бўлган ўқимишли сўзи мана бу тарзда янглиш қўлланади: *Прилавка ортида ёши ўтиб қолган бир қиз берилиб китоб ўқиб ўтирарди... Прилавкага суяниб, секин гап бошла-*

гим: - Тургеневнинг "Ася" си ҳам жуда ўқимишли... (Ў.Умарбеков, "Гул сотувчи қиз" ҳикояси) Ҳолбуки, ўқимишли сўзининг маъноси бутунлай бошқа, яъни у "саводли, маълумотли" деган маънони ифодалайди, демак, китоб ўқимишли бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ўқишли китоб, ўқимишли *оғам* қабилида қўлаш аниқ нутқ учун хизмат қилади.

Тансиқ — *танқис* паронимлари ҳам нутқда кўп қориштирилади, натижада нутқнинг аниқлигига путур етади, чунки уларнинг маънолари ўртасида каттагина фарқ мавжуд, яъни *тансиқ* "суюмли, ноёб" дегани, *танқис* эса "етишмайдиган, камчил" маъносини англатади. Мисоллар: *Уч-беш кишидан иборат бу оиланинг кечки овқатидан сўнг гаспурхонига қўйиладиган тансиқ мева ва ичимликка кетадиган пул билан Шарқ ўлкаларидagi ўн оила ўн кун роҳатда яшай олади* (И.Гаспринский, "Оврупо маданиятига бетарафона бир назар" асари). *Тўғри, ўша мамлакатлар иқтисодий ривожланган, халқи нисбатан бой-бадавлат. Аммо биздаги инсонгарчилик, қадр-қиммат, меҳр-оқибат у томонларда танқис* ("Халқ сўзи", 2006 йил 30 август).

Мана бу жумлага эътибор берайлик: *Физика қонунаридан бирини эсга олиб, модданинг йўқдан бор бўлмаслигини инобатга олсак, бир автомобилнинг бир йилда шунча миқдорда заҳарли газ чиқариши учун камига шунча, яъни 25 — 30 минг тонна бензин ёки бошқа ёқилғи керак бўлади* ("Хуррият", 2006 йил 16 август). Бу жумлада нутқнинг аниқлиги бузилган, чунки ёқилғи сўзи ўрнида унга пароним бўлган ёнилғи сўзи қўлланиши лозим эди. Суюқ ёқилғи, яъни русчадаги *горючее* ўзбек тилида ёнилғи дейилади, ёқилғи сўзи эса иссиқлик энергияси олиш учун ёқиладиган ҳар қандай ашёни ифодалайди, у русчадаги *топливо* сўзининг муқобилидир. Шундай экан, юқоридаги фикр ифодасида ёқилғи эмас, балки ёнилғи сўзи ишлатилганда, нутқнинг аниқлиги бузилмаган бўлув эди, чунки, кўриниб турганидай, жумлада гап суюқ ёқилғи ҳақида кетмоқда.

Нутқ тузувчи паронимик сўз жуфтликлари билан тўқнашганда, улардан ўз фикри ифодаси учун уйғунини танлашда

зийрак бўлиши, сўз маъносини тўғри идрок этиши шарт. Аммо сўз усталари паронимлардан ўзига хос бадий восита сифатида ҳам фойдаланадилар. Зеро, тўғри танланган ва ўз ўрнига тушган паронимлар бадий нутқнинг аниқлиги, ифодалилиги ва образлилигини таъминлайди. Ижодкорлар кўпинча паронимларни ёнма-ён қўллайдилар. Бунда товуш жиҳатидан ўхшаш бўлган бундай сўзларнинг маънода бир-биридан кескин фарқ қилишига алоҳида урғу берилади. Паронимларни ана шундай ёнма-ён ҳолатда солиштириш уларнинг мантиқан таъкидланишига имкон беради. Натижада паронимлар алоҳида эстетик вазифа бажаради, ўзига хос ифодалиликни юзага келтиради: "Пичокни ўзинга ур, оғримаса бировга ур" деган маъқул бир мақол бор (Ф.Фулом, "Ўрнида қўйилган имзо" фельетони). Жумлада маъқул ва мақол паронимларининг ёнма-ён қўлланиши баён қилинаётган фикрга ифодалилик бахш этган.

Паронимларнинг ана шундай эстетик мақсад билан ишлатилиши, айниқса, шеърятда кенг тарқалган:

*Ҳали кўнгул холи пушаймонлардан,
Аҳгу вафолардан кечилмаганмиш*

(А.Мухтор, "Туш" шеъри).

*Хаёл хиёл чертиб ўтганим —
Топиб бер деб қилади хитоб*

(Зулфия).

*Нега бирдан уялиб,
Кўзин юмди ўралиб гунчалар?
Кечалардан кўчага,
Кўчалардан кечага кўчилар*

(М.Шайхзода, "Кўшиқ ўрнида" шеъри).

Бадий нутқда қўлланган паронимларнинг маъноси бир-биридан қанчалик йироқ, бир-бирига қанчалик қарама-қарши бўлса, экспрессивлик шунчалик аниқ ва кучли бўлади. Чун-

ки оҳангдош сўзларнинг маъносидаги фарқлилик, қарама-қаршилиқ солиштиришни қутилмаганлик даражасига олиб чиқади, улар ўртасидаги контрастликни беҳад кучайтиради. Масалан, *қабр* — *қаср* паронимик жуфтлигида сўзларнинг маъносида конкрет қарама-қаршилиқ мавжуд. Улар ифодалаган тушунчаларни бир-бири билан ёнма-ён қўйиш ҳам бир қадар нотабий. Бу сўзларни шеърда ёнма-ён қўйиш эса кучли экспрессивликни юзага келтиради, чунки сўзлар ўзаро оҳангдош, маъно жиҳатидан эса қарама-қарши эканлиги аниқ кўриниб туради:

Набилар, расулар, доҳийлар унга,

Қабрлар, қасрлар тургандир қатор

(А.Орипов, "Она сайёра" шеъри).

Мазкур ҳолатни мана бу мисолда ҳам кўриш мумкин: *Боласи йўқлар болага қизиқади. Лекин боланинг бало бўлгани ҳам бор...* (Чўлпон, "Кеча ва кундуз" романи).

Бадиий асарда комик руҳ яратишда ҳам паронимлар жуда қўл келади. Сўз усталари кўпинча паронимик сўзлардан бирининг ўрнида иккинчисини атайлаб янглиш ишлатиш орқали кулги яратадилар. Албатта, бу кўпроқ персонажлар нутқида кузатилади. Масалан, Н.Аминовнинг "Елвизак" ҳажвий қиссасидан олинган қуйидаги парчада *тил* — *тиф* пароними ана шундай мақсад билан қўлланган: - *Ҳурматли бюро аъзолари! Мен Баширжон акани узоқ йиллардан бери биламан. У киши жуда қалати, ўзига хос одам. Адабиётчилар тили билан айтсак, ўзига хос бир "тил" ... Баширжон ўтирган ерида қимирлаб қўйди. У "тил" сўзини "тиф" деб тушуниб: Ёлғон! Умримда тиф билан оғриган эмасман! — деб қичқирмоқчи ҳам бўлди.*

Шунингдек, *компост* — *компот* паронимиясидаги *компост* гўнган ачитиб тайёрланадиган ўғитни, *компот* эса меваларни қайнатиб тайёрланадиган ичимликни ифодаловчи сўзлар бўлиб, қуйидаги парчада улар асосида жуда чиройли кулги чиқарилган: *Марҳамат, - дедим-га, у ёқ-бу ёққа қараб ол-*

гач, лекция ўқишга тушиб кетдим, - ўртоқлар, **компост** жуда фойдали ичимлик, уни асосан мевадан тайёрлашади. Меваларнинг хили қанча кўп бўлса, у шунча ширин бўлади. Бизнинг Фарғона томонларга **компост**ни ўрик, шафтоли қоқи ва олчанинг қуруғидан тайёрлашади. Хуллас, **компост** ичмабсиз, дунёга келмабсиз... Гапимни тугатмасимдан ўтирган одамлар шарақлаб кулиб юборишди... (Х.Тўхтабоев, "Сариқ девни миниб" романи).

Паронимлар турли сўз ўйинлари қилиш, хусусан, аския учун битмас-туганмас манбадир.

Аниқ нутқ тузиш учун қўлланилиши чегараланган сўзларнинг маъноларини етарли даражада билиш билан бир қаторда уларнинг ишлатилиш ўринларини ҳам аниқ тасаввур этиш зарур.

Тилимиздаги сўзларнинг барчаси ҳам қўлланиш кўлами жиҳатидан бир хил эмас. Сўзларнинг аксарияти нутқда кенг, фаол қўлланса, айримлари жуда кам, нофаол қўлланади. Ҳозирги тил нуқтаи назаридан баъзи сўзларда эскилик бўёғи мавжуд бўлганлиги учун улар "эскирган сўзлар" номи билан юритилади. Ана шундай эскирган сўзлар нофаол қўлланувчи сўзлар сирасига киради.

Сўзларнинг эскириши, яъни бугунги адабий тил нуқтаи назаридан эскилик бўёғини олиши турли сабаблар билан воқе бўлиши мумкин. Сўзлар, асосан, ўзи англаган тушунчаларнинг бутунлай йўқолиб кетиши сабабли ёки бошқа сўзларнинг сиқуви, "тазйиқи" билан фаол қўлланишдан чиқиб, эскириб қолади. Биринчи ҳолатда тушунчанинг ўзи йўқолиб кетгани учун уни ифода этган сўз кишиларнинг фаол луғатида кераксиз бўлиб қолади. Иккинчи ҳолатда эса муайян тушунчанинг ифодаси бўлган сўзнинг ўрнини шу тушунча ифодаси учун яна ҳам қулайроқ бўлган бошқа сўз олиши натижасида олдинги сўз фаол луғатдан ўз-ўзидан чиқиб кетади. Тилшуносликда биринчи сабаб билан эскирган сўзлар историзмлар, иккинчи сабабга кўра эскирган сўзлар эса архаизмлар деб юритилади.

Историзм ва архаизмлар муайян талаб ва мақсад билан нутқда қўлланади. Историзмлар узоқ ўтмиш воқелиги ҳақида

гап борганда, ўша давр тушунчаларини номлаш мақсадида нутққа олиб кирилади, чунки улар ўша тушунчаларнинг ягона номидир, ҳозирги тилда унинг муқобили ёки синоними йўқ. Шунинг учун историзмлар бадий бўлмаган ҳар қандай нутқ кўринишида ҳам, бадий нутқда ҳам мазкур мақсад билан қўлланаверади. Улар тарихий даврни реал тасвирлаш зарурияти билан ишлатилади. Масалан: *Ҳар бир мингбошига ўнтадан, ҳар бир аминга иккитадан, ҳар бир эликбошига биттадан яроқлик йигит берадиган бўлишибди* (Чўлпон, "Кеча ва кундуз" романи). *Ҳарам доираси букун шовқин-суронсиз эди. Подшоҳнинг бир-бирига яқин, лекин айрим-айрим саройларга яшаган хотинлари шоҳ хонадонига мансуб бир шаҳзода-нинг тўйига кетишган эди. Аксар қизлар – канизақлар султоннинг севиқли хотини Ҳадичабегимни кузатиб боргани учун "Боғи сафид" га, агар оқсочлар ҳисобга олинмаса, йигирма чоқли аёл қолган эди* (Ойбек, "Навойий" романи).

Архаизмларнинг эса ҳозирги тилда, албатта, синоними мавжуд бўлади. Ана шунинг учун ҳам архаизм иштирок этган синонимлар қаторидан эстетик ва коммуникатив мақсаддан келиб чиққан ҳолда ё архаик сўз, ёки ҳозирги тилга оид сўз нутққа танлаб олинади. Табиийки, архаик сўз муайян эстетик вазифа учун хизмат қилади. Бу, албатта, бадий нутқда алоҳида қимматта эга. Нобадий нутқда архаизмларни ишлатишда маълум бир меъёрни сақлаш лозим, уларнинг керагидан ортиқ кўп бўлиши нобадий нутқни чучмаллаштиради ёки тушунилишини қийинлаштиради.

Бадий нутқда архаизмлар, аввало, давр руҳини, тарихий шароитни кўрсатиш учун ишлатилади. Бу ҳолат тарихий мавзулардаги асарлар тилида кўп кузатилади. Бундай ўринларда архаизмлар ҳам худди историзмлар бажарган вазифани бажаради. Қўйидаги мисолларда *тотиқ* (жазо), *илик* (қўл), *тақя* (дўппи) архаизмларига эътибор қилинг: *Отабек уларнинг тотиқларини хўп болаб берди* (А.Қодирий, "Ўтган кунлар" романи). *Илик ўз ўрнида азиз. Кўз ўз ўрнида мўътабар. Агар кўз билан илик бир-бири билан низо қилса, бундан ҳар иккиси жабр кўрар* (П.Қодиров, "Юлдузли тунлар" романи).

Яп-янги кўк шоҳи тўн кийган устог янги таҳяга саллани бежаб ўрамоқда эди (Ойбек, "Навоий" романи).

Қуйидаги парчалардаги архаизмларнинг қўлланишини кўрайлик: *Кумушбибининг сезилар-сезилмас кулимсирашидан ёқутдек иринлари остидаги сагафдек оқ тишлари кўриниб кетди* (А.Қодирий, "Ўтган кунлар" романи).

*Сал шошиб қолганим сездиёв чоғи,
Кулгудан қимтилди гунча **гудоғи** –
Ҳозир тонг олди,
Ҳандалак бўйли ёр, чилги ранг олди*
(М.Қўшмоқов)

Биринчи парчадаги *ирин* архаик сўзи бутун гапга назокатли, "юмшоқ" бир руҳ бағишлаган. Унинг ҳозирги тилдаги синоними бўлган *лаб* сўзи қўлланганда эса ана шу "юмшоқлик" маълум даражада йўқолган бўларди. Зотан, беҳад гўзал ва суюк Кумушбиби образининг ўзи ғоят нозик бир тасвир тилини тақозо этади. Худди шунингдек, шеърий парчадаги *гудоқ* архаизми ҳам ҳозирги тилда *лаб* синонимига эга, бироқ мазкур парчада айна архаик сўзни қўллаш билан шоир лирик қаҳрамоннинг интим кайфиятига мос келувчи нозиклик руҳини юзага келтирган. Кўринадики, архаизмнинг эстетик имкониятларидан яна бири унинг бадий нутққа назокатлилик бахш эта олишидир.

Нутққа тантанаворлик, кўтаринкилик руҳини бериш архаизмларнинг ўзига хос эстетик имкониятларидан яна биридир. Улар ижодкор томонидан айна шу имконият нуқтаи назаридан қўлланганда, бадий асар тили алоҳида ранг ва жаранг касб этади. Қуйидаги мисолларда буни яққол кўриш мумкин:

*Замон шигдатини қилолмай ҳисоб,
Ер чизиб турибди ёш бир мунажжим*
(А.Орипов, "Кенглик нуқтаси" шеъри).

*Сароб гирдоблари орқада қолди,
Толе қолқасини қоқдим асабий*

(М.Қўшмоқов).

*Илк оғоч гуллади Қримда,
Олмага ўхшатдим исиган*

(О.Матжон).

Бу шеърый парчалардаги мунажжим (астроном), қолқа (эшик) ва оғоч (дарахт) архаизмлари мисраларга кўтаринки руҳ берган.

Архаизмлар бадий нутққа ҳазил-мутойиба, масхара, киноя руҳини ҳам бериши мумкин. Ёзувчи Н.Аминовнинг "Қассоб шоир" ҳажвиясидан олинган мана бу парчага диққат қилайлик: *Қаттиқ эътироз билдирдим. Қассоб ўрnidан туриб, чўнтак кавлашга тушди. — Мана бизни ашъор! — деди шимининг ўнг чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб. — Мана, ана буниси қизиқ, секретарь қизга беш сўм бериб, машинкада чол қилдирганман. Қишда павильонга от гўшти келганда ёзган эдим. Бу парчада ашъор архаизми киноя, кулги ифодаси учун қўлланган. Қассоб ўзининг оддий машқини ашъор деб атайдди. Айни пайтда у "ашъори"ни машинкада чол қилдиради. Ҳатто у чол қилдирмоқ сўзини "нашр эттирмоқ" деб эмас, балки "кўчиртирмоқ" деб тушунади. Ёзувчи қассобни сатирик фонда тасвирлаганлиги учун ҳам унинг тилида поэтик ифодага эга бўлган мазкур архаизмни қўллаш билан қассобнинг ғоят кулгили образини яратган.*

Қўлланилиши чегараланган сўзларнинг яна бир гуруҳи касб-ҳунарга оид сўзлардир. Ўлкамизда қадим замонлардан бери дурадгорлик, ёғочсозлик, кулолчилик, наққошлик, заргарлик, зардўзлик, темирчилик, каштачилик, тўқимачилик, пойабзалдўзлик каби хилма-хил касб-ҳунар тармоқлари тараққий топиб келмоқда. Албатта, бу соҳаларга оид тушунчаларнинг аниқ атамаси бўлган кўплаб сўз ва бирикмалар мавжудки, улар тилшуносликда касб-ҳунар лексикаси номи билан умумлаштирилади. Бу лексика, табиийки, мазкур соҳалардаги жараёнларни тасвирлаганда фаол қўлланади. Маса-

лан, атлас тўқимачилиги тасвирида бадий матнда айни соҳага оид сўзлар мана бундай ишлатилган: *Марғилонда эса осойишталик. Фақат урчуқлар чирилаб айланади. Тароқлар дам қўтарилиб, дам тушади. Гулаларнинг оғзи очилади-ёпилади. Дастгоҳлар тинимсиз ҳаракатда. Мокилар арқоқни суграб, шақ-шуқ бориб келади. Бу "Ривожия" артели цехларидagi табиий жараён... Дўконларга таранг тортилган тангалар яшил камалакдай товланиб кетди. Қўли қўлига тегмай илак қатимларини тераётган қиз-жувонларнинг чеҳраларига ҳам ажиб бир тароват барқ урди. Сайлихон оҳор пуркади. Нозик таралган тангани куч билан тортиб, йўғон новвойга ўраркан, юз-кўзига тушган илиқ шуьладан аъзойи багани жимирлади* (С.Анорбоев, "Сайли" романи).

Таъкидлаш жоизки, мазкур касб-ҳунар соҳалари у ёки бу даражада халқнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ. Айтайлик, *арра, теша, болта, ранга, парма* каби бир қанча сўзлар дурадгорликка оид бўлса-да, улар кундалик ҳаётда ишлатилади, демакки, бу сўзлар нутқий мулоқотда анчайин фаол қўланиши табиий. Аммо касб-ҳунар соҳалари юртимизнинг турли ҳудудларида мавжудлиги ҳисобга олинса, уларга оид сўзларда сезиларли шевавий фарқлар бўлишини ҳам тасаввур этиш мумкин. Масалан, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро шеваларидаги *ғўлабур арра, дастарра, искана, парма, болға, андова, қирғич* каби сўзлар билан ифодаланган дурадгорлик, қурувчилик предметлари Хоразм шевасида *ёрғы, бычқы, қачов, буров, чўкич, юлмола, сыйҳоқ* каби сўзлар орқали ифодаланади.¹ Бу ҳолатни назардан қочирмаслик лозим. Касб-ҳунарга оид сўзларни нутққа олиб кириш зарурияти пайдо бўлганда, муайян бир шевада эмас, балки нисбатан кўпроқ шеваларда қўлланадиган, шунга кўра тил меъёрларига анчайин яқинлашган сўзларни танлаш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, келтирилган мисоллардаги *арра, искана, парма, болға, андова, қирғич* каби сўзлар кенг тарқалган, шунинг учун тегишли мазмун ифодаси учун айнан улардан фойдаланиш нутқнинг аниқлигини таъминлашга хизмат қилади.

¹ Ибрагимов С. Профессиональная лексика узбекского языка (на материалах фарганских говоров). АДД, Ташкент, 1961, С. 144.

Қўлланилиши чегараланган сўзларнинг яна бир катта гуруҳи терминологик лексикадир. Терминлар муайян бир илмий ёки техник тушунчанинг ягона номи сифатида нутқнинг аниқлигини таъминлашда беҳад муҳим аҳамиятга эга бўлган сўзлардир. Аниқлик талаби нутқ услубларининг барчасига қўйилса-да, бу талаб уларнинг ҳаммасида ҳам бир хил даражада бўлмайди. Айни талаб расмий, публицистик ва илмий услубларда алоҳида салмоқ касб этади. Айниқса, илмий услубда аниқлик сифати бирламчи ва бош талаб сифатида қаралади. Илмий нутқнинг аниқ ва равшан бўлиши ҳар қандай фан ривожини учун ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлган заруриятдир. Илмий нутқ аниқлигининг асосий устунларидан бири эса, шубҳасиз, терминлардир. Ҳар қандай таълимнинг бош мақсади муайян фан асосларини ўқувчи онгига жойлаштириш экан, таълим жараёнида, хусусан, ўқитувчининг нутқий фаолиятида терминларнинг ўрни бениҳоя каттадир. Фанни чуқур билмасдан туриб, унинг терминларини етарли даражада билиш мумкин эмас. Ўз фанини мукамал биладиган ўқитувчи бу фанга оид терминларнинг маъномоҳиятини тўла биледи, демак, ўз нутқида уларни ўринли қўлашда янглишмайди, у ёки бу терминни нотўғри ишлатиб, ўқувчисини ҳам адаштирмайди. Айтиш мумкинки, терминни янглиш қўллашнинг бош сабаби ўқитувчи ёки мутахассиснинг фанни яхши билмаслигидан бошқа нарса эмас.

Албатта, терминнинг "яшаш жойи" ўзи мансуб бўлган фан ёки техника соҳасига оид нутқ (матн)дир. Лекин фантехника ва унинг ютуқларининг кундалик ҳаётимизга мунтазам кириб бораётгани боис минглаб терминлар тилимизда фаол қўлланмоқда ёки мутахассис бўлмаган кишилар томонидан ҳам бемалол тушуниладиган бўлиб қолмоқда, яъни улар "яшаш жойи"ни сезиларли кенгайтирмоқда. Масалан, *укол, грипп, наркоз, кардиограмма, травматология* каби тиббиётга, *актёр, сахна, роль, грим* каби санъатшуносликка, *руль, тормоз, двигатель, подшипник, корбюратор* каби техникага оид терминларнинг маъносини бугун ҳар ким тушунади. Қуйидаги парчада ишлатилган техник терминларга эътибор қилинг: *Свечаси ярамайди. Зўрға шатгача юргизиб келган-*

ман... *Мотор ҳамон ишлаб турарди... Шундан кейин Шахло бир ғилдираги чиқазилиб, ўқи тўнмага тираб қўйилган трактор ёнига келди.*

— Нима бўпти?

— *Подшипниги ейлиб кетган.*

— *Эссиз, шунча пулик машина. Узеллари мой геган нарсани кўрмаган (Саид Аҳмад, "Баҳор қизлари" ҳикояси).*

Илмий нутқда терминларнинг ўринли қўлланиши фикрнинг аниқ, ихчам, икки хил талқинга йўл бермайдиган тарзда ифодаланишига ёрдам беради. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, нутқда терминларнинг меъёридан ортиқ қалашиб кетиши нутқнинг тўғри ва осон англанишини қийинлаштиради.

Илмий мулоқот тили ҳақида гап кетганда, гуманитар фанлар баёнида табиий тил воситаларининг асосий роль ўйнаши, табиий фанларда эса қўшимча семиотик системаларнинг ҳам муҳим ўрин тутиши таъкидланади.¹ Масалан, математика, физика, химия каби аниқ фанларда турли формулалар, шартли белгилар ва бошқа махсус семиотик ишоралар мунтазам қўлланадиган унсурлардир. Шунинг учун ҳам табиий фанларга ва гуманитар фанларга оид матнларда терминларнинг қўлланиш меъёрларида сезиларли фарқ бўлиши тайин. Табиий фанлар моҳиятан кўпроқ мутахассисга мўлжалланган, гуманитар, ижтимоий-гуманитар фанлар эса, номидан ҳам англашилганидай, тор соҳа мутахассисларининггина эмас, балки кенг оммани, жамиятнинг барча аъзоларини назарда тутиши мақсадга мувофиқдир. Атоқли қозоқ шоири, қадимги ёзма ёдгорликларнинг ажойиб тадқиқотчиси Олжас Сулаймонов "Ёзув тили" номли китобида бу борада ҳаққоний фикрларни билдирган. Унингча, физика ва математиканинг махсус тилга эҳтиёжи бор. Аммо бундай "жиддий фанлар"га айни эҳтиёж нуқтаи назаридан тақлид қилиш гуманитар фанларни, айниқса, тилшуносликни ҳалокатга олиб келади. Тилшуносликни меъёридан ортиқ терминлаштириш фойдали бўлолмайди, ҳозир тилшунослик терминлари лу-

¹ Гвишиани Н.Б. Язык научного общения. Москва: Высшая школа, 1986, С. 47.

фатлари ҳатто баъзи табиий тил луғатларидан ҳажман катта. Бу услуб жуда қулай, аммо "фанбозлик" фаннинг ўрнини боса олмайди. Платон ва Аристотеллар ўз асарларини аниқ ва равшан ёзган эдилар, уларнинг асарларига бағишланган айрим диссертацияларни ўқиш мумкин, лекин бу ишларнинг мазмунини англаш мушкул. О. Сулаймонов яна шундай деб ёзади: "Ижтимоий фанлар ўз табиатига кўра жамиятга, ҳеч бўлмаганда, умумий тарзда тушунарли бўлиши лозим, акс ҳолда улар ўз вазифасини бажара олмайди".¹ У ёки бу фан соҳасига оид матн тузилар экан, матнга терминлар олиб кирилар экан, албатта, айни мулоҳазаларни эътиборда тутиш керак. Ижтимоий-гуманитар соҳаларга оид нутқда терминлар ҳаққоний заруриятга мувофиқ тарзда қўллангандагина нутқнинг аниқлиги учун хизмат қилади.

Аниқлик сифати бадиий нутқда ўзига хос тарзда намоён бўлади, чунки бадиий асар, маълумки, бадиий тафаккур маҳсулидир. Йўл-йўлакай кўриб ўтилганидай, бадиий нутқда образлилик биринчи планда бўлганлиги учун сўз маъносидаги силжишлар, кўчишлар кўп кузатилади. Сўз ва у ифодалаган предмет ўртасидаги мутаносиблик бадиий нутқда кўпинча очиқ ва тўғридан-тўғри бўлмайди. Бадиий нутқ ўзининг таъсир этишдан иборат асосий мақсадига эришиш учун сўзнинг турлича қўлланиши, товланиши, турланиши, хилма-хил маъноларни устига олишига кенг имконият яратади.

Ў.Ҳошимовнинг "Икки эшик ораси" деган романи бор, аммо, аниқки, роман иккита эшик ва уларнинг орасидаги масофа ҳақида эмас. Нейтрал нутқ нуқтаи назаридан қаралса, мазкур бирикма айнан шу маънони ифодалайди, аммо бадиий нутқда бу бирикма умрнинг қисқалигини ифодаловчи ўзига хос бениҳоя аниқ образ.

Бадиий нутқда сўзлар ўз ва ҳатто кўчма маъноларидан ташқари ҳам ўзига хос янгидан-янги маъно қирраларини касб этиши ва шу тарзда бадиий тасвирнинг янада аниқлигини таъминлаши мумкин. Мана бу жумлага эътибор берайлик: *Мирёқуб ғурурининг калтакланишидан келган бир*

¹ Сулейменов О. Язык письма. Алматы – Рим, 1998, С. 12.

захарханда билан кулди, инженер эса бурунги кулар юзини ҳам нўқталаб олди (Ўўлпон, "Кеча ва кундуз" романи). Бу гапдаги гурурнинг калтакланиши ва кулар юзини нўқталамоқ бирикмаларидаги ажратилган сўзлар касб этган маъно нозикликлари (гурурни азобли даражада поймол қилиш, кескин ва тамоман тўхтатмоқ) билан матнга ҳам аниқлик, ҳам таъсирчанлик бахш этган.

Нейтрал нутқда *Қор ёнади* дейилса, нутқнинг аниқлиги бузилган бўлади, чунки қор ёнмайдиган нарса. Бунда тил ва воқелик мутаносиблиги тамоман мувозанатдан чиққан бўлади. Закий тилшунос А.Рустамов тавсифлаганидай, қаловини топсанг ўтин яхши ёнади дейиш мумкин, бу тил қойдаларига тамоман мувофиқ. "Бироқ инсон таъби бу билан тўла равишда қоникмайди. Унинг таъбидаги гўзалликка бўлган эҳтиёжи шу гапни гўзаллаштиришни талаб қила бошлайди. Бу бир йўқ буюмнинг олдин ўзини ясаб, кейин уни чиройли қилишга бўлган интилишнинг айнан ўзи. Шу талаб билан ўтин сўзини қор сўзи билан алмаштиради-да, қаловини топсанг, қор ёнар дейди. Шу билан у мазкур гапга гўзал тус беради. Эшитганларга бу ёқади. Киши ўзига ёққан нарсани йўқотмасликка ҳаракат қилади ва халқ буни мақол қилиб асраб юради."¹ Бундай ҳолатда таъкидланган тил ва воқелик мутаносиблиги ўзига хос бадийий бир шаклда намоён бўладики, бу ўринда унинг бузилиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бадийий нутқда сўз ижодкорнинг услуби, тарихий давр, адабий оқим ва йўналишларга боғлиқ ҳолатда мавжуд маъносидан фарқли маънолар олиши, муайян тушунчаларнинг образи ёки рамзига айланиши ҳам мумкин. А.Рустамов бу муносабат билан шундай ёзади: "*Майу майхона* ва *соқийу паймона* каби сўзларнинг классик адабиётда истиора сифатида қўлланишини билмаганлар, масалан, Навоийнинг:

*Зоҳид, сенга хуру менга жонона керак,
Жаннат сенга бўлсун, менга майхона керак.*

¹ Рустамов А. Сўз хусусида сўз. Тошкент, 1987, 18-19-бет.

*Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса, тўла яна керак*

деган рубоийсини ўқиганда, Навоий ичкилик тарафдори экан, деган хулосага келиши мумкин. Кўпгина ёшларимиз Шарқ адабиёти классикларининг шеърларини ўқиганда, *май, шароб* каби сўзларнинг истиора сифатида қўлланишини ҳисобга олмаслик натижасида ичкилик ва классик шоирларимизнинг ичкиликка бўлган муносабати ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўладилар... *Май* сўзи ҳақиқат маърифати, унга бўлган ишқу муҳаббат ва уни идрок қилгандаги лаззатни билдиради... Навоий ...*майхона* деганда ичкиликxonани эмас, ҳақиқат ошиқларининг васлгоҳини назарда тутган. *Май* ва *майхонанинг* рамзий маънолари аён бўлди. Навоийнинг *Менга майхона керак* деганда унинг қовоқхона ёки винохона, умуман, ичкилик бор жойни назарда тутмагани маълум бўлди. Навоий ўз салафлари сингари *майхона* деб маърифат ҳосил бўлаган ерни тушунар ва уни жаннатдан афзал кўрар экан."¹

Нутқнинг аниқлиги сифати бадий нутқда мутлақо ўзига хос тарзда, образнинг аниқлиги ва ўринлилиги тарзида намён бўладики, бу бадий адабиётнинг моҳияти билан бево-сита алоқадордир.

¹ Рустамов А. Кўрсатилган асар, 43-44, 45, 48-бетлар.

Нутқнинг мантиқийлиги

Мантиқийлик нутқнинг тингловчи томонидан тўғри ва тўлиқ англаниши учун зарурий бўлган сифатлардан биридир. Мантиқийликдан маҳрум бўлган бирон-бир нутқ кичилар ўртасидаги тайинли алоқани таъминлай олмайди. Нутқнинг мантиқийлигини тўғрилиқ ва аниқлик сифатларидан ажралган ҳолда ҳам тасаввур этиб бўлмайди, чунки тўғри ва аниқ бўлмаган нутқ ҳеч қачон мантиқий бўлиши мумкин эмас. Зотан, тўғри ва аниқ бўлмаган нутқдан мантиқийликни излаб топиб бўлмайди. Адабий тил меъёрларига зид тарзда тузилган ва тегишли бирликлар ноўрин танланган нутққа мантиқ бегона бўлиши табиий.

Фикр таркиби ва қурилишининг тўғри ифодаланиши нутқ мантиқийлигининг асоси дейиш мумкин. Нутқда тил воситаларининг мантиқ ва тўғри тафаккур қонуниятларига мос тарзда мазмуний бириктиши нутқ мантиқийлигини баҳолашнинг бош ўлчови ҳисобланади. Ана шунга кўра мантиқийлик сифатини нутқда сўзлар ва гаплар ўртасидаги семантик алоқаларнинг фикрнинг мантиқий моҳияти ҳамда унинг ривожланиб боришига қатъий мослиги тарзида таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Айтиш мумкинки, нутқнинг мантиқийлиги структура нуқтаи назаридан кўпроқ тилнинг синтактик сатҳи билан боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, нутқ тузувчи нутқнинг мантиқийлигига эришиши учун тил бирликларининг синтактик (қўшилиш) имкониятларини яхши билиши лозим. Лекин бунинг ўзигина етарли эмас. Сўзловчи (ёзувчи), энг аввало, баён этмоқчи бўлган фикрини, билдирмоқчи бўлган хабарини ва у билан боғлиқ тафсилотларни, айтиш пайтда мантиқ қонуниятларини етарли даражада тасаввур этмас экан, у мантиқли нутқ туза олмайди. Бу ўринда нутқ тузувчининг тафаккур қобилияти жуда-жуда муҳимдир. Кўринадикки, нутқнинг мантиқий бўлишида ҳам лисоний, ҳам ғайрилисоний омил иштирок этади.

Нутқ маданияти тушунчаларини ифодаловчи сўзларга тер-

минологик маъно юклашга алоҳида эътибор қаратган Б.Н.Головин нарса мантиқийлиги ва тушунча мантиқийлигини фарқлаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Унинг кўрсатишича, нарса мантиқийлиги нутқдаги тил бирликлари мазмуний алоқалари ва муносабатларининг реал борлиқдаги нарса-ҳодисалар алоқалари ва муносабатлари билан мутаносиблигидир. Тушунча мантиқийлиги эса мантиқий фикр таркиби ва унинг мантиқий ривожининг нутқдаги тил унсурларининг семантик алоқаларида тўғри акс этишидир. Мантиқийликнинг бу икки кўриниши бир-бири билан боғлиқ ва конкрет нутқда улар бирлиқда намоён бўлади, лекин эртақ, бадий фантастика, мажозий асарлар каби алоҳида нутқ кўринишларида нарса мантиқийлигидан атайлаб воз кечилиши мумкин.¹ Масалан, эртақларда ҳайвонлар, турли буюмлар, ўсимлик ва шунга ўхшашларнинг одамлардай гапириши, кулиши, ўйлаши ва бошқа ҳаракатларида нарса мантиқийлиги атайлаб бузилган бўлади, аммо тушунча мантиқийлиги соғлом сақланади. Мавжуд анъанага кўра бундай ҳолатлардаги нутқда мантиқийлик бузилган деб қаралмайди, мазмун тўғри англашилаверади.

Мантиқийлик нутқнинг мақсад нишонига беҳато етишини, бу нишонни ортиқча уринишларсиз забт этишини таъмин этадиган сифатлардандир. Мантиқий нутқ фикр таркибини тўғри ва аниқ акс эттириши билан таъсирчанлик касб этади, айни пайтда у тингловчи идрокини зўриқтирмайди. Ҳар қандай мантиқий фикр қанчалик мураккаб бўлмасин, нутқ тузувчининг маҳоратли кўмаги билан ўзига лойиқ ва ярашиқли, демакки, мантиқий либосини кия билса, тингловчи шуури уни осонлик билан ўз бағрига олади.

Улуғ Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” аса-рида шундай бир воқеани ҳикоя қилади. Баҳорнинг ёмғирли кунларидан бирида у “Хуросон мулкида туркий ва форсийда малик ул-калом” Лутфий билан учрашиб қолади. Мавлоно Лутфий Амир Хусрав Деҳлавийнинг бир шеъридаги гўзал маъно ва ўхшатиш ҳақида жуда ҳам мақтов билан гапириб беради, яъни: “Маҳбуба ёмғирли кунда йўлда тийғаниб йи-

¹ Головин Б.Н. Основы культуры речи. Москва: Высшая школа, 1988, С. 145.

қилиб кетай дейди. У шу қадар гўзал ва нозикки, ёгаётган ёмғир риштасини ушлаб, унинг мадади билан ўзини ўнглаб олади". Бу таъриф Навоийга беҳад маъқул тушади. Саройдаги олий адабий мажлисларнинг бирида Навоий бу ўхшатиш ҳақида шоҳ Ҳусайн Бойқаро ҳузурида гапириб, шоҳнинг ҳам ҳайратланишини кутади. Аммо Бойқаро "Юқоридан пастга тушаётган ёгин риштаси йиқилаётган киши учун мадад бўла олмайди" деб, эътироз билдиради. Навоий Бойқаронинг ўткир ва нозик мантиғи ва шеърфаҳмлиқдаги заковатига қойил қолади.¹ Шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро мазкур ўхшатишда тушунча мантиқийлигидаги бузилишни илғаган.

Катта истеъдод соҳиби шоир Хуршид Давроннинг бир шеърда шундай мисралар бор:

*Ҳар сўзимни қўнғироқнинг тиллари каби
Юрагимга уриб-уриб жарангламаман...*

Кўриниб турганидай, жуда ҳам чиройли, бениҳоя оригинал, янги ўхшатиш, тасвир кучли эмоционалликка эга. Парчада ғоят оҳорли бадий образ мавжуд. Аммо шунга қарамасдан, бу ерда ҳам тушунча мантиқийлигидаги муайян сакталикни сезмаслик мумкин эмас. Биламизки, одатда овоз чиқарадиган қисм қўнғироқнинг корпуси, яъни қўнғироқнинг тиллари жарангламайди, қўнғироқнинг ўзи жаранглайди. Демак, мантиққа кўра "сўзни қўнғироқнинг тиллари каби юракка урилса", сўз эмас, балки юрак жаранглаши керак. Мантиқдаги номунтазамлик бениҳоя гўзал образ ва тасвир мувозанатининг ҳам муаллақлашувига олиб келади.

Мактаб она тили таълимида ўқувчиларда боғли нутқ ма-лакаларини шакллантиришга, ижодий ва мустақил матн тузиш қобилиятини ўстиришга катта эътибор берилади. Бу малака ва қобилиятларнинг таркиб топиши ва ривожланишини мантиқий нутқ тушунчасисиз тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Мантиқий нутқ тузиш боғли нутқ тузиш, ижодий матн яратишнинг бирламчи асосидир. Буни, қайси фандан

¹ Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 13-том. Тошкент: Фан, 1997, 206-208-бет.

дарс беришидан қатъи назар, ҳар бир ўқитувчи ҳамиша ёдда тутмоғи лозим.

Мантиқий нутқ тузиш учун сўзловчи фикр предметини атрофлича билиш, мантиқий тафаккур қоидаларидан бохабар бўлиш каби ғайрилисоний талаблар билан бир қаторда тил бирликларининг лексик-семантик моҳияти, уларнинг синтагматик хусусиятлари каби лисоний билимларни ҳам назардан қочирмаслиги керак. Айтайлик, сўзларнинг жумла таркибида мантиқий-мазмуний зиддиятсиз бирика олиши, мантиққа уйғун қўлланиши учун уларнинг лексик-семантик моҳиятини етарли даражада билиш лозим.

Ушбу жумлани мантиқий деб айтиш қийин: *Она Тереза дошм ўзини Оллоҳ қўлидаги сиёҳман, деб таъкидлаб келган* ("Бекажон", 2006 йил 24 август). Маълумки, она Тереза христианликнинг католик мазҳабига эътиқод қилган роҳиба, Оллоҳ эса исломий тушунча, шундай экан, у мантиқан Оллоҳ қўлидаги сиёҳман дейиши мумкин эмас, балки *Худо қўлидаги сиёҳман* дея билар (*худо* сўзи барча динлардаги яратувчига нисбатан қўлланади). *Оллоҳ* сўзининг лексик-семантик моҳиятини яхши билмаслик натижасида мазкур нутқда мантиқ бузилган.

Мана бу жумладан мантиқ излаб кўрайлик: *Илм-фанда фараз қилиш ёки ўйлаб чиқаришга ўрин йўқ. Фаннинг ривожланиши фақат кашфиётга боғлиқ. Фанда фикр билдириш, ишонаман дейиш – билмаган билан баробар* ("Ўқуррият", 2006 йил 5 июль). Биринчи жумлада *фараз* сўзининг лексик-семантик моҳияти янглиш анланган, яъни фақат мавҳумлик тарзида тушунилган. Аслида бу сўзнинг маъноси анчайин кенг, яъни "бирор нарса-ҳодиса ҳақида олдиндан чиқарилган тахминий ҳукм, мулоҳаза, гипотеза" демақдир. Ушбу жумлада бу маъно яққол намоён бўлган: *Фан учун тажриба ва фараз, қиёс ва таҳлил жуда зарур, - деди профессор* (Б.Раҳмонов, "Ўқурмат-эҳтиром"). Айтиш жоизки, фаразсиз, гипотезасиз фаннинг ўзи йўқ, шунинг учун ҳам фаншунослиқда фараз, гипотеза илмий билимнинг ўзига хос алоҳида шакли сифатида таърифланади.¹ Кейинги жумлалар ва бу жумлалар ўртасидаги муносабатда ҳам мантиқ у қадар

¹ Гипотеза в современной лингвистике. Москва: Наука, 1980, С. 14.

соғлом эмас. Тўғри, фаннинг ривожланиши кашфиётларга боғлиқ, аммо кашфиётлар учун айти фаразлар, тажрибалар, фикр билдиришлар замин ҳозирлайди. Бу ўринда нутқ мантиқийлигининг мўртлашувида лисоний омиллар билан бир қаторда ғайрилисоний омиллар, яъни фикр предметига оид тасаввурларнинг етарсизлиги ҳам роль ўйнаганлиги табиий.

Сўзларда ифодаланган тушунчалар ўртасидаги муносабатни тўғри тушунмасдан туриб, бу сўзларни ўзаро алоқалантириш ҳам мантиғи норасо жумлаларнинг шаклланишига олиб келади. Мана бу гапни кўрайлик: *Сурхон воҳасига қарашли Шеробод туманининг тоғли ҳудудига "Хатак" пости жойлашган* ("Даракчи", 2006 йил 24 август). Маълумки, воҳа сўзи "атрофи саҳро билан ўралган обод, сувли ўлка" маъноси билан географик-ҳудудий тушунчани билдиради, туман эса маъмурий-ҳудудий тушунча ифодасидир. Мантиқан бу икки тушунча ўртасида тобелилик, қарашлилиқ муносабати бўлиши мумкин эмас, чунки улар фарқли сатҳларга мансуб тушунчалардир. Маъмурий-ҳудудий бўлиниш иерархиясига кўра туман вилоятга, вилоят республикага қарашли, шунга кўра *Сурхондарё вилоятига қарашли Шеробод тумани* дейиш ёки воҳани таъкидлаш зарурияти бўлса, *Сурхондарё воҳасига Шеробод тумани* тарзида бирикма тузиш лозим, ана шунда жумланинг мантиқийлиги мўрт бўлмайди.

Бир-бирига мантиқан тамоман зид, қарама-қарши бўлган, шунинг учун ўзаро алоқалантирилиши мумкин бўлмаган тушунчаларни ифодаловчи сўзларни жумлада муносабатга киритиш натижасида мантиқийлик бузилиши, ҳатто кулгили ҳолатлар юзага чиқиши ҳам баъзан кузатилади. Масалан, "қиялик" ва "чуқурлик", "чуқурлик" ва "баландлик" каби тушунчалар бир-бирига зид ёки, камида, бири иккинчисига нисбаталанмайдиган тушунчалардир. Шунинг учун ҳам қияликнинг чуқурлиги, чуқурликнинг баландлиги, чуқурликнинг узунлиги каби бирикмаларда мантиқ соғлом эмаслиги аниқ. Ҳеч бўлмаганда, чуқурлик дегани "сатҳдан пастлик", баландлик эса "сатҳдан юқорилик" эканлиги тасаввур этилса, бу икки сўзни кўшиш мантиқ мувозанатини қанчалик бузиши

ва кулгига сабаб бўлишини англаш қийин эмас. Бундай мазмуний носоголом бирикмалар қўлланган ушбу парчада нутқнинг мантиқийлиги ҳақида гапириб бўлмайди: *Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси берган ахборотга кўра, метеоритнинг қулаши шу қадар кучли бўлганки, унинг натижасига эллиптик шаклдаги қиялик пайдо бўлган. Қияликнинг чуқурлиги тахминан 40 метрни, узунлиги 10 километрни, эни 7 километрни ташкил этади. Юзанинг шимоли-ғарбига баландлиги 60 метр ва узунлиги 1 километр бўлган чуқурлик пайдо бўлган* ("Даракчи", 2006 йил 24 август).

Баъзан уюшиқ бўлакларни қўллашдаги мантиқий-мазмуний хатоликлар туфайли ҳам нутқнинг мантиқийлигига путур етиши кузатилади. Бир хил ҳаракат-ҳолат, белгига мантиқан эга бўлиши мумкин бўлмаган нарса-ҳодисаларни ифодаловчи сўзлар уюшиқ бўлаклар тарзида қўлланади ва нарса-ҳодисаларнинг бирига нисбатланиши мумкин бўлган ҳаракат-ҳолат, белги уларнинг барчасига тегишли бўлиб қолади. Бунинг натижасида жумлада мантиқ бузилади. Масалан, ушбу жумлага диққат қилайлик: *Бульдозер, "Зил" автомашинамиз милтиқнинг ўқигай учади* ("Ўзбекистон овози", 2006 йил 20 июнь). Жумлада *бульдозер* ва *"Зил" автомашинамиз* сўзлари билан ифодаланган эгалар уюшиқ ҳолатда қўлланган. Улар билдирган нарсаларнинг ҳар иккаласига ҳам кесим вазифасидаги *учади* сўзи ифодалаган ҳаракат нисбатланган. Ҳолбуки, *бульдозер* бу ҳаракат (бунинг устига, *милтиқнинг ўқигай*)ни бажаришга мантиқан қодир эмас, у "учиш" у ёқда турсин, ҳатто тез юра олмайди. Айни шу ўринда мантиқ мувоzanати бузилган.

Қуйидаги жумлада ҳам уюшиқ бўлаклар орқали ифодаланган тушунчалар бир хил характерга эга эмас, уларнинг бир сатҳга тизилиши мантиқийликка зиддир: *Ҳикоя ва суҳбатдан ташқари, ўзбек тилини яхши ўрганиш, унга қизиқишни уйғотиш мақсадига тил ўрганишга оид ўйинлар, кичик-кичик шеърлар, бадантарбия ва ашулалар бериб борилади* (С.Жўраев, Ҳ.Қодиров). Ўйин, шеър, ашулаларнинг бериб борилишини тасаввур қилиш мумкиндир, аммо бадан-

тарбиянинг "бериб борилиши" мантиқдан ташқари эканлиги аниқ.

Машҳур юнон алломаси Аристотель ўзининг "Риторика" асаарида юқоридаги каби ҳолатлардаги хатоликларга алоҳида эътибор беради. Унинг таъкидлашича, бир-биридан фарқли икки тушунчанинг ҳам униси, ҳам бунисига бирданига мувофиқ келмайдиган белгини қўллаш хатодир, масалан, товуш ва ранг учун *кўрмоқ* ифодаси мос эмас, *илғамоқ* ифодаси эса мосдир.¹ Зотан, рангни кўриш мумкин, товуш эса эшитиш орқали идрок этилади. Илғаш эса уларнинг ҳар иккаласи учун ҳам умумийдир.

Жинс — тур муносабатидаги тушунчаларни ифодаловчи сўзларнинг уюшиқ бўлаклар вазифасида қўлланиши ҳам нутқнинг мантиқийлигига халақит беради. Ушбу жумлага эътибор берайлик: *Шу қисқа вақт ичига шогирдларим билан бир нечта халқаро мусобақа ва турнирларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритдик* ("Ўзбекистон овози", 2006 йил 29 июнь). Маълумки, яхши натижага эришганларни аниқлаш мақсадида уюштириладиган ҳар қандай беллашув *мусобақа* дейилади, *турнир* эса қатнашувчиларнинг ҳар бири маълум тартибда барча қатнашувчилар билан бир мартадан учрашадиган мусобақадир. Шундай экан, *мусобақа* сўзи жинс тушунчани, *турнир* эса тур тушунчани билдирадиган сўздир, яъни турнир мусобақанинг бир туридир. Бу тушунчаларни ифодаловчи сўзларнинг уюшиқ бўлаклар сифатида қўлланиши, улар ўртасида тенгланиш муносабатининг бўлиши мазкур тушунчалар жинс — тур муносабатида эмас, балки мустақил, тенг муносабатдадир деган мантиқан янглиш талқинга йўл очади ва нутқ мантиқийликдан маҳрум бўлади.

Мазмунан бир ёки яқин бўлган тил бирликларини муайян услубий мақсадсиз ортикча, тақрор қўллаш ҳам нутқнинг мантиқийлигига соя солади. Бундай ҳолатларда муайян бир маънонинг кераксиз икки марта ифодаланиши натижасида тавтология юзага келадики, бу мантиқ нуқтаи назаридан хато саналади. Масалан: *Тарбиячи икки қўлини юқори кўтариб,*

¹ Античные риторики. Москва: МГУ, 1978, С.136.

"Бу гарсхона" деб қарсақ чалади. Болажонлар бу машқни ҳам тақрорлайдилар. Тарбиячи икки қўлини қўйи тушириб, "Бу ер" деб ҳаракат қилади (С.Жўраев, Ҳ.Қодиров). Табиийки, кўтармоқ сўзида "юқорига" деган маъно, туширмоқ сўзида эса "қўйига" деган маъно мавжуд, келтирилган мисолдаги ажратиб кўрсатилган бирикмларда айни маънолар икки марта тақрор, яъни тавтологик ифодаланган. Ҳолбуки, қўйига кўтармоқ ёки юқорига туширмоқ деб бўлмаслиги аниқ.

Қуйидаги мисолларда ҳам ана шундай тавтологик қўллашлар нутқ мантиқийлигининг бузилишига олиб келган: ...Чўл қўйнига ташкил этилган бундай зағонларда мол соялайдиган соя, қиш қаҳратонига эса панароқ жой бўлмади ("Ўзбекистон овози", 2006 йил 17 июнь). *Сабоқ гарси (рукн)* ("Тонг юлдузи", 2006 йил 18-24 сентябрь). *Ўн кишига мўлжалланган мазкур махсус жойларнинг ҳар бирига ўнтаган оғам ўйинларни бемалол томоша қилиши мумкин* ("Халқ сўзи", 2006 йил 21 июнь). *Имзога қўл қўйиш маҳалида гурс этиб ерга қулади* ("Хонадон", 2006 йил 21 август).

Нутқ мантиқий бўлиши учун фикрнинг ифодаланишига зарурий бўлган сўзларнинг барчаси жумлада иштирок этиши лозим. Ихчамлик, қисқалик, лўндаликка керагидан ортиқ интилиб, баъзи сўзларнинг тушириб қолдирилиши нутқдаги мантиқийлик сифатининг издан чиқишига олиб келади. Мана бир мисол: *Тарбиячи: Болажонлар, энди ўрганган сўзларингизни бир чизиб беринглар-чи? деб вазифа топширади. Болалар қалам ва дафтарларини олиб, чиза бошлайдилар* (С.Жўраев, Ҳ.Қодиров). Оддий мантиққа кўра, сўз чизилмайди, балки ёзилади, расм эса чизилади. Мазкур жумлада ҳам расм чизиш ҳақидаги фикр айтилмоқчи. Аслида бу фикр ифодаси учун *Ўрганган сўзларингиз ифодалаган нарсаларнинг расмини чизиб беринг* тарзида жумла қурилиши керак эди. Эҳтимолки, нутқ тузувчи ихчамлик мақсади билан бир неча сўзни тушириб қолдириб, ўз наздида шаклан ихчамликка эришса эришгандир, лекин мантиққа жиддий путур етган. Мантиқнинг мужмаллиги, нодурустлиги ҳисобига юзага келадиган ихчамлик ёки лўндалик нутқий алоқа учун асло фойдали эмас, балки тамоман зарарлидир.

Муайян бир сўзнинг тушириб қолдирилиши ҳам нутқдаги мантиқ мувозанатининг яхшигина бузилишига олиб келиши мумкин. Мана бу жумлани кўрайлик: *Назаримда, нимани қандай ёзиш керак деган азалий муаммонинг қалови топилгани, материаллар dug билан сараланиб, халқона равон тилда ёришилгани тахририятга қўл келмоқда* ("Хуррият", 2006 йил 24 май). Бу гапда "халқона равон тилда ёритилган" нарсани ифодалайдиган сўз тушиб қолган, унинг ўрни бўшлиғи билиниб турибди. Айни бўш ўрин бундай синтактик қурилишлар қонуниятига кўра олдинги равишдош оборот таркибидаги *материаллар* сўзи томонидан мазмунан эгалланади, яъни *материаллар халқона равон тилда ёришилгани* тарзида англанадики, бунда мантиқ соғлом бўлмайди. Зотан, материал ёритилмайди, балки материалда халқ ҳаёти, хўжалик фаолияти, одамларнинг орзу-умидлари, умуман, у ёки бу мавзу ёритилади. *Ёришмоқ* сўзининг кўчма маъноси "ёзиб баён қилмоқ, тасвирламоқ, моҳиятини очиб бермоқ" демакдир. Шунинг учун бу каби ҳолатларда тегишли сўз тушириб қолдирилмасдан, масалан, *мавзулар... ёришилгани* тарзида аниқ қўлланиши мақсадга мувофиқ (Бу ўринда мазкур мисолдаги *муаммонинг қалови топилгани* ифодасининг ҳам у қадар муваффақиятли эмаслигини таъкидламоқ жоиздир).

Гапда сўзлар тартибининг тўғри, тилнинг синтактик табиатига уйғун бўлиши мантиқий нутқ тузишда жиддий аҳамиятга моликдир. Сўз тартибидаги нуқсон жумлада ифодаланган фикрнинг мантиқан янглиш ёки икки ёқлама англанишига сабаб бўлади. Масалан: *Лоқайдлик туфайли кўрсак ҳам индамаймиз* ("Хуррият", 2006 йил 24 май). Бу жумладаги сўз тартибидаги сакталик сабаб фикр икки хил тушунилиши мумкин, яъни "лоқайдлик туфайли кўриш" (бу, албатта, мантиққа зид) ва "лоқайдлик туфайли индамаслик". Аслида ифодаланмоқчи бўлган фикр уларнинг иккинчиси. Жумладаги сўз тартиби *Кўрсак ҳам лоқайдлик туфайли индамаймиз* тарзида тузилса, мантиқ ўзининг тўғри ифодасини топади.

Нутқ мантиқийлигининг бузилиши матн синтаксиси сатҳида, яъни жумлаларнинг ўзаро семантик-синтактик боғ-

ланишидаги нодурустликлар натижасида ҳам кузатилади. Маълумки, матн таркибидаги жумлалар бир-бири билан боғланган бўлади, шунга кўра боғли нутқ тушунчаси мавжуд. Матнда боғлиликнинг уч жиҳатини фарқлаш мақсадга мувофиқ, Биринчи жиҳат мазмуний боғлилик бўлиб, у абзац ва мустақил жумлаларни боғловчи лексик-грамматик воситалар (лексик такрорлар, кўрсатиш, 3-шахсдаги кишилик олмошлари каби) нинг қўлланиши орқали намоён бўлади. Иккинчиси мантиқий боғлиликдир, у жумлалар, абзацлар ўртасидаги мантиқий муносабатларнинг функционал-синтактик воситалар (*гемақ, шундай экан, шундай қилиб, бундан ташқари, хуллас* каби кириш сўзлар, *юқорида, қуйида, энди, бундан кейин* каби сўз ва сўз шакллари, *ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ* каби боғловчилар ва ш. к.) орқали ифодаланишида намоён бўлади. Ниҳоят, учинчи жиҳат композицион боғлилик бўлиб, у *қайд этмоқ лозимки, аниққи, таъкидламоқ жоизки, юқорида айтиб ўтилгани* каби тарзидаги синтактик қурилмалар ёрдамида ифодаланади.

Мана бу нутқий парчага эътибор берайлик: *Тарбиячи болаларга тушунарли бўлиши учун китобни олиб, хонтахта тортмасига (тагига) қўяди ва: "Китоб хонтахтада", дейди. Шу жумлани якка тарзда Наргиза, Магуна, Улуғбекка айтиради ва ҳамма болалар биргалашиб айтадилар. Тарбиячи китобни хонтахта устига қўйиб, "Китоб стол устида", дейди* (С.Жўраев, Х.Қодиров). Бу парчада жумлалар ўртасидаги боғлилик мазмуний жиҳатдан оқсоқ, шунинг учун нутқ мантиқийлик сифатидан тамомила маҳрум. Аввало, хонтахтанинг тортмаси бўлмайди ва "хонтахтанинг тортмаси" деганда, унинг таги тушунилмайди. Бунинг устига, "китоб хонтахтада" дейилганда, унинг таги эмас, балки усти назарда тутилади. Мазмуний боғлилик *хонтахта тортмаси* – *хонтахта* қабилдаги лексик такрор орқали эмас, балки *хонтахта* – *хонтахта* тарзидаги лексик такрор орқали ифодаланиши лозим эди. Парча охирида эса мазмуний боғлилик умуман моҳиятини йўқотган. Китобни хонтахта устига қўйиб,

уни "стол устида" дейиш мазмуний боғлилик тушунчасини тамоман ишдан чиқариши аниқ.

Нутқда мантиқий боғлиликни тўғри ифодалаш учун тилдаги функционал-синтактик боғловчи воситалар билан бир қаторда жумлалар ва абзацдар ўртасидаги мантиқий муносабатларни аниқ тасаввур этиш лозим, акс ҳолда нутқнинг мантиқийлигини таъминлаб бўлмайди. Масалан: *Ҳар йили жаҳон бўйича 1000 хил янги ҳидли атирлар пайдо бўлади, улардан кўпчилиги тезга ҳавога учиб кетади. Аммо, маълум бўлишича, фақатгина ўн фоиз аёлларгина атирни яхши совға сифатида тан олади* ("Даракчи", 2006 йил 24 август). Парчада икки мустақил жумла мавжуд бўлиб, улар ўртасидаги мантиқий муносабат зидликдан иборат эмас, балки одатий кетма-кетлик алоқасидан иборат. Мустақил жумлалар ўртасидаги зидлик, қарама-қаршилик муносабатини ифодаловчи аммо боғловчиси мазкур ўринда мутлақо ўринсиз қўлланган, яъни мавжуд мантиқий муносабатнинг мувофиқ ифодачиси бўла олмаган. Жумлалар ўртасида мантиқий зидлик бўлмаганлиги учун бу боғловчи восита муаллақ ҳолатда қолган. Айни шу муаллақлик матннинг мантиқийлигига жиддий путур етказган. Мазкур икки жумла лексик-грамматик боғловчи восита, яъни *атир* сўзининг такрори орқали боғланган.

Боғли нутқ таркибидаги жумлаларнинг ўзаро боғланишида кесимларнинг бир хил грамматик шаклда бўлиши ҳам муҳимдир, акс ҳолда бу боғланиш тўғри воқе бўлмайди ва матндаги мантиқийлик зарар кўради. Масалан, мана бу матнга эътибор қилайлик: *Ромашканинг гулини 1 стакан сутга солиб қайнатамиз. Илиқ ҳолгача совиғач, қалинроқ матога аралашмани қўйиб, бўйинга ўранг. Кейин сочиқ ёрдамига 15 дақиқа ушлаб турасиз. Компрессни асло ювманг. Артиб ташлаб, крем сурасиз. Бу усулни мунтазам бажариш шарт* ("Хонадон", 2006 йил 24 август). Парчадаги феъл кесимларнинг гоҳ ижро майлида, гоҳ буйруқ майлида келиши, айни пайтда бир ўринда 1-шахс, бошқа ўринда 2-шахсда бўлиши фикр мантиқий ривожининг тўғри ва холис ифодаланишига халақит берган, натижада нутқнинг мантиқийлиги бузилган.

Ёзма боғли нутқнинг мантиқийлигини таъминлашда уни абзацларга тўғри ажратиш ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Яхлит, бутун бир фикр қисмларини ажратиб ифодалаш, бир фикр қисмидан бошқасига ўтиш, улар ўртасидаги муносабатларни қабарик ҳолда кўрсатиш абзацнинг асосий мазмуний моҳиятидир. Матннинг ифодаланмоқчи бўлган яхлит фикр ривож, динамикасига тўла уйғун тарзда абзацларга бўлинган ҳолда тузилиши нутқнинг мантиқийлигини кучайтиради. Бу айти пайтда нутқ тузувчининг фикр мантиғини тўғри ва аниқ тасаввур қилишга кўмаклашади. Абзацларга нотўғри ажратилган нутқда мантиқийлик кучсиз бўлади, бу нутқнинг тез ва холис идрок этилишини сезиларли даражада мушкуллаштиради. Масалан:

Халифалик давлатини ўрнатиш ғояси мусулмон олимлари тарафидан ҳам кескин танқид қилинади. Машиҳур илоҳиятчи Муҳаммад Халафуллоҳ ислом таълимотини сиёсий эмас, балки ахлоқий таълимот бўлиб, инсонларни ҳидоят йўлига бошлаш учун берилган илоҳий дастур, дея таърифлайди.

Ушбу таърифда ислом сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш воситаси эмас, балки инсонларни тўғри йўлга бошловчи таълимотлигига урғу берилётгани яққол кўриниб туради (С.Абдуллаев, "Ислом — згулик дини").

Кўриниб турганидай, парчада муайян бир фикр ривож ифодаланган. Шунинг учун ҳам бу ўринда матнни икки абзацга ажратиш мақсадга мувофиқ эмас, яхлит фикр бир абзацда ифодалангани маъқул эди.

Яхлит матннинг мантиқийлигини таъминлашда матннинг композицион тузилишини тўғри ташкил этиш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир. Баён қилинаётган фикр, мазмун таркибида, табиийки, муайян кетма-кетлик, алоқадорлик, боғлиқлик, умуман, система мавжуд. Мазмундаги ана шу система нутқий ифодада ҳам рўйи рост ўз аксини топмоғи лозим. Мантиғи соғлом матн "бири тоғдан, бири боғдан" фикрлар "бўтқа"сидан иборат бўлмайди. Шунинг учун матнда фикр ривожининг ўзанини бузмайдиган аниқ композиция бўлиши зарур. Мактаб иншосини олиб кўрайлик. Унинг ком-

позицион тузилиши уч қисмдан иборат бўлади, яъни: кириш, асосий қисм ва хулоса. Киришда мавзу, унинг аҳамияти, ўрганилиши каби масалалар баён қилинади, асосий қисмда айтилмоқчи бўлган тегишли мазмун ёритилади, хулосада эса баён қилинган фикрларга яқун ясалади, "қиссадан ҳисса" қилинади. Шу тариқа фикр мантиқий бир ўзанда ифодаланган яхлит матн юзага келади.

Умуман, бадий бўлмаган матнларнинг деярли барчасида айна шу уч қисмли композицион қурилиш (бу қисмларнинг номи бевосита ёзиб кўрсатилиши ёки ёзиб кўрсатилмаслиги ҳам мумкин) кузатилади. Дарс конспекти, маъруза, мақола, рисола, қўлланма, дарслик, монография, диссертация каби хилма-хил матнлар мавжудки, уларнинг ҳар бирида мазкур уч қисмли фикр баёни усули устувордир.

Таъкидлаш лозимки, мантиқийлик сифати нутқнинг барча кўринишлари учун хосдир, аммо бу сифат, айниқса, илмий услубда фавқулодда айрича аҳамият касб этади. Мантиқийлик илмий нутқнинг моҳияти билан боғлиқ сифатдир. Зотан, илмий тафаккур ва илмий баён мантиқ қонуниятларига мунтазам тобелиқдаги фаолият сифатида яшаб келади.

Бадий нутқда мантиқийликка қўйиладиган талаблар таъмоман ўзига хосдир. Албатта, бу бадий адабиётнинг образли тафаккур маҳсули эканлиги билан алоқадорлигини ҳар ким билади.

Бадий матнда, масалан, композицион қурилиш ҳам юқоридаги уч қисмлиликдан фарқли. Бадий матнда, масалан, романда алоҳида ифодаланган кириш, хулосалар бўлмайди. Ижодкор воқеаларни ўз бадий нияти, бадий ғоясига мувофиқ тарзда тасвирлайди, бу воқеаларнинг хронологик кетма-кетлигига ҳам ҳамиша амал қилмайди. Тасвирда мантиқий изчиллик йўқдай, худди "бири боғдан, бири тоғдан" баён қилинаётгандай туюлади. Аммо бу воқеаларни ёзувчининг бадий ғояси бирлаштиради. Масалан, атоқли адиб О.Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романидаги асосий сюжетни Улуғбекнинг маҳдуд кучлар вакиллари билан сўнгги тўқнашуви билан боғлиқ воқеалар ташкил қилади, аммо ро-

манда анча олдинги воқеалар, Улугбек фожиасини акс эттирадиган турли даврлардаги ҳодисотлар ўрни-ўрни билан берилаверади. Бу ёзувчининг бадиий услуби ва мақсади билан изоҳланади, романнинг бадиий-манتيқий, лисоний-эстетик фазилатлари рост ва расодир.

Нобадиий нутқда мантиқийликнинг бузилиши тарзида талқин этиладиган бир қатор нутқий ҳолатлар бадиий нутқда ўзига хос тасвир усули, образли ифода, қисқаси, бадиий фазилат мақомини олади. Хилма-хил алогизмлар, ғайриодатий бирикмалар, жонлантириш ва бошқа шу каби қўлланишлар ижодкорнинг бадиий маҳорати билан матннинг зарурий унсурларига айланади (ҳозиргача йўл-йўлакай бунинг мисоллари кўриб ўтилди).

Агар нобадиий нутқда *Кўплар оғизлари билан ҳам тинглардилар* қабилидаги жумла қўлланса, бу жумланинг мантиқдан тамоман мосуво нутқ намунаси сифатида баҳоланиши ғоят табиий, чунки тинглаш учун "қурол" оғиз эмас, балки қулоқ эканлиги гўдакка ҳам маълум бир ҳақиқатдир. Аммо Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романидан олинган ушбу парчада бу жумла нафақат номантиқий, балки бетакрор бадиий образ тасвири сифатида фавқулодда ўткир мантиқ ифодасидир: *Ўтирганлар бир сесканиб олдилар.*

— Қанақа пул, тақсир? — *деди Матҳолиқ амин.*

Ҳамманинг кўзи унинг оғзига тикилган эди, ундан кейин ҳамма кўзлар бирганига мингбоши томонга бурилиб, унинг оғзига осилдилар. Кўплар оғизлари билан ҳам тинглардилар.

Англиниб-англанмаган, аммо кутилаётган, одамни ҳушбеҳуш ҳолатга тушириши сезилаётган ноҳуш ва шум хабарни ҳайронлик ва чорасизлик ичида оғизлар очилиб қотган кўйи эшитмоқнинг расмини шу тарзда чизиш мумкин.

Ёки мана бу бадиий парчадаги чўлни *уйлантирмоқ* бирикмасидаги бадиий мантиқнинг эстетик кучига диққат қилинг: *Отабой кайф қилиб қолди. Гандираклаб ўртага тушиб, Кокилани ўйинган тўхтатди. У қўл кўтариб шовқинни босаман деги-ю, йиқилай деги. Одамлар бирдан жим бўлишди.*

— *Ўртоооқларrrr! Қанча тўйинг бўлса, кўрсат! Опке, чўлингниям уйлантирвораман! Қанча керак? Пулнинг ҳаммаси Отабой аканга-га!* (Саид Аҳмад, "Тўйбоши" ҳикояси).

Умуман, нутқнинг мантиқийлиги фикр ривожининг изчиллиги, тушунчалар ва фикрлар ўртасидаги муносабатларнинг мантиқийлиги, нутқ предметининг аниқлиги, фикр либосининг фикрга мажбуриятсиз лойиқлиги асосида юзага келади. Мантиқийликдан маҳрум бўлган матн нутқий мулоқот учун ярашиқсиз ва мутлақо яроқсиздир.

Нутқнинг софлиги

Ҳар қандай нарсага баҳо берилганда, аввало, унинг асиллиги, бошқа кераксиз унсурлардан холилиги, ўз моҳиятига мувофиқ тоза таркибга эгалиги каби меъёрлардан келиб чиқилади. Софлик сифати нутқни ана шундай баҳолаш меъёрларидан ҳисобланади. Айтиш лозимки, нутқнинг бу коммуникатив сифати нутқ билан адабий тил ва нутқ билан жамият муносабатида намоён бўлади. Шунга кўра нутқнинг софлигини нутқнинг адабий тил меъёрларига ва жамиятдаги маънавий-ахлоқ қоидаларига ёт бўлган унсурлардан холилиги билан белгиланувчи коммуникатив сифат тарзида таърифлаш мумкин. Айтиш жоизки, киши нутқнинг софлиги унинг маънавий-маърифий, лисоний-маданий савиясини намоён этадиган кўрсаткичлардан биридир.

Адабий нутқнинг софлигига путур етказувчи унсурларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ: 1) шевага хос сўз, ибора, грамматик шакллар, урғу ва талаффуз; 2) ўринсиз қўлланган чет сўз ва сўз бирикмалари (варваризмлар); 3) жаргон ва арголар; 4) дағал, ҳақорат сўз ва иборалар (вульгаризмлар); 5) "ишламайдиган" ёки паразит сўзлар; 6) идоравий сўз ва иборалар (канцеляризмлар) ва ш.к. Нутқ тузувчи ўз нутқининг софлиги ҳақида қайғурар экан, албатта, мазкур унсурларни қўлашдан тийилиши лозим.

Маълумки, шевага хос сўзлар адабий тилнинг лексик меъёрларидан ташқарида, шунинг учун ҳам унинг нутқда ишлатилиши софлик сифатининг бузилишига олиб келади. Бу эса ҳатто нутқнинг тўғри тушунилишига ҳам халақит беради. Масалан, *Дастурхонга сумалақ, ҳалиса, ҳолвайтар ва турли шифобахш кўкатлардан тайёрланган сомсалар тортилади* (С.Жўраев, Ҳ.Қодиров) гапида Бухоро шевасига хос бўлган *ҳалиса* сўзининг қўлланиши нутқнинг софлигини бузган, табиийки, бу сўзни бошқа шева вакиллари тушунмаслиги ҳам мумкин. Ўзбек адабий тилида эса бу сўзнинг муқобили ҳалимдир.

Айни пайтда таъкидламоқ жоизки, бадий адабиёт тили мутлақо ўзига хос нутқ услуби сифатида шевага хос сўз ва бошқа бирликларнинг муайян мақсад билан қўлланишига имконият яратади. Шева сўзлари ва грамматик шакллари, яъни диалектизмлар бадий нутқда аниқ эстетик вазифани кўзда тутган ҳолда қўлланади. Таъкидлаш керакки, диалектизмларнинг эстетик қиммат касб этиши уларнинг бадий нутқдаги меъёри, қандай ишлатилиши ва айнан қандай турларининг танланиши билан ҳам боғлиқдир. Бадий асар тилида ҳам диалектизмларнинг меъёридан ортиқ даражада бўлиши асарнинг эстетик қиммати ва таъсир кучини пасайтиради, асар тилининг софлигига, равонлигига путур еткази.

Диалектизмларни бадий асар тилига олиб кириш ўзига хос бадий-поэтик усулдир. Бу усул, албатта, диалектизмлар билан адабий тил меъёрларининг муносабатига асосланади. Ана шу муносабат асосида адабий тилга оид сўзлар (ва шакллар) билан қаршилантирилган диалектизмлар алоҳида эстетик қиммат касб этади. Хусусан, улар маҳаллий колоритни қабарик тасвирлаш, асар қаҳрамонларининг нутқий тавсифини бериш учун ўзига хос имконият яратади. Айни пайтда улар нутқий экспрессия, ифодалилик учун ҳам хизмат қилади.

Сўз лексик диалектизм сифатида бадий нутқда иштирок этар экан, адабий тилда бу сўзнинг синоними мавжуд бўлиши мумкин. Бунда диалектизм адабий тилдаги сўзлар билан семантик ва стилистик жиҳатдан қаршилантирилиши натижасида маҳаллий колоритнинг муҳим қирраларини ўзида акс эттиради. Масалан: *Мен бувимдан берухсат меҳмон чақирмайман* (Чўлпон, "Кеча ва кундуз" романи). *Ма, бачам, чойни ўзинг қайтар* (О.Мухтор, "Йиллар шамоли" романи). *Бирови "аба" деб мани чақирмиш* (Ҳ.Саъдулла, "Онаизор" шеъри). *Муҳаммад Раҳимхон қаттиқ касалмиш, улли-улли табиблар ҳам касалининг давосини тополмаётганмиш* (Ж.Шарипов, "Хоразм" романи). Бу жумлалардаги буви (она) Андижон-Фарғона шевасига, бачам (болам) Бухоро шевасига, аба (она) Наманган шевасига ва улли (катта, улуғ) Хоразм шевасига хос сўзлар бўлиб, улар китобхон диққатини ўзига жалб этади ва тегишли ҳудудларга оидликни алоҳида таъкидлайди.

Баъзан адабий тилда диалектал сўз ифодалаган тушунчани билдирадиган бир сўздан иборат атама мавжуд бўлмайди. Бу тушунчани ифодалаш учун бир неча сўздан иборат тавсифдан фойдаланишга тўғри келади. Бундай ҳолатларда ёзувчи мазкур диалектизмнинг ўзини ишлатиб қўя қолади. Ана шу тариқа ҳам номинатив, ҳам услубий мақсадга эришилади. Табиийки, бунда муайян маҳаллий колорит ёрқин намоён бўлади ва, демак, диалектизм ўзининг эстетик вазифасини ҳам бажаради. Масалан, Фарғона шевасида қуриган жўхориёянинг бир бўғимини *бўриқ* дейишади: ...*Тор кўприкнинг устига бўриқ ётган экан, шуни тепиб зовурга туширмоқчи бўлганимда, шккала оёғим кўтарилиб кетди, шекилли, йиқилдим* (А.Қаҳҳор, "Ўтмишдан эртақлар" қиссаси).

Диалектизмларнинг экспрессивлиги маълум даражада уларнинг қўлланиш ўрни, яъни асарнинг қайси қисмида, персонаж нутқидами, муаллиф нутқидами, манзара тасвиридами ва ҳ.к. қўлланиши билан ҳам боғлиқ. Масалан, бадий асарнинг номида қўлланган диалектизм алоҳида ва ёрқин экспрессивликка эга бўлади. Уларнинг маъноси бир сўз доирасидан чиқиб, ўзида рамзий бир умумлашмани пайдо қилади. Улкан сўз устаси А.Қаҳҳор қиссаларидан бирини "Синчалак" деб атаган. Маълумки, *синчалак* Фарғона шевасига хос сўз бўлиб, унинг адабий тилдаги муқобили *читтак* сўзидир. Андижон шевасида унинг *жинқарча* тарзидаги муқобили ҳам бор (*Жинқарчагай ҳамма вақт ва ҳар қайда кўриниб қоладиган бу "асл мингбоши"га салом бермоқдан белларингиз толади*. Чўлпон, "Кеча ва кундуз" романи). Аммо бу уч сўз семантик-услубий жиҳатдан бир-бири билан айнан тенг эмас, улар муайян маъно нозикликлари ва шунга кўра экспрессивлиги билан фарқлидир. *Синчалак* сўзининг маъно структурасида бу сўз ифодалаган қушнинг нозиклик, нимжонлик белгиси асосий ўринда туради (Бу сўзнинг келиб чиқиши шевадаги *синчалоқ* (адабий тилда *жимжилоқ*) сўзи билан алоқадор. Андижон шевасида: *Бирганига тилла узукни ўз кўзи олдига олиб борди, у ёқ-бу ёғини айлантириб хўп қарагандан кейин секингина қўл узатиб, уни Умринисобибининг синчалағига кигизиб қўйди*. Чўлпон, "Кеча ва кундуз" романи). *Читтак* сўзи-

да бу қушнинг бир жойда турмаслик, қўнимсизлик белгиси, *жинқарча* сўзида кичиклик ва кераксиз серҳаракатлик белгиси бўртиб кўриниб турадики, бу ҳолат айни сўзлар метафорик қўлланадиган бўлса, маълум маънода салбийлик бўёғининг юзага чиқишига олиб келади. Шунинг учун ҳам тилни беҳад нозик тушунган ёзувчи асарнинг бош қаҳрамони-га, ўзи алоҳида муҳаббат билан тасвирлаган тинчимас ва ғайратли аёлга нисбатан метафорик ифода сифатида адабий тилга хос *чиптак* сўзини эмас, балки шевага хос бўлган *синчалак* сўзини қўлаган (Қиссанинг таржимони атоқли рус ёзувчиси К.Симонов ҳам буни жуда яхши англаган. Шунинг учун асарнинг номини русчага адабий тилга оид *синица* сўзи билан эмас, балки *пличка-невеличка* бирикмаси билан моҳирона таржима қилган). Ана шу тарзда *синчалак* диалектизми конкрет эстетик қиммат касб этган.

Бадий асарда қаҳрамонларнинг нутқий тавсифини, тасвирланаётган ҳудудга хос маҳаллий колоритни яратиб ва экспрессивликни юзага келтириш каби мақсадлар билан, асосан, муайян шева учун энг характерли бўлган диалектизмларнигина қўллаш етарли ҳисобланади. Албатта, диалектизмларни бадий нутқда қўллашнинг турли йўллари, усуллари бор. Айрим ҳолларда диалектизм қўлланади-да, агар у кенг китобхонлар оммасига етарли даражада тушунарли бўлмаса, саҳифа остида бу сўзга изоҳ берилади. Масалан: *Зумраг*: "Аёллар нозик, улар ...юз кило пахта жойланган қопни кўтариб, ўсмасак бўлиб қолиш учун яратилмаган!" – *деб айтди* (О.Мухтор, "Йиллар шамоли" романи). Саҳифа остида ўсмасак диалектизмга изоҳ берилган: "*Ногирон*" *демоқчи*. *Бухоро шеваси*.

Баъзи ҳолларда эса матн ичида диалектизм адабий тилда мавжуд бўлган синоними билан ёнма-ён ҳолатда келтирилади. Масалан: *Меҳмонхонанинг деворларидан бирига шоти – нарвон қўйилган* (И.Султон, "Истеҳком" пьесаси). *Шу сулфаю йўтал мани ахир хароб қилди* (Н.Аминов, "Елвизак" қиссаси). Кўриниб турганидай, биринчи мисолдаги *шоти* диалектизми адабий тилдаги *нарвон* сўзи билан ёнма-ён келтирилган ва бу диалектизм маҳаллий колорит (Фарғона) ифо-

даси учун хизмат қилган. Иккинчи мисолда эса сулфа сўзи диалекталдир (у тожик тилидан ўтган бўлиб, маъноси "йўтал" демақдир). Унинг адабий тилдаги йўтал муқобили ҳам келтирилган, ҳам маҳаллий колорит, ҳам персонаж тавсифи таъкид олган.

Маълумки, айрим шеваларда келишикларни алмаштириб қўллаш кузатилади, яъни бир келишик қўшимчаси ўрнида бошқаси ишлатилади. Бундай қўллашлар, яъни грамматик диалектизмлар бадий нутқда қаҳрамон нутқини характерловчи ёрқин воситалардан биридир (бунда улар билан бир қаторда диалектал сўзлар ҳам иштирок этиши мумкин). Аввало, грамматик диалектизмлар адабий тилнинг грамматик меъёрларидан ташқарида бўлганлиги учун китобхон диққатини ўзига тез жалб қилади, ўқувчига ғайритабiiй туюлади. Грамматик диалектизмлар айна шу ғайритабiiйлиги билан эстетик ассоциацияларни пайдо қилади, нутқнинг ҳудудий мансублигини осонлик билан таъкидлайди. Масалан: *Сизнинг Тошкентингизга Тошхон, Тошбиби деган аёллар борми? Бале, бизнинг Бухор тилига Сангча дегани Тошкент тилига Тошча дегани. Оналари "Бошинг тошдан бўлсин, дўхтарим", деб шунақа исм қўядилар. Ойти дегани асли Ойтўта дегани. Бу Ойхола деган маъно беради, ўрисларнинг "тёта" деган сўзи ҳам шундан олинган бўлиши керак. Сизлар эркакларни "мулла ака" дейсизлар, биз "акамулло" деймиз, "опамулло" деймиз. Дўхтир опанинг исми дакументга бошқача. Яъни Истат Фузайловна. Тушундингизми?* (С.Аҳмад, "Азроил ўтган йўлларда" ҳикояси).

Ҳар бир шеванинг ўзига хос фонетик қонуниятлари мавжуд. Шунга кўра у ёки бу шева вакили адабий тилдаги сўзларни ҳам кўпинча нутққа эътиборсизлик туфайли ана шу қонуниятларга мос тарзда талаффуз қилади. Талаффуздаги ана шундай шевага хос фарқли ҳолатларнинг адабий асар тилига киритилиши муаллифнинг персонажни индивидуаллаштириш, турмуш тарзи, маҳаллий муҳит ва турли шароитларни бадий ишончли ва этнографик аниқ, реал тасвирлаш каби мақсадлари билан узвий боғланган бўлади. Сўзлар талаффузидаги бундай кичик фарқлиқлар бадий асарда жуда катта

экспрессив вазифани бажаради. Бундай фонетик диалектизмлар, асосан, персонаж нутқида қўланади. Албатта, улар диалектизмларнинг бошқа турларига қараганда бадий нутқда эркинроқ ишлатилади, чунки талаффуздаги у қадар катта бўлмаган бундай фарқлар кенг китобхонлар оммасининг (улар қайси шева вакиллари бўлишидан қатъи назар) бу сўзларни эркин тушуна олишига асло халақит бермайди. Ўқувчи бу диалектизмларнинг экспрессивлигини, эстетик қимматини аниқ сеза олади. Мисоллар: *Шунақа эканми? Вой тўвва-ей! Халфа эшоннинг қизи чақиртирган эканми? Вой тўвва-ей!..* – *деб унинг энг қишиғи келадиган жойларига чанг солишарди* (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи). *Илгари нойиб тўранинг мамиласини, сизга нималар деганини гапириб беринг* (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи). *Йўмасам, бирга ишлашар эканмиз* (Ш.Холмирзаев, “Сўнгги бекат” романи). *Онам қалъадан галдими? – деб сўради* (Ж.Шарипов, “Хоразм” романи).

Диалектизмлар, кўриб ўтилганидай, бадий нутқда каттагина эстетик вазифани бажаради, аммо бунда муайян меъёрни сақлаш, имкон қадар қўшимча изоҳ талаб қилмайдиган, ўқувчи умумий контекстан маъносини тушуниб олаверадиган диалектизмларни ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Ўринсиз қўлланган чет бирлик, яъни адабий тил меъёрларига кирмаган сўзлар, бирикма ва ибораларнинг нутққа кириб қолиши, шунингдек, бошқа тил синтактик қолиплари асосида жумла тузиш нутқнинг софлигини бузиши табиий.

Атоқли адиб Фитрат ўзининг “Адабиёт қоидалари” асарига нутқнинг (“услубнинг”) умумий зарурий сифатлари (“ҳоллари”) тарзида тўғрилиқ (“тузуклик”), аниқлик (“очиклик”), софлик кабиларни таҳлил этар экан, хусусан, софликка шундай таъриф беради: “Услубда софлик сўз тузушда, гап тузушда ётчилик кўрсатмаслик, асарда ёт сўзлар ё эски онглашилмас сўзларни киргизмаслик, ёт тилларнинг наҳвий қоидаларига қараб гап тузмасликдир.

Ўқиғучиларнинг қайсилариким, тиришмайлар ўз билимларини ортдира олмаслар деганимизда гапнинг тузулиши ўрусчанинг гап тузулишига эргашган, унинг таъсири билан

бўлгандир. Бунинг тўғриси: *Тиришмайтурган ўқиғучилар ўз билимларини орттира олмайдилар* шаклида бўладир."¹

Тилшуносликда варваризмлар деб юритиладиган бошқа тил бирликларини ўзбек тилига ўзлашган, адабий тилнинг лексик меъёрлари сирасидан ўрин олган чет сўзлардан фарқлаш лозим. Ҳар қандай чет сўз эмас, балки фақат варваризмлар нутқнинг софлигини бузадиган унсурлар сифатида қаралади. Рус, инглиз, араб, форс ва бошқа тиллардаги сўз ва бирикмаларни ўзбекча нутқда ишлатиш, аввало, нутқнинг софлигини тамоман йўқотади, қолаверса, бундай қилиш ўзбек тилигагина эмас, балки айни пайтда мазкур хорижий тилларга ҳам ҳурматсизликни кўрсатади. Баъзи кишилар нутқларида варваризмларни қўлларкан, бу билан ўзларининг бошқа тилларни ҳам билишларини, маданий савиясининг юқорилигини кўрсатгандек бўладилар. Аслида эса бу маданий-маърифий савиянинг пастлиги, тафаккурнинг торлиги, маънавиятнинг қашшоқлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларга нописандликнинг илдииз отганлигини намоён этувчи ҳолатдир. Масалан, *звонок чалинги (қўнғироқ чалинги), переривга чиқдик (танаффусга чиқдик), звонит қилди (қўнғироқ қилди), вообще (умуман), короче (қисқаси), так (хўш)* каби бир қанча сўз ва бирикмаларнинг ўзбекча нутқда бўлиши нутқ тузувчи тил сезгисининг тубанлиги ва маънавий дунёсининг йўқсуллигини кўрсатишдан бошқа бир ишга ярамайди.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтмоқ лозимки, илмий ва илмий-оммабоп матнларда мисол, далил сифатида бошқа тиллардаги манбалардан фикрнинг аниқлиги, ишончлилигини таъминаш мақсадини кўзда тутиб айнан олинган, иқтибос қилинган хорижий тилдаги сўз, бирикма ва жумлалар варваризм деб баҳоланмайди. Бу баён қилинаётган илмий фикрнинг асослилигини, манбага ёндашувнинг холислигини кўрсатишга хизмат қиладиган мақбул усул сифатида дунёнинг аксар мамлакатларида, тилларида анъана тусини олган. Масалан, маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" (Тошкент: Ўқитувчи, 1992) асарида фикр

¹ Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. Тошкент: Маънавият, 2006, 46-бет.

рининг далили сифатида ҳадиси шарифларга мурожаат этар экан, олдин асл арабча матнни келтиради, сўнг унинг ўзбекчасини беради: *Расули акрам набиййи муҳтарам саллоллоху алайҳи васаллам афандимиз: "Ҳуббул-ватани минал имони – Ватанни суймак имондандур", - гемишлар... Расули акрам набиййи муҳтарам саллоллоху алайҳи васаллам афандимиз: "Аннажоту фиссиддиқи – Нажот ростликдагур", — гемишлар (28, 29-бетлар).*

Ёки, айтайлик, адабиётшуносликка оид тадқиқотларда бошқа тилдаги манбалар ўрганилганда, мисол ўша тилда, масалан, форс тилида келтирилади ва унинг таржимаси берилади. Бу, албатта, илмнинг мақсади ва тадқиқот табиатининг тақозосидирки, бундай ҳолатларда ҳам нутқнинг софлик сифати асло зарар кўрмайди. Мана Алишер Навоийнинг форсий асарлари тадқиқидан парча: *...Ёзнинг бошланиши ажойиб сўз ўйини ва жонлантириш санъати билан тасвирланган:*

***Фиканг оташи айёми сайф дар олам,
Чу барқи оҳ зи анфоси ошиқи шайдо***

(Ёзнинг оловини оламга туширди. Бу худди шайдо ошиқ нафасидан чақилган чақмоқдай эди). Бу байтга "сайф" икки маъноли: 1)ёз ва 2)қилич. Шу боис қилич ва олов, қилич, олов ва чақмоқ қиёслаб олиниб, чиройли тасвир ҳосил қилинган. Яъни ёзнинг оташи қилич гами – чақмоқдай тушди. Бу иссиқлик шиддати ошиқ оҳининг шиддатини эслатади.¹

Тилшуносликка оид илмий ишларда ҳам бундай ҳолат кузатилади: *От оборот (субстантивнўй оборот) деб рус тилида икки ҳодиса кўрсатилади: а) ажратилган мослашмайдиган сифатловчи, б) ажратилган изоҳловчи. Ажратилган мослашмайдиган сифатловчи якка сўзшакл билан ҳам, бирикма билан ифодаланиши мумкин: Эту кашу, без мяса и моркови, как можно называть пловом?! Ўзбек тилида сифатловчининг бундай тури йўқ.²*

¹ Комилов Н. Хизр чашмаси. Тошкент: Маънавият, 2005, 209-бет.

² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек ва рус тилларини қиёслаш. Тошкент: Ўзбекистон, 1993, 104-бет

Варваризмлар бадий нутқда ёзувчининг маҳорати билан ўзига хос эстетик вазифани бажарадиган воситага айланади. Бадий асардаги персонажларнинг миллий мансублиги, характери, ички дунёси, маданий-маърифий савияси каби бир қатор жиҳатларни таъкидлаб ифодалашда варваризмлар алоҳида ўрин тутаяди. Албатта, варваризмлар, асосан, айни шу персонажларнинг нутқида қўлланади.

Кўпинча варваризм қаҳрамоннинг у ёки бу миллатта мансублигини таъкидлаш учун хизмат қилади. Масалан: *Мирёкуб бироз довдираниб хонимнинг ёнига ўтди.*

— Мумкинми, хоним?

Хоним кўзи билан ёнидан жой кўрсатди:

— *Пожалюста...* (Чўлпон, "Кеча ва кундуз" романи).

Маълумки, мустақилликкача бўлган даврда *обед, только, ровно, простой, прямо, так* каби бир қатор русча сўзлар кексаю ёшнинг жонли сўзлашув тилига кириб кетган эди. Табиийки, бу сўзлар ўзбекча талаффуз билан айтилган. Улар варваризмлар сифатида бадий асар тилида ўша давр руҳини бироз юмористик фон билан акс эттиришга ёрдам беради. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: *Сангча чиқиб кетар экан, "Билиб қўйинглар, болакайларим, телевизорни ровна соат ўнда ўчириб кетаман", деди... Мен унақа машхур одам эмасман, пўристой полвонман, холос... Тангирдан янги узилган, ушлаган қўлни куйдирадиган мойли патирни ширчойга тўғраб еган одам прама жаннатга тушади* (С.Аҳмад, "Азроил ўтган йўлларда" ҳикояси).

Баъзан бадий нутқдаги варваризмлар қаҳрамоннинг ҳам миллий мансублигини, ҳам ички дунёсини, характерини бир чимдим аччиқ кулги билан очишга хизмат қилади. Қуйидаги мисолда татарча ва русча варваризмлар ана шундай эстетик вазифани бажарган: *Бугунги йиғинга қатнашаётган туман партия комитетининг идеология ишлари бўйича секретари Фатхуллин ўтирган жойида гапга қўшилди:*

— *Ўху, толковий малай шул. Бундан отличний коммунист чиқа. Ул партия учун атисидан кечди. Динсиз эканини доказат этиш учун колбаса йиб курсатди. Буни ўз кўзингиз билан кўрдигиз. Только патриот коммунистгина колбасани шулай ейиши мумкин. Bravo, bravo!.. Партия сафига*

фигойи патриот келиб қўшилаётганидан горжус! (С.Аҳмад, "Буқаламун билан учрашув" ҳикояси).

Ўткир сўз устаси Саид Аҳмад "Қоракўз мажнун" номи ҳикоясида дину имонидан, тилидан тонган, онага муҳаббатдан Мосуво бўлган, ўзга юртни ватан тутган, итдан-да тубан ўғил — Бўрихоннинг ўзи англамаган фожиасини тасвирлар экан, уни бор-йўғи икки марта бир жумладан русча гапиртиради. Ана шу икки варваризм бу худо беҳабар ўғилнинг бутун ички қиёфасини намоён этишга хизмат қилган, салмоқли эстетик қиммат билан юкунган: *Ўғли унинг бағридан чиқишга уринар, аммо кампирнинг қоқ суяк, чайир қўллари уни бўшатмасди.*

— *Ну зачем, зачем плачеш, мама, вот и приехал, хватит, хватит, — герди ўғли...*

...Қассоб шундай деб қўйнинг бўғзига пичоқ тортди.

— *Ну зачем, зачем? — геди Бўрихон. — Вегь барана жалько, все равно я столько мясо не ем! У нас баранина не едят...*

Ростдан ҳам шу одам менинг боламми, деб ўйларди кампир... Бўрихон учун Ўзбекистонда мустақиллик бўлгани, бўлмагани, барибир эди. У ўзга юртнинг фуқароси, ўзга эътиқоднинг сиғиндиси эди. Туғилган юртга муҳаббат туйғуси уни тарк қилганига кўп йиллар бўлган. Она тили қадим-қадим замонлардаёқ унутилиб кетган. Шумер тили қатори туманлар орасида қолиб кетганди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, варваризмлар бадий нутқда энгил юмористик руҳ ифодаси учун ҳам қўлланади, бунда, айтайлик, русча сўз ўзбекча талаффуз билан бузиб айтилади: *только — толька, сплетня — исплетний, столовая — исталовой, заведующий — завидиш каби: Кампир мазаси йўқ аёл. Толька келинини қийнагани қийнаган... Уззукун йўлакка ўтириб олиб, ўтган-кетганни исплетний қилади* (С.А.ҳмад, "Ҳасрат" ҳажвияси). *Вей, вей, қамоққа йигитнинг гули тушади. Иш билган одам ҳар ерда ҳам нонини топиб кетаверади. Исталовойга завидиш бўлдим. Ҳа, ўшатдаям тортиб турдик* (С.Аҳмад, "Номи йўқ тўй" ҳажвияси).

Нутқнинг софлигига соя солиши мумкин бўлган яна бир

сўзлар гуруҳи жаргон ва арголардир. Бундай сўз ва иборалар, яъни муайян кичик ижтимоий қатлам (савдогарлар, ўғрилар, қиморбозлар каби) ва касбий доира вакиллари орасидагина тушунарли бўлган, сунъий ёки шартли тарзда яратилган бирликлар ўзбек тилида у қадар кўп эмас. Масалан, баъзи ана шундай ижтимоий гуруҳлар орасида *якан, лой* ("пул" маъносида) каби сўзлар қўлланади. Ёки баъзан болалар ўйин учун гўё бошқалар тушунмайдиган "тил" яратадилар, бунда сўзнинг ҳар бўғинидан олдин ёки кейин *зи, ра, ба, са* каби товушларни қўшиб айтадилар. Масалан, *Зи-кузи-туб-зи-хо-зи-на-зи-ган зи-ки-зи-тоб зи-ол-зи-гим* каби. Аммо айтиш керакки, ўзбек тилида бундай жаргон ва арголар кўп эмас. Албатта, тасвир зарурияти, эстетик мақсад билан боғлиқ ҳолда бундай сўз ва иборалар бадий нутқда ўрни билан қўлланавериши мумкин.

Умумтилда дағал, ҳақорат сўз ва иборалар ҳам мавжуд. Аммо тилшунослиқда вульгаризмлар номи билан юритиладиган бундай сўз ва иборалар жамиятда барқарорлашган маънавий-ахлоқий қоидаларга зид бўлгани учун уларни нутққа киритиш нутқнинг софлигини тамоман издан чиқариши билан бир қаторда жамият аъзоларининг жамиятига ҳам даҳл қилади. Нутқда вульгар сўзларни ишлатиш нутқ тузувчининг тарбияланганлик даражасининг тубанлигини кўрсатади, зотан, тарбияланганликнинг моҳияти шахснинг жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий, маданий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий тартиботларга сўзсиз ва мунтазам ҳурмат билан қараши ва демакки, қатъий амал қилишидан иборатдир. Минг йиллик миллий анъаналаримизда ҳам, маънавий-маърифий тарбия давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган бугунги кунимизда ҳам сўкиниб гапириш инсонга беҳурматлик, нописандлик, ҳатто безорилик сифатида баҳоланади.

Айтиш лозимки, фақат бадий нутқ баъзан бундай сўзларга ўз таркибидан жой ажратади. Сўз санъаткорлари бадий асарларда, албатта, муайян меъёрга амал қилган ҳолда қаҳрамон характери, ички дунёси, ҳиссий ҳолати каби жиҳатларни қабариқ, аниқ, очиқ ифодалаш мақсадида вульгар сўз ва

иборалардан ҳам фойдаланадилар. Масалан, Чўлпон "Кеча ва кундуз" романида Раззоқ сўфининг кир ва танг маънавий дунёси, маърифатининг мунтазамсизлигини холис ва очиқ тасвирлаш нияти билан унинг нутқига вульгаризмларни кiritади: *Сўфи булар уйга кириб олгунча эшик олдида бўзариб-гезариб турди. Булар уйга кирганларидан кейин салласини Қурвонбигига узатиб, устидаги малла яхтагини олисдан туриб картга ирғитди ва ўзининг оддий овози билан:*

— *Қанжиқлар! — деб бақирди.*

— *Ёш нарсалар ўйнашса нима бўлибди? Мунча энди заботига олдингиз? — деди Қурвонбиби.*

— *Гапирма, эшак!*

Чўлпон вульгаризмларни у қадар кўп қўлламайди, қўллаганда ҳам, асосан, *хотин талоқ, қизталоқ, синталоқ, занғар, баччағар, гаюс, ҳез каби* нисбатан "енгилроқ" дағал сўзларга мурожаат қилади. Агар тасвирланаётган ҳолат анчайин "оғир" ҳақорат сўз ёки иборани талаб этса, ёзувчи уларни айнан эмас, балки умумий перифраза йўли билан ифодалайди ва шу тарзда нутқда очиқ вульгаризмлар меъёрига қатъий амал қилади. Мазкур романдан бир-икки мисол: *Мингбоши эркин-эркин кулди:*

— *Тавба де, бетавфиқ! Астағфурулло де!*

Мирёқуб астағфурулло ўрнига уят бир сўз айтди...

Мингбоши ниҳоят даражада одобсиз бир сўз билан бақариб жавоб қилди. Иккала ёш хотин секин-секин орқаларига тисарилиб ўз уйларига кириб кетдилар. Ҳадичахон турган жойида қотиб қолди...

Баъзан сўз усталари қаҳрамоннинг бениҳоя таранг ҳиссий-эмоционал ҳолати, алам ва қаҳру ғазабини ифодалаш учун ҳам ҳақорат сўзлардан фойдаланадилар. Масалан: *Терговчи Қўчқор Жалол мени қамоққа олган куниеқ олтинларингни, бойликларингни қаерга яширгансан, деб кечасию кундузи ухлатмай сўроқ қилди. Менга бунақа нарсалар йўқ десам, ишонмайди. Уради, тепади, қўлларимни қайиради... Қўчқор Жалол ҳароми, ғарнинг боласи битта гапни билади. Олтин, олтин қани?... (С.Аҳмад, "Азроил ўтган йўлларда" ҳикояси). Ана шундай беадоқ ғазаб-нафратни ифодалаш учун*

айрим ҳолларда жуда оғир ҳақорат шаклидаги беодоб иборанинг қисқартирилиб, ихчамлаштирилиб қўлланиши ҳам кузатилади: *Бу уйдаги қимматбаҳо буюмлар музейларга ҳам топилмасди... Мен қамалганимда болаларим бир чеккадан сотиб ўша онангни... Қўчқорга обориб беришинпти, на гилам қопти, на чинни асбоб* (С.Аҳмад, ўша ҳикоя).

Дағал, ҳақорат сўзларни ўрнида қойиллатиб қўллашнинг бетакрор намунасини ўлмас "Алпомиш" достонида ҳам кўриш мумкин. Алпомишнинг сингиси Қалдирғоч "аҳмоқ қалмоқ" элида тўқсон алпнинг орасида талаш бўлиб, улар зуғумидан азоблар ичра ўртанган Барчинни қутқармоққа шошилмаган акасидан ўпкалаб, "Номардсан!" деса камлик қиладигандай,

Ака, айтган сўзим оғир олмагин,

Нар-мога ишини бунда қилмагин, — дейди. *Нар-мога* ("эр-как-урғочи") вульгар сўзи Алпомишнинг алп қалбини қаттиқ силкитади. Алпомиш туганмас ҳайрат ва ҳасрат билан:

Нар-мога деб мени силкиб соласан,

Жуда ҳам акангни номарг биласан, — дейди. Шунда Қалдирғоч ўша гапларини яна ҳам қаттиқроқ, қамчинлироқ қилиб айтади:

Ҳар ким ўз элида бекми, тўрами,

Нар-могалар сендан камроқ бўлами,

Маргнинг ёри той-талашга қолами?!

Айни шу *нар-мога* сўзи ўзининг қиёссиз таънадор қудрати билан Алпомишнинг юрагидаги ҳамият деган бикир туйғуни тирилтириб, уни Бойчибарга миндиради...

Табийки, нутққа олиб кириладиган ҳар бир сўз ва ибора, албатта, "ишлаши", муайян маънони ифодалаш учун хизмат қилиши лозим. Нутқ таркибига олиб кирилган сўз ёки ибора нутқнинг мазмуний қурилиши учун бир "ғиштча" бўлмаса, у нутқ учун ортиқча юк, демакки, нутқнинг софлигига халақит берадиган кераксиз унсурга айланади. Тилшуносликда паразит сўзлар деб аталадиган бундай бирликлар кўпроқ оғзаки нутқда кузатилади. Айтилмоқчи бўлган фикр-ни етарли даражада аниқ тасаввур қилмаслик, фикрлар ўрта-

сидаги тизимли муносабат идрокининг етишмаслиги, фикрнинг қўйилиб келмаслиги натижасида нутқ оқимида юзага келадиган узилишни, қандай бўлмасин, "ёпиш", тегишли уйғун ифодани ўйлаб топиш учун кетадиган вақтда нутқнинг яхлитлигини таъминлаш эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолатда э-э-э, ҳм-м-м, ҳе-е-е каби товуш "оқим"лари, хў-ў-ўш, ҳалиги, анақа, масалан, *демак, шу, иннайкейин, яъни, айтайлик, билдингизми, тушундингизми, мен сизга айтсам, гап шундаки, қаранг* каби луғатларда аниқ маъноси мавжуд сўз ва иборалар айна маъносидан бегона қилинган тарзда қўлланади. Бундай қўллашлар бора-бора нутқ тузувчида ўзига хос одатга айланиб қолиши ҳам мумкин, масалан, кимдир *ҳалиги*, кимдир *демак*, яна бошқа биров *билдингизми* сўзини оғзаки нутқда паразит сўз сифатида доимий ишлатади. Айтиш мумкинки, бундай сўзлар у ёки бу нотиқнинг сўзлашув услубининг ўзига хос кўрсаткичи бўлиб қолади (ҳатто бу "кўрсаткич" шахснинг лақабига айланиб кетиши ҳам мумкин, масалан, "шу-шу" *домла*, "хўш-хўш" *уста* каби). Бу, албатта, нутқнинг софлигини издан чиқаради, нутқда ифодаланган информацияни қабул қиладиган тингловчининг диққатини чалғитади, нутқнинг ўз мақсадига эришишини қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам, айниқса, ўқитувчи ва асосий қуроли сўз бўлган бошқа мутахассислар паразит сўзларнинг ўз нутқларига кириб қолишидан сақланишлари лозим. Мактаб ўқувчиларида ҳам паразит сўзларнинг нутқий одатга айланмаслиги учун ўқитувчи бу йўналишда доимий иш олиб бориши мақсадга мувофиқ.

Сўз санъаткорлари қаҳрамон характери, маънавий-маърифий савиясини кўрсатишда бадий асарда паразит сўз ва иборалардан ҳам фойдаланадилар.

Расмий иш қоғозлари, умуман, идоровий ёзишмалар услубида доимий қўлланадиган, турғунлашган, қолиплашган сўз, сўз бирикмаси ва иборалар ҳам мавжудки, уларни ишлатишда ақлга куч келмайди, улар айна услубда матн тузишда нутқий одатга айланган. Тилшунослиқда идоровий сўз ва иборалар ёки канцеляризмлар деб юритиладиган бундай birlikлар ҳужжатлар тили учун зарурий унсурлардир, чунки

уларнинг қолиплашганлиги ҳам нутқ тузишни, ҳам бу нутқ-ни жадал тушунишни сезиларли даражада қулайлаштиради. Аммо канцеляризмлар сўзлашув, публицистик ва бадиий нутққа киритилар экан, нутқнинг софлиги анчагина зарар кўради.

Муайян нутқий қўлланишда турғунлашган сўз ва ибораларга ортиқча ружу қўйиш нутқ тузувчининг ўз нутқига эътиборсизлиги, керакли ифодани танлашга эринчоқлиги, таъбир жоиз бўлса, ундаги тафаккур танбаллиги, руҳий-лисоний лоқайдлик, "тайёрга айёр" моясига мойиллик тарзида баҳоланиши мумкин. Бундай нутқда нафақат софлик, балки тирик тил сезгиси ҳам қулоғини ушлаб кетади, унда нутқ тузувчининг ўз тили, кўзи, қулоғи, қисқаси, тайинли қиёфаси ҳам бўлмайди. Бундай нотик жўнгина *Ер ҳайдалди жумласини Ерни сифатли ҳайдаш ишлари муваффақиятли тарзда амалга оширилди* шаклида тузади (Яна ...тўлни тепишни усталик билан амалга оширди, ...бинони таъмирлаш амалга оширилди каби кўплаб ифодаларни эслаш мумкин). Унингча, расмий қолип "қуюшқони" шуни тақозо этади. Чин сўз заргари Абдулла Қаҳҳор "Қуюшқон" асарида бу ҳолат ҳақида шудай ёзади: "Ҳозирги вақтда тилимизнинг бойлигини, унинг қочириқларини ўрганишга эринган, сўз санъатига ҳунар деб эмас, касб деб қарайдиган, бисотидаги бир ҳовуч сўзни йиллар давомида айлантириб кун кўриб юрган бир туркум қалам аҳлининг "фаолияти", чала мулла баъзи олимларнинг "илмий хулоса"лари натижасида ажиб бир тил бунёдга келган. Бу тилда ҳеч ким гапирмайди, зотан, гапириш мумкин ҳам эмас, фақат ёзиб ўқиб бериш мумкин... Бу тилнинг ҳеч қаерга ёзилмаган, лекин амалда жорий бўлган темир қонунига кўра "яхши овқат едим!" деб ёзиб бўлмайди, албатта, "сифатли овқатландим" деб ёзиш шарт. "Папирос чекадиган киши гугуртни олиб юриши керак" деб ёзиш тўғри эмас, "Папирос чекиш одатига эга бўлган киши ўзини тегишчи гугурт билан таъминлаб юриши керак" деб ёзилса тўғри бўлади. Бу тилда латифа айтиб бўлмайди, ёзиб бўлмайди! Бу тилда ҳазилга, мақолга, маталга, ажойиб халқ ибораларига ўрин йўқ. Бу тил ҳар қанақа жонли фикрга кафан кийгизади, ҳар қанақа ўйноқи мазмунни тахтага тортади, ҳар қанақа лекторни ғур-

батнинг уясига, ҳар қанақа аудиторияни ўлик чиққан ҳовлига айлантиради. ...Бир талай журналистлар, редакторлар, нотиклар, лекторлар, агитаторлар сингари бу одам ҳам мазкур тилни расмий, қаердадир тасдиқланган тил деб билар, бу тилда сўзланадиган ўлик нутққа жон киргизгани қилинадиган ҳар бир ҳаракатни "Қуюшқондан ташқари чиқиш" деб ҳисоблар экан. Лекторни, агитаторни ғурбатнинг уясига, нутқни офир юкка айлантирадиган бу "қуюшқон"ни қанча тезроқ улоқтириб ташласак, шунча яхшироқ!"

Табийки, турғунлашган нутқий қолиплардан қутулиш учун, аввало, тафаккурдаги қолиплардан воз кечиш, мустақил ва ижодий тафаккур малакаларини ошириб бориш зарур. Бунга, айниқса, мактабда алоҳида аҳамият берилиши керак. Расмий услубдан бошқа услубларда қўлланган тайёр нутқий қолиплар ўқувчининг ижодий тафаккур кўникмаларининг таркиб топиши, барқарорлашишига халақит беради. Соф нутқнинг гўзал намуналари бўлмиш ҳар жиҳатдан пишпик-пухта бадий асарларни мунтазам мутолаа қилиб бориш, бунда бадий нутқда ўз тажассумини тошган софлик сифатига доимий диққат қилиш ўз самарасини бериши тайин.

Нутқнинг бойлиги

Нутқнинг таъсир қуввати, тегишли ахборотни тингловчига тугал ва қулай, "юқумли" тарзда етказиш имконияти муҳим коммуникатив сифатлардан бўлиши бойлигига ҳам боғлиқ. Бой нутқ тингловчининг жонига тегмайди, балки у бундай нутқни жон қулоғи билан тинглайди.

Нутқнинг бой ёки камбағаллиги унда тилнинг бир-биридан фарқ қиладиган унсурлари (сўзлар, маънолар, интонация, синтактик тузилмалар, иборалар ва ш.к) дан қай даражада фойдаланилганлиги билан белгиланади. Айни бир тил унсури нутқда қанчалик кам такрорланган бўлса, бу нутқнинг бойлик даражаси шунчалик юқори бўлади ёки, аксинча, муайян тил унсурининг такрори кўп бўлган нутқ камбағал ҳисобланади ва унинг таъсири ҳам шунга яраша бўлади. Улуғ Алишер Навоий айтганидек, "Бир деганни икки демак хуш эмас, Сўз чу такрор ўлди, дилкаш эмас". Шунинг учун нутқнинг бу сифати ранг-баранглик тарзида ҳам талқин этилади, яъни бойлик тегишли фикр ифодаси учун қўлланган тил бирликларининг хилма-хиллиги, ранг-баранглиги билан ўлчанишига урғу берилади. Қадимги юнон файласуфи Галикарнаслик Дионисий (эрамиздан олдинги I аср) "Сўзларнинг қўшилиши ҳақида" номли асарида нутқнинг ранг-баранглиги (бойлиги) сифатининг зарурияти тўғрисида шундай ёзади: "Умуман барча ёқимли нарсалардай ҳатто ҳар қандай гўзаллик ҳам тинимсиз такрорланса, жонга тегади; хилма-хил, ранг-баранг ўзгаришларда эса бу гўзаллик мангу янги бўлиб қолаверади."¹

Бой нутқ тузиш учун ифодаларнинг бир хиллигидан қочиш, айни бир тушунча ёки фикрга фарқли-фарқли "либос"лар танлаш ва кийдириш лозим. Бунинг учун эса нутқ тузувчида тил воситаларининг бой ва фаол заҳираси мавжуд бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, нотик етарли даражадаги сўзлар, уларнинг маънолари, сўз бирикмаси ва гап моделлари, жумланинг интонация ва мелодика турлари заҳираларига соҳиб бўлмоғи талаб этилади. Бу заҳира қанча бой бўлса,

¹ Античные риторика. Москва: МГУ, 1978, С.199.

нотик ўз нутқининг мақсадига мувофиқ тарзда ундан мақбул бирликларни танлаш, хилма-хил ифодаларни ишга солиш имкониятига шунчалик кўпроқ эга бўлади.

Лексик, семантик, грамматик, интонацион жиҳатдан рангбаранглик нутқнинг бойлигини юзага келтиради.

Тайинки, фаол луғати қашшоқ бўлган, лексик бисоти учтўрт минг сўздан ошмайдиган кишининг бой нутқ тузиши маҳол. Бой, ширали нутқ туза билмоқ учун, энг аввало, ана шу бисот зангин ва рангин бўлмоғи шарт. Атоқли сўз санъаткорларида, масалан, улуғ Алишер Навоийда 26 мингдан ортиқ,¹ рус шоири Пушкинда 21 мингдан ортиқ² сўз бойлиги мавжудлигини мутахассислар таъкидлайдилар. Албатта, бундай улкан сўз бойлигига эга бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Аммо ўз нутқини бой, таъсирчан, ўткир бўлишини истайдиган ҳар бир киши тасарруфидаги луғат бойлигини кенгайтириб бориш ҳақида қайғуриши лозим.

Бор-йўғи 9 та жумладан иборат ушбу бадиий нутқ парчасида биргина *капалак* сўзи 7 марта такрорланганки, бу ҳол айти нутқнинг лексик жиҳатдан бойлигига путур етказганлигини сезиш қийин эмас: *...Капалакларни айтмайсизми? Бир-бирини қулаб гулдан гулга қўнаётган капалакларга маҳлиё бўлмай иложинг йўқ. Буларнинг ҳаммаси ўткирни бутунлай сеҳрлаб қўйди. Ўткир ўртоқлари билан гул териб юриб, чиройли капалакка кўзи тушиб қолди. Бунча чиройли учмаса. Ўткир капалакни ушламоқчи бўлди. Бироқ кафтлари орасига қисиб ушладим деганда, капалак кўз очиб юмгунча бошқа гул устига пайдо бўларди.*

Ўткир капалакнинг орқасидан қулаб чарчади, кўп овора бўлди. Ахийри капалакни кўздан йўқотиб қўйди (А.Содиқов, "Тоғда" ҳикояси).

Мана бу жумлага эътибор берайлик: *Қўлланмадаги услубий ечимлар машғулот режаси ва машғулот матнидан иборат икки қисмдан иборатдир* (С.Жўраев, Ҳ.Қодиров). Бу жумланинг қашшоқлиги, нафақат қашшоқлиги, балки услубий ғализлиги очиқ кўриниб турибди. Айти бир иборат сўзи

¹ Бафоев Б. Навий асарлари лексикаси. Тошкент: Фан, 1983.

² Головин Б. Н. Основы культуры речи. Москва: Высшая школа, 1988, С. 209.

икки марта такрорланганки, бу нутқнинг бойлик сифатини тамоман ишдан чиқарган. Айни ҳолат, шубҳасиз, нутқ тузувчидаги сўз бойлигининг чегараланганлиги, ўз нутқига эътиборсизлиги маҳсулидир. Аслида мазкур *ибора*т сўзининг бири ўрнида, масалан, *таркиб топган* ёки *ташкил топган* ифодалари қўлланганда, нутқнинг бу қадар қашшоқлиги юзага келмас эди.

Ўзбек тили ҳар жиҳатдан, хусусан, луғат хазинаси нуқтаи назаридан бениҳоя бой ва ривожланган тилдир. Шунинг учун ҳам бу қадим тилда "олдидан ўтганда бугунги Оврупо адабиёти ҳам шапқасини олиб салом бериб ўтадирган" (Фитрат) адабиёт яратилган. Бу адабиёт, албатта, тилимиз сўз ганжинининг хира тортмас кўзгусидир. Тилимизда муайян бир тушунчани ифодалашнинг бир эмас, балки бир қанча, хилма-хил имкониятлари мавжудки, уларни ишга солиш, нутқнинг бойлигини таъминлашга хизмат қилдириш учун мунтазам эътибор ва саъй-ҳаракат лозим бўлади. Ана шу эътибор сусайдими, нутқнинг бойлиги тушунчасининг моҳиятига путур етаверади.

Тилимиздаги ана шундай хилма-хил имкониятларнинг бири синонимия ёки маънодошлик ҳодисасининг бениҳоя кўламдорлигидир. Маълумки, синонимия фақат сўзлар доирасидагина эмас, балки морфологик ва синтактик шакллар доирасида ҳам кенг тарқалган.

Матнда сўз такроридан қочишнинг энг синалган ва мақбул йўлларида бири айни шу сўз маънодошлигидан фаросат ва маҳорат билан фойдаланишдир. Бобурнинг бу борадаги бетакрор санъаткорлиги ҳақида истеъдодли олим М.Олимов шундай ёзади: "Бобурнома" матнини кузатиб, биз шунга амин бўламизки, ҳозирги кунда қалам аҳлига таниш бўлган таҳрир тамойиллари Бобурга асло бегона бўлмаган. У ҳам саҳифалар устида фақат илҳом билан қалам ўйнатган эмас, балки тер тўкиб меҳнат қилган, боқий сўз дунёга келишининг азобли тўлғоқларини бошидан кечирган.

Қуйидаги парчани кўздан кечирайлик: *Кўрғон эли юқоридин буларга дуд қилдилар. Алар тўшукни беркишган била тутун юқори кўрғон элигаўқ ёниб, кўрғон эли ўлум ичи бўлуб, қочиб чиқтилар. Хўш, нега Бобур дастлаб дуд сўзини, кейинги*

жумлада эса худди шу маънодаги тугун калимасини қўлланган? Табиийки, бу бекорга эмас. Биз ҳозир услубшуносликда ўрганадиган ва таҳрир амалиётида риоя қиладиган такрордан қочиш тамойили Бобур учун ҳам қатъий қоида ҳисобланган.

Бобур Фарғона вилояти ҳақида ёзади: *Етти пора қасаба-си бор: беши Сайхун суйининг жануб тарафида, икки шимол жонибида*. Бошқа ўринларда ҳам ушбу тушунчага мурожаат этишга тўғри келганда, *тараф* ва *жониб* сўзлари бир-бири билан ўрин алмашиб келади. Матн мазмуни изн берган ўринларда эса бу сўзларнинг бошқа синонимлари қўлланади.

Қуйидаги парчада *барг* ва *япроқ* сўзлари ўзаро алмашиб келган ва матнга ранг-баранглик бахш этган (таъкид бизники. — Н.М.): *Дарахтларнинг баргини отқа берурлар эди. Анда тажриба бўлдим, бори яфроқлардин тут яфроғи ва қаро йиғоч яфроғи отқа созворроқ эмиш. Ёки: Қалин кишиси ўққа, қиличқа бориб, валаба кишиси иликка тушти, сувда ҳам кўп кишиси ўлди.*"¹

Синонимлар (лисоний ва нутқий) нинг бу туганмас имкониятларидан сўз усталари ҳамиша унумли фойдаланадилар. Мисоллар: *Иккала ўртоқнинг шарақ-шарақ гаплашган, бир-бирларига севинч билдиришган кувноқ ва баланг овозлари бошқа ҳамма унларни босиб кетди... Худо ҳадеб шунақа инсофсизларга берар экан-да! Биз бечораларга ҳам бир нарса узатса-чи!..* (Чўлпон, "Кеча ва кундуз" романи). *Канал кўпригидан ошиб, чўл томонга жиловни бурдим. От негадир тихирлик қилиб, юрмай туриб олди. Жонивор бир-икки қамчиган кейин ҳам олдинга жилиш ўрнига орқасига тисарилиб, тайсалларди* (С.Аҳмад, "Чўл бургути" ҳикояси).

Таъкидлаш жоизки, фақат такрорланган бир сўз ёки бир сўз шаклигина эмас, балки сўз ясалиши ва грамматик шакл ясалишида асос бўлган сўзнинг такрори ҳам нутқнинг бойлик даражасига салбий таъсир кўрсатади. Мана бу жумлаларни кўздан кечирайлик: *Хулоса қилиб айтганда, ислом дини ва фалсафаси янги ахлоқий комилликка интилувчи тарбияни вужудга келтиришга интилди. Бу интилиш ҳамон ўз ку-*

¹ Олимов М. "Бобурнома"да қўлланган синонимлар лугати. Тошкент: Фан, 2004, 15-бет.

чуда қолмоқда (М.Қодиров). Парчада *интилноқ* феъли уч ўринда асос сифатида такрорланган. Биринчи жумладаги *интилувчи* ва *интилди* сўзларидаги асос (*интил*) нинг такрори нутқнинг бойлик сифатини бузган. Матн синтактикази қоидаларига кўра иккинчи жумла таркибидаги *интилиш* сўз шаклининг қўлланиши ўринли, айни сўз шакли (ҳаракат номи) бу оломиши билан биргалиқда мазкур икки жумланинг ўзаро боғланиши учун хизмат қилган, яъни ...*интилди*. Бу *интилиш*... Аммо биринчи жумлада такрор қўлланган *интил*-асоси мавжудлигига кўра бу учинчи қўлланиш нутқ тузувчининг сўз захирасида ифодалар танқислигини янада таъкидлагандай бўлади.

Баъзан ана шундай такрорланган лексик асослар муайян бир нутқий парчадаги ҳар бир жумлада иштирок этадики, бундай нутқнинг бойлиги ҳақида гапириш қийин. *Қизиқ*—асоси тўрт марта такрорланган ушбу мисолда бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин: *Кўпчилик сингари мен ҳам спорт турларидан футболга қизиқаман. Жаҳон ва Европа чемпионатлари, мамлакатимизда ҳамда жаҳоннинг кучли (?) биринчиликларини қизиқиши билан кузатиб бораман. Айниқса, футбол статистикаси билан 25 йиллардан буён қизиқиб келаман. Қизиқарли футбол ўйинларини телевизор орқали томоша қилиш билан бирга футболга оид материаллар ҳам берадиган "Эрудит" газетасини мунтазам равишда ўқиб бораман* ("Хуррият", 2006 йил 18 октябрь).

Муайян бир грамматик шаклнинг керагидан ортиқ такрори ҳам нутқнинг бойлигини таъминлашга хизмат қилмайди. Бир жумла ёки ундан катта нутқ парчасида, масалан, бир келишик шаклининг такрор-такрор, қалашиб келиши нутқни ғариблаштиради, айни пайтда ифодаланмоқчи бўлган фикр ўзанини бирдан идрок этилишини ҳам қийинлаштиради. Мана бу жумлани кўрайлик: *"Амстердам — Пекин" автораллиси йўналишига Ўзбекистоннинг қўшилиши бой маданий меросимиз ва 15 йил олдин ўзининг мустақил тараққиёт йўлини танлаган халқимизнинг бугунги ҳаётига жаҳон жамоатчилигининг катта қизиқишининг яна бир тасдиғи бўлди* ("Ўзбекистон овози", 2006 йил 1 август). Бир жумланинг ўзида 5 та қаратқич келишиги шакли қўлланган. Бу жумлани бой деб

ҳам, англианиши қулай деб ҳам, равон деб ҳам бўлмайди. Ҳолбуки, тилимизнинг грамматик имкониятлари ичига чуқурроқ кирилса, мазкур такрордан қочишнинг минг битта йўлини топиш мумкин. Ҳеч бўлмаганда, *ўзининг мустақил тараққиёт йўли* сўз бирикмасида белгисиз қаратқич келишиги (*ўз тараққиёт йўли тарзида*)ни қўллаш, *халқимизнинг бугунги ҳаёти* сўз бирикмасида *бугунги* сўзини ишлатмасдан белгисиз қаратқич келишиги (*халқимиз ҳаёти тарзида*) дан фойдаланиш, *жаҳон жамоатчилигининг катта қизиқиши* бирикмасидаги мазмунни *жаҳон жамоатчилигидаги катта қизиқиш* шаклидаги бошқа синтактик тузилма орқали бериш билан 3 та қаратқич келишиги шаклдан қутулиш мумкин эди. Морфологик ва синтактик синонимиянинг мавжуд имкониятлари етарлича ишга солинса, бу каби ҳолатларда нутқнинг бойлигини бемалол таъминлаш мумкин.

Муайян бир мазмуний муносабатни хилма-хил синтактик шаклларда ифодалаш мумкин, яъни тилда бунинг учун бой синонимик заҳира мавжуд. Масалан, сабаб муносабатини олайлик, бу муносабат содда гапларда сабаб ҳоли орқали намоён бўлади. Сабаб ҳоли одатда равишдош, равиш, турли келишиклардаги ёки кўмакчилар билан келган от, олмош, ҳаракат номи, сифатдош, тақлидий сўзлар билан ифодаланади, айтиш мумкинки, сабаб муносабатини ифодалайдиган синтактик шакллар ана шундай хилма-хил ва кўп. Бу шаклларнинг фақат биттасинигина нутқда такрор-такрор ишлатиш нутқнинг туссизлигига олиб келади. Бир бадий матндан териб олинган ушбу жумлаларда буни кўриш мумкин: *Унга ётоқхонада ҳозирча бўш ўрин йўқлигини айтишди. Шу боисдан у Бозори гул маҳалласидаги бир ҳовли болохонасини ижарага олди... Элмуродни қишлоғида кўнгли очиқ, феъли кенглигидан талай қизлар ёқтиришарди... Шодлангандан йиғитнинг юраги ўйноқлаб кетди... Элмурод шу куни уялгандан геразани шарт ёнди... ...Дегу ота сервант қизига ёққанлигидан қувониб... ...Хурсанд бўлгандан кўнгли яйраб кетди... ...Прорабнинг сўзини ерда қолдиргандан кўнгли бир оз хижли эди... Тўйга бир қишлоқ йиғитни эргаштириб бораётганигиздан ийманмайсизми?.. Анча-мунча ароқ ичгандан ёноқлари ловуларди... ...Ичимлик кайфиятидан анча дадилланган... ...Иродасини ҳирс довулига тизгинсиз*

нутқизганидан қиз гудоқларидан... бўса оларди... Опаси кўнгли сиққанидан унга айрим юмушларни бужорар... Замира синглисининг хурмати, меҳри ортиб бораётганидан ғоят мамнун эди (С.Равшан, "Манзиллар" қиссаси). Бундай ҳолатда нутқнинг синтактик ранг-баранглиги тамоман йўқолганлигини таъкидламоқ жоиз.

Нутқнинг бойлигини юзага келтиришда тилнинг синтактик воситалари фавқулодда аҳамиятга моликдир. Таъбир жоиз бўлса, синтаксис маъноларнинг хилма-хил ва ранг-баранг қатимларини яхлит бир бутунлик ҳолига келтириб тўқийдиган механизм вазифасини ўтайди. Шуниси янада ҳайратланарлики, бу яхлит бутунликни ҳам фақат бир шакл ёки тусдагина эмас, балки нутқ тузувчи "уста"нинг мақсадига мувофиқ ва маҳоратига боғлиқ ҳолатда турфа шамойил ёки рангларга киритиши мумкин. Ана шу шамойил ва ранглар яхлит бутунлик бўлмиш нутқ бойлигининг пойдор белгилари сифатида намоён бўлади.

Тилимиздаги содда ва қўшма гаплар, мураккаблашган гаплар, уларнинг хилма-хил қолип (модель) лари, бу қолиплар асосида яратилиши мумкин бўлган миллионлаб жумлалар бой нутқ тузиш учун чексиз-чегарасиз имкониятдир. Булардан хабардор кишининг нутқи қурилиши нуқтаи назаридан фақат бир хил қолипдаги жумлалардан таркиб топмайди, яъни бир хил синтактик бирликлар такроридан иборат бўлмайди. Бундай одамнинг нутқи, албатта, синтактик қурилиши жиҳатидан ранг-баранг, демакки, бой бўлади.

Истеъдодли адиблар ўз асарларининг тили устида ишларкан, айни шу синтактик ранг-барангликка алоҳида эътибор берадилар. Катта маҳорат билан яратилган бадиий асарлар синтактик бой нутқнинг ўзига хос намуналаридир.

Абдулла Қаҳҳор асарларининг синтаксиси бу жиҳатдан ҳам улкан ибрат мактабидир. Уларда муайян бир синтактик структура кетма-кет келавермайди, аксар ҳолларда гап структураси кўп тармоқли, яъни халқнинг айни жонли сўзлашувига хос бўлган қурилиш, том маънодаги тирик нутқ. Тирик нутқ эса қашшоқ бўлмайди. Ёзувчининг халқчилиги у қўллаган синтактик бирликларда ҳам яққол кўринади. Мисол: *У аввал немисни қарғади, кейин йиғитган койиғи:*

— Ахир, сени бола-чақанган айирган-ку шу қуриб кет-
гурлар эди, уни отаман деган кишининг нега қўлини тутасан!
Хат ўқиётибди эмиш-а! Бола-чақаси билан қўшмозор бўлмайди!
.. Ўзига ўзи қилибди-га ("Асрор бобо" ҳикояси).

Бундай халқона, ранг-баранг жумлалар А.Қаҳқор асарларида фақат қаҳрамонлар нутқидагина эмас, балки муаллиф нутқида ҳам мунтазам кузатилади. Ёзувчининг деярли ҳар бир жумласида жонли нутққа хос синтактик оҳанг баралла эшитилиб туради, муайян бир гап қолипи кетма-кет қўлланавермайди, аксинча, хилма-хил гап қолиплари доимий алмашилиб келади. Масалан "Қизлар" ҳикояси мана бундай бошланади: Қани бирон холис оғам бўлса, айтсин: бутун Ўзбекистонни қидирганда Нурматжонга ўхшаган йигитдан яна биронта топилармикин? Бўлган тақдирда ҳам у ёшлиғида ойнага қараб, Нурматжондай "мен қанақа хотин олар эканман" деган эмасдир.

Баъзи оғамлар — ҳазилми, чинми — ҳар хил гаплар тарқатишади: ёзда унинг кетидан пашша эргашиб юрар эмиш. Ёлғон! Нима қилади эргашиб? Лабининг икки бурчи ҳамиша оқариб туради дейишади. Бу ҳам... қусур эмас, балки фазилат — маъсумлик нишонаси... Кўриниб турганидай, парчадаги ҳеч бир жумла синтактик қурилиш нуқтаи назаридан бири иккинчисини такрорламайди. Содда гапларнинг ҳам, қўшма гапларнинг ҳам фарқи ва ўзига хос қолипларидан фойдаланилган, уларга асосан тузилган жумлалар ўртасидаги алоқа ҳам жуда мустақам ва табиий. Парчада интонацион ранг-баранглик ҳам ўқувчи диққатини жалб этади, хилма-хил тиниш белгилари бунга ишора қилиб турибди. Айни пайтда қўлланган синтактик бирликлар қурилишидаги ўзига хослик билан боғлиқ ҳолатда ҳам интонацион ранг-баранглик таъминланган. Айтиш керакки, мустақил жумлаларнинг ўзаро боғланиши, бу боғланишни таъминловчи лексик-семантик ва синтактик-функционал воситаларнинг қўлланишида ҳам А.Қаҳқор ижоди ибратлидир. Зотан, нутқнинг синтактик бойлиги ана шу боғловчи воситаларнинг ранг-баранглиги билан ҳам ўлчанади. Матнда такрор-такрор айни бир боғловчи воситанинг қўлланиши нутқнинг қашшоқлашувига олиб келади.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, нутқнинг бойлик

даражасини пасайтирувчи, қашшоқлаштирувчи лексик, семантик, морфологик, синтактик ва интонацион такрорларни ифодалилик, тасвирийлик ва экспрессивликни ошириш мақсади билан атайин қўлланадиган такрорлардан фарқлаш лозим. Кўпроқ бадий ва публицистик нутқда муайян тушунча ёки мазмунни алоҳида таъкидлаш, ўқувчи диққатини тортиш, оҳангдорликка эришиш, ҳиссий ҳолатга урғу бериш каби ниятлар билан боғловчи, сўз, сўз бирикмаси, гаплар такрорланади. Бу усул ўзига хос нутқ фигуралари бўлиб, улар нутқнинг бойлик даражасига салбий таъсир кўрсатмайди, балки ижодкорнинг маҳорати билан ифодалиликни юзага келтирувчи воситаларга айланади. Масалан, қуйидаги шеърий парчаларда буни кўриш мумкин:

*Юрт бу кун карвонлар бошига нордир,
Юрт бу кун Шарқ ичра тенгсиз бир диёр.
Юрт бу кун оҳудай хўп ишвакордир,
Сир каби серавждир, Помиргай пойдор*

(А.Орипов, "Ҳамид Олимжон хотирасига" шеъри).

*Сен борсан — мен учун бу ҳаёт гўзал,
Сен борсан — мен учун дилбар коинот.
Сенсиз қолар эдим зулматга тугал,
Сенсиз қолар эдим буткул бемурог*

(А.Орипов, "Сен борсан..." шеъри).

Эй дўст!

*Учмоқ учун қанот керак, қанот керак,
Қанот керак, лекин уни қоқмоқ керак.
Қоқмоқ керак осмонларни қучмоқ учун,
Қучмоқ учун сабот керак, сабот керак*

(А.Суюн шеъри).

*Истайсизми - йўқми, гардун айлана,
Истайсизми — йўқми, қайтиб келаман.
Соғинмаган кўзингиздан айланай,
Истайсизми — йўқми, сизни севаман*

(И.Мирзо, "Истайсизми - йўқми" шеъри).

Табиийки, нутқнинг бойлик сифати тилнинг фақат муайян бир сатҳига оид ранг-баранглик билан баҳоланмайди. Нутқ лексик, семантик, морфологик, синтактик ва интонацион жиҳатлардан ранг-барангликларнинг жамул жами тарзида шаклланганда, чинакам маънода бой бўла олади. Шунинг учун нутқ тузувчи бу жиҳатларнинг ҳар бирини тугал тасаввур этмоғи мақсадга мувофиқ.

Услублар нуқтаи назаридан олиб қараладиган бўлса, нутқнинг бойлигини таъминлаш учун энг қулай макон бадий услуб эканлиги шубҳасиз. Тўғри, публицистик услуб ҳам нутқ бойлигининг намоён бўлиши учун яхшигина имконият беради. Сўзлашув услубига оид нутқда лексик, семантик ва, айниқса, интонацион ранг-баранглик нотикнинг маҳоратига кўра мунтазам юзага чиқиши мумкин. Илмий ва расмий нутқда эса бойликка қараганда мантиқийлик ва қолиплаганлик устуворлик қилади.

Айтиш мумкинки, бадий нутқ ўз табиати, моҳияти ва мақсадига уйғун ҳолатда бойликка мойиллиги билан ажралиб туради. Қашшоқ нутқ ҳеч қачон эстетик таъсир қувватига соҳиб бўла олмайди, эстетик қувватсиз эса бадий нутқ ўзининг бош вазифасини бажариши мушкул. Шунинг учун ҳам ҳақиқий сўз санъаткорлари асар тилининг бойлиги устида муттасил меҳнат қилганлар, тинимсиз изланганлар, тилнинг турли сатҳларидаги ранг-барангликнинг бетакрор имкониятларини кашф этганлар. Чинакам бой, рангин нутқнинг нодир намуналарини яратганлар. Бадий адабиётимиз тили жамиятимиз аъзоларининг бой нутқ тузиш синоатларини ўрганишлари учун битмас-туганмас манба, ўзига хос мактабдир. Бу беназир мактабнинг аълочи ўқувчилари бўлиш ўзини маданиятли, маърифатли, маънавиятли кўрмоқни ис-таган ҳар бир кишининг бурчидир.

Нутқнинг жўялилиги

Агар нутқ ўзида барча коммуникатив сифатларни мужас-сам этсаю ҳар жиҳатдан жўяли, яъни ўз ўрнида бўлмаса, у мақсад манзилига бориб етмайди. Жўялилик йўқ жойда нутқнинг бойлик, аниқлик, ифодалилик каби муҳим сифатларининг моҳияти йўқолади.

Шарқнинг буюк пандномачиси Кайковуснинг шундай ўгити бор: "...Тилингни яхши ҳунар била ўргатғил ва мулойим сўздин бошқа нарсани одат қилмағил. Нединким, тилга ҳар нечук сўзни ўргатсанг, шуни айтур, сўзни ўз жойида ишлатғил, сўз агар яхши бўлса, аммо ноўрин ишлатилса, гарчанд у ҳар нечук яхши сўз бўлса ҳам ёмон, нобоп эшитилур (таъкид бизники. - Н.М.). Шунинг учун беҳуда сўзламағилки, фойдасиздур. Бундай бефойда сўз зиён келтирур ва ҳар сўзки ундан ҳунар иси келмаса, бундай сўзни гапирмаслик лозим. Ҳақимлар дебдурлар: "Сўз бир нашъадур, ундан хумор пайдо бўлур".¹

Халқимиз донолигининг бебаҳо ёмбилари, ўктам ўзбек сўзининг кўрки бўлмиш мақол ва маталарда ҳам аини фикр бот-бот таъкидланган. Уларнинг айримларига қулоқ тутайлик: "Сўзга тушмаган сўзни айтма, Созга тушмаган — ғазални"; "Жўяли сўз жўясин топар, Жўясиз сўз иясин (эгасин) топар"; "Жўяга туя ҳам чўқади"; "Ўринли сўзга туя чўқади, Ўринсиз сўзга ҳамма сўқади".² Нотиқ нутқ тузар экан, "туянинг чўкиши ва ҳеч кимнинг уни сўкмаслиги" учун нутқнинг жўясини, ўрнини аниқ тасаввур қилиши шарт. Масалан, кимнингдир оғир касаллиги ёки вафоти ҳақидаги фикрни ифодалаш учун тузиладиган нутқда ортиқча чиройлилик, жимжимадорлик, кўтаринкилик, тантанаворлик бўлмаслиги лозим, акс ҳолда нутқ жўяли ҳисобланмайди.

Нутқнинг жўялилиги, айтиш керакки, нутқий мулоқотда жиддий аҳамиятга эга. Бу сифат ("уместность речи") рус тилшуноси Б.Н.Головин томонидан жуда яхши белгиланган.³

¹ Кайковус. Қобуснома. Тошкент: Мерос, 1992, 22-23-бетлар.

² Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Тошкент, 1990, 381, 382, 457-бетлар.

³ Головин Б.Н. Основы культуры речи. Москва: Высшая школа, 1988, С. 227.

Бу тавсифни ҳам ҳисобга олган ҳолда нутқнинг айна сифатини шундай таърифлаш мумкин: **жўялилик** тил воситаларини шундай танлаш, уларни шундай алоқалантириш ва бири бири билан боғлашки, бунинг натижасида нутқ конкрет мулоқотнинг мақсади ва шароитларига тамомила жавоб берадиган тарзда таркиб топади. Айна таърифдан келиб чиқилса, жўяли нутқ ифодаланмоқчи бўлган ахборотнинг мавзуси, унинг мантиқий ва ҳиссий мазмуни, тингловчи ёки ўқувчилар таркибининг ёш, ижтимоий, маданий-маърифий ва бошқа хусусиятлари, ёзма ёки оғзаки нутқнинг хабар бериш, тарбиявий, эстетик ва шу каби вазибаларига тўла мос келиши асосида юзага келади.

Қадимги юнон файласуфи Галикарнаслик Дионисий нутқнинг жўялилиги ҳақида гапирар экан, муайян бир мазмун учун танланган айрим сўзлар ва уларнинг қўшилиши ўринли, бошқалари эса ўринсиз бўлишини таъкидлайди ва борлиқнинг ўзи бунга мисол эканлигини айтиб, шундай ёзади: "...Ахир, биз жаҳлимиз чиққанда ва хурсанд бўлганимизда, нолиганимизда ва кўрққанимизда, бошимизга бахтсизлиги мусибат тушганида ва қайғусиз, сокин хаёлларга чўмганимизда айнан бир хил сўз ва сўз қўшилишларидан фойдаланмаймиз-ку."¹ Албатта, ҳар қандай тилда фикрни айна ҳолатларга уйғун, яъни жўяли ифодалаш учун етарли лисоний воситалар мавжуд.

Нутқ услублари ҳақида гап кетганда, уларнинг ҳар бири учун хосланган тил воситалари борлиги ҳамиша таъкидланади. Масалан, бир услубга хосланган сўз, ибора, синтактик қурилма ёки шу каби бирликнинг бошқасига ўтказилиши ножоиз, ўринсиз ҳисобланади. Бундай ҳолатларни услубий жўялиликнинг бузилиши тарзида баҳолаш мумкин.

Бу ўринда айтиш керакки, жўялилик сифатини ўрганишда нутқнинг ёзма ва оғзаки шаклларини фарқлаш лозим, чунки бу нутқ шаклларида жўялилик ўзига хос тарзда намоён бўлади. Маълумки, ёзма ва оғзаки нутқнинг воқе бўлиш шароитлари бир хил эмас, шунга кўра бу икки нутқ шаклининг

¹ Античные риторика... С.200.

ўзига хосланган бирликлари, грамматик шакллари, синтактик қолиплари бор. Бу ҳолатни ҳисобга олмаслик натижасида ҳам нутқнинг жўялилигига путур етиши мумкин.

Ёзма нутқда кўп қўлланадиган, демакки, унга хосланган юқорига кўрсатиб ўтилганидек, юқорига айтиб ўтилганидек, юқорига кўрганимиздек, қуйида кўриб ўтамыз, қуйидаги гуруҳларга бўлинади, мазмуни қуйидагича шаклидаги бир қанча синтактик қурилмалар мавжуд. Албатта, улар фақат ёзма нутқда жўяли, лекин бу иборалар оғзаки нутқ таркибига кираркан, нутқнинг жўялилиги тамоман бузилади. Оддий мантик билан қаралса, ёзма нутқ қоғоз (ёки бошқа материал) га битилган бўлади, сатҳ, макон нуқтаи назаридан моддийлик касб этади. Сатҳ, макондагина "юқори" ва "қуйи" тушунчалари маънога эга. Аммо оғзаки нутқнинг моддийлиги маконга эмас, балки замонга, вақтга кўрадир, яъни оғзаки нутқ талаффуз пайтидагина мавжуд. Шундай экан, замонга нисбатан "юқори" ва "қуйи" тушунчалари маънога эга эмас. Замон "олдин, аввал, илгари" ва "кейин, сўнг" каби тушунчаларни ўз ичига олади. Кўринадики, ёзма нутқдаги, масалан, *Юқорига таъкидланганидек, мустақилликни истамайдиган халқ йўқ* тарзидаги жўяилик сифатини мужассамлаштирган жумла оғзаки нутқда *Аввал (илгари, олдин) таъкидланганидек, мустақилликни истамайдиган халқ йўқ* шаклида берилса, нутқнинг жўялилиги жойида бўлади.

Баъзан кишиларнинг оғзаки нутқида *Юқорига сўзга чиққанларнинг ҳамма яхши тилакларига биз ҳам қўшилиб, юбиларни чин дилдан табриклаймиз* қабилдаги жумлалар учрайдики, *юқорига сўз шакли туфайли нутқнинг нафақат жўялилиги, балки мантиқийлиги, тўғрилиги, аниқлиги* каби сифатлари ҳам издан чиқади. Бу нутқ жўяли ва бошқа сифатларга ҳам эга бўлиши учун, масалан, *Олдин (олдинроқ, биздан олдин, бизгача) сўзга чиққанларнинг ҳамма яхши тилакларига биз ҳам қўшилиб, юбиларни чин дилдан табриклаймиз* шаклида бўлиши лозим эди.

Нутқ тузишда ифодаланмоқчи бўлган ахборотнинг мавзуси, унинг мантиқий ва ҳиссий-руҳий мазмуни аниқ тасаввур қилинмоғи ва ана шуларга уйғун ҳолатда тил восита-

лари танланмоғи керак. Мавзуга, мантикий ва ҳиссий мазмунга мувофиқ бўлмаган ҳар қандай тил бирлиги, синтактик структура, интонация, ҳатто метафора, метонимия, эпитет, ўхшатиш каби бадиий тасвир воситалари, мақол, матал, турли иқтибосларнинг нутқда бегоналиги, бежоллиги жуда тез билинади ва бундай нутқни жўяли деб бўлмайди.

Айтайлик, яқин кишисини йўқотган одамнинг ҳиссий-руҳий ҳолати маълум. Шундай одамдан кўнгил сўраш, унга таъзия билдириш учун тузиладиган нутқда "ўлмоқ" маъносини ифодалаш учун айнан ўлмоқ сўзини танлаш ўринли эмас, бу сўз сўзловчи ва тингловчи мулоқотидаги мантикий-ахлоқий муносабат руҳига мос эмас. Бу мазмундаги нутқнинг жўялилигини таъминлаш мақсадида мазкур сўзнинг *вафот этмоқ, бўлмай қолмоқ, ўтиб қолмоқ, оламдан ўтмоқ, оламдан кўз юммоқ, у дунёга кетмоқ, боқий дунёга рихлат қилмоқ* каби "юмшоқроқ" (эвфемистик) муқобиллари қўлланади.

Бадиий тасвир воситаси сифатида нутққа олиб кириладиган ўхшатиш ҳам фикр мантиғи ва ҳиссий-руҳий ҳолат билан тўлиқ уйғунлик касб этмаса, нутқнинг жўялилиги ҳақида гапириш қийин. Атоқли рус адиби М.Ю.Лермонтов ўзининг машҳур "Замонамиз қаҳрамони" романининг дастлабки вариантыда ошиқ офицер Грушницкийнинг мундиридаги эполетлар (махсус погон) ни иккита котлетга ўхшатади. Романнинг кейинги таҳририда эса бу ўхшатишдан воз кечади ва ошиқ Грушницкийнинг эполетларини Амурнинг қапотчаларига ўхшатади. Таъкидлаш жоизки, биринчи ўхшатиш жуда ҳам аниқ ва конкрет, чиндан ҳам, эполетлар шаклан котлетга айнан ўхшайди, аммо ошиқ қаҳрамоннинг ҳиссий-руҳий ҳолати билан мутлақо боғланмайди; иккинчи ўхшатиш эса ошиқнинг руҳий ҳолати билан ассоциатив алоқадорликка эга, яъни Амур — юнон афсоналарида севги худоси демакдир. Шунинг учун ҳам айна шу кейинги ўхшатиш бежо ёки бетаъсир эмас, балки беҳад жўяли ва таъсирлидир.

Чўлпон "Кеча ва кундуз" романида, масалан, Раззоқ сўфининг энг мудҳиш, фожиавий руҳий ҳолатини тасвирлар экан, ўринли, қаҳрамон руҳиятига монанд ўхшатишларни қўллай-

ди. Мана бир мисол: *Пиёладаги чойни ярим қолдириб, кўчага чиққан вақтида сўфи ўз-ўзини таниёлмай қолди. Оёқлари хугди тобут кўтариб бораётган мусулмоннинг оёғидай бир-бирига тегмасиди.*

Нутқдаги ҳар қандай қиёслаш ҳам ўз ўрнида бўлиши лозим. Ноўрин қўлланган қиёслаш нутқнинг жўялигига салбий таъсир қилади. Масалан мана бу жумладаги қиёслашни жўяли деб бўлмайди: *Киши ҳаётини сақлаб қолиш етти қаватли иморат қуришдан ҳам мураккаброқ, дейишади* ("Хуррият", 2006 йил 5 июль). Аввало, ҳеч ким бундай демайди, халқ орасида бундай маталнамо ибора йўқ, демак, *дейишади* сўз шакли жоиз эмас. Бундай қиёслашнинг жўяли эмаслиги шундаки, киши ҳаётини сақлаб қолиш, албатта, мураккаб ва шарафли иш, аммо унинг мураккаблигини айнан етти қаватли иморат қуриш билан солиштиришнинг бирон-бир мантиқий асоси ҳам, меъёрга дахлдор маъноси ҳам йўқ. Нега олти ёки саккиз, ўн, йигирма қаватли иморат қуриш қиёс эталони сифатида олинмаган? Кўринадики, мазкур жумлада нутқнинг жўялилик сифати оқсоқ.

Мана бу парчага эътибор берайлик:

— *Кечирасиз, ўзингизни таништирмадингиз.*

— *Асли фарғоналикман. Исмим Камола. Ҳозирга иккинчи оилам билан Тошкентда яшайман.*

— *Ўз туғилган жойингдан олисда яшашнинг ҳам азоблари бор...*

— *Албатта. Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл деганлари ҳақ экан* ("Хонадон", 2006 йил 24 август).

Бу нутқий парчадаги *Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл* мақоли ўз ўрнида қўлланмаган, чунки бу каби вазиятларга мақолнинг мазмуни мувофиқ келмайди. Табиийки, Фарғона ва Тошкент бошқа-бошқа юртлардаги шаҳарлар эмас. Нутққа олиб кириладиган мақол-маталдир, турли ҳикматли сўзлардир ёки асарлардан олинган иқтибослардир, албатта, нутқ вазияти, руҳияти ва мантиғи билан уйғун бўлсагина, жўяли нутқ сифатини ола билади.

Ўз нутқининг жўяли бўлишини истаган киши нутқ тузар экан, бу нутқни тингловчи ёки ўқувчининг ёши, ижтимоий

мақоми, маданий-маърифий савияси каби жиҳатларни ҳам назардан қочирмаслиги зарур. Айниқса, ўқитувчи бу борада жуда ҳушёр бўлиши, ўз ўқувчилари учун ибрат кўрсатиши мақсадга мувофиқ. Унинг ҳар бир жумласи ана шу жиҳатларни тўласича ўзида мужассамлаштирган намуна даража-сида тузилиши керак.

Кичкинтойлар нутқини ўстиришга бағишланган қўлланмада (С.Жўраев, Ҳ.Қодиров) жўялилик сифатидан маҳрум бўлган анча-мунча жумлаларни кўриш мумкин. Масалан, боғча болалари учун *Соғлиқда кўришайлик! Омон бўлсак, албатта, кўришамиз!* каби ибораларни ўрганиш тавсия этилган. Ҳолбуки, бу жумлалар боғча ёшидаги бола нутқи учун мутлақо хос эмас, бола тилида улар жўяли нутқ сифатига соҳиб бўла олмайди. Улар бола нутқида ҳатто чучмал, кулгили эшитилишини исботлаш керак эмас. Бундай жумлалар катталар, кексалар нутқидагина мазкур сифатни ола билади. Ёки яна бир жумлани кўрайлик: *Машғулот давомига "яхши" ва "аъло" баҳолар олган болаларни тарбиячи ўз олдига чақириб, миннатдорчилик билдиради.* Бу жумлада *миннатдорчилик билдирмоқ* ибораси ножўя қўлланган, шунинг учун нутқини жўяли деб бўлмайди. Боғча боласи ва тарбиячи ўрта-сидаги ёш ва мақом фарқи мазкур иборани қўллашга монелик қилади, бундай ўринда жўялилик сифати *рағбатлантирмоқ* сўзини ишлатишни тақозо этади.

Умуман, нутқнинг жўялилик сифатини таъминлаш учун нутқ тузувчи нутқий вазиятни, ўзи ифодамоқчи бўлган мазмунни, тингловчининг турли хусусиятларини, мулоқотнинг ижтимоий-маданий, ахлоқий-эстетик жиҳатларини етарли даражада тасаввур этмоғи лозим.

Нутқнинг ифодалилиги

Нутқнинг бу сифати баъзан таъсирчанлик тарзида ҳам талқин этилади. Аммо таъсирчанлик кенг қамровли тушунча бўлиб, у яхлит яхши нутққа хосдир. Табиийки, ҳар қандай нутқнинг асосий мақсадларидан бири тингловчи ёки ўқувчи онгига таъсир этишдан иборат. Бу мақсадни амалга оширишда эса нутқнинг муайян бир сифати эмас, балки барча коммуникатив сифатлари у ёки бу даражада иштирок этади. Зотан, тўғри ёки аниқ бўлмаган, бой ёки мантиқий бўлмаган, соф ёки жўяли бўлмаган нутқнинг таъсирчанлиги ҳақида гапириб бўлмайди. Лекин айти пайтда нутқнинг таъсирчанлигини таъминлашда ифодалилик сифатининг алоҳида, ҳатто ҳал қилувчи ўрин тутишини таъкидламоқ жоиз.

Нутқ тингловчи ёки ўқувчининг қуруқ қулоғини эмас, балки қалб қўрғонини, ақл қалъасини забт этмоғи учун, энг аввало, унинг таркиби ва қурилиши диққатни тортадиган, қизгин қизиқиш уйғотадиган бўлиши лозим. Бу эса айти ифодалилик сифатининг моҳиятини тайин этадиган хусусиятдир. Бошқача қилиб айтганда, **ифодалилик** нутқнинг таркибий тузилиши ва бошқа лисоний хусусиятларига кўра тингловчи ёки ўқувчи диққатини ўзига жалб қила олишдан иборат коммуникатив сифатидир.

Нутқнинг турли услублари бу коммуникатив сифатга турли даражада эҳтиёж сезади. Масалан, расмий иш қоғозларида ифодалиликка нисбатан камроқ эътибор қилинса, илмий услубда ўрни билан бир қадар бу сифат керак бўлади. Айниқса, ижтимоий-гуманитар фанлар муаммолари ёритилар экан, нутқнинг ифодалилиги айрича аҳамият касб этади. Тил назарияси ва поэтика масалалари бўйича фундаментал тадқиқотлар яратган машҳур рус, кейинчалик америка филологи Р.О.Якобсон (1896-1982) поэтика ва услубшунослиқдан узоқ тилшунос ҳам, лингвистика муаммоларига лоқайд қарайдиган адабиётшунос ҳам ўзини замонавий олим дейишга ҳақли

эмас деб ҳисоблаган. Ўзи эса айни шу ақидага қатъий амал қилган, шунинг учун ҳам асарларини жуда ҳам қизиқарли, диққатни ушлаб турадиган, ифодалиликка бой тарзда ёзган, ўта ифодали нутқ билан баҳслашган ва фикрига қўшилмаганларни ҳам ишонтириб, ўз томонига оғдирган. Унинг ижодини ўрганган олимлар "унинг назарий ва методологик концепциясидаги ички зиддиятлар қисман шунинг учун ҳаммаша ҳам тадқиқотчилар эътиборини тортмаган бўлиши мумкин"лигини таъкидлайдилар.¹

Табийки, ташвиқот характеридаги маъруза ёки дарс жараёнидаги баён нутқида ҳам ифодалилик алоҳида заруриятга айланади. Ўқитувчи дарс мавзусини тушунтирар экан, ўз нутқининг ифодалилигига эътибор бермаса, ифодалиликни таъминлайдиган воситалардан фойдаланмаса, нутқи қуруқ, ширасиз, жозибасиз бўлади ва натижада бундай нутқ ўқувчи диққатини торта олмайди. Мавзу аслида қанчалик қизиқарли бўлмасин, мазкур ифодалилик сифатидан маҳрум нутқ сабаб ўқувчида тайинли қизиқиш уйғонмайди, дарс тингловчи учун зерикарли бир юмушга айланади. Ўз-ўзидан ўқувчи бундай дарснинг тезроқ тугашини кутади, ундан қутулиш умиди билан вақт ўтказади.

Ифодалилик, айниқса, чинакам бадий нутқнинг бениҳоя зарурий сифатларидандир. Зотан, таъкидлаб ўтилганидек, айнан бадий нутқда тилнинг эстетик вазифаси биринчи планга чиқади, бутун кўлами билан намоён бўлади. Бу вазифанинг амалга ошишида эса айнан нутқнинг ифодалилик сифати фавқулодда муҳим ўрин тутади.

Тилда ифодалиликни юзага келтиришга хизмат қиладиган имкониятлар жуда ҳам кўп ва хилма-хил. Бундай имконият ҳеч бир истисносиз тилнинг барча сатҳларида мавжуд. Тилнинг товуш қурилиши, сўз хазинаси, морфологик шакллари, синтактик бирликлари, интонация, услуб кабиларнинг ҳар бири нутқ ифодалилигининг битмас-туганмас манбаларидир. Нутқ тузувчи бу манбаларнинг моҳияти, табиати ва уларни унумли ишга солиш усулларида етарли хабардор бўлса, нутқ-

¹ Будагов Р.А. Портреты языковедов XIX — XX вв. Москва: Наука, 1988. С. 284-285.

нинг ифодалилик сифатини таъминлашга қийналмайди.

Алоҳида эстетик мақсад билан қўлланган бир товуш, бўғин, урғу каби фонетик бирликлар нутқда ифодалиликка хизмат қиладиган воситаларга айланади. Масалан, *Қўрқмайман!* жумласи ва унинг *Қўрқ-май-ман!* тарзида бўғинлаб айтилган варианты ўртасида ифодалилик жиҳатидан анча-мунча фарқ бор, албатта, бўғинланган жумла сезиларли даражада ифодали, демакки, таъсирли. Ёки адабиётшунослиқда аллитерация, ассонанс деб юритиладиган унли ва ундошлар такрори натижасида нутқда юзага келадиган ифодалиликни эслайлик. Ҳасос сўз устаси Э.Воҳидовнинг ушбу тўртлигидаги қ ундошининг такроридан туғилган ифодалилик, дилбар бир оҳангдорлик ҳам диққатга, ҳам ҳайратга молик:

*Қаро қошинг, қуюқ қошинг, қийиқ қайрилма қошинг, қиз,
Қилиб қатлимға қасг, қилич қайрар қотил қарошинг, қиз.
Қафасга қалб қушин қийнаб, қанот қоқмоққа қўймайсен,
Қараб қўйгил қиёким, қалбни қиздирсин куёшинг, қиз.*

Тилнинг сўз хазинаси нутқий ифодалиликнинг ўзига хос асосий манбаларидан биридир. Аммо тилнинг луғат бойлиги ҳақида гап кетар экан, луғавий бирлик ҳисобланмиш фразеологик иборалар устида ҳам тўхталмоқ жоиз, чунки сўз билан фразеологик иборалар солиштирилганда, ибораларнинг ифодалилик нуқтаи назаридан катта имкониятга эга эканлигини сезмаслик мумкин эмас.

Фразеологик ибораларнинг экспрессивликка, образлиликка, алоҳида ифодалиликка эга бўлмаган кўринишлари тилда айтарли йўқ даражада. Шунинг учун ҳам ўзбек тили фразеологияси илмига тамал тошини қўйган Ш.Раҳматуллаев ибораларни "нутқимиз кўрки" деб таърифлайди.¹ Иборалар маъно ҳажми, қамрови жиҳатидан ҳам сўзга нисбатан устунликка эга. Бу муносабат билан А.Ҳожиев шундай ёзади: "Фразеологизмлар сўзлар каби яхлит бир маъно (белги, ҳаракат кабиларни) ифодаласа-да, лекин фразеологик маъно кўп жиҳатдан лексик маънодан фарқ қилади. Шу сабабли фразе-

¹ Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. Тошкент: Фан, 1970.

ологизмлар сўзларга синоним бўлган ҳолларда ҳам фразеологик маъно билан лексик маъно бир-бирига тенг бўлмайди. Қийёсланг: *ўтакетган* – *уччига чиққан, беқиёс(жуга)* – *ер билан осмонча, албатта* – *турган гап, ҳеч қачон* – *икки гунёга (ҳам), яширин (хуфия)* – *енг ичига*. Келтирилган фразеологизмлар ўз синонимлари бўлмиш сўзларга нисбатан, биринчидан, маънони кучли даража билан ифодаласа, иккинчидан, улар образлилик оттенкасига эга.

Умуман, фразеологик маънонинг ҳажми лексик маънонинг ҳажмига нисбатан кенг, мураккаб бўлади. Кўпгина фразеологизмлар маъносида сўзнинг маъносида йўқ компонент бўлади. Масалан: *ёқасини ушламоқ, бошига ёнғоқ чақмоқ, ер-кўкка ишонмаслик* оддийгина ҳайрон бўлиш, азоблаш, ардоқлаш эмас, балки ортиқ даражада ҳайрон бўлиш, ниҳоят даражада азоблаш, ўта даражада ардоқлашдир. Демак, бу фразеологизмлар маъносида "ўта (ортиқ) даражада" компоненти бор".¹

Нутқнинг ифодалилигини таъминлашда фразеологик иборалар яна шунинг учун ҳам бетакрор воситадирки, улар "ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни кузатиш, жамиятдаги мақбул-номақбул ҳаракат-ҳолатларни баҳолаш, турмуш тажрибаларини умумлаштириш асосида халқ чиқарган хулосаларнинг ўзига хос образли ифодаларидир".² Сўз санъатининг усталари тилдаги бу воситадан унумли фойдаланадилар. Масалан, *кутмаган сўзи етти ухлаб бир тушига кирмаган* ибораси билан маънодош, аммо ибора ифодалилик жиҳатидан сўздан устун. Айни маънода иборани қўллаш нутқнинг ифодалилигини таъминлаши табиий: *Мингбоши ҳайрон бўлиб қолди. Бу етти ухлаб бир тушига кирмаган фикр эди. Кўзини кенг-кенг очиб, меҳмонга қаради* (Чўлпон, "Кеча ва кундуз" романи). *Ҳеч қачон сўзи ва туянинг гуми ерга текканда* ибораси ўртасидаги экспрессив фарқ янада сезиларлидир: *Отабой туянинг гуми ерга текканда ош қилиб беради, — деб пўнғиллади Қўзибой энсаси қотиб* (С.Аҳмад, "Тўйбоши" ҳико-

¹ Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 139-бет.

² Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. Тошкент: Маънавият, 2002, 39-бет.

яси). Кўпинча ёзувчи иборанинг таркибини ўзгартириши, янгилаши, бошқачароқ қилиб тузиши ва шу тарзда ифода-лиликни янада кучайтириши мумкин. Биргина мисол, Чўлпон ўз романида кўз-қулоқ бўлиб турмоқ иборасини кўз-қулоқ қилиб бермоқ тарзида ўзгартириб қўллаган, бу нутққа алоҳида образлилик бахш этган: *Маслаҳат натижасида қайнона билан келин уйда қоладиган бўлиб, икки-уч ойдан бери буларникида яшайдиган қариндошлардан Саврибиби деган кампир қизларга кўз-қулоқ қилиб берилган эди.*

Маълумки, фразеологик иборалар маъноси улар таркибидagi сўзларнинг тўғри маънолари умумлашмасидан иборат бўлмайди, балки фразеологик маъно мазкур сўزلардан бири ёки бир нечасини муайян бир образ асосида кўчма маънода қўллаш орқали юзага келади. Ижодкорлар ибора таркибидagi сўзларнинг тўғри маъноларини "тирилтириш" ва уларни фразеологик маъно билан қаршилантириш йўли орқали кулги чиқариш, ўзига хос образлиликни яратишга ҳам ҳаракат қиладилар. Ўткир ўзбекча кулгининг ҳадисини олган С.Аҳмаднинг "Чучвара" ҳажвиясидан олинган ушбу парчада буни кўриш мумкин: *Мажлисда унга:*

— *Сен бола, чучварани хом санаб юрибсан. Шошма ҳали, жўжани кузда санаймиз. Бу қанақаси, сирканг сув кўтармайдиган бўлиб қопти, — дейишди...*

Энди менга навбат! Менинг шаънимга жуда кўп ножўя гапларни айтдинглар. Ҳаммасига жавоб тайёр: чунончи, сиркаси сув кўтармайди, деддинглар. Нимага шама қиялганларингни биламан. Узумчилик звеносида ишлаганимда сирка солганман. У сув кўтарадими, йўқми, ўзим биламан. Иккинчи масалага ўтайлик: жўжани кузда санаймиз, деддинглар. Бундан икки йил олдин парранда фермасини учма-уч қилиб топширганман. Жўжаси ҳам, хўрози ҳам тўпла-тўғри чиққан. Энди учинчи масала: чучварани хом санайди, дейсизлар. Мана шу гап менга оғир ботди. Қани айтинглар-чи, менинг чучвара санаётганимни ким кўрипти? Кимнинг уйига кириб, чучварасига қўл теккизибман? Вообше, мен чучвара емайман...

Сўзнинг ифодалиликни таъминлашдаги имкониятлари ҳам бениҳоя катта. Тақлидий (ва тасвирий) сўзларни олиб кўрай-

лик. Маълумки, товушга ёки образга тақлид асосида юзага келган сўзлар тилдаги энг содда ва қадимий сўзлар ҳисобланади. Тилшунослиқда тилнинг пайдо бўлиши борасидаги талқинларда тақлидий сўзлар масаласига ҳам алоҳида ўрин берилади. Ҳатто тил табиатдаги хилма-хил товушларга тақлид қилиш натижасида пайдо бўлган деган қараш ҳам мавжуд. Айтиш жоизки, муайян предметга хос бўлган товушли ҳаракат, асосан, тақлидий ўзакли феъл билан ифодаланади. Бундай сўзлар тегишли предметни жуда аниқ, тиниқ тасаввур қилиш имконини беради, ўша предметнинг товуши ёки образи қулоқлар остида акс садо бериб туради. Ана шу маънода тақлидий сўзларнинг нутқдаги ифодалилик, бадийлик қуввати беқиёсдир. Мана Алпомишнинг Барчинни озод қилишга отланиб, шижоат билан елиб бораётгани тасвирланган бадий нутқ:

*Дубулға бошда гунгуллаб,
Карк қубба қалқон қарқиллаб,
Тилла поянак урилган
Узангиларга шарқиллаб,
Бегов отлари гирқиллаб,
Олғир қушдайин чарқиллаб,
Қўлда найзаси сўлқиллаб,
Юрмоқчи узоқ йўлига,
Қарамай ўнгу сўлига,
Етсам деб ёрнинг элига,
Силтаб юради Бойчибор...
Йўл юрар давлатли шунқор.*

Сўзларни кўчма маънода қўллаш ҳам нутқ ифодалилигини таъминлаш учун туганмас манбадир. Кўчма маънонинг деярли барча асосий ҳолатларда эмоционал-экспрессив бўёқдорликка эга бўлиши маълум. Мана бу жумлага эътибор берайлик: *Мен ҳар гал Матёқубникига борганимга унинг хонасига киришдан аввал ўн-ўн бешта китобни харид қилиш учун ажратиб қўйган бўлардим. Лекин уларни силаб-суйлаб, варақлаб кўриб, яна қайтариб берардим — кармон курғур унча*

семиз эмас эди (О.Шарафиддинов, "Снайперликдан — академикликка" мақоласи). Иккинчи жумланинг кармон курғур унча семиз эмас эди қисми алоҳида ифодалиликка эга. Бу ифодалилик эса семиз сўзининг кўчма маънода қўлланиши ҳисобига юзага келган (албатта, бунда оғзаки нутққа хос курғур сўзининг ҳам иштирокини таъкидлаш мумкин). Айни қисмдаги фикр бундай қўлланишсиз, яъни *Кармонимда пул кўл эмас эди* шаклида ифодаланганда эди, нутқнинг ифодалилик сифати бўй кўрсатмаган бўларди.

Нутқда сўзларни кўчма маънода ишлатишнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд бўлиб, улар кўчимлар (ёки троплар) номи билан умумлаштирилади. Кўчимларнинг асосида икки нарса ёки тушунчани қиёслаш ётади, яъни икки нарса ёки тушунча ўртасидаги муайян муносабат (ўхшашлик, умумийлик, алоқадорлик каби) асосида тасвирийлик, ифодалилик, аниқликни кучайтириш мақсади билан улардан бирининг номи иккинчисига кўчирилади. Шунинг учун ҳам кўчимлар ўзига хос тасвирий воситалар сифатида нутқнинг ифодалигини таъминлашда алоҳида ўрин тутлади.

Нутқнинг ифодалилигини таъминлашга хизмат қиладиган ана шундай тасвирий воситалардан бири эпитет бўлиб, уни сифатлаш ҳам дейишади. Бунинг сабаби шуки, эпитет нарса ёки тушунчанинг белги-хусусияти, сифатини аниқ, равшан ва образли ифодалайди, айни пайтда бу ифода экспрессив-эмоционаликка эга бўлади. Эпитет тилдаги мавжуд имкониятта кўра фақат нутқда воқеланади. Масалан, *темир қошиқ* бирикмасидаги *темир* сўзи ўз маъносида, бу сўз, айттайлик, "*Темир хотин*" (Ш.Бошбековнинг асари номи) бирикмасида эса кўчма маънода, яъни эпитетдир. Мазкур эпитет нутқнинг эмоционаллиги, экспрессивлигини, демакки, ифодалилигини ошириши аниқ, *Бардошли хотин*, *чидамли хотин*, *тоқатли хотин* каби ҳолатларда *темир хотин* бирикмасидаги маъно умуман ифодаланар, аммо тушунчанинг қамровлилиги, ифодалилик, образлилик тамоман йўқолади. Айтиш мумкинки, эпитетлар асосида ҳам қиёс ётади, яъни уларни қисқарган ўхшатишлар дейиш мумкин. Бошқача айтганда, юқоридаги мисолга қайтсак, *темир* билан *хотин* чидам-

лилик белгисига кўра қиёсланган, яъни *темирдай чигамли* (*бардошли, тоқатли*) *хотин* тарзидаги ўхшатиш конструкциясини тасаввур қилайлик, қиёс учун асос бўлган "чигамлилик" белгиси аввало темирга хос, *темир* сўзи айни белгининг эталони сифатида тўғридан-тўғри *хотин* сўзига сифатловчи тарзида қўлланган. Кучли экспрессивликка эга ва мазкур белгиларни қабариқ ҳамда бошқа икир-чикирлари билан ифодаладиган кўчма маъно воқеланган. Нутқда эпитетнинг юзага келиши механизми, асосан, шу зайдда бўлади. Бадиий нутқда эпитетлар ўзига хос бадиият воситаси сифатида фаол қўлланади. Бир неча мисол: *Ҳолбуки, у ўзини билмасган ва ҳеч нарса ўйлаёلمасган телба қадамлар билан битта-битта босиб илгари юрарди* (Чўлпон, "Кеча ва кундуз" романи). *Лабларимга, пешонамга сезаман муз нафасин* (Зулфия). *Олтин Ўзбекистон тупроғи бу кун Бир пари фаслининг оғушида маст* (А.Орипов, "Ўзбекистонда куз" шеъри). *Қўрғошин хаёллар эзади бағрим, жанда умидларга соламан ямоқ* (Фахриёр, "Аёлни эсламоқ..." шеъри).

Кўчимларнинг энг кенг тарқалган турларидан яна бири метафорадир. Бунда нарса ёки тушунчалар ўртасидаги ўхшашлик асосида ном кўчади. Масалан, *қозоннинг қулоғи* бирикмасидаги *қулоқ* сўзининг маъноси метафорик маъно, чунки у одамнинг қулоғига ўхшашлиги асосида юзага келган. Лекин айни сўзнинг бу маъноси тилда доимий метафорага айланган, яъни турғунлашган, мазкур тушунчанинг номига айланиб, тилнинг луғат бойлигидан жой олиб бўлган. Шунга кўра бундай метафора нутқнинг ифодалилиги нуқтани назардан қимматта эга эмас. Метафора қанчалик янги, оҳорли, тугилмаган бўлса, шунчалик ифодали бўлади. Моҳир сўз усталари ўз асарларида сўзларни метафорик маънода қўллаш орқали ифодали, образли нутқнинг гўзал намуналарини яратадилар. Қуйидаги мисолларда буни кўриш мумкин: *Зотан, уларнинг ўзларини унутар даражада бир-бирлари билан бу хилда ўйнашувлари ўша ғам-ғашлар пуржинасининг бўшалиши, сиқинтилар оқимининг тўғонни бузиб олдинга томон йўл солиши эмасмиди?!* (Чўлпон, "Кеча ва кундуз" романи). *"Телбанинг ишини ўнглайди худо", йилларнинг оғзига сақич*

бу нақл (И.Тўлаков, “Мақол” шеъри). *Манглайи тиришар зинапоянинг, Панжара кўйлайди мисоли чилтор, Терлаб кетганини кўрсанг ойнанинг..* Ҳамма нарса сени кутар интизор (И.Мирзо, “Изимдан судралиб” шеъри).

Таъкидланганидай, метафора нарса ёки тушгунчалар ўрта-сидаги ўхшашлик асосида юзага келади, лекин қиёсланувчилардан фақат бирининг, яъни ўхшатиш эталонининг номигина лисоний ифодаланади, метафорик кўчма маъно айти шу сўзда воқеланади. Шунга кўра метафорани яширин ёки қисқарган ўхшатиш ҳам деб номлашади. Айти пайтда нутқда тўлиқ (яъни қиёсланувчиларнинг ҳар иккиси ҳам, ўхшатиш асоси ва ўхшатиш кўрсаткичи ҳам лисоний ифодаланган) ўхшатишлар ҳам борки, улар ҳам нутқ ифодалилигини таъминлашга кўмаклашадиган тасвирий воситалар сирасига киради.

Бадий нутқнинг ифодалилиги нуқтаи назаридан қаралганда, ўхшатишларнинг *мусичадек беозор (огам), айиқдай қўпол (йигит), тошдай қаттиқ (нарса), муздай совуқ (сув), қордай оппоқ (ранг)* каби қўлланиши анъанага кириб қолган, ҳаммага маълум бўлган турларидан кўра нутқ тузувчининг, ижодкорнинг ўзи томонидан яратилган, яъни хусусий-муаллиф ўхшатишлари аҳамиятлироқдир. Тўғри, мазкур анъанавий ўхшатишлар ҳам нутқнинг ифодалилиги учун маълум даражада хизмат қилади. Масалан, *мусичадек беозор огам* бирикмаси *беозор огам* бирикмасига нисбатан, *айиқдай қўпол йигит* бирикмаси *қўпол йигит* бирикмасига нисбатан, *тошдай қаттиқ нарса* бирикмаси *қаттиқ нарса* бирикмасига нисбатан ифодалироқ, экспрессивроқ эканлиги кўриниб турибди. Шунинг учун одатдаги нутқнинг ифодалилигини таъминлаш учун улардан ҳам фойдаланиш лозим. Аммо нутқнинг, айтиқса, бадий нутқнинг ифодалилигини кучайтириш учун хусусий-муаллиф ўхшатишлари алоҳида аҳамиятга моликдир. Ижодкорнинг бевосита ўзи яратган, унинг ўткир кўзи, кўламли тасавури ва бепоён тахайюли, зийрак кузатишлари маҳсули сифатида юзага келган ва ўз ўрнида қўлланган ўхшатишлар бетакрор образларнинг гўзал ифодачиларига айланади, ҳаққоний таъсирли тасвир учун хизмат қилади,

нутқда кучли поэтик мазмун касб этади. Мана бу парчага эътибор берайлик:

*Мен ипак қурти каби
Хаёлимга ўралдим,
Туйғуларнинг гирдоби
Орасига йўқолдим*

(Ойбек, "Шоир билан суҳбат" шеъри).

Парчада мураккаб ҳиссий ҳолатнинг гўзал ва реал тасвири берилган, бу ҳиссий ҳолатнинг асосий ва ажойиб мазмуни биринчи икки мисрадаги кутилмаган, фавқулодда ўзига хос ўхшатишда нозик ифодасини топган. *Ипак қурти* каби тарзидаги ўхшатиш эталони ниҳоятда оригинал, айтиш ҳолат ифодаси учун жуда мос. Маълумки, ипак қурти ипак чиқариб ўзини ўзи ўрайди ва пилла ҳосил бўлади, ўзи эса оппоқ пилла ичида пинҳон бўлади. Шоир эса ўз хаёлига ўралади, у пилладай оппоқ хаёллар ичра пинҳон бўлади. Теран ва таранг тасвир, ҳақиқий ойбекона ўхшатиш. Айтиш мумкинки, мазкур ўхшатиш ҳиссий ҳолатнинг бениҳоя эмоционал расмини чизиш имконини берган. Яна мисоллар: *Сўфининг тани шу тонга Арабистон товларининг саратондаги тошларидай қизиб ёнарди* (Чўлпон, "Кеча ва кундуз" романи). *Унинг хумор билан куйиб ёнган мияси шошилиш поезднинг ўтхонасидай тез ва соат механизмасидай мунтазам ишларди* (Чўлпон, "Кеча ва кундуз" романи). *Шеър тўқийман ўргимчак каби муҳаббатнинг толаларидан* (Фахриёр, "Руҳнинг кўланкаси" шеъри). *Майдалаб ўрилган сочлардек згатларга таралган сувлар – най кўксидан оқётган оҳанглар каби сирли-сирли жилдирайди* (И.Тўлаков, "Пахтазорни соғинганда" шеъри). *Кўнглим ҳам бу кеча ойдай яримта* (А.Орипов, "Баҳор" шеъри).

Сўз усталари баъзан ўхшатиш асосини умумлаштирган ҳолда ўхшатиш яратадилар, бунда ўхшатишнинг мазмун ҳажми янада кенгаяди. Бундай ўхшатишларда қиёсланувчилар муайян бир белгига кўра эмас, балки барча белгиларига кўра, яъни умуман ўхшатилади. Масалан, ҳассос адиб Ойбек "Ҳамза" номли достонида Шоҳимардон қишлоғининг

ўтмишдаги манзарасини тасвирлар экан, шундай ўхшатиш яратади:

*Пастга қишлоқ, тошларга қапишибди зич –
Фақир уйлар қалдирғоч инлари каби.*

Шоир фақир уйларни қалдирғоч инларига ўхшатади. Албатта, қалдирғоч инларининг ўхшатиш эталони сифатида танланиши Ойбекнинг тийрак нигоҳи маҳсулидир. Агар фақир уйлар тўлиғича тавсифланадиган бўлса, ҳатто бир-икки саҳифа ҳам камлик қиларди ва шунда ҳам бу ўхшатиш эталони ифодалаганидай ёрқин ва таъсирли тавсиф юзага келмаган бўларди. Фақир уйлар қалдирғоч инларига бир эмас, балки бир неча, яъни гуваладан қурилганлик, кичиклик, кўрimsизлик, осилганлик каби белгилар асосида яхлит ҳолатда ўхшатиш, мазкур ифода аниқлик билан бир қаторда экспрессив бўёққа ҳам эга. Мана яна бир ойбекона ўхшатиш:

*Мана сувга тушар полвон қиз,
Тўлқинларни ҳеч писанг қилмай...
Сочлар сувга қора илонгай*

(“Қизлар” шеъри).

Кўчимларнинг яна бир тури бўлмиш метонимия тасвирий восита сифатида нутқнинг ифодалилигини таъминлашга хизмат қилади. Нарса ёки тушунчалар ўртасидаги муайян алоқадорлик асосида бирининг номи билан иккинчисининг аталиши метонимиянинг моҳиятидир. Масалан, *Дастурхонга қаранг!* жумласидаги *дастурхон* сўзи метонимик қўлланган, яъни дастурхондаги ноз-неъматлар назарда тутилган. Бадиий нутқдан олинган қуйидаги мисоллардаги метонимия туфайли юзага келган ифодаликка эътибор қилинг: *Унинг айтишича, мингбоши етиб боргунча қишлоқнинг қарийб ярми қирилиб битади* (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи). *Қўлтиқда Пастернак ё Пушкин, Ҳисларга учади дилгирлик* (Ойбек, “Бўш куним...” шеъри). *Бу ерга термулиб паришон дунё Тўғрилаб олади қўлда соатин* (А.Орипов, “Кенглик нуқтаси” шеъри).

Нарса ёки тушунчалар ўртасидаги бутун-бўлак муносабати асосида бирининг номини иккинчисига кўчириш тарзида талқин этиладиган синеқдоха ҳам ифодалилик учун хизмат қилади. Масалан, *Бу киши тирноққа зор жумласидаги тирноқ сўзи синеқдоха йўли билан "фарзанд" кўчма маъносида қўлланган, яъни нутқда "бўлак"(тирноқ) номи билан "бутун"(фарзанд) номланган. Аммо бу тасвирий восита ўзбек нутқида у қадар кенг тарқалган эмас. Айрим мисоллар: Шоп мўйлов ўрнидан туриб кетди: - Нафисамисан? Вой-вой, - деб юборганини ўзи билмай қолди* (С.Аҳмад, "Баҳор қизлари" ҳикояси). *Дўстлар эшиги ҳам тақ-тақ ёпилай, Фуссали қалб у ён гар қўйса қадам* (А.Орипов, "Бахтиёр..." шеъри). *Шундай ўтиб борар умримиз бекор... Орамизда сарсон бир жуфт қора кўз* (А.Орипов, "Ёндиму ва лекин..." шеъри).

Муболаға ва кичрайтириш ҳам бадий тасвир воситаларидан бўлиб, улар ҳам кўчма маънога асосланади. Муболағада нарса, белги-хусусият ошириб, бўрттириб ифодаланса, кичрайтиришда улар ҳаддан ортиқ даражада кичрайтириб тасвирланади. Ҳар икки тасвирий восита ҳам ифодалиликка хизмат қилади, тингловчи ёки ўқувчи диққатини дарҳол жалб этади. Халқ оғзаки ижодиёти, бадий адабиёт, сўз усталари нутқида бу тасвирий воситалар анчайин кенг қўлланади. Қуйидаги парчалардаги муболағага эътибор қилинг: *Оҳ урарман, оҳ урарман, Оҳларим тутсин сени. Кўз ёшим дарё бўлиб, Балиқлари ютсин сени* (Халқ кўшиғи). *Совчининг кўплигидан остонаси ейилиб кетган дейдилар* (Чўлпон, "Кеча ва кундуз" романи). *Иложин топса агар, кетмонинг дастасин ҳам Ерга қадаб, термулиб, кўкартиргувчи бу халқ. Жазм этса кўкка бўяр жаҳон харитасин ҳам, Бугун чўлга чиқибди, нияти топсин барҳақ* (А.Орипов, "Қарши кўшиғи" шеъри). Ушбу парчаларда эса кичрайтириш қўлланган: *Тариқдай заминнинг устида беун Яшаб ўтди шундоқ буюк бир юрак* (А.Орипов, "Номаълум одам" шеъри). *Шу замон кўзингиз олдида бирдан Кичик чумолича қолгуси Фарҳод... Юз йилда қайтибди бундай фалокат, Юз йил-ку тарихга — қошнинг ораси* (А.Орипов, "Авлодларга мактуб" шеъри).

Нутқнинг ифодалилиги, таъсирчанлигини оширишда киноя ("ирония" ҳам деб ҳам юритилади, турли кўринишларга

эга) ҳам алоҳида ўрин тутади. Бунда сўз ёки ибора ўз маъносига тамомила қарама-қарши бўлган кўчма маънода ишлатилади. Киноя сўзловчининг тасвирланаётган нарса ёки тушунчага кесатикли, пичингли, истехзоли, умуман, салбий муносабатини ифодалаш воситаларидан бўлганлиги учун ҳам сўз ёки иборанинг тўғри маъносига зид, яъни инкор, салбий бўёқли маъно воқеланади. Бундай киноявий маънонинг воқеланишида нутқ вазияти, контекст ва интонациянинг ҳам алоҳида роль ўйнашини таъкидламоқ лозим. Масалан, *Бугун жуғрофия ўқитувчиси дарсга келмади. Хомтоқ қиламан деб сўридан йиқилиб, оёғини синдирипти. Ажойиб "хушхабар"дан кейин бир зумда синф бўшади-қолди* (С.Аҳмад, "Бир ўпичнинг баҳоси" ҳажвияси) парчасида хушхабар сўзи "шумхабар" тарзидаги киноявий маънода қўлланган. Кинояда сўз ёки иборанинг тилдаги маъноси билан нутқда реаллашган кўчма маъноси ўртасидаги зидлик кучли таъкид олади ва шунга кўра бирданига диққатни жалб этади. Қуйидаги мисолларда ҳам бунни кўриш мумкин: *Ёзув машинаси бўлмаган терговчи маҳкамасининг мирзаси бечора протоколни жуда зўр диққат ва ҳафсала билан кўчирган. Ори рост, ерли халқнинг номларини ёзишда у ҳам чаласавод болаларнинг ишини қилади, яъни "Акбарали" деган сўзни бир жойда "Умарали", яна бир жойда "Амир ўғли", яна бир жойда "Қамбар вали" деб юборади* (Чўлпон "Кеча ва кундуз" романи). *Эртасига эликбоши Қобил бобони бошлаб қайнатаси — Эгамберди пахтафурушнинг олдига олиб борди. Пахтафуруш чолнинг ҳолига кўп ачинди ва ерини ҳайдаб олгани битта эмас, иккита хўкиз берди, лекин "кичкинагина" шарти бор. Бу шарт кузда маълум бўлади* (А.Қаҳҳор, "Ўғри" ҳикояси). — *Икромжон акамни қамоққа олиб кетишди. Ҳамма нарсани хатлаб кетишди.*

Ҳожар деразадан бош суқди:

— *Келиннинг оёғи "қутлуғ" келди-га! Ҳа, қадами "ёқди"* (С.Аҳмад, "Пойқадам" ҳажвияси).

Кўчимларнинг яна бир тури жонлантириш бўлиб, унда инсонга хос хусусиятлар жонсиз ёки мавҳум нарсаларга

нисбатланади, яъни жонсиз нарсалар инсонлар каби ҳаракат қилади, ўйлайди, гапиради. Бу тасвирий восита ҳам нутқнинг ифодалилигини оширишга хизмат қилади. Жонлантириш кўпроқ халқ оғзаки ижодиёти, бадий адабиётда кузатилади. Мисоллар:

Чўлтоқ ҳассасини ўқталиб Ҳасоғ

Илҳомнинг бошига туширди чунон:

— *Ким қўйибди сенга парвозни, номарг,*

Бизлар ер юзига юрсак саргардон (А.Орипов, "Шоир ва илҳом" шеъри). *Супурги етган жойидан нарига ўтмасдан ерга ёнбошлади* (Чўлпон, "Кеча ва кундуз" романи).

Нутқнинг ифодалилик сифатини юзага келтирадиган кўчимлар, тасвирий воситалар жуда ҳам хилма-хил, ранг-барангдир. Табиий, улар фақат юқорида кўриб ўтилганлар билангина чегараланмайди. Айтиш лозимки, нутқнинг ифодалилигини таъминлаш ҳақида ўйланар экан, албатта, мазкур тасвирий воситаларнинг меъёрини ҳам унутмаслик керак. Муайян бир матнда бу тасвирий воситаларнинг барчасини қалаштириб ташлаш, ўринли-ўринсиз уларга мурожат қилавериш нутқнинг ифодалилигига, таъсирчанлигига салбий таъсир этиши тайин. Керагидан ортиқ қўлланган тасвирий воситалар нутқнинг чучмаллашувига олиб келади.

Тилнинг фақат лексик сатҳигина эмас, балки синтактик сатҳи ҳам нутқ ифодалилигини таъминлашда бениҳоя кенг имкониятларга эга. Синтактик қурилмаларнинг ранг-баранглиги, синонимикаси ифодалиликни кучайтиришга қанчалик хизмат қилса, муайян бир синтактик бирликнинг атайин қилинадиган такрори ҳам бу жиҳатдан шунчалик диққатга сазовор. Ифодалиликни юзага келтиришда синтактик фигуралар, гапдаги сўз тартиби, интонацион воситаларнинг ролини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Ифодали нутқ тузиш малакасини шакллантиришда тилдаги барча воситалар — лексик-семантик, лексик-синтактик, синтактик, интонацион воситаларнинг имкониятларини тўғри ва тўла тасаввур этиш муҳимдир.

Ўқитувчининг нутқ техникаси

Тўлиқ, мукамал шакланган, талаб даражасидаги нутқ техникаси ўқитувчининг умумий нутқий маданиятининг энг муҳим узви, таъбир жоиз бўлса, тамалларидандир. Жонли, товушли нутқ ва унинг барча унсурларини тўғри воқелантириш кўникма ва малакаларининг жами нутқ техникаси демақдир. Бунда овознинг сифати, нутқ жараёнида тўғри нафас олиш, товуш ва товуш қўшилмаларини аниқ талаффуз қилиш, аниқ дикция каби бир қатор ҳодисалар назарда тутилади. Нутқ техникасидаги бош масала овоз масаласидир. Асосий қуроли нутқ бўлган ҳар қандай одам учун овоз ҳал қилувчи аҳамиятта молиқдир.

XIII аср Шарқининг улкан адиби Шайх Саъдий Шерозийнинг машҳур "Гулистон" асарида шундай бир ҳикоят бор: "Санжарийя масжидида бир киши рағбат билан азон айтар эрди, бир овози биланки, эшитганлар андин нафрат этардилар. Масжиднинг соҳиби бир амир эрди, одил ва хушхулқлик. Хоҳламас эрдик, анинг кўнглини мукаддар айласа, айди: "Эй жавонмард, бу масжиднинг қадимги муаззинлари борки, ҳар бирининг беш тилло вазифаси бордур. Сенга ўн тилло берурмен, токим бўлак маҳаллага кетарсен". Бу сўзга иттифоқ айладилар ва муаззин кетди. Бир муддатдин сўнгра амирнинг ҳузурига қайтиб келди ва айди: "Эй амир, менга зулму ситам айладингки, ўн тилло билан мени бу маҳалладин жўнатдинг. Ул маҳаллаки, мен бордим, менга йигирма тилло бердиларки, бўлак маҳаллага кетсам қабул этаюрмен". Амир кулди ва айди: "Асло олмағайсен, зероки элик тиллога ҳам рози бўлурлар".¹ Ёқимсиз овоз кишиларни ўзига жалб қилмайди, чақирмайдигина эмас, балки бундай овоздан барча қочади, ҳамма вақт ҳар ким ундан қутулмоқ пайдан бўлади.

¹ Саъдий Шерозий. Гулистон (Мулло Муродхўжа таржимаси). Тошкент: Фан, 2005, 177-179-бетлар.

Машҳур рус олими М.В.Ломоносов ўзининг "Нотиқлик бўйича қисқача қўлланма"сида нотиқ бўлиш учун, аввало, табиий қобилият зарурлигини, табиий қобилият эса руҳий ва жисмоний турларга бўлинишини айтади. Олим жисмоний қобилият деганда баланд ва ёқимли овоз, узун нафас ва бақувват кўкрак, шунингдек, соғлом тана ва келишган қоматни назарда тутади.¹

Бугунги кунда сиёсатчиларнинг имижи ("қиёфаси")ни яратишда бир қанча ташқи омиллар қаторида уларнинг овоз тембри ҳам муҳим эканлиги алоҳида таъкидланади.² Умуман, сиёсатчими, ўқитувчими, актёрми, журналистми, ким бўлишидан қатъи назар, унинг оғзаки нутқида барча коммуникатив сифатлар мавжуд бўлса-ю овозида у ёки бу нуқсон сезилса, бундай нутқ таъсир кучини камида ярмига йўқотади. Айтиш мумкинки, бир кишигами, юз кишигами, боринги, минг кишигами, бунинг фарқи йўқ, ўзгага хитобан айтилган ҳар қандай нутқда овознинг, овоз сифатининг ўрни фавқулодда муҳимдир.

"Табиий жисмоний қобилият" сифатидаги, айтايлик, хирқироқ, чийилдоқ, шанғироқ каби овозларнинг ёқимли бўлмаслиги, яъни тингловчи қулоғини қийнаши тайин. Бундай ёқимсиз овоздан "либос кийган" фикрнинг каттагина қисми нутқ идрокининг ўта сезгир ва нозик дарвозаси бўлмиш қулоқдан ўтолмай ташқарида қолади. Бу, албатта, нутқ эгаси кўзлаган мақсад — муайян бир ахборотни тингловчига тугал ва таъсирли тарзда етказиш учун қулай шароит яратмайди, балки унга монелик қилади. Бу эски ҳақиқатни асло ёддан чиқармаслик лозим. Табиатан ана шундай "қулоқни қийнайдинг" овозга эга бўлган одам ўз ишининг самарасидан чинакам ҳузур туюши, Шайх Саъдийнинг "Гулистон"идаги муаззин ҳолига тушмаслиги учун фаолиятининг асосий қуроли нутқ бўлмаган бошқа касбларнинг эгагини тутгани маъқул.

Сир эмаски, фаолиятининг асосий қуроли нутқ бўлган касблар орасида ўқитувчилик биринчи ўринда туради, бунинг устига, ўқитувчилар сони ҳам айни тур касбларнинг

¹ Ломоносов М.В. Сочинения. Москва: Современник, 1987, с.238.

² Абдуллаев Б. "Қиёфалар" жанги ёхуд имижни ким яратади? — "Хуррият", 2006 йил 6 декабрь.

бошқаларида машғул бўлганлар сонидан сезиларли даражада ортиқдир.

Ўқитувчининг овози, талаффузи, дикцияси, умуман, тирик нутқи ҳамиша ўқувчилар, айниқса, кичик синфлардаги ўқувчилар учун ўзига хос эталон, намуна вазифасини бажаради. Ўқитувчининг тирик нутқидаги, каттадир, кичиқдир, ҳар қандай нуқсон ўқувчи назаридан четда қолмайди, дарҳол унинг диққатини тортади. Бундай нуқсон ўқитувчи нутқида мунтазам кузатилса, ўқувчи ўқитувчидан ноҳақ бўлса-да, ранжиган ҳолларида мазкур нуқсон асосида уни сиртдан калака, мазах қилишгача бориши мумкин. Масалан, ўқувчилар ўзаро ана шундай ўқитувчи ҳақида гаплашганда, уни мазкур нуқсонли овоз, талаффуз ёки дикция билан эслашадик, бу умумий тарбия жараёни учун ҳам ижобий ҳолат эмас, албатта.

Касбига садоқатли ўқитувчи ўз ўқувчиси кўзи ўнгида қусурсиз ва қадрли устоз имижини яратиш, уни сақлаш учун ҳамиша нутқининг фонетик расолиги ҳақида қайғуриши зарур. Тўғри, туғма хирқироқлик, чийилдоқлик каби овозни ёқимсиз қиладиган жиҳатлардан тамоман қутулишнинг иложи йўқ. Аммо нутқ техникасини етарли даражада билмаслик оқибатида юзага келадиган нуқсонлардан фонетик билимлардан хабардорлик, овозни йўлга қўйиш (русчада "постановка голоса"), аниқ талаффуз қилиш, нутқ жараёнида тўғри нафас олиш бўйича турли машқлар ёрдамида имкон қадар халос бўлиш мумкин.

Машҳур қадимги юнон нотифи Демосфеннинг дастлаб овози паст, талаффузи ёмон, нафаси қисқа бўлганлигидан чиройли ва таъсирли нутқ айта олмаганлиги ҳақида тарихчилар ёзганлар. Бу соҳани чуқур ўрганган олим С.Иномхўжаев таъкидлаганидек,¹ кейинроқ Демосфен нутқ техникаси асосларини эгаллашга жуда жиддий киришган. У бир ертўла қазиб, шу ертўлада овозини ривожлантириш, дикция, декламация бўйича ойлаб машқлар қилади. Талаффузидаги нуқсонлар, "р" товушини айтолмаслик, баъзи товушларни ноаниқ айтиш кабиларни бартараф этиш мақсадида оғзига майда тош-

¹ Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. Тошкент: Ўқитувчи, 1982, 86-87-бетлар.

ларни солиб, шеърлар, турли матнларни ўқиш билан шуғулланади. Овозини ривожлантириш, овоз аппаратларини чиқиштириш учун эса тепаликларга югуриб чиқиб, югуриб тушиб, нафасини ушлаб турган ҳолда шеърларни декламация қилади. Демосфен гапираётганда бир елкасини ҳадеб кўтаравериш одатидан қутулиш учун ертўласининг шифтига учи ўткир ханжарни осиб қўйиб, елкасини ханжарнинг айна учига тўғрилаб туриб, машқларини давом эттиради. Ана шундай машаққатли ва мунтазам машқлар туфайли Демосфен нотикликнинг чўнг чўққисини забт этган.

Ўқитувчи нутқида кузатиладиган камчиликлардан бири фонация жараёнида, яъни нутқ ҳосил бўлиш пайтида нафас олишдаги тартибсизликлар билан боғлиқ. Фонация жараёнида нафас олиш ва нафас чиқариш фазалари шундай йўлга қўйилиши керакки, нафас олиш зўриқишсиз, бир қадар жадалроқ, нафас чиқариш эса текис, бир меъёрда ва давомлироқ кечиши лозим. Нафас чиқариш қанчалик давомли, узун бўлса, шунчалик яхши. Зотан, товуш, нутқ айна шу нафас чиқариш жараёнида ҳосил бўлади.

Фонацияда нафас олиш ва нафас чиқариш фазаларининг кетма-кетлиги, алмашиниш тартибини тўғри тасаввур этмоқ керак. Бу фазалар билан нутқнинг ҳажмий ва, албатта, мазмуний-эстетик қурилиши ўртасидаги мутаносибликни тўғри белгиламаслик оқибатида нафаснинг етмай қолиши, шунга кўра бир нафас билан яхлит айтилиши лозим бўлган нутқ парчасининг бўлиниб кетиши, манتيқий мазмунни бузадиган ноўрин паузанинг пайдо бўлиши каби нуқсонлар ўртага чиқади. Масалан, *Қадимий ва бой тилимизнинг софлигини сақлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир* жумласи айтиларкан, масалан, *ҳар сўздан кейин нафас тутаб қолса, иложсиз, нафас олиш учун тўхталиш мажбурияти пайдо бўлади, бу эса жумланинг нотўғри бўлинишига олиб келади. Ёки баъзан нотўғри тақсимланган нафас жумланинг охирига бориб етмай қолса, жумладаги сўнги сўз "ямланиб" талаффуз қилинади, сўзловчи худди бўғилиб қолгандай, жуда қийналгандай туюлади, бу тингловчи учун ҳам сезиларди даражада қийноқ туғдиради.*

Яна бир мисол. Одам ўта ҳаяжонланганида, қаттиқ қўрққа-

нида ёки оғир мусибат ичида бўлганида, умуман, турли ҳиссий ҳолатларга тушганида сўзларкан, нафас олиш ва нафас чиқариш фазаларини назорат қила олмай қолади. Бунинг натижасида нормал фонация учун нафаси тўғри тақсимланмайди, кўпинча оддий бир сўз учун ҳам нафаси етмай қолади. Табиийки, унинг нутқи, сўзлари, товушлари ғайриодатий бир шаклларда воқеланади. Ўқитувчи бундай ҳолатларни ҳам ҳисобга олиши мақсадга мувофиқ. У дарс жараёнида кераксиз ҳиссиёт ва ҳаяжонларини жиловлаб олиши керак, акс ҳолда бу ҳолатлар унинг нутқига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши мумкин.

Нутқ техникасини эгаллашда умумий тарзда бўлса-да, фонетик билимлардан бохабарлик зарур. Маълумки, товушнинг физик-акустик хусусиятлари унинг баландлиги, кучи, тембри (бўёқдорлиги), чўзиқлиги каби сифатлардан таркиб топади. Ҳар қандай оғзаки нутқнинг яшашини таъминлайдиган интонациянинг просодик унсурлари бўлмиш нутқ мелодикаси, нутқ ритми, нутқ темпи (тезлиги), нутқ тембри каби тушунчалар асосида ҳам мазкур физик-акустик хусусиятлар ётади. Масалан, "нутқда овознинг (тоннинг) баланд-паст тарзда тўлқинланиши мелодикани юзага келтиради, мелодика эса гапнинг ифода мақсадига ёки эмоционаликка кўра турларини белгилашда, синтагмаларни, кириш сўз ёки киритма гапларни ифодалашда муҳим восита саналади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тебраниш частотаси нутқда бошқа акустик воситалар (урғу, тембр, темп кабилар) билан муносабатта киришиб, мураккаб товушни ҳосил қилиши ҳам мумкин, бундай мураккаб товушлардан эса турли экспрессив-стилистик мақсадларда, айниқса, шеърый мисралардаги товуш товланишларини таркиб топтиришда фойдаланилади".¹ Ўқитувчи ўз нутқида бу фонетик имкониятлар ва қонуниятларни тўғри ва ўринли намоён эта билиши лозим.

Айрим ўқитувчилар кўпинча дарс жараёнида бошқа жойлардагига қараганда анчайин баланд овозда гапирадилар. Бу йўл билан гўёки синфдаги шовқинни "босиб" қўйгандай

¹ Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. Тошкент, 2004, 23-бет.

бўладилар. Аммо бу усулнинг таъсири барибир у қадар катта бўлмайди, фақат ўқитувчининг овоз аппарати кераксиз зўриқади, ўзи тез чарчайди. Яна баъзи ўқитувчилар борки, улар дарсда деярли паст овозда сўзлайдилар. Бунда ҳам ўқитувчининг ўзи қийналади, аммо сезиларли самарага эришмайди, фақат бундай овоз бўғиқ, туссиз эшитилади ва ўқувчининг диққатини ушлаб турмайди.

Тажирибали ўқитувчи фақат баланд ёки фақат паст овозда дарс ўтмайди. Товушларнинг баландлиги, кучи, тембри ва чўзиқлигидан иборат акустик сифатларининг турли даражалари (бу даражаларнинг диапазони жуда кенг)ни баён қилинаётган ахборотнинг мазмуни ва табиати, айти пайтда синфдаги ўқувчиларнинг руҳи-кайфиятига мувофиқ равишда модуляция қилади, яъни алмаштириб туради. Ана шу тарзда монотон, қуруқ, ифодалиликдан маҳрум нутқ шаклидан қутулади ва нутқнинг оҳангдорлиги, таъсирчанлигига эришади.

Ўқитувчининг нутқ техникаси билан боғлиқ нуқсонлардан яна бири нутқ темпи, тезлигини тўғри белгиламаслик ёки тезлик-секинликнинг мақсадга кўра мўътадиллигини сақлай олмасликдан иборат. Нутқнинг темпи, албатта, баён қилинаётган материалнинг моҳиятига, ифодаланаётган фикр структурасига уйғун бўлиши мақсадга мувофиқ, акс ҳолда, яъни ўқитувчи материални фақат жадал темпда баён қилса, ўқувчи ахборотни ўзиники қилиб олишга, ахборот таркибидagi муҳим жиҳатларни ўз вақтида илғашга, тўла идрок этишга қийналади. Бошқача қилиб айтганда, ўқувчининг идрок суръати ўқитувчининг нутқи тезлигидан орқада қолади, унга "етиб юролмайди". Зотан, ўқитувчи нутқидagi меъёридан ортиқ жадал темп дарс бериш методикаси қоидалари учун ҳам бегонадир. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятлари, айти дарс пайтидаги руҳияти, чарчаган ёки чарчамаганлиги, материални қандай қабул қилаётганлигидан келиб чиққан ҳолда нутқ темпини танласа, уни ўрни билан ўзгартириб турса, ҳам педагогик, ҳам психологик жиҳатдан тўғри бўлади.

Нутқ техникасида диқция масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади. Ҳар бир товуш, сўзнинг тўғри ва аниқ талаффуз қилиниши, нутқ оқимида сўз шакллари ва гапларнинг "чайнал-

маслиги", айниқса, ўқитувчи нутқи учун жиддий талаблардандир. Таассуфки, баъзан ўқитувчилар нутқида ҳам дикция ноаниқлиги билан боғлиқ нуқсонлар кузатилади. Масалан, баъзан "з" товушини жарангсиз "с" товушига мойил тарзда талаффуз қилиш учрайди: *сиз* – *сис*, *эшитгингиз* – *эшитгингис* каби. Бу ва бу сингари нуқсонлар нутқ товушларининг ҳосил бўлиш ўринларини яхши билмаслик ва артикуляцион аппарат (товуш ҳосил қилишда иштирок этадиган нутқ аъзолари)нинг етарли даражада фаол эмаслиги натижасида пайдо бўлади. Нотўғри ёки ноаниқ талаффуз қилинадиган товушнинг ҳосил бўлишида иштирок этадиган нутқ аъзоларининг фаоллигини ошириш йўли билан киши нутқидаги ана шундай дикцион хатоларни тузатиш мумкин. Бунинг учун хилма-хил машқлар яхши ёрдам беради. Масалан, турли тез айтишлар, мақол ва маталлар, турли мазмундаги матнларни мунтазам овоз чиқариб такрорлаш ана шундай машқларнинг бир кўринишидир.

Умуман, ўқитувчи ўзининг нутқ техникасини такомиллаштириш борасида доимий қайғуриши, фонетика, фонологияга оид билимлардан умумий тарзда бўлса-да, хабардор бўлиши, керак бўлганда, ўз нутқидаги нуқсонларни барта раф этишга ёрдам берадиган машқлардан муттасил фойдаланиб бориши мақсадга мувофиқ. Чунки тугал нутқ техникасисиз ўқитувчининг, ҳар бир нутқ тузувчининг оғзаки нутқи маданиятини асло расо деб бўлмайд.

А д а б и ё т л а р :

1. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: "Шарқ", 1997. 64 б.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: "Ўзбекистон", 2000. 80 б.
3. Она тили — давлат тили. Тошкент: "Адолат", 2004. 80 б.
4. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент: "Ўқитувчи", 1992. 160 б.
5. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. 1-қисм. Тошкент: "Наврўз", 1997. 95 б.
6. Бегматов Э. Ўзбек адабий тилининг мустақиллик даври ривожига доир //"Ўзбек тили ва адабиёти", 2006, №4, 3 — 9-бетлар.
7. Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: "Талқин", 2005. 272 б.
8. Жумаҳўжа Н.А. Истиқлол ва она тилимиз. Тошкент: "Шарқ", 1998. 160 б.
9. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. Тошкент: "Маънавият", 2002. 80 б.
10. Кайковус. Қобуснома. Тўлдирилган 2-нашри. Тошкент: "Истиқлол", 1994. 173 б.
11. Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари. Тошкент: "Маънавият", 1999. 64 б.
12. Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. 14-том. Тошкент: Ф.Фулум номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. 272 б.
13. Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. Тошкент: "Маънавият", 2003. 112 б.
14. Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш масалалари (Ўзбек тили 5-доимий анжумани тезислари). Тошкент: "Шарқ", 1999. 256 б.
15. Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. Тошкент: "Маънавият", 2006. 336.
16. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Тошкент: "Ўқитувчи", 1992. 160 б.

М у н д а р и ж а

Кириш	3
“Ўқитувчи нутқи маданияти” курсининг мундарижаси, мақсади ва вазифалари	18
Нутқ маданияти ва бошқа фанлар.....	34
Маданий нутқнинг асосий коммуникатив сифатлари...	42
Нутқнинг тўғрилиги.....	42
Нутқнинг аниқлиги.....	89
Нутқнинг мантиқийлиги.....	116
Нутқнинг софлиги.....	131
Нутқнинг бойлиги.....	147
Нутқнинг жўялилиги.....	157
Нутқнинг ифодалилиги.....	163
Ўқитувчининг нутқ техникаси.....	177
Адабиётлар.....	184

74p
M37

Маҳмудов Низомиддин.

Ўқитувчи нутқи маданияти: талабалар учун дарслик/ Н.Маҳмудов; Масъул муҳаррир А.Умаров; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. — Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. — 188 бет. — Б.ц

**ББК 74 p
81.2Узб-5**

№ 693-2007/1135

Низомиддин МАҲМУДОВ

Ўқитувчи нутқи маданияти

*Бакалавриатнинг “Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани”
билим соҳаси талабалари учун дарслик*

Муҳаррир *Шукур Қурбон*
Бадий ва техник муҳаррир *Рустам Исакулов*
Мусаҳҳиҳ *Зулфия Жалилова*
Муҳаматжон Турдиев



Босишга 23.03.2009 йилда рухсат этилди.
Бичими 64 x 84 1/32. Босма табағи 11,75 Адади 3000 нусха
Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 124

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Истиқлол кўчаси, 31 уй.

